

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси
Абу Райхон Беруний номли Тошкент Давлат Техника
университети

З. ЧОРИЕВ

ТАРИХ
АТАМАЛАРИНИНГ

ҚИСҚАЧА ИЗОХЛИ
ЛУҒАТИ

Тўлдирилган иккинчи нашри



“Академия” нашриёти
Тошкент
2002

Масъул мухаррир: Тарих фанлари доктори,
профессор Ш.Воҳидов

Тақризчилар: Тарих фанлари доктори,
профессор А. Саъдуллаев
Тарих фанлари доктори,
профессор Ш. Махмудбеков
Тарих фанлари номзоди,
доцент Ў. Мавлонов
Тарих фанлари номзоди,
доцент Я. Ғаффоров

КИРИШ

“Маърифат ва билимдонлик жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб коладиган ягона куч”

И.А.Каримов

Ўзбекистон XXI асрга дадил кириб бораётган бир даврда, мамлакатимиз ва ҳалқимиз ҳаётида туб ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Улар туфайли маънавий меросга, кўхна ва бой тарихимизга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг натижасида маънавий, маърифий ва маданий ҳаётимизда улкан ютуклар қўлга киритилмоқда. Кенг қамровли ислоҳотлар даврида ҳалқимизнинг тарихий хотираси, унинг улугвор шукухи яратувчанлик фаолиятини улкан кучга айлантириди.

Ҳалқимизни ислоҳотларга, яъники янги ҳаёт, янги орзу-истакларга ундаган куч бой тарихий, маънавий меросимиздир. Улуғ аждодларимизнинг бизга қилган васияти, чинакам инсоний даъвати асрий билим манбаларида мужассам бўлган. Билим ўчоғи, ақл чироғи бу китобдир.

Мазкур “Тарихий атамаларнинг қисқача изоҳли лугати” қайта ишланиб, тўлдирилган иккинчи нашр бўлиб, у асосан ўзбек ҳалқи тарихи ва маданиятига оид ёзма манбалар асосида тузилган. Унда ҳалқимиз тарихининг қадимги, ўрта асрлар ва янги замон даврида кўплаб учрайдиган, аммо бугунги кунда кам қўлланилаётган тарихий сўзларнинг асл маъносини имкон даражасида изоҳлаб бериш ва шу орқали манбаларни китобхонлар томонидан ўқилишини енгиллаштириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Биринчи нашр жами 1097 та сўзни қамраб олган бўлса, иккинчи нашрда 4 мингга яқин сўзга изоҳ берилган.

Мазкур изоҳли лугатни тайёрлашда “Ўзбек тили изоҳли лугати” (Тошкент, 1981 й.), “Фарҳанги забони тожики” (М.,1968 й.), Будаговнинг “Сравнительный словарь турецкого языка” (М., 1961 й.), Барановнинг “Арабско-русский словарь” (М.,1985 й.), “Ўзбекистон энциклопедияси”, “Қисқача сиёсий лугат” (Т., 1975 й.) ҳамда Б.Аҳмедовнинг “Тарихдан қисқача изоҳли лугат” (Т., 1977 й.), Ж.Бекмуҳаммединг “Тарих терминларининг изоҳли лугати” (1986 й.), “Ислом” справочники (1989 й.) ҳамда Ўрта Осиё ҳалқлари тарихи учун муҳим ҳисобланган араб, форс ва

туркий тилда битилган манбалардан ва нашр этилган адабиётлардан кенг фойдаланилди.

Лугатдаги атамалар алифбо тартибida берилиб, лугатдаги барча атамаларга изоҳ берилишидан олдин, тарихий атамадан сўнг қавс ичидаги унинг этимологиясига, яъни келиб чиқишига, кайси тилдан ўзлаштирилганлигига оид маълумот берилган. Масалан, Арбоб (ар.)...

Куйидаги кискартмалар эса атаманинг (ф.-т)-форс-тожик, (ар.)-арабча, (т.)-туркий, (т.-м.)-туркий-муғулий, (м.)-муғулча, (х.)-хиндча, (суғд.)-суғдча, (р.)-русча, (юн.)-юнонча тилда эканлигини англатади. Этимологияси номаълум бўлган сўз муқобилига-? белгиси қўйилган.

Хозирги ўзбек халқи шаклланиши жараёнида иштирок этган, яъни унинг этник таркибига кирган барча туркий ва бошқа қабила-уруғ, элатлар тилларига оид бўлган барча атамаларнинг (сўзларнинг) этимологик маълумотига эса ягона “туркий” (т.) деб маълумот берилди. Масалан, ... Ўзбек тилига бошқа тиллардан рус тили орқали кириб келиб колган сўзларнинг асоси қуйидагича қўрсатилади. Масалан, Адмирал (р.<а.) (Аслида Амир ал баҳр). Агар ясама ёки қўшма сўз бирикмаларининг таркибий қисмлари бошқа-бошқа тилларга мансуб бўлса, унда уларнинг этимологик маълумотлари қуйидаги таркибда берилди. Масалан, Ватангадо (ар.+ф.-т.) (ватан - ар. гадо - ф.т.).

Тарихий воқеа (ходиса), шахар, давлат ёхуд тарихий географик жойлар, худудлар, этник жараён, этник қатламлар, уруғлар, қабилаларга оид атамаларни келиб чиқиши нуктаи назаридан эмас, балким тарихийлиги нуктаи назаридан қараб, унинг этимологиясини шартли равишда бермасдан, унинг ўрнига “тарихий” (тар.) деб белги қўйдик. Масалан: Аршакийлар (тар.)... Ватанимиз тарихи билан тарихий асарлар ва манбаларни ўқиб-мутоола қилишда енгиллик түгдериш ва уни ўзлаштиришни осонлаштириш учун ҳар бир тарихий атама ва сўзларнинг маъносини кисқа ва аниқ изоҳ билан ифода этишга харакат қилиши.

Ушбу нашрни яратишда биринчи нашр бўйича билдирилган кенг жамоатчилик фикри, мутахассислар таклифи инобатга олинди.

Муаллиф мазкур “Тарих атамаларининг кисқача изоҳли лугати” китоби бўйича ҳар қандай фикр-мулоҳаза ва таклифларни Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига юборишингизни сўрайди.

Муаллиф.

A

АББОСИЙЛАР (ар.) (тар.) – араб халифалари сулоласи бўлиб (749-1258 йй.),, бу сулолага Мухаммад Пайгамбарнинг амакиваччаси Абу-ул Аббос ас-Саффоҳ (749-754 йй.) асос солган. Аббосийлар сулоласи беш аср, яъни 749 йилдан 1258 йилгacha хукм сурган. Аббосийлар сулоласи вакили халифа Ал-Мансур (754-775 йй.) халифалик пойтахтини Дамашқдан Бағдодга кўчирган. Халифалардан Маҳдий (775-785 йй.), Хорун ар-Рашид (786-809 йй.), Амин (809-813 йй.), Маъмун (813-833 йй.), Мұтасим (833-842 йй.) даврида Араб халифалиги ниҳоятда қурратли давлатга айланган. Аббосийлардан 38 киши халифа бўлган.

АБГОР (ф-т) – ёмон ахволга тушиб қолган; ночор, хароб.

АБДОЛ (а) – художўй, диндор.

АБДОЛВАШ (а+ф-т) – қаландарсифат, содда.

АБЖАД (ар.) – араб алифбосининг сирасини кўрсатувчи саккизта уйдирма сўзнинг (абжад, ҳаваз, ҳутти, қаламан, съ-фас, карашат, саххаз, зазағ) биринчиси. Бу сўзларда ҳар бир ҳарфнинг қиймати бор, *масалан*, алиф-1, бо-2, те-3, дол-4, ҳ.-6, вов-7, зе-8 ва ҳ. Ўрта аср олимлари юз берган бирон ҳодиса, бино қурилиши, машхур кишиларнинг туғилиши ва вафоти тарихини ёзишда бу ҳисобдан фойдалангандар.

АБЖИР (т.) – оёқ-кўли тез, эпчил, чақкон.

АБЗАЛ (ф.-т.) - от-уловни эгарлаш ёки аравага қўшиш учун зарур асбоблар мажмуи.

АБРБАНД (ф.-т.) – Ўрта Осиё ҳонликларида атлас ва шойи тандасига маҳсус усулда гул солиб бўяб берувчи уста, нақкош.

АБРБАНДХОНА (ф.-т.) – атлас ва шойи тандаларини бўяй-диган корхонанинг абрбанд-уста ишлайдиган бўлими.

АБРИЙ (ф.-т.) - коғознинг бир тури.

АБУ (ар.) – 1. Ота маъносини билдирувчи арабча сўз. *Масалан*, Абу Али - Алининг отаси, Абу Одил - Одилнинг отаси ва хоказо; 2. Подшоҳлар, машхур шахслар исми олдига “Абу” қўйиб юритил-

ган. Бу куня дейилади. Куня – шажарани билдирадиган от. Куня “Абу” билан хам, “ибн” билан хам берилади.

“Абу” билан келган исм шахснинг отаси эканлигини, “ибн” билан келган исм эса шахснинг ўғли эканлигини билдиради.

АБУЛБАШАР (ар.) – башарият отаси, Одамато лақаби.

АБҲАР (ф.-т.) (тар.) – Хуросоннинг қадимги номи.

АВАНФОР (т.-м.) – аслида, боронгор, яъни қўшиннинг ўнг қаноти. Қадимий турклар лашкарнинг ўнг қанотини Алинжаҳон замонида шундай атаганлар.

АВАХТА (нем.) – чор Россияси Ўрта Осиё хонликлари худидини босиб олиб, Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилгандан кейинги даврда чор маъмурлари томонидан Туркистон ўлкасида озодликдан маҳрум этилган шахсларни саклаш учун ташкил этилган ва шу мақсадда маҳсус жихозланган жой, қамоқхона.

АВАҒА (т.) – ўрта асрларда Ўрта Осиё худудларида отанинг акаси ёки укаси, амаки аваға деб аталган (жиянларга нисбатан). Шунингдек, узок қариндош ва чатишган қариндошларга нисбатан хам шу ибора қўлланилган.

АВБОШ (ф.-т.) – 1. Бебош, дайди, безори; 2. Тарихий манбаларда ўз ҳак-хукуқини химоя қилиб кўчага чикқан меҳнаткаш ҳалқ хам шу ном билан аталган.

АВЕСТО (тар.) – зардуштийлик динининг муқаддас китоби. “Авесто” жуда қадимий китоб бўлиб, унинг ибтидоий қисми милоддан аввалги, яъни қарийб икки минг йил аввал вужудга келган.

Ўрта Осиё Зардуштийлик динининг ватанларидан бири хисобланган. “Авесто”да Хоразм, Бактрия, Марғиёна, Сўғдиёна сингари давлатлар ва тарихий маданият ўчоклари тўғрисида кўплаб кимматли маълумотлар мавжуд. Манбаларда айтилишича, “Авесто” 21 қисмдан иборат бўлган. Катта “Авесто”дан айрим мухим оятлар танлаб олиниб, “Кичик Авесто” яратилган.

“Авесто” Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон каби мамлакатлар табиати ва ҳалкларининг қадимги даврларини ўрганишда энг мухим манба хисобланади.

АВЛИЁ (ар.) - 1. Валийлик мартабаси, шайх, ориф ва пирнинг мақоми; 2. Ислом динида Оллоҳга яқин киши, Оллоҳ-

нинг дўсти, ҳомий, “бандаларнинг ҳомийси” маъноларини билдиради. Авлий гўё худонинг алоҳида илтифотидан баҳра олиб, илохий құдратга эга бўлган, одамларнинг ҳаётига, турмушкига таъсир кўрсата оладиган киши хисобланган. Мана шунинг учун ҳам мусулмонлар авлиёларнинг мозорларига сифинишган ва улардан мадад сўрашган.

АВЛИЁ ОТА (тар.) - ҳозирги Жамбул шаҳрининг номи. Қадимги даврда у Тароз шаҳри номи билан аталган.

АВЛОД (ар.) – бир аждоддан тарқалган кишилар. Авлод ота ва она авлодларига бўлинади. Ота авлодига амаки-амакиваччалар, аммааммаваччалар, aka-укалар ва улардан тарқалган кейинги насл киради. Она авлодига эса тога-тогаваччалар, хола-холаваччалар ва улардан тарқалган кейинги насл киради.

Шунингдек, ушбу атама маълум бир даврда яшаган кишиларга нисбатан ҳам кўлланилади. *Масалан:* ёш авлод.

АВОМ (ар.) - 1. феодал жамиятида пастки табакаларга мансуб бўлган кишилар, оддий ҳалқ оммаси; 2. Шунингдек, ўқимаган, билимсиз киши маъносини билдирувчи сўз сифатида ҳам қўлланилган. *Масалан:* авом одам.

АВОРИЖА (ар.) – солик олинадиган жойларнинг рўйхати. Бу атама айниқса сосонийлар даврида ниҳоятда машхур бўлган. XVII-XVIII асрларда Бухоро хонлигига солик тўлайдиган жойларнинг рўйхати ҳам шу ном билан юритилган.

АВОРИЗОТ (ар.) - солик тури.

1. XIII асрдан бошлаб Ўрта Осиёда мавжуд бўлиб, ер эгаси ёки ҳокимнинг хўжалигига ишлаб бериш мажбурияти хисобланган; 2. XIX аср - XX аср бошида Бухоро амирлигига ушбу солик тури фавқулодда ҳарбий холат учун олинган.

АВРАНГБАРДОР (ф.-т.) – хон ва амирларнинг хизматкорларидан бири бўлиб, ҳарбий юриш пайтида хон ёки амир ёнида юрадиган киши. Аврангбардорнинг вазифаси таҳти равон, яъни кўчма таҳтни олиб юришдан иборат бўлган. Аврангбардорлик лавозими тўғрисидаги маълумотлар XVIII аср манба-ларида, жумладан, “Мажмаъ ал-арқом”да тилга олинади.

АВРА, АБРА (ф.-т.) - 1. Кийим ёки кўрпа, кўрпача каби нарсаларнинг ташқи, яъни сиртқи қавати; 2. Ёстикнинг жилди.

АВРОҚЧИ (т.) - 1. Гипнозчи, кўзбоғловчи; 2. Алдокчи, йўлдан оздирувчи.

АВСАТ (ар.) - Ўрта Осиё хонликлари ҳудудидаги мадраса талабаларининг ўрта гурухи.

АВТОД (ар.) – 1. Қозик, таянч; 2. Сўфий ва муриднинг маърифат макомидаги даражаси.

АДАД (ар.) - сон, ракам, номер терминларининг Ўзбекистонда XX асрнинг 30-йилларигача кўпроқ ишлатилган шакли. “Адад” дона маъносида ҳам юритилади. *Масалан:* Беш адад китоб олдим, яъни беш дона китоб олдим.

АДАШ (?) - отдош; бир хил исмли шахслар.

АДДОЙЙ (ар.) - дуо қилувчи, яхшилик тиловчи; мактуб охирида имзодан олдин ишлатилган сўз.

АДИП (т.) - кўрпа, тўн ва шу кабиларнинг атрофига тутилган энсиз материал; мағиз, паровуз тикмок.

АДИПЛАМОҚ (т.) - четига адип тутмок, паровуз тикмок.

АДИР (т.) - тепалик ерлар; баландлик; қир.

АДМИРАЛ (р.>а.) - аслида арабчада амир ал-баҳр; ҳарбий унвон.

АДНО (ар.) - мадраса талабаларининг бошланғич гурухи. Мадраса талабаларининг авсат (ўрта) ва аъло (олий) гурухлари ҳам бўлган.

АДРО (?) - Хива хонлигига экишга тайёрланмай бўш ётган ер (бир таноб).

АЖАМ (ар.) - араблар ўзлари босиб олган ҳудудлардаги бошқа халқларни, жумладан, Яқин, Ўрта Шарқ ҳамда Ўрта Осиё халқларини шундай атаганлар.

Араблар яшайдиган ерлардан бошқа мамлакатлар, хусусан, Эрон ва Турон давлатлари ҳам “Мулки ажам” номи билан юритилган.

АЖАМ ПОДШОЛАРИ (ар.) - араб бўлмаган мамлакатлар (Эрон ва бошк.)нинг подшолари.

АЖАРЧИ (т.-м.) - аникроги, ғажарчи, лашкарга йўл кўрсатиб борувчи.

АЖДОД (ар.) - Ўрта Осиё халқларида шахснинг илгари ўтган ота-боболари деган маънони англатади.

АЖНАБИЙ (ар.) - 1. Чет элларга ёки чет элликларга оид, хорижий; 2. Чет эл фуқароси, хориж одами.

АЖРИМ (т.) - суд ташкилотлари чиқарадиган хужжат; икки томонни келиштирув қарори.

АЗ (тар.) - қадимий туркий қабилалардан бирининг номи. Азларнинг илк аждодлари Олтой ва Саян тог олди минтақаларида, Тува худудида яшаб төле қабила иттифоқи таркибида бўлган. Уларнинг бир гурухи Чу дарё водийсига келиб ўрнашиб туркешлар, кейинчалик қарлуклар таркибида бўладилар. Азларнинг бир гурухи Сирдарёнинг қуи оқимларига, Орол денгизининг шимоли-гарбий минтақаларига бориб ўрнашадилар. Азларнинг салмоқли бир гурухи Ўзган шаҳрида ва унинг атрофларида яшаганлар. Еттисувда жойлашиб қолган азлар VIII-X асрларда ва ундан кейинги асрларда ўзбек халқининг этногенетик жараёнида бевосита катнашадилар. Азларнинг бир гурухи қадимги юртларида - Олтой ва Саян тог олди минтақаларида қолиб, Олтой, теленгит, төле ва тува халқлари таркибига кирган.

АЗА (ар.) - 1. Аёлларнинг мархум уйида йиги билан ўтказида-диган мотам маросими; 2. Мотам, таъзия.

АЗЛ (ар.) - буйруққа биноан шахсларни мансаб ва лавозимларидан бўшатиш, озод килиш.

АЗОН (ар.) - Исломда ҳар куни беш маҳал ўқиладиган намоз вақтини эълон қилиш ва унга даъват қилиш. Намозга ҳар бир масжидда маҳсус киши – муаззин томонидан аzon айтиб чакирилади.

АЗОНЧИ (ар.) – муаззин, сўфи.

АЗРОИЛ (ар.) - диний ақидаларга кўра одамлар жонини оладиган фаришта; ажал фариштаси.

АЙБАКИ (ар.+ф.-т.) - мол терисидан ишланган сифати жуда паст жўн чарм.

АЙБОНА (ар.+ф.-т.) - етказилган зарап ёки бошқа бирор важдан тўланадиган жарима; товон.

АЙВОН (ар.) - қўпинча уч томони берк, олди очик хона.

АЙЁМ (ар.) - байрам куни.

АЙИЛ (т.) - эгарнинг усти билан отнинг қорнидан айлантириб боғланадиган түқали қайиш.

АЙМОҚ (т.-м.) - ўрта аср мұғулларида бир худудда яшовчи, бир-бирига қариндош оилалар бирлашмаси аймоқ дейилган. Ўрта асрларда туркій халқларда ҳам бир неча қабила ёки уруг бирлашмаси аймоқ деб аталған. Бу атама ҳозир ҳам ўз уруғларини яхши билған ўзбек халқи ичида кенг құлланилади.

АЙМОҚЛАР (тар.) - ҳозир Афғонистонда яшовчи бир қанча туркій қабила ва уруғларнинг умумий номи. Аймоқлар XV-XVI асрларда Фарғона водийсида, Қашқадарё вилояти худудида яшаганлар.

Асрлар ўтиши билан аймоқлар ўзбеклар таркибига кирған, уларнинг аксарият қисми ўз қабила номларини унтутиб юборғанлар ва фақат Қашқадарё вилоятидаги маълум бир кичик қисми ўз қабиласи номини саклаб қолғанлар.

АЙРИ (т.) - иккига тармокланган, икки шохчали таёқ ёки асобоб.

АЙРИТОМ (тар.) - эр. ав. II аср - эрамизнинг III асирида мавжуд бўлган манзилгоҳ. Ҳозирги Термиз шахридан 20 км шарқрокда, Амударёнинг ўнг тарафида жойлашган. Археолог олимлар томонидан 1932 йилдан бошлиб ўрганилиб келинмоқда. Йирик будда ибодатхонаси қазиб очилган. У ердан топилған арфа чалиб турган аёл хайкали айниқса машхур.

АЙРОН (т.) - қатикқа сув қўшиб, шопириб тайёрланадиган ичимлик.

АЙШ (ар.) - 1. Ҳузур-халоват, роҳат-фарогат; 2. Кайф-сафо, майхўрлик, ишрат.

АЙШГОХ (ар + ф.-т.) - айш-ишрат, кайф-сафо жойи, ишратхона.

АЙФИР (т.) - зотли эркак от.

АЙФОҚЧИ (т.-м.) - ўрта асрларда Ўрта Осиё худудларида, асосан, ҳарбий атама сифатида қўлланилған бўлиб, қўшиннинг маълумот олиб келувчи даракчилари ҳамда қўшиннинг даракчи бўлимлари маъносида кенг қўлланилған. Шунингдек, ушбу атама-

нинг ёлғон гап ёйувчи, игво, тухмат қилиб кун кўрувчи шахс маъносида ҳам қўлланилгани маълум.

АКБАР (ар.) - буюк, улкан, катта.

АКОБИР (ар.) - ўрта асрларда Ўрта Осиё худудида юкори мартабали, давлатманд киши, улуғ зотга нисбатан қўлланилган атама.

АЛАМ (ар.) - 1. Байрок, түғ; 2. Дин. Азиз авлиёлар дафн этилган мозорга сигинувчилар томонидан шу мозорга боғланган латта.

АЛАМДОР (ар.+ф.-т.) - байрок, түғ кўтарувчи; байроқдор.

АЛОЧА (т.) - қўлда тўқилган йўл—йўл ип ёки жун мато.

АЛОЧАБОФ (т.) - алоча тўкувчи уста.

АЛЁР (асли олло+ёр) (т.) - 1. Зиёфат ва шу кабиларда қадаҳ кўтариш олдидан айтиладиган сўз ёки қўшик; 2. Бола айтиладиган ёки унга карата айтиладиган қўшик.

АЛЁРЧИ (т.) - алёр айтuvчи, алёр айтишга уста одам.

АЛАФ ПУЛИ (ар.ф.-т.) - Ўрта Осиё хонликларида яйлов, бедазорлардан олинадиган солик.

АЛИФ (ар.) - араб алфавитининг биринчи ҳарфи ва унинг номи.

АЛИШ (т.) - 1. Сув айиргич, икки ёки бир неча дарёни бирбиридан ажратиб турувчи баландлик; 2. Тўғон.

АЛЛА (т.) - гўдакни ухлатиш пайтида куйлаб айтиладиган қўшик.

АЛЛОМА (ар.) - Ўрта Осиё ҳалқларида илм-фаннынг бир ёки бир неча соҳасини мукаммал эгаллаган киши, билимдон шахс.

АЛЛОФ (ар.) - ун, буғдой савдоси билан шуғулланувчи савдогар.

АЛЪАМОН (ар.) - жангда таслим бўлган томоннинг омонлик сўраб қиласиган хитоби, мурожаати.

АМАЛДОР (ар.+ф.-т.) - 1. Амал эгаси, яъни мансабдор, лавозимли шахсга нисбатан ишлатилади; 2. Баъзан салбий маънода расмиятчи бошликларга нисбатан пичинг маъносида ҳам ишлатилади.

АМАЛДОРИ МЕХМОНХОНА (ар.+ф.-т.) – Бухоро амирлигига амир қабулхонасида ишловчи мансабдор.

АМИН (ар.) - 1. Бухоро амирлигига туман ёки қишлоқ оқсоқоли; 2. Бозорда сотувчилардан солиқ ундирувчи мансабдор; 3. Чоризм даврида Фарғона водийси, Самарқанд, Каттакўргон уездларининг айрим волостларида халқ томонидан сайланиб бир ёки бир неча кичик қишлоқни бошқарувчи амалдор. Бухоро амирлигига амин амлокдорга, Туркистон ҳарбий губернаторлигига эса волост бошлигига итоат этган.

АМИНОНА (ар.+ф.-т.) - Бухоро амирлиги худудида, Самарқанд ва Фарғона бозорларида XVIII-XX аср бошларида чорва ва озиқ-овқат молларини сотувчи кишилардан ундириладиган маҳсус бозор ҳақи. Шунингдек, Ўрта Осиё худудидаги аминлар фойдасига йиғиб олинадиган солиқ ҳам аминона дейилган.

АМИР (ар.) - Ислом дини қабул қилингунга қадар арабларда амир сўзи қабила бошлиғи, ҳарбий бошлиқ деган маъноларни билдириган. Араблар кўп жойларни босиб олиб, ўз динларига ўтказгандан сўнг Араб халифалигига қарам бўлган мамлакатларни бошқариш учун тайинланган ҳокимни, қўшин кўмондони ва йирик лашкарбошиларни амир деб аташган.

Мўғуллар истилосидан сўнг Олтин Ўрдада, кейин Ўрта Осиё ва Эронда мўғул ҳамда турк қабилалари бирлашмаси – улус бошлигининг унвони ҳам амир деб аталган. Соҳибқирон Темурнинг унвони ҳам амир бўлиб, тарихда Амир Темур деб юритилган. XVIII аср охиридан бошлаб, Бухорода мангит сулоласига мансуб бўлган хукмдорлар ҳам ўзларини амирлар деб юритишган.

АМИР АЛ-МЎМИНИН (ар.) - мўминларнинг хукмдори. Илк ислом даврида халифаларнинг кенг кўлланилган унвони. Бу унвонни дастлаб халифа Умар олган. Кейинги барча халифалар ҳам шу унвон билан юритилган.

АМИРЛИК (ар.+т.) - мусулмон мамлакатларида амир томонидан бошқарилган мамлакат. XVIII асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Бухоро хонлиги Бухоро амирлиги деб юритилган.

АМИР УЛ-УМАРО (ар.) - амирлар амири, олий амир деган маънони англатган. Олтин Ўрда, Чигатой улусида бутун ҳарбий ишлар унинг тасарруфида бўлган. Бундан ташқари, Амир ул-Умарога хукуматнинг барча бош ижроия идоралари ҳам бўйсунган.

Амир Темур ва темурийлар даврида амир ул-умаро фақат олий бош қўмондон, айрим ҳолларда, хукмдорнинг худойчиси бўлган.

АМИРИ ШИКОР (МИРИ ШИКОР) (ар.+ф.-т.) – ов бошлиғи ёки сохиби. XV-XVI асрларда кўчманчи ўзбек хонлари даврида мавжуд бўлган давлат мансабларидан бири. Бу мансабни олган амирлар зодагонлар хаётида, айникса, хонлар ва султонлар хаётида муҳим бўлган хон овини ташкил қиласалар.

АМИРИ ЛАШКАР (ар.ф.-т.) - Темурийлар давлатида кенг тарқалган энг юкори олий ҳарбий унвон. *Каранг:* Амир ул-умаро.

АМЛОК (ар.) – 1. XVI-XX аср бошларида қадар Ўрта Осиё хонликларида мавжуд бўлган давлатга қарашли ер эгалиги; мулклар, ер -сув, киши тасарруфидаги нарса ва буюмлар амлок дейилган; 2. Бухоро амирлигига соликни тақсимлаш бирлиги хисобланган; 3. XVI-XX аср бошларида Бухоро ва Қўкон хонликларида мавжуд бўлган ер эгалигининг бир тури бўлиб, давлат олдидаги хизматлари учун шаҳзодалар, лашкарбошилар ва амалдорларга инъом қилинган ер -сув амлок дейилган.

АМЛОКДОР (ар.+ф.-т.) - Бухоро амирлигига қарашли энг кичик бўлинма – амлокни бошқарувчи киши. Амлокдор бой табака вакилларидан бўлиб, бек томонидан тайинланган. Амлокдорга бир неча қишлоқ қарам бўлган. Амлокдор қўлида котиб, мироб, амин, оқсоқоллар хизмат қилганлар. Амлокдорлар ўз ерларини дехқонларга ижарага берганлар. Амлокдорлар хирож йиғиш, дехқонлар етиштирган хосилни ҳисобга олиш, солик тўламаганларни жазолаш, жарима солиш каби ишлар билан шугулланганлар.

АМЛОКДОРХОНА (ар.ф.-т.) - Бухоро амирлигига ахолига амлок солиш ва уни ундириш билан шугулланувчи амлокдорнинг маҳкамаси.

АМЛОК ЕРЛАР (ар.) - Бухоро амирлигига мавжуд бўлган ер мулкининг асосий шакли. Амлок ерлар амир ихтиёрида бўлиб, дехқончилик қилиш учун айрим кишиларга берилар эди. Амлок ерларга эккан дехқонлар давлатга феодал рентаси – хирож ва бошқа соликлар, йиғимлар тўлаганлар.

АМРИ МАЪРУФ (ар.) – Ислом анъанасида (ханафия мазҳабида) ҳар бир мусулмонга моҳиятан тарғибот вазифасини юклайдиган ақидавий таълимот. Бунга кўра, ҳар бир мусулмон учун ўз фарзандлари ва яқинларини исломга ўргатиш, диний йўлга

киритиш мажбурийдир деб хисобланган. Оддий халқ тилида “на-сихат қилиш” маъносида ҳам ишлатилади.

АММА (ар.) - отанинг опаси ёки синглиси (жиянларга нисбатан).

АММАВАЧЧА (а.+ф.-т.) - опа-сингилларнинг ўғил-қизла-ри (тоғаларнинг фарзандига нисбатан).

АМОМА (ар.) - салла.

AMP (ар.) - 1. Буйрук, фармойиш, фармон. *Амр бермок*, буюрмок, буйрук қимлок, фармон бермок; 2. Ихтиёр, изм.

АМУДАРЁ ХАЗИНАСИ (тар.) - эр. ав V-III асрларга оид 200 дан ортиқ олтин ва кумушдан ясалган буюмлар мажмуаси (хайкалчалар, идишлар, билакузуклар, тангалар, узуклар, одамлар ва ҳайвонлар расми тасвиirlанган пулакчалар). У баъзи манбаларда “Окс хазинаси” деб ҳам аталган. Амударё хазинаси 1877 йили Амударёнинг шимолий қисмida Қободиён (жанубий Тожикистон) вилояти ҳудудидан эски шаҳар ҳаробаларидан топилган. Турли саргузаштлар орқали ушбу хазина Раволпинди ҳудудига келиб қолган. Ушбу хазинанинг катта бир қисми Хиндистонда археология хизмати раҳбари генерал-майор Каннингхэм ва Британия музейининг қадимги давр бўлими мутасаддиси О.Фрэнкс томонидан сотиб олинган. 1896 йили О.Фрэнкс васиятига биноан барча буюмлар Британия музейига топширилган.

АМУЛ (тар.) - IX-X асрларда хозирги Чоржўй шахри шундай аталган.

АМФИТЕАТР (р>грек) - 1. Қадимги Греция ва Римда томошалар кўрсатиладиган очик бино ва унинг зинапояга ўхшаб кўтарилиб борадиган ўриндиклари; 2. Хозирги замон театрларида партердан кейинги, юқорига кўтарилиб борадиган ўриндиклар, шунингдек, залнинг шу ўриндиклар жойлашган қисми.

АНБАР (ар.) – эркаклар тобутининг тўрт бурчагига тик қоқилган таёкларга ўралга ғазлама, сурп, шунингдек, аёллар тобутининг тепасига ишком тарзила эгиб ўрнатилган тол ёғочлари устига ёпилган малла бўз.

АНБАРАФШОН (ар.+ф.-т.) – анбар хид сочувчи; хушбўй, муаттар.

АНБИЁ (ар.) – “пайғамбарлар” деган маънони англатади.

АНБИЁИ ИЗОМ (ар.) – “улуг пайғамбарлар” деган маънони англатади.

АНГОР (АНГОРА) (ф.-т) – қадимий даврлардаги майдон ўлчови. Одатда, атрофи уват билан ўралган яхлит экин майдони бир ангор дейилган. Шунингдек, ўрта асрларда ва кисман хозирги кунда ҳам хосили йигиб олинган экинзор, масалан, буғдойзор, арпапоя ҳам ангора деб аталган.

АНГИШВОНА (ф.-т) – иш тикишда бармоқ учига кийдириладиган металл буюм.

АНДА (мұғ.) - тутиңган ака-ука дегани.

АНДИ (т.) - 1. бошка жойдан келиб ўрнашиб қолган; келгинді; 2. таги, зоти паст.

АНЖУМАН (ф.-т.) – кенг доирада ўтказиладиган йигин, йиғилиш, кенгаш ва мажлислар.

АНКАБУТ (?) - сўзма-сўз маъноси-ўргимчак; Ўрта асрларда Ўрта Осиёда астрономия асбобларидан бири шу ном билан аталган.

АНСОРЛАР (ар.) – Ислом тарихида 622 йилда Маккадан Мадинага күчіб келган мусулмонларга ва уларнинг Пайғамбари Расууллоҳ Мухаммад саллаллоҳу алайхи васалламга ёрдам берган ва ислом динини қабул қилган мадиналик авс ва ҳазраж қабиляларининг аъзоларига нисбатан қўлланилган ном. Ансорлар Маккадан күчіб келган мухожирлар билан бирга илк мусулмонлар жамоасини ташкил этган.

АН-СИ (тар.) (х.) - Ўрта Осиё худудида ташкил топган қадимги Парфия давлатининг (эр. ав. 250 - эрамизнинг 224 й) Хитой манбаларида номланиши.

АНТИОХ (тар.) - Салавкийлар сулоласига тааллукли ўн учта подшохнинг исми. Улар ичида Антиох I Сотер (эр.ав. 280-261 й.) ва Антиох III Буюқ энг машҳурлари бўлишган. Антиох I - салавк сулоласи асосчиси Селевк I ва суғд оқсоқоли Спитамен Апоманинг кизини ўғли бўлган.

АНТИКА (ар.>лот) – 1. Қадимдан қолган, қадимий; 2. Киншини ҳайратда колдирадиган, ажаблантирадиган; ажойиб, кизик, галати.

АНТОЛОГИЯ (р>грек.) - турли муаллифларнинг танланган асарлари (кўпинча шеърлари) тўплами; тазкира.

АНТРОПОЛОГ (р.) – антропология олими, мутахассиси.

АНТРОПОЛОГИЯ (р>грек.) – одамнинг биологик табиатини ўрганадиган фан.

АНЪАНА (ар.) – узок замонлардан бери авлоддан-авлодга, оталардан болаларга ўтиб давом этиб келган урф-одатлар, ахлок нормалари, карашлар ва шу кабилар.

АНФИЗ (т.) – 1. Экини ўриб-йигиб олинган ер майдони; 2. Экиннинг ўриб олингандан кейин тиккайиб қолган пояси.

АОДИЙ (ар.) – “душманлар” деган маънони англатади.

АР (р<фр<лат) – метрик системада юз квадрат метрга тенг ер ўлчов бирлиги, бир гектарнинг юздан бир кисми.

АРАБ РАҚАМЛАРИ – ўрта асрларда араблардан қабул қилинган ва хозирда жуда кенг тарқалган сон белгилари.

АРАБЛАР (тар.) – Осиёнинг Эрон кўрфази билан Ўрта денгиз, Кора денгиз ва Каспий денгиз орасидаги қисмида, шунингдек Шимолий Африкада яшовчи, семитик тиллардан бирида сўзлашувчи халқлар.

АРАВАКАШ (ар.+ф.-т.) – 1. От-арава билан юк ташувчи, арава минувчи, ҳайдовчи одам; 2. Аравага қўшиладиган, юк тортадиган.

АРАВАСОЗ (ар.+ф.-т.) – арава ясовчи уста.

АРАВОН, АРАБОН (тар.) – араблар, араблар хозирги Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани худудида истикомат қилишади. Улар 1300 йил илгари Ўрта Осиёга кўчиб келиб, ўтроклашиб, ўзбеклашиб кетган араблар авлодидир.

АРАФА (ар.) – 1. Рамазон ёки курбон ҳайитидан олдинги кун. *Ёлғон арафа* ҳайитдан олдинги иккинчи кун, индинига ҳайит деган кун. *Чин арафа* ҳайитдан олдинги кун, эртага ҳайит деган кун; 2. Байрам ёки бирор тантанали кундан олдинги кун.

АРАХОСИЯ (тар.) -у хозирги Қандахор худудларида бўлган қадимий тарихий-маданий вилоят (Шимолий Афғонистон) илмий маълумотларда яъни, Авестода у, “Хараҳвайти” дейилган.

АРБОБ (ар.) – XVIII-XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги қишлоқ ва шаҳарларда маҳалла бошлиги, оқсоқол, қишлоқ мираблари бошлиги арбоб деб аталган. Ҳозирги кунда ижтимоий-сийесий ҳаёт, маданият ва фан соҳасидаги машхур кишилар арбоб дейилади.

АРБОБИ ДАРУНИ ШАХР (ф.т.) - Бухоро амирлигига пойтахт шаҳар ичида жамоат ишлари, каналлар тозалиги, заҳ сувлардан тозалаш ишларига раҳбарлик қилувчи амалдор.

АРБОБОНА (ар.ф.-т.) – Бухоро амирлигига арбоблар фойдасига халқдан йигиб олинадиган солик.

АРДИШ (т.) (тар.) – Иртиш дарёси ва унинг теварак-атрофидаги ерлар.

АРЖУМАНД (ф.-т.) – азиз, қадрли, иззатли, хурматли, мӯътабар деган маъноларни англатади.

АРЗБЕГИ (ар.т.) - Амир Темур даврида даргоҳдаги муҳим вазифалардан бири. У даргоҳга арз-дод, шикоят билан келганлар ҳамда мамлакатда содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини билдирувчиларни қабул қилишни уюштириш, тушган ариза, шикоят, таклифномаларни олий ҳукмдорга етказиб туришга маъсул хисобланган.

АРЗГЎЙ (ар.+ф.-т.) – арз билан келган ёки мурожаат қилган киши.

АРЗНОМА (ар.+ф.-т.) – илтимоснома; ариза.

АРИЗАЧЎП (ар.+ф.-т.) – узунчок, ичи ғовак, чиройли ишланган, сирти нақшланган ёғоч гилоф. Бухоро, Хива ва Кўкон амалдорлари бир-бирига ёзган ариза, нома ва илтимосномаларини аризачўпда чопарлар орқали юборгандар.

АРИЗАНАВИС (ар.+ф.-т.) – одамларга қалам ҳақи бадалига ариза ёзиб берувчи мирза.

АРИЗАЧИ (ар.+ф.-т.) – 1. Ариза берувчи, ариза берган киши; 2. *Айн*. Аризанавис; 3. Фукародан тушган ариза, илтимоснома, шикоятларни ўзидан юкори амалдорга маълум қилиб турувчи мансабдор шахс.

АРИЯ (тар.) - Тежен дарёсининг ўрта қисми ва Хирот оазиси худудларини ўз ичига олган. Қадимий тарихий-маданий вилоят

(Хозирги Афғонистоннинг шимолий-гарбий ҳудуди ва Туркманистоннинг узқ жанубий қисми) Илк маълумотлар Авестода учрайди ва унда “Хорайва” дейилган.

АРИҚ ОҚСОҚОЛ (т.) - Бухоро амирлигининг барча амлок ерларида катта сугориш каналлари мавжуд бўлган. Бу сугориш каналларига караб турувчи масъул шахслар, яъни оқсоколлар - ариқ оқсоколлар дейилган.

АРК (юн.) – қадимги давр, ўрта асрларда ҳамда сўнгги даврда Ўрта Осиё ҳудудида шаҳарларнинг ҳокимлар жойлашган ички қисми, яъни “Ўрда” арк дейилган. Асосан, олийпаноҳ ҳокимлар, подшолар, хонлар, амирлар, уларнинг сарой амалдорлари ва лашкарбошиларининг уйлари, ҳукумат идоралари, девонхона, танга зарб этадиган зарбхоналар арк ичидаги бўлган. Арк, асосан, шаҳарнинг тўрида жойлашган.

АРКА (р[<]итал.) – 1. архит. Тепаси ярим доира шаклида солинган дарвоза, эшик, дераза ва шу кабилар; 2. Шундай дарвоза шаклидаги хашаматли иншоот.

АРКОН (ар.) – руқн(устун)нинг кўплиги; улуг мартаба эгаси, катта амалдор, мансабдор, аробоб.

АРКОНИ ДАВЛАТ (ар.) – давлат устунлари; амирлар, вазирлар, руҳонийлар ва х.к.

АРКОНИ ҲАРБ (ар.) – қўшинларнинг бош штаби, ҳарбий кўмандонлик.

АРЛОТ (мўғ.) – Ўрта Осиёда яшаган ва келиб чиқиши жиҳатидан мўгул қабилаларига мансуб уруг. Сўнгги даврда (XIX-XX асрлар) улар ўзларини ўзбек қабилалари деб хисоблаганлар.

АРМУГОН (ф.-т.) – совга, тортик, тухфа.

АРНА (т.) – дарёдан ажралиб чиқкан ариқ.

АРРОДА (ар.) – Ўрта асрларда ишлатилган тош отадиган маҳсус қурилма; манжаник.

АРТ (OPT) (т.) (тар.) – қадимий географик атама бўлиб, довон демаклир. “Арт” атамаси туркӣ - руний битикларида, М. Кошғарийнинг “Девону лугатит-турк” асарида учрайди. Асосан, географик ном сифатида қўлланилган.

АРХЕОЛОГ (р.) – археология олими, мутахассиси.

АРХЕОЛОГИК (р.) – археологияга оид атама. *Масалан*, археологик қазишмалар.

АРХЕОЛОГИЯ (р.<грек.) – қадимий моддий маданият ёдгорликлари асосида халкларнинг тарихий ўтмишини, турмуши ва маданиятини ўрганувчи фан.

АРХЕОЛОГИЯ КАРТОГРАФИЯСИ (тар.) - тарихий картографиянинг маҳсус тармоғи. Археология маълумотлари асосида турли хилдаги тарихий воея ва ҳодисаларни графика асосида ҳаритага тушириш.

АРХИВ (р. < лот.) – 1. Эски ҳужжатлар, ёзма ва график ёдгорликларни саклаш, системалаштириш ва тавсифлаш билан шуғулланадиган маҳсус муассаса. *Давлат архиви*; 2. Муассасанинг эски ҳужжатлар, тамомланган ишлар ва шу кабилар сакланадиган бўлими. *Институт архиви*. Бирор муассаса ёки шахснинг иш фаолиятига алоқадор бўлган хатлар, қўлёзмалар, фотосуратлар ва шу кабилар йигиндиси, мажмуй.

АРХИВАРИУС (р.) - архив ходими, архивда ишловчи киши.

АРХИВЧИ (р.+т.) - *айн.* архивариус.

АРХИВШУНОС (р. ф.-т.) - архив ишлари бўйича мутахассис олим.

АРХИПЕЛАГ (р.<грек.) - бир-бирига якин турган денгиз ороллари гурухи, ороллар тизмаси.

АРЧИН (АРШИН) - шаркнинг кўп мамлакатларида узунлик ўлчови. XIX асрда кўпинча икки қатимга тенг эди, ҳозирги вақтда, масалан, Эронда, бир метрга тенг. У газ (бир газ) деб ҳам аталади (0,71 смга тенг).

АРШ (ар.) - 1. дин. Худонинг таҳти. *Арши аъло а) дин*. Осмоннинг энг юқори қисмидаги сарой, таҳт; б) ҳар қандай одамга муяссар бўлавермайдиган олий мартаба ёки юксак жой; таҳт, салтанат; 2. Осмон, фалак, кўк.

АРШАКИЙЛАР (тар.) – милоддан аввалги 250 йилдан милодий 224 йилларгача Парфияда ҳукмронлик қилган суолола. Суололага дай қабиласининг бошлиғи Аршак асос солган. Бу давлатга ҳозирги Шаркий Эрон ва Ғарбий Туркманистон ерлари тобе бўлган.

Аршакийлар давлатининг илк пойтахти Ашхобод яқинидаги Нисо шахри харобаси ўрнида бўлган.

Бу сулоланинг асосий вакиллари: Аршак I (250-248/247 йй.), Тиридат I (248/247-211 йй.), Артабан I (211-191 йй.), Прианат (191 –176 йй.), Фраат I (175-170 йй.), Митридат I (170-138/137 йй.), Фраат II (138/137-128 йй.) Артабан II (128-124/123 йй.), Митридат II (124/123-88/87 йй.), Фраат III (70/69-58/57 йй.), Ород II (57-37/36 йй.), Фраат V (милод. ав. 2-м. Кейинги 4), Вонон I (7/8-12 йй.), Артабан III (12-38 йй.), Готарз II (38-51 йй.), Вологес I (51/52-79/80 йй.), Митридат IV (128/129-147 йй.), Вологес III (148-192 йй.), Вологес IV (192-207/208 йй.), Вологес V (207/208-222 йй.), Артабан V (209-224 йй.).

АРШИН (т.) - 1. Метрик система жорий қилингунга қадар кўлланилган узунлик ўлчов бирлиги (0,71 метрга тенг); 2. Шу узунликдаги ўлчов асбоби, газ, газчўп.

АРҚОҚ (т.) - матонинг моки ёрдамида кўндаланг тўқила-диган или.

АРҒАМЧИ (т.) - ингичка аркон.

АРҒИМЧОҚ (т.) - даражтнинг шохига ёки иморат ёғочига осиб, икки учи қўшиб боғланган аркон; ҳалинчак.

АРҒИН (т.) - ўзбек миллатининг таркибига қўшилган қадимги туркий уруғлардан бирининг номи. Бу уругнинг номи М. Кошгариининг “Девону луғатит-турк” асарида тилга олиниб, у “арғу” тарзида берилган.

АРҒУМОҚ (т.) - зотли чопкир от.

АРҒУН (АРҒИН, ОРҒУ, АРҒУ) (тар.) - қадимги туркий қавмлардан. Аргунлар етти уругдан ташкил топган қабила иттифоки бўлиб, Жунгориянинг шаркий кисмida, кейинчалик Еттисувда яшаганлар. Аргунларнинг салмоқли кисми ўзбек халқининг этногенетик жараёнида катнашган. Буларнинг кейинги авлодлари кичик гурухларга бўлиниб, тарқоқ холда Тошкент воҳасида, Фарғона водийсида, Зарафшон воҳасида, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида яшаганлар.

АСБОБ-АНЖОМ (ар.>т.) - турли асбоб, қурол-ярог ва жихозлар мажмуи.

АСБОБИ ҲАРБ (ар.) - уруш асбоблари.

АСИЛ (ар.) - 1. Аъло сифатли, энг яхши; тоза, соф; 2. Қиммат турадиган, қимматбаҳо. *Асил тош*.

АСИЛЗОДА (ар.+ф.-т.) - феодал ва буржуа-дворян жамиятида: юкори табакали зотларга мансуб шахс; оксусяк, зодагон, аристократ.

АСИР (ар.) - уруш вактида душман қўлига тушиб, озодликдан маҳрум этилган киши.

АСКАРБОШИ (ар.+ф.-т.) - катта аскарий қисм бошлиғи.

АСКАРГОҲ (ар.+ф.-т.) - қадимги даврларда ҳамда ўрта асрларда Ўрта Осиё худудида хон ёки подшохнинг ҳарбий юриш вактида ўз қўшини билан жанг олдидан бирор манзилда тўхтаб курган ҳарбий оромгоҳи, қароргоҳи. У лашкаргоҳ деб ҳам аталган.

АСО (ар.) - қадимги ва ўрта асрларда ҳасса шундай деб аталган. Мусо пайгамбарнинг қўлидаги “асо”си билан мўъжиза кўрсатганлиги тарихий манбалардан маълум.

АСОВ (?) - Ром бўлмаган, одамга ўрганмаган, ўргатилмаган.

АСОРАТ (ар.) - 1. Асирик, тутқунлик. *Масалан*, хурофот асоратида қолмок; 2. Озодликдан, мустакилликдан маҳрумлик, куллик.

АСОТИР (ар.) - қисса, достон, ривоят.

АСПОФ (ар.) - лугавий маъноси табака, қатлам. Шайбонийлар хукмронлиги даврида Мовароуннахрдаги ўтрок ва қўчманчи аҳоли шу ном билан аталган.

АСР (ар.) - 1. Юз йил, давр, замон, қарн; 2. қуёш ботишига якин вакт. Бундан ташқари, мусулмонлар томонидан шу вактда ўқиладиган номоз ҳам шу ном билан юритилади.

АСРАНДИ (т.) - бошка ота-она қарамоғига, фарзандлигига олиб тарбия қилинган фарзанд.

АСҲОБЛАР (ар.) - Мухаммад пайгамбарнинг якин ёрдамчилари, сафдошлари бўлмиш сахобалар баъзан асхоблар деб аталган.

АТАВИЗМ (р.<лот.) - қадимги аждодларда бўлган белгиларнинг бир неча бўгинда йўқолиб кетиб, кейинчалик яна пайдо бўлиши.

АТАЛА (т.) - унни ёғда қовуриб, кейин сув билан қайнатиб тайёрланадиган енгил ҳазм қилинадиган суюқ овқат.

АТАН (т.) - кишига асраладиган узумни осиб кўйиш учун шип остига қурилган маҳсус дор, ёғоч.

АТИЛ (ИДИЛ) (т.) (тар.) – Волга дарёсининг қадимги замон ва ўрта асрлардаги номларидан бири.

АТОЙИ МУЛК ЕРЛАР (?) - Хива хонлигига ушбу ерлардан ер солиги эмас, балки ҳовли пули олинар эди. Ҳовли пули тутун пули деб ҳам аталган. Ҳовли пули тўловчининг мол-мулкига, у қайси гурухга киришига караб хисобланган ва шунинг учун ҳам у даромад солигига ўхшарди. Атойи мулкида яшовчи ўзбек бўлмаган ерсиз чорикорлар ўзларининг мулкий ахволларига караб солик тўлаганлар. Бу ерда яшаган ўзбекларга нисбатан эса алоҳида жон боши солиги солинган.

АТРАБОН (?) – оташпастларнинг ибодатхоналарида доимо ёниб турадиган муқаддас оловга - "азар-хурро"га ўтин ташлаб, кулини олиб турадиган диндорлар.

АТРОК (ар.) - “турк” деган сўзнинг кўплиги, яъни турклар.

АТТОР (ар.) - дастлаб, атир-упа ва бошқа хушбўй пардозандоз моллари сотувчи кишига нисбатан ишлатилган. XIX-XX аср бошларида эса кундалик хаётда керак бўладиган барча майдачўйда моллар билан савдо киладиганлар ҳам атторлар деб юритилган.

АФАНДИ (турк-усм<грек.) - 1. Жаноб, жаноблар (мурожаатда); 2. Киши номига кўшилиб хурмат билдиради ёки киши номининг таркибий қисмини ташкил этади; 3. Ўқитувчи, муаллим.

АФВ (ар.) - кечирим, узр.

АФИФ (ар.) - покиза, тоза, иффатли.

АФИФА (ар.) - Покиза, тоза, иффатли (аёл ҳакида).

АФКОР (ар.) - 1. “Фикр” сўзининг кўплек шакли; 2. Фикрловчи, илфор фикр юритувчи маъноларида қўлланилади.

АФРИФИЙЛАР (тар.) - Хоразмда милоднинг IV-VIII асрларида хукмронлик килган сулола.

АФСОНА (ф.-т.) - авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб келган фантастик, баъзан диний мазмундаги хикоя, ривоят.

АФСУНГАР (ф.-т.) - айн. жодугар.

АХБОР (ар.) - хабар, хабарлар, маълумот.

АХУРАМАЗДА (тар.) - зардуштийлик дини қадим замонларда ва илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда ва Эронда кенг таркалган эди. Бу диннинг мукаадас китоби “Авесто”да сахий худо Ахурамазда ёргулик, ободонлик, фаровонлик, саломатлик каби ҳамма эзгуликларни яратувчи ва бошқарувчи худо сифатида ифодаланган. Шунингдек, ушбу асарда Ахурамаздинг барча ёвузликларни – зулмат, қурғочилик, очлик, вабо, совук, захарли жониворларни яратувчи ва бошқарувчи Анхра -Манъё худоси билан доим кураш олиб борганилиги баён этилган.

АЧАМАЙЛИ (ОЧАМАЙЛИ) (т.) - ўзбек миллати таркибига кирган кичикрөк уруғлардан бирининг номи. Ҳозирда Ўзбекистонда мазкур ном билан аталувчи қишлоклар мавжуд.

АШТАРХОНИЙЛАР (тар.) - Мовароуннахри идора килган сулола (1601-1756 йй). 1556 йилда Астрахан (Хожи-Тархон) хонлиги Россия томонидан босиб олингач, Жўжихон наслига мансуб бўлган Астрахан хони Ёрмуҳаммад ўз оила аъзолари ва қариндошлари билан Бухорога келади. Бухоро хони Искандар Ёрмуҳаммад ва унинг хамроҳларига ўз мамлакатидан бошпана ва Ёрмуҳаммаднинг ўғли Жонибек сultonга ўз қизи Зухрани хотинликка беради. Шу никоҳдан уч ўғил (Динмуҳаммад, Боқимуҳаммад, Валимуҳаммад) дунёга келади. Бухоро хони Абулмўмин ўлдирилгандан сўнг шайбонийлар наслидан валиаҳд йўклиги учун Жонибекнинг ўғли Боқимуҳаммад хон таҳтига кўтарилади. Шундан сўнг Бухоро хонлигига аштархонийлар сулоласининг хукмронлиги бошланган.

АШЬОР (ар.) – шеър; шеърлар, байтлар.

АҶЁН (ар.) – Ўрта Осиё феодал жамиятидаги имтиёзли синфнинг энг юкори қатламига мансуб бўлган, хукмдорга яқин турган шахс; амалдор.

АҶЗАМ (ар.) - энг улуг, бош, улкан каби маъноларни англатган; хон, подшоҳ ҳузуридағи йирик амалдорларнинг бошқалардан ажralиб туриши учун амали олдига кўшиб ишлатилган.

Масалан: Вазири аъзам, яъни бош вазир.

АҶЛАМ (ар.) - диний ва қозихона унвони. Шариат илмида етук бўлган олимларга берилган. Аълам унвони эгалари мадрасаларда ҳам дарс беришлари шарт бўлган.

АЪЛО ҲАЗРАТ (ар.) - ҳазрати олийлари. Шохлар ва хонлар-нинг номларини улуғлаш мақсадида уларга мурожаат қилинганда қўлланилган ибора.

АЮЧИ (т.) (тар.) - XIII-XVI асрларда Дашти Қипчокда яшаган уруғлардан бирининг номи. Бу уруғ парчаланиб, кичик-кичик қисмларга бўлиниб, бошқирд, қирғиз ҳамда қипчоқлар ичидаги ўзбек халқи таркибига кирган.

АКД (ар.) - умуман, шариатда конунлаштирилган шартнома, аҳднома. Жузъий маънода, никоҳ ақди никоҳ олдидан тўланадиган калин ёки маҳрни белгилайдиган аҳднома.

АҚИДА (ар.) - диндорлар учун мажбурий ҳисобланган, шак келтирилмасдан, муҳокама юритмасдан, эътиқод қилиниши лозим бўлган диний талаблар. Ислом ақидаларининг асоси “Куръон”да берилган.

АҚОЛИМИ САБЪА (ар.) - етти иқлим деган маънони англатади. Шарқ олимларининг таълимотига кўра ҳар бир иқлим еттита юлдуз - Зухал, Муштарий, Мирриҳ, Қуёш, Зухро, Аторуд, Қашардан бирига мансуб бўлган.

АҚСОИ ШАРҚИЯ (ар.) - Узок Шарқ деган маънони англатади.

АҚИҚА (ар.) - мусулмонларда янги туғилган боланинг “қорин сочи”га қайчи уриш муносабати билан жонзорот сўйиб зиёфат ўтказиш одати. Унда болага исм ҳам қўйилади.

АҚОИД (ар.) - дин қоидалари.

АҚРАБ (ар.) - 1. Ўн икки буржнинг бири. Мезон ва Қавс буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида саккизинчи ойнинг арабча номи (11 октябрь - 21 ноябрь даврига тўғри келади).

АҚРАБО (ар.) - яқинлар, ёр-биродарлар, ёр-дўстлар.

АҚЧА (т.) - айн. пул.

АҚОР (ар.) - Ўрта Осиёда Темурийлар давлатида сув, боғ, тегирмон, канал, дўкон, устахона ва бозорлар каби кўчмас мулклар акор деб аталган. Акор васият билан вакфга айлантирилиши мумкин бўлган.

АФЁР (ар.) - 1. Ғайрлар, ўзгалар, бегоналар; 2. Рақиб; ракиблар; 3. Душман, ёв; Душманлар, ёвлар.

АФРИ (?) - XVIII-XIX асрларда Хива хонлигига мавжуд бўлган оғирлик ўлчови.

АҲАМОНИЙЛАР (тар.) - милоддан аввалги 558-330 йилларда Эронда ҳукмронлик қилган сулола. Аҳамонийлар сулоласига милоддан аввалги VIII асрда Элам яқинидаги Парса ҳудудида яшаган қадимги форс қабилаларининг бошлиғи Аҳамон асос солган. Кир II даврида Ўрта Осиё ҳудудлари ҳам Аҳамонийлар сулоласига бўйсундирилган. Унинг даврида қадимги Шаркнинг катта қисми бўйсундирилади ва Аҳамонийларнинг Буюк Империясига асос солинади. Аҳамонийлар давлати Александр Македонский томонидан тутатилади. Аҳмонийлар сулоласи вакиллари: Аҳмон (Ҳахоманиш), Чиш-пиш, Кир I, Камбиз I, Кир II, Камбиз II, Доро I, Ксеркс I, Ортоксеркс I, Ксеркс II, Секудиан II, Доро II, Ортоксеркс II, Ортоксеркс III, Аресес, Доро III.

АҲБОБ (ар.) – дўст; дўйстлар, қадрдонлар.

АҲД (ар.) – 1. Қатъий сўз, карор, ваъда, лафз; 2. Шартнома, келишув, битим.

АҲДНОМА (ар. ф.-т.) – расмий шартнома, битим;

АҲЛ (ар.) – 1. Бир соҳа, касб ёки доира одамлари; 2. Бирор жойда истиқомат қилувчи, яшовчи кишилар; аҳоли; 3. Қатнашчи.

АҲЛИ ҚАЛАМ (ар.) - Бухоро амирлигига XVIII-XIX асрларда девонхона ишлари билан шугулланган хизматчилар шундай аталған.

АҲЛИ БАЙТ - пайгамбар Мухаммад (САВ), унинг оиласи ва авлодига мансуб кишилар. *қар.* сайди.

АҲЛИ ЖИЗЯ - жизя (жон) солигини мусулмонларга тўлай-диган аҳоли.

АҲЛИ СУЛҲ - мусулмонлар билан сулҳ тузган, уларнинг химояларига ўтган аҳоли исломнинг ilk давларида шундай деб аталган.

АҲЛИ ҲАРБ - исломнинг ilk даврида мусулмонлар билан уруш ҳолатида бўлган ҳалқ ва давлатлар.

Б

БАБАК (т.) - жуссаси катта, дуркун.

БАДАЙ (т.) (тар.) – Амударёнинг қуи оқимида, хозирги Хоразм, Коракалпогистон худудларида яшаб, Амударё бўйларида чорвачилик билан шугулланган уруглардан бири бўлиб, улар XIX асрнинг биринчи чорагида Сурхон воҳасига, Бекободдан Зомин даштларигача бўлган худудларга тарқалган. Хозирги кунда ўзбек халқи таркибиға сингиб кетган.

БАДАВИЙ (ар.) – кўчманчи ёки ярим кўчманчи араб қабилалариға мансуб киши; сахройи.

БАДАВЛАТ (ф.-т. ар.) – катта давлатга, бойликка эга бўлган; давлатманд, бой.

БАДАЛ (ар.) – 1. Ўрнига ўрин, бир нарсанинг эвазига тўланадиган ҳақ ёки бир нарсанинг ўрнини босадиган бошқа нарса; эваз; 2. Тўлов, взнос, аъзолик *бадали*.

БАДАР (ф.-т.) - ном-нишонсиз кетмоқ, қорасини кўрсатмай ғойиб бўлмоқ.

БАДАРФА (ф.-т.) – бутун бир кишлоқ ахолисини ёки айрим бир жавобгар шахсни яшаб турган жойидан хайдаб юбориш ёки муайян жойларда туришини тақиқлаш.

БАДАСТИР (ф.-т.) – ҳар жиҳатдан тўла-тўқис таъмин бўлган, беками-кўст.

БАДБИН (ф.-т.) – 1. Бирорвга ёмонлик тиlovчи бадҳоҳ; 2. Умидсиз, пессимист.

БАДГИР (ф.-т.) – бад олувчи, тўгри ишни, гапни тескарига бурувчи; кўнгли қора.

БАДГУМОН (ф.-т.) – ҳар кимдан, ҳар ишдан гумон олувчи, ҳадикчи; ҳар кимга, ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи.

БАДЗОТ (ф.-т.+ар.) - зоти, насли ёмон, таги паст.

БАДИА (ар.) - кишининг диккатини тортадиган, таҳсинга сазовор бадиий асар.

БАДИХА (ар.) - бирор воқеа, ходиса муносабати билан тўсатдан айтиб юборилган шеър, шеърий парча ёки мусиқа асари;

БАДКАРДА (ф.-т.) - 1. *Айн*. Бадкирдор; 2. Ёмон отлик, ёмон ном чикарган.

БАДКИРДОР (ф.-т.) - разил хатти-харакатлардан тортин-майдиган; ярамас, қабих, ифлос.

БАДНАМО (ф.-т.) - башараси, турки совук; хунук, жирканч.

БАДНИЯТ (ф.-т.+ар.) — ёмонликни ният қилувчи, ёмон ниятли, нияти бузук.

БАДР (?) - ўн тўрт кечалик ой.

БАДХАТ (ф.-т.+ар.) — 1. Хати ёмон, ёзуви хунук; 2. Ўқиб бўлмайдиган ёки ўқилиши қийин ёзув, хунук хат.

БАДХОХ (ф.-т.) — бирорга ёмонлик тиловчи, яхшиликни раво кўрмайдиган, ёвуз ниятли.

БАЁННОМА (ар.+ф.-т.) — бирор воқеа юзасидан ёзилган расмий маълумот ёки хабар. Ҳозирги кунда ушбу атаманинг маъноси “баёнот” атамаси оркали ифодаланмокда.

БАЁЗ (ар.) — бир ёки бир неча шоирнинг шеърлари тўплами.

БАЁТ (тар.) — қадимги турк-ўғиз қабилаларидан бири. Баёт қабиласи туркман, озарбайжонлар билан бир каторда ўзбек халклари таркибига хам кирган. XX аср бошларида баёtlар Бухоро атрофлари ва Қоракўл туманларида истиқомат қилишган.

БАЗЗОЗ (ар.) — ип-газлама билан савдо қиладиган дўкондор. Қадимда бундай дўкондорлар Ўрта Осиё бозорларида кўп бўлган. Баззозлар газламаларни от-араваларга ортиб, узок қишлоқларга хам олиб бориб сотишган.

БАЗЛ (?) — инъом, эҳсон, хадия.

БАЗМ (ф.-т.) — 1. Тўй, зиёфат ва шу қабиларда машшоқлар, хонандалар ва ракқосалар иштирокида ўтказиладиган ўйин-кулги кечаси; 2. Ўйин-кулгили ширин сухбат.

БАЗМГОХ (ф.-т.) — базм ўтказиладиган ёки ўтказилаётган жой.

БАЗМХОНА (ф.-т.) – базм ўтказиладиган ёки ўтказилаёт-ган хона ёки хонадон.

БАЗМЧИ (т.) – 1. Базмда қатнашувчи созанда, ашулачи, раккос; 2. Базмда ҳозир бўлган базмда қатнашган кимса, томошабин.

БАЙРОҚ (т.) - маълум бир рангда тайёрланиб, махсус рамзий белгилар туширилган мато.

БАЙТУЛЛОҲ (ар.) – Макка ислом динининг ягона марказига айлангандан кейин Оллоҳнинг уйи – Каъбага берилган ном.

БАЙ (ар.) – Савдо муомалалари ва ишга ёллаш-ёлланишда ҳар икки томон ўртасидаги келишув.

БАЙОТ (тар.) - туркман кабиласи номи.

БАЙИР (?) - 1. Махаллий шароитга ўрганган, жайдари (от ҳакида); 2. Синалган, қадрдон бўлиб қолган.

БАЙТ (ар.) - Аруз вазнида ёзилган, икки мисрали бир банд, шеърий парча.

БАЙТАЛ (т.) – урғочи от; бия.

БАЙТУЛМОЛ I (ар.) - Ислом мамлакатларида давлатга қарашли қимматбаҳо буюмлар, мол-мулклар ҳамда эгасиз қолиб давлат ихтиёрига ўтган мол-мулк ва шу мол-мулк сакланадиган махсус жой. Хазина.

БАЙТ УЛ-МОЛ II (ар.) - хазина; Бухоро амирлигида XIX аср охири - XX аср бошида тўрт хил байт ул-мол (хазина) бўлган: 1. Байт ул-моли закот; 2. Байт ул-моли хирож; 3. Байт ул-моли таракот; 4. Байт ул-моли луктот.

БАЙТ УЛ-МОЛИ ЗАКОТ (ар.) - ушр, хумсдан ташкил топган хазина. Бу хазинадан фуқаро ва мискинларга нафақа берилган.

БАЙТ УЛ-МОЛИ ХИРОЖ (ар.) - узя ва ғайри мусулмон савдогарлардан олинадиган бож ва соликлар хазинаси. Ундан харбийларга, руҳонийлар, амалдорларга маош берилган, мамлакат ободлигига зарур бўлган маблағ харж қилинган.

БАЙТ УЛ-МОЛИ ТАРОКОТ (ар.) - ушбу хазинадан камбагаллар, етим ва касалларга нафака берардилар.

БАЙТ УЛ-МОЛИ ЛУКТОТ (ар.) - Топилмалар хазинаси. Ундан байт ул-моли закотнинг мустахиклари фойдаланганлар.

БАКОВУЛ (т.-м.) - турли даврда турли хил маъноларни англатган: 1. XVI-XIX асрларда белгиланган жойларда савдогарларнинг тамға, яъни бож солигини тўлаб ўтишлари устидан назорат қилиб турган кичик мансабдаги ҳарбий хизматчи;

2. XV асрдан бошлаб подшо, хон ва лашкарга овқат тайёрлаш устидан назорат қилиб турувчи ҳарбий мансабдор. Лашкарга маош ва улуфа, яъни озик-овқат тақсимлаш ҳам баковуллар зиммасига юклатилган. Улар бовурчилардан бир даража юқори хисобланган; 3. XVIII-XIX асрларда ва XX асрнинг биринчи чорагида хозирги Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари худудларида тўйларда таом тайёрловчи пазанда ҳам баковул деб аталган. Пазандалар устидан назорат қилиб турувчи шахс эса баковул боши деб аталган; 4. Хозирги кунда республиканизнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тўйларда кураш, улок (кўпкари), пойга мусобакаларини бошқарувчилар ҳамда тўйларда таом тайёрлаш устидан назорат қилувчи кишиларни ҳам баковул деб атashади.

БАКОВУЛБОШИ (ў.) - ошпазлар бошлиги.

БАКТАР (т.) - темирдан ясалган жанг кийими.

БАЛЛАДА (р<фр.) - шеър билан ёзилган лирик қисса.

БАЛОГАРДОН (ар.+ф.-т.) - балони қайтарувчи, даф килувчи, бало-офтадан сакловчи, кутқарувчи; халоскор.

БАНДА (ф.-т.) – Ислом ақидаларига боғлик тушунча бўлиб, инсон худонинг қули маъносига ишлатилади. “Банда мўмин”, “банда бечора”, “гофил банда” иборалари ҳам шундан келиб чиқкан. Бу иборалар ҳар бир мўмин-мусулмоннинг Оллоҳ олдида тобе ва итоаткор эканлигини кўрсатади.

БАНДАК (ф.-т.) – XIX-XX аср бошларида Ўрта Осиёда хотин-кизлар кийими хисобланган паранжининг елкадан ён томонга осилтириб тикилган икки енгсимон қисми. Шунингдек, хунармандлар кулоллар чархида лойдан ясалган ҳом идишларни текислаш ва силликлашда ишлатиладиган чарм, латта ёки кигиз бўлагини ҳам бандак деб атashган.

БАНДАР (ф.-т.) – савдогарлар ва карвонлар келиб кетадиган жой, карвонсарой хамда денгиз ва дарёларда кемаларнинг тўхташ жойи бандаргоҳ деб аталган.

БАНДАРГОҲ (ф.-т.) - 1. Порт ва унга кириш-чиқиш йўллари; 2. Чўл, дашт ва тогли ерларда йўллар кесишган, гавжум, кўниб ўтиладиган жой.

БАНДИ (ф.-т.) - тутқин, асир, яъни озодликдан маҳрум этилган шахс. Улар Ўрта Осиё хонликлари ҳудудида шу атама билан аталган.

БАНОН (?) - бармокларнинг учи.

БАНОРАС (х) - қўлда тўқилган шойи газламанинг бир тури.

БАНОТ (т.) - духоба, баҳмал.

БАРАКА (ар.) - Ислом илоҳиётида бирор ишга худодан ривож тилаш, оқ фотиха бериш мазмунига эга бўлган тушунча. Даврлар ўтиши билан оддий ҳалқ тилида унинг мазмуни ўзгариб, меҳнат фаолиятида, хосил ва даромадда унум, мўл-қўллик маъносини касб этган.

БАРАХМАН (ф.-т.<санскр>) - Хиндистонда: энг олий табакага (тарихан рухонийлар табакасига) мансуб киши.

БАРБАТ (т.) - қўбизга ўхшатиб ясалган қадимий чолғу асбобларидан бири бўлиб, у ўрдак шаклида бўлган.

БАРГАК (ф.-т) - 1. Данаги олинниб, қуритилган ўрик қоқи. Баргакнинг қайса, кесилган, бўлинган, дудланмаган деган хиллари бўлади; 2. Зиракнинг бир тури. Бухоро ва Самарқандда кенг тарқалган.

БАРГУСТВОН (?) - уруш пайтида ярок ва ўқ ўтмаслиги учун отнинг устига ташланадиган маҳсус ёпинчик.

БАРДА (ар.) – асир олинниб, сотиб юборилган ёки қулга айлантирилган кишилар. Ўрта асрларда Дашиб Қипчоқ кўчманчилари ўзаро урушларда хамда Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг ўтрок туманларига килинган талончилик юришларида асир олинган кишиларни, яъни бардаларни ўз юртларига олиб бориб қул қиласар, сотиб юборар ёки ўз хўжаликларида ишлатар эдилар.

БАРИД (ф.-т.) - Салжуқийлар даврида почта хизматчиси, хабар етказувчи шундай аталган.

БАРИД (ар.) - 1. Чопар, хат элтувчи, почтальон; 2. XIV-XVI асрларда Ўрта Осиё халқларида кенг кўлланилган масофа ўлчови бўлиб, икки фарсах, яъни таҳминан ўртача 12-16 км га тенг йўл бўлган.

БАРКАШ (ф.-т.) – аввалда жез ёки мисдан тайёрланган тарози палласи бўлган, кейинчалик рўзгор асбоби сифатида - патнис ўрнида ишлатилган.

БАРЛОС (т.-м.) (тар.) – ўзбек халқи таркибига кирган йирик уруғлардан бири. Барлослар тогли ва тоғ районларида яшаб, асосан чорвачилик билан шуғулланишган. Барлослар тарихда машхур уруғлардан бири бўлиб, сохибқирон Амир Темур хам шу ургуга мансуб. Темурийлар даврида бу уруғдан кўплаб бек ва амирлар етишиб чиқкан. Ҳозирги даврда барлосларнинг авлодлари республикамизнинг Китоб, Шахрисабз, Чирокчи, Косон, Бойсун, Денов, Сариосиё, Фориш, Жиззах, Зомин, Марҳамат, Хўжаобод, Иштиҳон, Навоий, Нурота, Ургут, Ғаллаорол туманларида хамда Тожикистон, Қирғизистон республикаларида ва Афғонистон худудларида хам яшайди.

БАРОЁ (ф.-т.) - Кўкон хонлигига кўчманчи аҳоли шундай аталган.

БАРОТ I (ар.) - Салжукийлар даврида ҳужжатнинг номланиши.

БАРОТ II (ар.) – 1. Подшоҳ, хон томонидан бирор солик ёки жаримадан озод этиш; 2. Маълум шарт билан бирор мулк ёки мансабни эгаллаш, халқдан солик тўплаш ёки пул, галла, емашак олиш учун берилган маҳсус ёрлик ёки гувоҳнома. Бундай гувоҳнома олган киши баротдор деб аталган;

БАРОТ III (ар.) - қамария йил хисобида саккизинчи ой номи; шаъбон;

БАРХИТ (р.) - духоба, баҳмал.

БАРЧА (х) - найзача, жўпин.

БАРЧАК (х) - найза ёки шамшир дастасининг гулбанди.

БАРҚУТ (?) – с.г. бархит. *барқут тўн*.

БАСМИЛ (БАСИМИ) (тар.) - киркта уруғдан ташкил топган қадимги туркий қабила. Булар илк ўрта асрларда Жанубий

Жунғориянинг шарқий кисмida жойлашган бўлиб, Турк хоқонлиги ва кейинчалик Уйғур хоқонлиги тасарруфида бўлган. Басмилларнинг айрим гурухлари Қарлук давлатининг таркибига ҳам кирган. Басмилларнинг кейинги авлодлари Сибирь ва Марказий Осиё ҳалқлари билан аралашиб, уларга сингиб, этник номларини ҳам унутиб юборганлар.

БАТУЛ (ар.) - тарки дунёликни касб қилган қиз. Биби Марям ва Биби Фотималарнинг лақаби.

БАХШИ (т.+ф.-т.) - 1. Халқ достонларини қуйловчи шоир, оқин; 2. Этн. Duolar ўқиб, дам солиб, ирим-сиримлар килиб, даволовчи табиб; 3. Бухоро хонлигига курилиш учун белгиланган маблағларнинг хисоб-китобини юритувчи лавозимли киши.

БАХШИШ (ф.-т.) - садака, эҳсон, хайр; инъом.

БАХЯ (ф.-т.) - кийим-кечакнинг тўғри чок билан бостирилган қирғоги, чети, зихи ва шундай чокнинг ўзи.

БАШАР (ар.) - инсон, одам, одамзод.

БАШАРИЙ (ар.) - инсонга, одамга тегишли; инсон томонидан яратилган

БАШАРИЯТ (ар.) - инсоният, кишилик; инсонлар.

БАҚИЯ (ар.) - солик, тўлов, қарз ва шу кабиларнинг вактида тўланмай қолган қисми; қолдик, бокимонда.

БАҚИЯДОР (ар. ф.-т.) - солик, тўлов қарз ва шу кабиларни ўз вактида тўламаган; қарздор, бокимондачи.

БАҚО (ар.) - абадийлик, мангулик; абадият.

БАҚКОЛ (ар.) - XX асрнинг биринчи чорагигача Ўрта Осиёдаги шаҳар ва қишлоқ бозорлари, гузарларда, ўз ховлиси ёнидаги дўконларида мева, сабзавот, доривор, гуруч, мош каби маҳсулотларни сотувчи майда савдогар.

Харидорлар ўз маҳалла-гузарларидан бўлгани учун бақкол уларга насияга ҳам маҳсулот бераверган.

БАҚКОЛЛИК (ар.+т.) - бақкол дўкони; бозорда бақколлар дўкони жойлашган раста.

БАҒАЗ (ф.-т.) - сўри ёки ишкомнинг поясига боғланадиган кўндаланг ёғочлар.

БАХОДИР (БОТИР) (м.) - кўрқмас, довюрак, қаҳрамонкиши деган маънони англатган. Чингизхон ва мўгуллар хукмронлиги даврида хоннинг шахсий жанговар гвардияси баҳодирлар деб аталган. Бундай қисм Чингизхон 1203 йили кероитлар устидан ғалаба қилгандан кейин ташкил этилган. Баҳодирлар уруш вақтида олдинги қисм (авангард) билан бирга ҳаракат қилган, тинчлик вақтида эса хон қароргоҳини кўриклишган. Чингизхон давридан бошлаб олий табақага мансуб шахслар ва ҳарбий кўчманчи зода-ғонларнинг вакиллариға берилувчи унвонлардан бирига айланган. XVI-XIX асрларда Бухоро, Кўкон ва Хива хонликларида хонларнинг айримлари ўз номларига баҳодир сўзини фахрий унвон ёки лақаб сифатида қўшиб айтишган.

БАХРИН (тар.) - турклашган мўгул қабилаларидан бири-нинг номи. Мўгуллар хукмронлиги даврида баҳринлар Дашиби Кипчоқка келиб ўрнашган. XVIII-XIX асрларда баҳринларнинг катта қисми Тошкент воҳаси, Фарғона водийсига, бир қисми эса Зарафшон воҳасига кўчиб келиб ўрнашган. Баҳринлар бир канча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари багонали. корақалпок, уали эди.

БАХМАН (?) - қуёш йилининг 11-ойи номи (22 январь-20 февралга тўгри келади).

БАХМАНЖАНА (?) - баҳман ойининг иккинчи куни. Қадимда шу кунда байрам бўлган.

БАХОРИ (ф.-т.) - баҳорда экилиб, шу йилнинг ёзида етиладиган экин.

БАХОРИКОР (ф.-т.) - баҳорий экинлар экиладиган, сугорилмайдиган ерлар.

БАҲР (ар.) - денгиз; океан;

БЕБОК (ф.т.) – хеч нарсадан қўрқмайдиган, ҳайиқмайдиган; хеч кандай ножӯя ишдан қайтмайдиган, тоймайдиган.

БЕБУРД (ф.-т.) – 1. Сўзида турмайдиган, сўзининг, вавъ-дасининг устидан чиқмайдиган; лафзи, субути йўқ, субутсиз; 2. Тутуруксиз, бемаъни.

БЕВАТАН (ф.-т.+ар.) - XVIII-XIX асрда Хива хонлигига давлат ерини ижарага олиб ишлайдиган дехкон.

БЕВАР (кад.ф.) - пахлавий тилида 10000 минг дегани.

БЕГАР (ф.-т.) - Бухоро амирлигига ҳар бир фуқаро ҳар йили давлат манфаатлари учун мажбурий ишлаб бериш кунлари. XIX асрда Бухорода бир йилда давлат манфаатлари учун 12 кун ишлаб бериш шарт бўлган.

БЕГОНА I (ф.-т.) - кариндошлиги, яқинлиги бўлмаган; ёт; алокаси бўлмаган, четдан келган; нотаниш; ўзга.

БЕГОНА II (ф.-т.) - бекларга хос бўлган, дабдабали, хашибатли; бекларча.

БЕГОР (ф.-т.) – Ўрта Осиёда ўрта асрларда мавжуд бўлган мажбурий ишлаб бериш мажбурияти бўлиб, меҳнаткаш халқ хон ва маҳаллий хукмдорлар тарафидан давлат ва феодалларнинг турли курилишлари, жумладан, қалъа, сарой, йўл курилиши, канал ва ариклар қазиш каби ишларда текинга ишлаб беришга мажбур килинган. *Масалан: Абдуллахон II нинг* (1583-1598 йй.) хукмронлик даврида, унинг маҳсус фармони билан машҳур Жуйборий хожаларидан Ҳожа Саъднинг ерларига Вахшдан сув чиқариш учун ариқ қазишга Хисор, Дехнов, Қубодиён ва Шаҳрисабздан 10 минг киши сафарбар килинган.

БЕДИЛ (ф.-т.) - 1. Маъюс, ҳасратли; гамгин; 2. Ўта даражада ошиқ, ишқ ўтида кўйган.

БЕДОНА (ф.-т.) - бир-икки яшар молнинг терисидан ишланган чарм.

БЕДОР (ф.-т.) – уйкуга кетмаган, уйқусиз, уйғок.

БЕЖАМА (т.) – 1. Безак, зеб, ҳашам; накш; 2. Безатилган, безалган; сернақш, серҳашам.

БЕК (т.) – Ўрга Осиё хонликларидаги шаҳар ёки вилоят бошлиги. *Масалан: Бухоро хонлиги* бир неча бекликларга бўлинган. Ҳар бир бекликни амир томонидан тайинлаган бек бошқарган. Бек ўзи бошқарадиган бекликда чексиз хуқуқка эга бўлиб, у факат амирга бўйсунган. Шунингдек, бек сўзи аслзода, хукмдор, жаноб маъноларида ҳам ишлатилган.

БЕКА (т.) – 1. Бекнинг, ва умуман, хукмдорларнинг, юкори мартабали амалдорларнинг, боёнларнинг хотини, “хонадон соҳибаси”; 2. Хонадонга ёки хўжаликка бошчилик қилувчи аёл;

БУЛЖОР (м.-т.) – жанг майдонида лашкар қисмлари ўрнашган жой. “Булжор” атамаси Ўрта Осиёда феодал давлатлар қўшинларида ишлатилган.

БУЛУК (т.) – Хурросонда маъмурий атама сифатида XIX аср гача ишлатилган бўлиб, вилоят ва қадимги даврларда эса йирик шаҳарларга тобе бўлган мавзе ва сарҳадларга нисбатан ишлатилган. Шунингдек, булук қўшиннинг бир бўлаги маъносида ҳарбий соҳада ҳам кўлланилган.

БУЛУНФОР (м.-т.) – қоровул, қўшиннинг илғор қисми (авангарди) олдида ва қанотларда борувчи маҳсус кузатувчи ҳарбий қисм.

БУЛҒОР (т.) – *айн.* болгар.

БУНДУК (т.) - қурол; милтиқ

БУЙРА, БУРЁ (ф.- т.) – пишган қамишнинг пўсти тозаланиб тўқилган, уй-жойларга намат, кигиз, гилам тагидан тўшаладиган солинчик. Буйрани мутахассис буярачилар тўкишган. Буйра гилам, кигиз, наматларни тупрок ва захдан саклаган.

БУРОВ (т.) - уй ҳайвонларининг тумшуғига солинадиган сиртмоқ.

БУРОК (ар.) - ривоят бўйича миъроj кечаси Маккадан Байтулмуқаддасгача, кейин осмонга Мухаммад (САВ)ни олиб кетган отнинг номи.

БУРУНФОР (м.-т.) – қўшиннинг муқаддима қисми орқасидан борувчи маҳсус ҳарбий қисм.

БУРҚУТЛАР (т.) (тар.) – турклашган мўғул уруғларидан бирининг номи. XI-XII асрларда Байкал қўлининг шаркий соҳилларида яшаган. XIII асрнинг бошида Чингизхонга тобе бўлган бурқутларнинг катта қисми XIII-XVI асрлар давомида Мовароуннахрга келиб ўрнашган. Бурқутлар асосан Зарафшон воҳасида, қисман Мирзачўлда жойлашган. XVIII асрнинг 50йиларида бурқутлар Бухоро хонлигига қарши катта қўзғолон кўтарган. Қўзғлонни хукумат қўшинлари бостиргач, бурқутларнинг бир қисми Зарафшон воҳасидан Ҳисор водийсига кўчирилган. Ўзбекистон худудида яшаган бурқутлар ўтроклашиб, ўзбеклар билан аралашиб кетган.

БУРҒИ (т.) - кончиликда ишлатиладиган парма.

БУРГУ (т.) - сурнайга ўшшаган махсус мусика асбоби.

БУРЖ (ар.) - 1. Қүйшнинг йиллик ҳаракат йўли бўлиб жойлашган ўн иккита юлдузлар туркумининг мажмуйи ва уларнинг номи: Ҳамал (қўй), Савр (Сигир), Жавзо (Эгизак), Саратон (Кисқичбака), Асад (Шер), Сунбула (Ўток), Мизон (Тарозу), Акраф (Чаён), Қавс (Ёй), Жаддий (Эчки), Далв (Қовға), Ҳут (Балиқ); 2. Минора шаклидаги қоровуллар ёки йўл масофасини кўрсатадиган бино. Қалъя деворининг ҳар жойларида қурилган минорага ўшшаган қурилма.

БУТ (ф.-т.) - бутпарастларнинг тош, чўп, маъданлардан ясашган одам ёки хайвонларнинг ҳайкали.

БУТХОНА (ф.-т.) - бутпарастларнинг ибодатхоналари.

БУХОРО ТАНГАСИ (тар.) - Бухоро кумуш тангаси. XIX асрнинг 40-йилларида бир танга 68,3 рус тийинига (олтин валютаси хисобида 19 тийин), XIX асрнинг 60-йиллари охирида эса рус ҳукмронлиги ўрнатилгач, у бор-йўғи рус пулининг 20 тийинига тўғри келган.

БУХОРЧИ (т.) - Бухородан мол келтирган ёки Бухородан мол олиб ўтган савдогарлар Хивада шундай номланарди.

БУХРИ (?) - Шағовуллар мустақил равишда дипломатик музокаралар олиб бормаганлар. Элчиларнинг келиш-кетмаслигидан қатъи назар шағовул ҳар йили 15 тилладан олиб турган. Шағовуларнинг фаолияти “бухри”ларнинг фаолияти билан яқиндан боғлиқ бўлган.

БУХОРХУДОТ (т.) – VII-VIII асрларда Бухорода мавжуд бўлган кичик феодал давлати ҳукмдорларининг номи. Бухорони араблар босиб олганидан кейин Бухорхудот ҳукмдорлиги ўз мавқеини йўқотди. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” номли асарида келтирилган маълумотларга қараганда, VII асрнинг 80-йиллари ва VIII асрнинг ўрталарида Бухорода Бидун, Туғшода, Буниёт ва Суқун исмли бухорхудотлар ҳукмронлик қилганлар. Араблар Бухорога бостириб кирганда Бухорода Туғшоданинг онаси бухорхудот бўлган.

БУХТАРМА (м.-т.) – пистирма, камингоҳ. Душман йўлига қўйилган тузоқ.

БУЮҚ (ф.-т.) - каттиқ совуқ; аёз.

БОСТИРМА (т.) - 1. Тўрт томони ёки икки ёни ва олди очик курилма, сарой; 2. Усти ёпик узун йўлак.

БОСҚОН (т.) – темирчиларнинг катта оғир болғаси.

БОСҚОНЧИ (т.) – темирчининг босқон билан ишловчи ёрдамчиси.

БОСҚОҚ (м.-т.) – мўғул хонлари тарафидан босиб олинган мамлакатларга юборилган маҳсус мансабдор. Улар маҳаллий ҳокимлар фаолияти ва хатти-харакатини кузатиб боргандар. Босқоқлар аҳоли хисобини олиш, ўлпон ва солиқ йиғиш билан ҳам шуғулланганлар. Улар ихтиёрига маҳсус ҳарбий қисм ва молия хизматчилари ҳам бириктирилган.

БОТИЛ (ар.) – бузилган, бехуда деган маънони англатган.

БОТИНИЯ (ар.) – шиа мазҳабидаги бир жараён.

БОТИР (ф.-т.) - ҳавф-хатардан, қийинчиликлардан кўркмайдиган; довюрак, қўрқмас, жасур.

БОТМОН (ф.-т.) - Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўрта Осиёда қадимги давр ва ўрта асрларда мавжуд бўлган оғирлик ўлчови бирлиги. Ботмон турли даврларда, турли жойларда микдори ўзгариб турган. *Масалан:* XIX асрда бир ботмон Хивада 20,16 кг дан 40,95 кг гача, Бухоро ва Самарқандда - 8 пуд, яъни 131,44 кг, Фарғонада - 8-10 пуд, яъни 131,44 кг дан 163,800 кггача, Тошкентда - 10,5 пуд, яъни 171,99 кгга тенг бўлган. Шунингдек, Ўрта Осиёда ботмон ер ўлчови сифатида ҳам қўлланилган, яъни бир ботмон оғирлиқдаги бугдой сепилиши мумкин бўлган ер бир ботмон ҳисобланган. Бу тахминан бир гектарга тенг сатҳ ўлчов белгиси бўлган.

БОТМОН-ДАҲСАР (ф.-т.) – жуда катта; жуда оғир; жуда кўп.

БОШВОҚ (т.) - хайвоннинг бошига (шохига) боғланадиган аркон.

БОШМОҚ (т.) – кигиз этиқ, пийма.

БОШЛИҚ (т.) - идора, муассаса, ташкилотга бошлилик қилувчи шахс.

БОШ ТАВОЧИ (т.) - Амир Темур давлатида тавочилар бош тавочи ва пиёда аскар тавочисига бўлинган. Бош тавочилар туманот

(ўн минглик), ҳазоражот (минглик), садажот (юзлик) етакчила-ридан, вилоят катталаридан қўшинни ўз вактида, белгиланган сон ва сифат, таъминланганликда етказиб бериш тўғрисида тилхат олганлар.

БОҚИ ПУЛИ (ф.-т.) - Бухоро амирлигига ариклар, катта каналлар, тўғонлар курилиши ва таъмиглаш ишларига эркак аҳоли ҳашарга жалб қилиб турилган. Ушбу ҳашарга жалб этилмаган аҳоли жарима ҳисобида “боқи пули” тўлаганлар. Улар қурилиш материаллари олишга сарфланган.

БОҚИЯ ПУЛИ (ф.-т.) - Бухоро амирлигига XIX аср - XX аср бошида мавжуд бўлган солик тури. Ушбу солик тури ирригацион иншоотлар зарурияти учун олинган.

БОҚИМОНДА (ар.+ф.-т.) – қолдик қарз, ундирилмаган солик ва шу кабилар.

БОҚОН (т.) – боқон солмок. Тухфа олиш учун янги келаётган келин йўлига гов солмок, келиннинг йўлини тўсмок.

БОФОТ (т.) - вилоят маъносини англатади. XIX аср охири - XX аср бошида Бухоро амирлиги 28 богоғта бўлинган.

БРОНЗА (р_<фр.) - 1. Миснинг қўрғошин, қалай ва алюминий билан котишмаси; 2. Шу котишмадан ясалган меъморчиллик асари.

БУВАК (т.) – янги туғилган бола, чақалок.

БУДДАВИЙЛИК (тар.) – жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири. Милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида Хиндистонда вужудга келган (милод. авв. VI-V асрлар). Буддизмнинг асосчиси Сиддхартха Гаутама бўлиб, у Будда (зиёланган) деб аталган. Буддизм Ўрта Осиё ҳудудидаги илк давлатлар бўлмиш Бактрия, Кушон ҳамда кейинроқ вужудга келган Тоҳаристон давлатлари ҳудудларида кенг тарқалган.

БУДРАЧ (тар.) - ҳозирги Сурхондарё вилояти Денов тумани ҳудудида жойлашган қадимий шахар номи. Салжуқийлар томонидан вайрон этилган.

БУЗИ (ф.-т.) – эчки терисидан тайёрланган чарм, шевро.

БУЛАМИК (т.) - сут билан ундан тайёрланадиган атласимон овқат.

Улар, манбаларнинг тувохлик беришича, ўзларини “бобурий мирзолар” деб юритишган.

Бобурийлар Ҳиндистонда 332 йил хукмронлик қилишган. Бобурийлар сулоласининг вакиллари: Бобур (1526-1530 йй.), Ҳумоюн (1530-1539 ва 1555-56 йй.), Акбаршоҳ (1556-1605 йй.), Жаҳонгир (1605-1627 йй.), Шоҳ Жаҳон (1627-1658 йй.). Аврангзеб Оламгир (1658-1707 йй.), Баҳодиршоҳ I (1707-1712 йй.), Жаҳонгиршоҳ (1712-1713 йй.). Фарух Сияр (1713-1719 йй.), Муҳаммадшоҳ (1719-1748 йй.), Аҳмадшоҳ (1748-1754 йй.), Оламгир II (1754-1759 йй.), Шоҳ Олам II (1759-1806 йй.), Акбар II (1806-1837 йй.), Баҳодиршоҳ II (1837-1858 йй.). *Изоҳ:* Ҳумоюн афғон сурқабиласининг етакчиси Шерхондан мағлубиятга учрагач, то 1555 йилгача хокимият Шерхон кўлига ўтди, фақат 1555 йилда Ҳумоюн афғон, чигатой, эрон, туркман ва кўчманчи ўзбеклардан катта куч тўплаб хокимиятни қайтариб олди.

БОБ I. (ар.) - 1. Китоб, асар, макола ва шу кабиларнинг хар бир айрим қисми фасли; 2. Бора, жихат;

БОБ II. (ар.) - 1. Эшик, дарвоза детани; 2. XIX асрнинг ўрталарида Эронда яшаб маҳдийликни даъво қилиб, “Баён” китобини ёзган Али Муҳаммаднинг лақаби.

БОБИЙ (ар.) - Бобийлик мазҳабидаги киши.

БОБИЙЛИК (ф.-т.) - Эронда 1848-1852 йилларда оммавий антифеодал қўзғолонларга бошчилик қилган диний мазҳаб.

БОБОКАЛОН (т.+ф.-т.) - 1. Бобонинг отаси, катта бобо (эварага нисбатан); 2. Ота-боболар, аждодлар.

БОБУНА (ф.-т.) - *айнан* мойчечак.

БОВУР, БОВУРЧИ (м.) - ўрта асрларда Ўрта Осиёда подшоҳ ва хоннинг хусусий ошпази. Овқат тайёрлаш пайтида бовурчилардан бошқа ҳеч ким подшоҳ ёки хон ошхонасига киритилмаган. Овқат тайёр бўлгач, уни дастлаб бош бовурчи ва баковуллардан бири, сўнг баковулбоши тотиб кўришган ва шундан кейингина овқат олий хукмдор ҳузурига олиб кирилган.

БОДА (ф.-т.) - май, ичкилик, шароб.

БОДАПАРАСТ (ф.-т.) - майпараст, майхўр, ичкиликбоз.

БОДИЯ (ар.) - сахро, биёбон, чўл.

БОДПАРАК (ф.-т.) – варрак, варварак.

БОДРОК (т.) - қизитилган күмдә ковуриш натижасида лўппи-лўппи очилган жўхори дони.

БОЁН (ф.-т.) - Бой; бойлар.

БОЁНА (т.) - бойларга хос бўлган; бойлардек, бойларча.

БОЖ (ар.) - 1. Сокинлик, хомушлик, гусл, емоқ ва ибодат вактидаги зардуштларнинг одати; 2. Бир давлат томонидан иккинчи давлатга тўланадиган ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга, феодал ички курашлар кучайган вактларда эса бир вилоятдан бошқа вилоятга ўтиш учун, шунингдек, шахар ва қишлоқ бозорларида савдогарлардан мол учун олинадиган маҳсус тўлов. Ўрта Осиёда бож олиш ўрта асрлардан бошлаб давом этиб келган. Бож олевчи мансабдор тусковул деб аталган.

БОЖА (т.) - опа-сингилларнинг эрлари (бир-бирига нисбатан).

БОЖБОНЛАР (ар.+ф.-т.) - XIX асрда Хива хонлигига закот йигувчилар.

БОЖГИР (ар.+ф.-т.) - бож олевчи, лавозимли киши; божхона ходими.

БОЖХОНА (ар.+ф.-т.) - бож олинадиган жой, идора.

БОЗ (ф.-т.) – 1. Яна, тагин; 2. Лочин.

БОЗБОН (ф.-т.) – лочин асровчи.

БОЗАРГОН (ф.-т.) – ўрта асрларда вилоят ва мамлакатлараро юриб савдо килувчи шахс, савдогар. Бозаргонлар олди-сотти ишларидан ташкари айгоқчилик ҳам қилганлар ва борган мамлакатларининг иктисадий ахволи, ҳарбий қурдати ҳақида маълумот тўплаганлар. Ҳон ва сultonлар одатда ўз элчиларини бозаргонларга кўшиб юборганлар ва шу тарика ўзларига керакли муҳим маълумотларни кўлга киритганлар.

БОЗИНГАР (ф.-т.) – 1. Ўйинчи, раккос, раккоса; 2. Кўз боғловчи, фокусчи;

БОЗОР (ф.-т.) – 1. Ахоли савдо-сотик қиласидиган маҳсус жой; 2. Шундай жойда савдо-сотик қилинадиган кун;

БОЙДОК (т.-м.) - фармон берувчи, шох колби вилоят хокими.

БОЙ (т.) – 1. Киши кучидан фойдаланиш хисобига бойлик, дунё орттирган; бадавлат, давлатманд; 2. Иктисодий жиҳатдан мустаҳкам, хеч нарсадан камчилиги, мухтоҗлиги йўқ, ҳамма нарсадан бадастир, тўқис, бадавлат; 3. Таркибида, ихтиёрида, бағрида керакли нарсалар кўп, мўл; 4. Ҳурмат юзасидан киши номига қўшиб ишлатилади.

БОЙБАЧЧА (т.) – 1. Бойнинг боласи; 2. Бойларнинг болаларига мурожаатда уларнинг номи ўрнида ёки номига қўшиб ишлатилган.

БОЙПАРАСТ (т.) – бойларга мулозамат қилувчи, бойларнинг ёнини оловчи, бойларга муҳлис бўлган.

БОЙТЕВАТ (т.) – катта, баҳайбат қўппак ит;

БОЙТУЗОК (т.) – куш тутиш учун қилдан ясалган маҳсус тузок.

БОЙФОЗА (т.) – янги буюм харид қилган кишидан олинадиган суюнчи.

БОКИРА (ар.) – эр қўрмаган, турмушга чиқмаган; иффатли;

БОЛА-БАҚРА (т.) - катта-кичик болалар; бола-чақа.

БОЛДИЗ (т.) - хотиннинг синглиси; қайнисингил.

БОЛДОК (т.) – 1. Кўzsиз бўртиқ узук; 2. Айн. Зирақ; 3. Баъзи нарсаларни маҳкамлаш учун уларга кийдириладиган ҳалқа.

БОЛОР (ф.-т.) – тўсин.

БОЛОХОНА (ф.-т.) – маҳаллий типдаги иморатнинг иккинчи қавати ва шу иккинчи қаватдаги уй.

БОЛОХОНАЛИ (ф.-т.) – болохонаси бўлган, икки қаватли.

БОМДОД (ф.-т.) – 1. Эрта билан кун чиқмасдан ўқиладиган биринчи тонгги намоз; 2. Эрта тонг пайти; сахар.

БОНУ (ф.-т.) – 1. Юқори табакаларга, зодагонларга мансуб аёллар унвони; 2. Ҳурмат юзасидан хотинлар исмига қўшиб ишлатилади.

БОЗОРШАБ (ф.-т.) – ўрта асрларда Ўрта Осиёning йирик

шахарларида байрам ва рўза кунлари уюштирилган, оммавий кўнгил очиш кечалари. Бозоршабда шаҳарнинг бош кўчаларидан бири ёки майдон безатилиб, чойхона ва дўконлар олдига чорпоялар қўйилиб, ҳар хил нарсалар сотилган. Карнай-сурнай ва ногоралар чалиниб, маҳсус жарчилар одамларни бозоршабга чорлаган. Ўйин-кулги, миллий ўйинлар ва курашлар намойиш килинган. Бозоршаб ҳар жойнинг урф-одати, расм-руsumларига қараб турли шаҳарларда турлича ўтказилган.

БОЛИШ (м.) – мўғуллар империясида тилло пул бирлиги; болиш 8 мисқол-у 2 донгга тенг бўлган.

БОЛИФ (м.) – мўғулча “шахар” демакдир.

БОЛҒАЛИ (т.) (тар.) – ўзбек халқи таркибига кирган уруглардан. Илгари болғали урути жалойир, кенагас, курама, кўнғирот, нурота туркманлари ва бошқа ўзбек кабилалари таркибига кирган. Болғали уруғи бир неча бўгинларга бўлинган: бибул, биюрли, ештеке, керайт, нўгой, нукус, ишикли ва бошқалар. Болғали уруғи козок ва коракалпоклар таркибida ҳам учрайди.

БОНИЙ (ар.) – бино курувчи, курувчи деган маънони англатган.

БОРГОХ (ф.-т.) – подшоҳ ёки хоннинг қабулхонаси бўлиб, у ерга маҳсус ижозат билан кирилган. Боргоҳга маҳсус имтиёзи бўлган кишилар, яъни тархон ва оталикка ўхшаган кишилардан бошқа барча мансабдорлар фақат подшоҳ ёки хоннинг эшикоғабоши орқали берган рухсати билангина кира олган. Ҳарбий юришлар вақтида хон ёки подшоҳ чодирининг сарпарда билан ўраб ажратилган қисми боргоҳ вазифасини бажарган.

БОРДОН (ф.-т.) – 1. Қобиги олинмаган, қамишдан тўқилган қалин, дагал тўшама; 2. Шундай тўқимадан тайёрланган маҳсус қоп, идиш.

БОРА (ф.-т.) – қалъа девори; қалъа деворининг ўқ отишга мўлжалланган маҳсус мустаҳкамланган жойи.

БОРА, ТУРА, ЯСОҚ (м.т.) - қонун-коида, тартиб, низом.

БОСВОЛДИ (т.) - ола пўчоқ, эти юмшоқ қовун.

ТИРИФ (т.) - от устига бостириладиган кигиз.

фикр ва ақидалар. Исломда Мұхаммад (САВ) дан кейин пайдо бўлган унсур ва қоидалар.

БИДЪАТКОР (ар.+ф.-т.) – диний ақидаларни ислоҳ қилиш, динга хилоф янгиликлар киритиш тарафдори; бидъатчи.

БИЗОАТ (ар.) – кишининг орттирган, тўплаган молдунёси, бойлиги; бисот.

БИЙ (т.) – кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқларнинг, жумладан, ўзбекларнинг уруғ оқсоқолларига берилган унвон. Бийлар XVIII-XIX асрларда йирик ўзбек қабила ва уруғларига бошчилик қилиб, фақат марказий хукуматга итоат этган. Ўрта Осиё хонлари қабила ва уруғ бошликларини итоатда саклаш учун уларга унвонлар бериб мансабларга тайинлаганлар. Бий унвони авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолдирилган.

БИЙЛИК (т.) – бошқариш, идора қилиш хуқуки; хукм ронлик.

БИЛАГУЗУК (т.) - билакка такиладиган зийнат буюми.

БИЛГУ (ТИЛГУ) (т.) - Бухоро амирлигига вилоятлар, туманлардан маълум микдордаги пул ёки буғдой олиш учун бериладиган маҳсус ишонч қофози. Одатда ушбу ҳужжат шахсан амир ёки бош девонбеги, ёхуд давлатнинг ишончли амалдорларининг шахсий муҳрлари билан муҳрланган.

БИР БОТМОН (т.+ф.-т.) - Мовароуннахр ва Хуросон худудларида амалда бўлган оғирлик ўлчови. Оғирлиги турли жойда турли хил бўлган. Мовароуннахрда бир ботмон - 2 пуд, яъни 32 кг га тенг келган.

БИР СУВ (т.) - Бухоро амирлигига XIX - XX аср бошида бир кун давомида ўз ерини сугориш учун сувдан фойдаланиш куни.

БИРИНЖ I (ф.-т.) - сарҳум сариг металldан ишланган чўмичга ўхшаш асбоб. Хива хонлигига кенг кўлланилган.

БИРИНЖ II (ф.-т.) - бронза.

БИРИНЧ (ф.-т.) - гуруч.

БИРКА (ар.) - сардоба, ховуз. *Қар.*: сардоба.

БИРОДАРОНА (ф.-т.) - aka-укалардек, оғанинилардек; дўстона.

БИРОНФОР (ф.-т.) – қўшиннинг ўнг қаноти, ўнг фаланг.

БИСОТ (ар.) – айрим киши, оила, хўжаликнинг жамгарган мол-мулки. Қиз чиқариш, ўғил уйлантириш ёки ўлимлик деб бисот йифилади. Илгари гилам ва шунга ўхшаш қимматли нарсалар яхши бисот ҳисобланган. Ҳозир ҳам бу атама турмушимизда қўлланниб турилади.

БИСТАГОНИЙ (ф. т.) - Салжуқийлар даврида аскарлар оладиган ҳар ойлик маошнинг номланиши.

БИТИК (т.) - қадимги туркий тилларда қалам билан битилган ёзувлар, яъни ҳатлар, мактублар ва китоблар. Араблар истилосидан сўнг битик сўзи ўрнига ҳат, мактуб каби сўзлар ишлата бошланган.

БИТИКЧИ (т.) – ўрта асрларда хон ва маҳаллий ҳокимларнинг барча ёзув ишларини олиб борувчи мансабдор. Маъноси жиҳатидан котиб демакдир. Битикчи атамаси шу маънода IX-XI асрлардан буён маълум. Қадимги Сўғдиёнада, XI-XII асрларда Салжуқийлар, Ғазнавийлар ва Хоразмшохлар давлатида бу лавозим эгаси дабир, кейинчалик мунший, XIX асрда Ўрта Осиё хонликларида эса мирзо, мирзабоши деб юритилган.

БИТИМ (т.) - ўзаро келишув, шартнома.

БИҚҚИ (т.) – жуда ҳам семиз, ёғ битиб семирган.

БИҲИШТ (ф.—т.) – *айн.* жаннат.

БОБУРИЙЛАР (тар.) – Ҳиндистонда 1526 йилдан 1858 йилгача хукмронлик қилган сулола. Унга темурийлардан Захириддин Мухаммад Бобур асос солган. Чет элларда, Ҳиндистонда, узоқ вақтлар бизда ҳам Бобурни ва унинг авлодларини “Буюк мўгуллар” деб аташ одат бўлиб қолган. Бу нотўғри ғоя, асосан, Европада олимлар томонидан Темур ва унинг авлодлари мўгуллардан тарқалган деган ғоя илгари сурилиб, Бобур салтанати учун “Буюк мўгуллар” деган номни қўллашган, уларнинг асарлари орқали шу назария то Ҳиндистонгача кириб бориб, узоқ вақтгача мана шу нотўғри талқин хукм суриб келди. Аслида эса, Темур ҳам, унинг авлодлари ҳам, шу жумладан, Бобур ҳам мўгуллардан тарқалган эмас. “Буюк мўгуллар” деган ибора Чингизхон ва унинг авлодларига нисбатан қўлланилса тўғри бўларди. Бобурийлар, аслида Темур хонадони вакили бўлмиш З.М.Бобур авлодларидир.

БЕКАЧ (т.) – 1. Бекнинг ва умуман хукмдорларнинг, амалдорларнинг, боёнларнинг ёш хотини ёки қизи; 2. Хотин-қизларга хурмат билан мурожаат қилганда ишлатилган сўз.

БЕКВАЧЧА (т.) – бекдан туғилган бола; бекзода.

БЕКЗОД(А) (т.) – бекдан туғилган бола; бек насли, бек зоти.

БЕКЛАРБЕГИ (т.) – Ўрта Осиёда мавжуд бўлган юкори маъмурий унвон ва лавозим. Вилоят, катта шаҳар ҳокимлари ана шу унвонга эга бўлишган. Бу унвон кўчманчи халқлар орасида кўп ишлатилган. Бекларбеги лавозими Ўрта Осиёда XIX аср охиригача сақланган. Бекларбегининг асосий вазифаси солик ва турли бошка феодал мажбуриятларининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш, хон фармонларини амалга ошириш, тегишли масалаларни бий, оталиклар, оқсоқоллар кенгаши билан келишиб ҳал этишдан иборат бўлган. Бекларбегилар кўёл остидаги вилоятларда алоҳида вазир, шайхулислом, садр, жонишин (бекларбегининг муовини) каби мансаблар ҳам бўлиб, улар бевосита бекларбегига бўйсунгандар.

БЕКЛИК (т.) – Бухоро амирлигига бек томонидан идора этиладиган маъмурий худуд. Бухоро амирлиги XX аср бошларида 27та бекликдан иборат бўлган.

БЕЛАНЧАК (ў.) - бола ухлатиш учун хизмат қиласидиган аргимчоқка ўхашаш тебратиш буюми.

БЕЛДАМЧА (т.) – 1. Белга ичдан боғлаб олинадиган иссик (одатда пахтали) белбог; 2. Кўндалангига, белига қўйиладиган, ўрнатиладиган нарса.

БЕЛДОВ (т.) – тикилган ўтовнинг белидан ўраб боғланган арқон.

БЕЛКАШ (т.) – пахсачининг бел билан лой олиб бериб турувчи ёрдамчиси.

БЕПАДАР (ф.-т.) – отаси йўқ, отаси номаълум, отасиз.

БЕХИРАД (ф.-т.) – акли йўқ; беакл, аклсиз, бетамиз.

БЕЧОРА (ф.-т.) – 1. Моддий ахволи танг, мухтоҷликда кун кечиравчи; камбағал, қашшоқ; 2. Мушкул ва аянчли ахволга тушиб қолган, ноиложликдан нима киларини билмай қолган; чо-

расиз, иложисиз; 3. Аянч, ачиниш маъноларини билдиради; маъно жихатдан “боёкиш”, “шўрлик”, сўзларига тўгри келади.

БЕШАМАК (ф.-т.) – ўқ ариқдан сув олиб эгатларга тарқа-түвчи ариқча.

БЕШБАРМОҚ (т.) – тўртбурчак шаклида кесилган хамир, гўшт ва думба ёғ солиб пиширилган овқат; шилпилдок.

БЕШИК (т.) – чақалоқни белаб ва тебратиб ухлатиш учун ясалган тўрт оёкли маҳсус мослама.

БЕШИККЕРТИ (т.) - киз болани чақалоқлигигидаёқ унаштириб қўйиш одати

БЕШИКСЎПОҚ (т.) – бешикда бир вазиятда ётавериб, боши сўпок бўлиб қолган.

БЕШКОКИЛ (т.) – сочни бешта-бешта кокил қилиб ўриш усули ва шу усулда сочини ўрган аёл.

БЕШЛИК (т.) – 1. Беш мисрадан иборат бўлган мухаммас; 2. Беш кишидан иборат бўлган гурӯҳ; 3. Бешта холи бўлган карта.

БЕШҚАРСАҚ (т.) – ракснинг қарсак чалиб ижро этиладиган бир тури.

БЕҚАСАМ (т.) – ўриши ипак, арқоги ип, йўл-йўл газлама.

БЕҒАМ (ф.-т.+ар.) – 1. Ғам-ташвишни билмайдиган, парвойи фалак; бепарво; 2. Ғам-ташвишдан холи; беташвиш, хотиржам.

БЕҲ (ф.-т.) - яхши, дуруст.

БЕҲБУД (ф.-т.) – яхшилик томонга ўзгариш; соғайиши.

БЕҲБУДЛИК (ф.-т.) – яхшилик; рўшнолик.

БИБИ (х.) - хотун, хонуш, уй бекаси, мўътабар аёл.

БИБИ СЕШАНБА (х.ф.т.) – Ислом динида аёллар сиғина-диган авлиё она. Чарх йигириувчи аёлларнинг пири, афсонавий шахс.

БИГИЗ (т.) – 1. Пойабзалдўзларнинг ёғоч сопли, нина учли металл асбоби.

БИДЪАТ (ар.) - диндаги расмий таълимотларга қарши янги

БҮКЪА (ар.) - мадрасаларда факир ёки қаландарлар учун белгиланган хужра.

БҮФ, БҮҚ (т.) – шох, мугуз, сополдан ясаладиган пулама соз бўлиб, қадимги замонларда тоғ ва саҳро жойлардаги қабила, уруғ аъзоларини шошилинч йифиш учун фойдаланилган. Бутдан кий чикмайди. У пулланадиган, уч томони ингичка сурнай, найсимон бўлиб, ёнида тешик парда бўлмаган. Чалганда товуши бир хил чиқкан ва анча олисдан ҳам эшитилган.

БҮФРО (м.-т.) - 1. Таомнинг номи; 2. Бичилмаган тұя; 3. Улуғ, буюк.

БҮФРОЛАР (м.-т.) – X-ХI асрларда Қорақонийлар ҳоқонлигининг гарбий қисмини (Еттисув, Қашғар ва Жанубий Қозогистон) ҳоқон номидан идора қилган сулола хонларининг лақаби. Унинг иирик вакиллари Абдулкарим Сотук Бугрохон ва унинг набираси Хорун ибн Мусо даврида Еттисув ва Қашғардаги кўпчилик туркий халқлар ислом динини қабул қилганлар. Хорун ибн Мусо 992 йилда Мовароуннахрни эгаллаган, аммо шу йилнинг август ойида Бухоро ва Самарқандни ташлаб, Қашғарга чекинишга мажбур бўлган. XI аср бошларида бугролар давлатида ички феодал кураш кучайиб кетганлиги натижасида бу давлат инкиrozга юз тутган.

БЎЗ (ар.) - кўл дастгоҳида пахта ипидан тўқилган мато.

БЎЗА I (ф.т.) – окишок, тарик, арпа ва шў кабилардан олинадиган, кайф берувчи ичимлик.

БЎЗА II (ар.+ф.т.) - гишт териш ёки пойдевор кўйиш учун тайёрланган қоришма.

БЎЗАГАР (ар.+ф.т.) - бўза ичимлиги тайёрлаш ва сотиш билан шугулланувчи одам.

БЎЗАХЎР (ар.+ф.т.) - бўза ичишни яхши қўрадиган, бўзани кўп ичадиган.

БЎЗЧИ (ар.+ф.т.) - бўз тўкувчи косиб.

БЎЙИНТУРУҚ (т.) - иш ҳайвони бўйнига кийдирилладиган омоч абзали, хомут.

БЎЙИНЧА (т.) - иш ҳайвони бўйнига хомут остидан кийдириладиган ҳалқа шаклидаги абзал.

БҮЙРА (ф.-т.) - тозаланган камиш чўпидан тўкилган тўшама.

БЎЛА (т.) - опа-сингилларнинг болалари (бир-бирига нисбатан); холавачча.

БЎЛЖАР (т.) - қўшин йигилув жойи.

БЎЛЖАРБЕГИ (т.) - қўшин йигилув пункти бошлиги.

БЎНАК (ф.-т.) – XX аср бошларигача Ўрта Осиёда мавжуд бўлган, иш хақи ҳисобидан дехкон ва хунармандларга берилган карз. Халфа ишга ёлланиш олдидан устадан маълум муддатга бўнак олган. Одатда, бўнакни узолмаган халфа бошқа устанинг дўконига ишга ўтолмаган. Бўнак XIX аср охири – XX аср бошида паҳтакор туманларда ҳам кенг тарқалган. Асосан, дехконлар кишлоқ хўжалик асблоблари, уруғлик каби нарсаларни сотиб олишга муҳтоҷ бўлганда берилган. Бўнак олган дехконнинг ери ва мол-мулки гаровга кўйилиб, ундан олинган тилхат кози томонидан тасдиқланган.

БЎЛИС (р.) – 1. Россияда уезд таркибидаги бир қанча кишлокни ўз ичига олган маъмурий бўлинма; 2. Шундай маъмурий-худудий бўлинма ҳокими.

БЎРК (т.) - бош кийимнинг бир тури, қишлиқ қалпок, телпак.

БЎРОН (т.) - ёгингарчилик билан тўзон аралаш кучли шамол.

БЎТА (т.) - таянинг боласи.

БЎТАЛОҚ (т.) - таянинг ёш боласи.

БЎТҚА (т.) - бир неча тур донни қайнатиб пиширилган куюқ овқат.

БЎСТОНФОР (м.-т.) - пистирма деган маънони англатади.

БЎХЧА (т.) - 1. Қийикча, рўмол кабиларга ўраб тугилган нарсалар; тугун, тугунча; 2. Кийим-кечак ўралган тугун.

БЎХЧАБАРДОР (т.+ф.т.)-Хива хонлигига хоннинг кийим-боши мутасаддиси.

БЎЯ (тар.) - Ирок худудларида хукм сурган сулоланинг номи.

БҮФОВ (т.) - 1. Кишан, банд; 2. Тўсиқ, гов.

БҮФОЗ (т.) - икки сув ҳавзасини туташтирувчи тор сув йўли.

БҮФОТ (т.) - 1. Қамиш солиб ёпилган томнинг девордан ташқарига чиқиб турган қисми; 2. Сув йўлининг бўғилган жойи.

БҮФРА (т.) - бичилмаган туя.

B

ВАЗИР (ар.) - арабча сўз бўлиб, ёрдам кўрсатувчи, ёрдамчи деган маънони англатади. Биринчи бор вазир унвони VIII асрда аббосийлар сулоласи даврида пайдо бўлган. Шундан бошлаб мусулмон давлатларининг ҳукуматлари таркибида олий мансаб эгаси сифатида вазирлар фаолият кўрсатишган. Улар подшохлар, хонлар ва вилоят ҳокимлигига тайинланган шахзодаларнинг ёрдамчилари ҳисобланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати таркибида бош вазир ва ҳар соҳа бўйича иш олиб борувчи вазир лавозими мавжуд бўлиб, кенг фаолият кўрсатмоқда.

ВАЗИРИ АЪЗАМ(ар.) - улуг вазир, яъни вазирлар бошлиғи деган маънони англатади. Илк ва сўнгги ўрта асрларда ҳукуматнинг олий идораларини бошқарган юқори мансабдаги шахс бўлиб, вазирлар иш фаолиятини бошқариб турган.

ВАЗИР-ВУЗАРО (ар.) — подшоҳ ва хонлар саройидаги вазирлар ва бошқа катта амалдорлар, аъёнлар.

ВАКИЛ I (ар.) - 1. Бирор киши, муассаса, ташкилот ва шу кабилар номидан иш кўришга ваколати бўлган, унинг манфаатларини кўзловчи ва химоя қилувчи шахс; 2. Бирор давлат ёки ташкилотнинг ваколати билан ўзга элларда унинг номидан иш кўрувчи, унинг манфаатларини химоя қилувчи лавозимли киши, элчи; 3. Бирор соҳа, ижтиёмий гурӯх, жамият ва шу кабиларга мансуб киши; намоянда.

ВАКИЛ II (ар.) - Салжуқийлар даврида ишончли, эътиқодли киши шундай аталган. Сомонийлар давридаги олий унвон.

ВАКОЛАТ (ар.) - бирор шахс, муассаса, ташкилот, давлат ва шу кабилар номидан иш қилиш учун берилган ҳуқуқ, вакиллик ҳуқуқи.

ВАКОЛАТНОМА (ар. +ф.т.) - 1. Ишонч қоғози; тилхат; 2. Вакиллик ҳукукини берувчи хужжат, ваколат, ишонч ёрлиги.

ВАКОЛАТХОНА (ар. ф.-т.) - бирор давлат томонидан ўзга ерда таъсис этилган ва унинг манфаатларини кўзлаб иш кўрадиган муассаса.

ВАЛАД (ар.) – шариат йўли билан никоҳланмаган ота-онадан туғилган бола.

ВАЛИАҲД (ар.) – подшоҳ ёки хоннинг тириклик чоғида ўз ўрнига тайинлаб қўйган таҳт вориси. Валиаҳд подшоҳ ёки хоннинг қароридан кейин маҳсус давлат кенгашида тасдиқланган. Чингизхон ва Амир Темур замонида валиаҳд тайинлашда уларнинг ёшига эмас, балки давлатни бошқара олиш қобилиятига эътибор берилган. *Масалан:* Амир Темур ўғиллари Мироншоҳ ёки Шоҳруҳни эмас, балки набираси Мухаммад Султонни, у вафот этгач, Мирзо Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммадни валиаҳд қилиб тайинлаган эди.

ВАЛИНЕЙМАТ (ар.) - 1. Ўзига қарам кишиларни моддий жиҳатдан таъминлаб турувчи, уларга неъмат берувчи шахс; 2. Олийхиммат, сахий одам; хайр-саҳоватли, қўли очик одам.

ВАЛЛАМАТ (ар.) - 1. *Айн.* Валинеъмат; 2. Ўз меҳнати сингмаган нарсаларга, бировникига сахийлик, хўжайнлик қиласеверадиган одам; 3. Оқсоқол, бошлиқ, амалдор; 4. Йигит, сарбоз.

ВАРДАНХУДОТ (ф.т.) - VII аср охири – VIII бошида хозирги Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган кичик феодал давлат – Варданзи давлати олий ҳукмдорларининг унвони. Варданхудотлар Зарафшон водийсидаги ҳукмдорлар ичida энг кучлиси бўлган.

ВАРРАК (т.) - маълум ҳажмдаги қоғозга қамиш чўпларини белгили тартибда ёпиштириб ясалган ва шамолда ип қўйиб учирладиган ўйинчоқ. қаранг: Бодпарак.

ВАРФ (сўғд.) - чўп, шоҳ-шабба, тошдан кўтарилган сув банди.

ВАСИЙ (ар.) - васиятни ижро этувчи шахс; вояга етмаган

етим болаларга ғамхўрлик қилишни ва уларга мерос қолган мол-мulkка (болалар вояга етгунча) қараб туришни ўз зиммасига олган шахс; маънавий ота.

ВАСИҚА ПУЛИ (ар.+ф.т.)- Бухоро амирлигида XIX аср - XX аср бошида мавжуд бўлган солик тури. Сотилган мол-мулкнинг ҳужжатларини расмийлаштириш учун олинадиган йигим.

ВАСИЯТ (ар.) - 1. Мархумнинг ўз яқинларига айтиб ёки ёзуб қолдирган топшириғи, истаги, насиҳати. 2. Буюк зотнинг ёки отабоболарнинг ўз издошларига, авлодига айтиб ёки ёзуб қолдирган ўгити, панд-насиҳати, кўрсатиб кетган йўл-йўриғи.

ВАСИЯТНОМА (ар.+ф.т.) - мерос қолдирувчининг ўз мулки ва фарзандлари тарбиясига доир фармойиши. Васиятнома муомала лаёқатига эга бўлган шахс томонидан тузилиши мумкин. Акли заиф, руҳий касал шахслар томонидан тузилган васиятнома хақиқий хисобланмаган.

ВАСИҚА (ар.) – ер-мулк олди-соттиси тўғрисида тузилган расмий шартнома. Васиқа кўчмас мулкка доимий ёки вақтинча эгалик қилиш хуқуқини берган. Туркистон қозихоналарида васиқа факат бир нусхада шариат қонунлари асосида тузилган. Унда ҳар икки тараф, яъни олувчи ва сотувчи ҳамда гувоҳлар васиқага имзо чеккач, уни қози имзолаб мухраган. Амирлар ер ва бошқа кўчмас мулкларни тортиқ қилганларида васиқани ўzlари берганлар.

ВАССА (ар.) – иморатнинг тўсинлари устига зич қилиб кўндаланг териладиган, бир томони ясси, иккинчи томони дўнг, калта таёқча ёки тахта; тоқи.

ВАССАЛ (?) – илк ўрта асрларда Ғарбий Европадаги кул, хизматкор, бошқа шахсга тобе бўлган эркин хизматчи, феодализм даврида эса катта ер эгасига қарам бўлган феодалга нисбатан ишлатилган атама. Сўнгти феодализм даврида, жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида бир давлат томонидан иккинчи давлатни сиёсий жиҳатдан ўзига тўла қарам қилиб олиб, у ерда ўз сиёсатини юргизиш вассаллик деб аталган.

ВАССАЖУФТ (ф.—т.) - Иморатнинг “тўсинлари устига зич қилиб васса териб куриш” усули.

ВАСФ (ар.) – 1. Оғзаки таъриф, тавсиф; 2. Мақтов, мадх.

ВАХТАМҒАЛИ (тар.) - ўзбек халқи таркибиға кирған уруғлардан бири. Вахтамғали уруғи күнғирот, юз ва минг қабилалари таркибидә бўлган. Вахтамғали уруғига мансуб кишилар асосан Самирқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудида истиқомат қилишган. Уларнинг асосий қисми ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида сўзлашганлар.

ВАҲШЎР (қад.ар.) - пайғамбар, расул, элчи.

ВАЪЗ (ар.) – одатда, жамоат ўртасида, масжидларда сўзлашнидиган диний ёки насиҳатомуз нутк.

ВАҚФ (ар.) – давлат томонидан, щунингдек, айрим кишилар томонидан диний муассасалар, масжидлар, мадрасалар ихтиёрига даромаддан фойдаланиб туриш, аммо сотмаслик шарти билан ўтказилган ёки васият қилиб қолдирилган мол-мулк, яъни ер-сув, бино ва бошқалар вақф дейилади. Вакфдан келадиган даромадлар ўша диний муассасалар ва уларда хизмат қиласиган дин пешволарига берилган.

ВАҚФНОМА (ар.+ф.т.) - мулк эгаларининг ўз ер-суви, хўжалик бинолари ва даромад келтирадиган бошқа мулкларини диний муассасалар – масжид, мадрасалар ҳамда айрим руҳонийларга – эшон, муфтийларга, сўфийлик жамоалари измига ихтиёрий суратда ўтказгандиги тўғрисидаги ҳужжат. Вакфномада мулкнинг вақфга ўтказилиш сабаби, мулк эгасининг номи, вақф қилинган мулкнинг мутаваллиси (бошқарувчиси), вақф мулкидан фойдаланиш тартиби, гувоҳлар аниқ кўрсатилган. Вакфнома қози тасдигидан кейин қонуний кучга кирган.

ВАҚФХЎР (ар.+ф.т.) - вақф даромадидан фойдаланувчи ёки вақф маблағи ҳисобига яшовчи талаба.

ВАҲИЙ (ар.) – худо томонидан пайғамбарга Жаброил фаришта орқали келтирилган хабар.

ВАҲХОБИЙЛАР (тар.) - Марказий Арабистонда тарқалган диний сиёсий оқим. Унга Мухаммад ибн Абд ал-Вахҳоб (1703-1787 й.й.) асос солган. Ислом илоҳиётига, шариатга асосланган. Вахҳобийларнинг асосий ақидаси ваҳдоният, яъни якка худоликдир. Улар якка худоликни қатъий талаб этиб, “динни поклаш”га, “Мухаммад саллаллоҳу алайхи васаллам давридаги асли ҳоли”га келтиришга, арабларни “чинакам ислом”нинг яшил байроғи остида бир-

лаштиришга ҳаракат қилганлар. Вахҳобийлар мусикани, қўшиқ айтишни қоралаб, маънавий маданиятнинг тараққиётига тўсқинлик қилганлар. Улар “муқаддас жойлар”га зиёрат қилишни, авлиё ва мозорларга сигинишни, зоҳидликни қоралайдилар. Улар оддий кийинишни, камтарона ҳаёт кечиришни, айш-ишратга, кўп бойлик тўплашга берилмасликни тарғиб этганлар. Бугунги кунда улар эски халифалик тузумини тиклаш ғоясини илгари суриб, диний экстремизм хавфини кучайтирмоқда.

ВИЛОЯТ (ар.) – 1. Мамлакатнинг пойтахтдан йироқдаги чекка ўлкаси; 2. Йирик маъмурий–худудий бўлинма.

ВИЛОЯТЗО (ар.+ф.т.) - Ҳиндистонда ўрта асрларда Эрон ва Мовароуннахрдан келиб ўрнашган шахсларга нисбатан айтилган истилоҳ.

ВИСОҚ (ар.) - Салжуқийлар даврида уй, капа, чодир маъносини берган.

ВИСОҚБОШИ (ар.) - Салжуқийлар даврида бир даста ёки гурхнинг бошлиги шундай аталган.

ВОДИЙ (ар.) – 1. Дарё бўйлаб чўзилган ёки тоғлар орасида-ти кенг текислик; 2. Умуман экин экиладиган, обод ер;

3. Чексиз, бепоён кенглик.

ВОЖИБ (ар.) – 1. Ҳар бир мусулмонга пайғамбар томонидан буюрилган, бажарилиши мажбурий бўлмаган; 2. Бажарилиши мажбурий. *Масалан, амри подшо вожиб.*

ВОЖИБОТ (ар.) – шарт, мустаҳиб, макруҳ, ҳалол, ҳаром каби бажарилиши шарт ва зарур бўлган шариат амри ва қоидаконунлари.

ВОИЗ (ар.) – 1. Диний мазмунда ваъз қилувчи, ваъз айтuvчи, ваъзхон; 2. Насиҳатомуз ёки ташвиқий нутқ сўзловчи, нотик.

ВОЛГА БЎЙИ ЎЗБЕКЛАРИ (ТАР.) - VI-XIX асрларда Волга бўйларида яшаган ўзбекларга нисбатан ишлатилган атама. Асрлар мобайнида Волга бўйларидаги шаҳарлар Ўрта Осиё моллари учун муҳим бозор хисобланган. Хоразм, Бухоро ва бошқа шаҳарлардан Волга бўйларига мол олиб борувчи маҳсус савдогарлар бўлган. Ўрта Осиё ҳудудида яшаган аҳолининг маълум қисми ихтиёрий равишда Волга бўйларига бориб ўрнашиб қолган. VI аср охирида

Волганинг қуи оқимида вужудга келган Хазар подшоҳлигига Ўрта Осиёликлардан 20 мингта яқин киши кўчиб келиб ўрнашган. Уларнинг кўпчилиги хоразмликлар бўлишган. Хоразмликлар Хазар подшоҳлигининг ички ва ташки савдосида муҳим роль ўйнаганлар. Подшоҳлик вазири хоразмликлардан тайинланган. Ҳатто подшоҳликнинг 1200 кишидан иборат гвардияси ҳам хоразмликлардан ташкил топган. Хоразмликлар Хазар подшоҳлигининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида катта мавқе эгаллаганлар. Мўғулларнинг Олтин Ўрда давлати барпо этилгандан кейин ҳам Волгабўй ўзбеклари давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта мавқенини сақлаб қолган. Улар Олтин Ўрданинг Сарой Боту ва Сарой Беркадаги пойтахт шаҳарларида истиқомат қилиб, савдо ва хунармандчилик билан шуғулланганлар. Улар Олтин Ўрда давлатида нафакат архитектура, наққошлиқ, хунармандчилик тараққиёти ва маданий юксалишга, балким Олтин Ўрда адабиёти ва адабий тилининг ривожига ҳам муҳим хисса кўшганлар. Волгабўй ўзбеклари узоқ вақтлар ўз урф-одатлари, тили ва динини сақлаб қолган. XIX аср ўрталарига келиб, уларнинг маълум кисми ўз ватанига қайтган, қолган кисми эса ҳозир ҳам Астрахан яқинида яшаб келмоқда.

ВОЛИ (ар.) - Кўкон хонлигига вилоят ва туманларга хоннинг ўринбосари. У вилоятнинг ҳарбий-маъмурий ишларига бошлиқлик қилган. Шунингдек вилоятларда лашкар ҳам унга итоат этган. Манбаларда “ноиб” - муовин деб ҳам аташган.

ВОЛИДА (ар.) – *айнан* Она.

ВОЛОСТНОЙ (р.) – Октябрь тўнтаришидан илгариги Туркистонда волость бошлиғи; бўлис.

ВОЛОСТЬ (р.) – Октябрь тўнтаришидан илгариги Россияда ва Туркистон ўлкасида маъмурий-худудий бўлинма, уезднинг кичик бир бўлаги.

ВОЛИЙ (ар.) - алоҳида вилоятнинг ҳокими.

ВОРИС (ар.) - мерос олиш хукуқига эга бўлган шахс; мерос эгаси, меросхўр;

ВОФУРУШ (ф.-т.) - оёқ кийимлари, пойафзал билан савдо килувчи дўкондор.

ВОҚЕАНАВИС (ар.+ф.т.) - 1. Вокелиқда юз берган ҳақиқий

ходисаларни акс эттирувчи ёзувчи; 2. Расмий йўл билан қўйилган маҳфий айғоқчи; маҳфий кузатувчи, жосус.

ВОҚИФ (ар.) – бўлиб ўтган ёки бўлажак воқеа, ҳодисадан маҳфий нарса, сир ва шу қабилардан хабари бўлган; хабардор, боҳабар.

ВОҲА (ар.) – саҳро билан ўралган обод, сувли ўлка.

ВОҲИД (ар.) – 1. Бир, якка, ёлғиз; бирдан-бир; 2. Бирлик (ўлчов бирлиги);

ВУҚҚИЯ, ВИҚҶА (ар.) - 12 дирам (дирҳам)(1 дирам 3, 2 гр.кумуш) га тенг бўлган пул бирлиги.

Г

ГАБР (т.) - 1.Оташпаст, зардушт динида бўлган одам, зардустий; 2. Салжуқийлар даврида насроний динида бўлган киши шундай аталган.

ГАВҲАР (ф.-т.) - Тарашланган ва сайқал берилган олмос;

ГАВҲАРШУНОС (ф.-т.) - Қимматбаҳо тошларни яхши биладиган мутахассис;

ГАДОЙ (ф.-т.) - тиланчилик билан кун кечирадиган одам; тиланчи.

ГАЖАК (ф.-т.) - 1. Икки чеккага ёки пешанага ҳусн учун тушириб қўйиладиган ярим ҳалқа шаклидаги соч; зулф; 2. Шу таҳлитда олтин, кумуш ва шу қабилардан ясалган ва чеккага тақиладиган безак буюми (баъзи қушларнинг пат, думларидан ҳам шундай безак буюми сифатида фойдаланилган); 3. Эгилган, қайрилган.

ГАЖИМ (ф.-т.) - рўмол, дарпарда, дастурхон сочиқ каби нарсаларнинг зихига тикиладиган ёки ўзидан титиб чиқариладиган шокила; попук.

ГАЖИР (ф.-т.) - жангари, қайсар, ўжар.

ГАЗ (ф.-т.) - Шарқ мамлакатларида таҳминан 62 см дан 91,5 см-га тенг бўлган узунлик ўлчов бирлиги.

ГАЗА (ф.-т.) - тоғ чўққиси; адир, дўнг, баландлик.

ГАЗАН (ф.-т.) - косибларнинг чарм қирқадиган махсус пичоги.

ГАЗ ЧЎП (ф.-т.) - узунлиги бир газга тенг ўлчов асбоби.

ГАЛАИ ОСИЁ (ф.-т.) - Қаранг. Тегирмон ҳаки.

ГАЛА ХОП (ф.-т.) - XIX-XX аср бошларида Ўрта Осиё худудларида хирмонда дон янчиш учун бир-бирига бўйнидан ип боғланган бир неча ҳўқиз ва ҳўқизчалардан фойдаланишган. Бир киши ушбу иш ҳайвонларининг энг чапдагисини ушлаб туриб уни жойида ўнгдан чапга жуда секин айлантирган. Ўнг томонидан энг охирги иш ҳайвонини эса тезрок югуртиришган. Ушбу иш ҳайвонлари (ҳўқиз ва ҳўқизчалар)нинг барчаси гала хоп дейилган.

ГАНЖ (ф.-т.) – хазина, бойлик.

ГАНЧ (ф.-т.) - алебастирнинг бир тури; сувок, нақш учун ишлатиладиган курилиш материали.

ГАНЧКОР (ф.-т.) - 1. Ганчдан нақш ясовчи уста, ганч сувок устаси; 2. Ганч сувок қилинган, ганч билан нақшланган.

ГАНЧКОРЛИК (ф.т.+т.) - амалий санъатнинг бир тури бўлиб, у ўймакорлик тармоғига киради. Ганчкорлик энг қадимий санъат турларидан хисобланади. Милоднинг I аслидан бошлаб ганч-га ўйма нақшлар солиш расм бўлган. Ҳозирги кунда ўзбек ганчкорлигига бир неча мустақил мактаб - Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Фарғона, Тошкент мактаблари мавжуд. Ҳозирда ганчкорлик санъати, асосан, жамоат биноларини безашда кенг қўлланилади.

ГАП (ф.-т.) - улфатлар орасида навбат билан, одатда ҳафта-да бир марта, улфатлардан бириникида ўтказиладиган зиёфат; улфатчилик.

ГАРМ ОБ (ф.-т.) - Бухоро амирлигига саратон (июн) ойида экинларни илиқ сув билан сугориш усули. У одатда ҳосилни тез шишишига ёрдам беради.

ГАРОВ (ф.-т.) - 1. Қарзни берилган муддатда тўлаш юзасидан кимматбаҳо буюм ёки пул воситасида кафолат бериш; 2. Бирор нарса ёки ҳодиса ҳақида баҳслашувчи икки киши ўртасидаги шарт.

ГАШТАК (ф.-т.) - бўш вақтни кўнгилли ўтказишнинг бир

шакли. Гаштак дам олиш, бирор жойга саёхат қилиш, зиёфат ёки меҳмондорчилик кўринишларида ўтказилади. “Гаштак” Самарканд, Бухоро ва Қашқадарёнинг кўпгина жойларида “гап” ўрнида ишлатилади.

ГИЛ (ф.-т.) - 1. Чинни буюмлар ясаш учун ишлатиладиган оқ лой; каолин. 2. Умуман лой, тупрок.

ГИЛАМДЎЗ (ф.-т.) - гилам тўкувчи.

ГИЛКОР (ф.-т.) - ганч ёки алебастрандаги нақш ясовчи мутахассис; ганчкор уста.

ГИРА (ф.-т.) - ишлов бериладиган нарсани маҳкам сикиб кўядиган асбоб; тахтакач, тиски.

ГИРД(И)БОД (ф.-т.) - тўзон, чанг, кум аралаш буралиб кўтарилиувчи каттиқ шамол; қуюн, уюрма, довул.

ГИРДОБ (ф.-т.) - Ариқ ва дарё сувларининг айланиб буралиб, уюрма хосил қилиб окаётган ери.

ГИРЁН (ф.-т.) - йиглаётган, йигловчи.

ГИРИШ (т.) - ёйнинг ўқни қадаб отадиган или.

ГИРЯ (ф.-т.) - 1. Айнан йиги; 2. Халқ куйларидан бирининг номи.

ГОВ (ф.-т.) - катта, улкан.

ГОВДУМ (ф.-т.) - карнай.

ГОВРОН (ф.-т.) - йўғон новладан қилинган подачилар таёғи.

ГОВСАР (ф.-т.) - икки тишли чўқмор.

ГУБЕРНАТОР (р.) - Чор Россиясида губерни бошлиғи, хокими. Туркистон Чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг, Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилган. Уни генерал-губернатор бошқарган.

ГУБСАР (?) - қўй терисидан мешга ўхшаб тикилган маҳсус мослама. У хаво тўлдирилгач, одам унга ўтириб олиб қўли ва оёғи билан ҳаракат қилиб сувли жойлардан, дарёлардан кечиб ўтишган. Катта миқдордаги одамларни кечувдан ўтказиш учун бир неча губсар бир-бирига боғланган ва устига қамиш тўшаб, устига одамларни ўтказиб сувдан ўтказишган. У сангоч деб ҳам аталган. Ҳозирги пантон мосламасига тўғри келади.

ГУВАЛА (ф.-т.) - лойдан қўлда ясаб, офтобда қуритилган таги ясси, чўзинчоқ кесак (курилиш материали сифатида ишлатилади).

ГУЗАР (ф.-т.) - шаҳар ёки қишлоқнинг уч-тўрт кўчасини ўз ичига олган, чойхона, магазин, баққоллик ва қассоблик дўконлари бўлган гавжум ва серқатнов обод жой. Одатда, маҳалла одамлари гузарга чиқиб чойхўрлик қиласидар, сухбатлашадилар, ҳордик чиқарадилар.

ГУЗАРИ (ф.-т.) - Хива хонлигига тери шундай аталган.

ГУЛА (ф.-т.) - 1. Тўкимачилик дастгоҳининг бир қисми; 2. Нусха.

ГУЛБАНД (ф.-т.) - пичоқнинг дастаси билан тифи бириккан жойига ўрнатилган маҳсус металл ҳалқа.

ГУЛКОР (ф.-т.) - накш-гул ўювчи ёки ясовчи уста, мутахассис.

ГУЛКЎРПА (ф.т.+т.) - уй деворларига осиб қўйиладиган ёки тахмонга ёпиладиган, одатда гул тикилган бир турли сўзана.

ГУЛОБ (ЖУЛОБ) (ф.-т.) - 1. Атиргул суви; 2. Атиргул сувидан тайёрланган ширин ичимлик; шарбат.

ГУЛОБЧИ (ф.-т.) - гулоб тайёрловчи; гулоб сотувчи.

ГУЛЧИНОР (ф.-т.) - карта ўйинининг бир тури; пиrra.

ГУЛКАНД (ф.т.+ар.) - атиргул ва шакардан тайёрланадиган бир нав ширинлик, қиём.

ГУМАШТА (ф.-т.) - катта савдогар бойларнинг жойларда савдо ишларини олиб борувчи ишончли кишиси, вакили.

ГУМБАЗ (ф.-т.) - кубба шаклидаги бино.

ГУМРОҲ (ф.-т.) - йўлдан озган, адашган, янглишган.

ГУЛАФШОН (ф.-т.) - Қўқон ва Самарқанд қоғозининг бир нави.

ГУППИ (т.) - қалин паҳтали калта чопон.

ГУПЧАК (т.) - ғилдиракнинг марказидаги кегайлар қадаладиган ва ўкка ўрнатиладиган ғўла қисми.

ГУПСАР (ф.-т.) - кечувдан ўтиш учун хизмат қиладиган ичига ҳаво тўлдирилган меш.

ГУРЗИ (ф.-т.) - қадимги даврлардаги уруш куролларидан бири. Чўқмор деб ҳам аталган.

ГУРХОН (т.) - Қорахитой хонларининг фахрий лақаби.

ГУСТОҲ (ф.-т.) - одобсиз, беадаб, беандиша, сурбет.

ГЎЖА (т.) - Ўғирда туйиб оқланган жўхори ёки бугдойдан тайёрланган суюқ овқат. У гўжа ош ҳам дейилади.

ГЎЛ (ф.-т.) - солда, лақма; ҳамма нарсага ишонаверадиган.

ГЎЛАҲ (ф.-т.) - 1. Ўт ёқиладиган жой, ўчок; 2. Ҳаммомга ўт ёкувчи киши.

ГЎНИЯ (грек.) - Бурчакнинг тўғрилигини текшириш учун ишлатиладиган чизмакашлик ёки дурадгорлик асбоби.

ГЎШАНГА (ф.-т.) – никоҳ тўйи куни қизнинг уйидаги куёв кирадиган хонага ва куёвнинг уйидаги келин тушадиган хона-нинг бир бурчагига тутиладиган маҳсус оқ парда ёки чойшаб. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларининг айrim туманларида, Фарғона водийсида “чимилдиқ” деб аталади. Хоразмда “кушайина” дейилади. Самарқанд, Бухоро вилоятларида гўшанга даставвал куёв келар кечаси қизнинг отаси уйида тутилиб, унинг орқасига келин-куёвни ўтказадилар. Никоҳ маросимлари ўтгач, киз куёвниги олиб келинади. Бу ерда ҳам гўшанга тутилади. Келин-куёв биринчи кечани гўшанга ортида ўтказадилар. Кўп ерларда тўйнинг эртаси куни гўшанга олиб қўйилади, айrim жойларда маълум муддат, яъни чилласи (кирқ кун) чиккунча гўшанга тутилган ҳолда тураверади.

Илгари гўшанга оқ матодан бўлиб, келин биринчи фарзанд кўрганда ундан чақалоқнинг бешигига говрапўш, яъни бешик устига ёпиладиган ёпқич қилишган.

ГЎЯНДА (ф.-т.) – ҳофиз, қўшиқчи.

Д

ДАВЛАТ I (ар.) - Ҳокимият органлари ва сиёсий ташкилотлар тизимига эга бўлган мамлакат.

ДАВЛАТ II (ар.) - бойлиқ, мол-дунё, мол-мулк.

ДАББОФ (ар.) - терига ишлов берувчи, кўнчи

ДАБИР (ф.-т.) - мамлакат хукмдорининг шахсий котиби. Удин, тарих, адабиётни пухта билиши, ажойиб услубда ёзиши ва воқеани чиройли сўзлар билан ифодалаб бериши керак бўлган. Хукмдорнинг бошқа хукмдорлар билан ёзишмаларининг юқори савияда битилишида дабирнинг роли ва масъулияти катта бўлган.

ДАБИРИСТОН(ф.-т.) - Ўрта Осиё ҳалқлари тарихида икки хил маънода кўлланилган. 1. Подшоҳлик ҳузуридаги мирзахона. Бу ерда маҳсус котиблар, яъни, дабирлар томонидан давлат мактуб ва хужжатлари тузилган ҳамда таҳрир қилинган; 2. Ўрта асрларда Мовароуннаҳр шаҳарларидаги эски мактаб. Бундай мактабларда болалар озми-кўпми дунёвий умумий маълумот олишган. Иш билан бирга, машхур шоирларнинг девонларини ўқиб, ёзиш ва хисоблашни ўргангандар.

ДАВОДОР (ар.) - XIV-XV асрларда Темур ва темурийлар давлатида мавжуд бўлган кичик даражадаги амаллардан. Даводор лавозими асосан сultonнинг маҳсус котиби вазифасига teng келадиган мансаб бўлган.

ДАВОБДОР (ар.) - саис, от боқувчи

ДАВРА (ф.т.<ар.) – 1. Доира шаклида тизилган саф ёки доира ясад, куршовга олиб ўтирган кишилар; 2. Одамлар тўпи, тўдаси, йигини; 3. Ўйин, мусобақа ва шу кабиларнинг бир кури; бир кур ўйин, тур; 4. Кўп босқичли сайлов тизимида сайловнинг бир босқичи; 5. Танда қўядиган айланувчи дастгоҳ; 6. Мархумнинг гуноҳларини ювиш учун, жанозадан илгари тўпланиб ўтказиладиган маросим (бунда садақага ажратилган нарса мархумнинг ёшига мувоғик кўлдан-кўлга ўтказиб айлантирилади).

ДАВРИЙ (ар.) – вақт-вақти билан воқе бўлиб, такрорланиб турадиган, мунтазам такрорланадиган.

ДАВУР (ар.) - отнинг устига безак учун ёпиладиган, ипак ва зар тикилган ёпинчик;

ДАЖЖОЛ (ар.) - Лугавий маъноси - ёлғончи; 1.Ислом динида қиёмат олдидан пайдо бўладиган ва диндорларни “Худо кўрсатган тўғри йўлдан оздирадиган афсонавий маҳлук; 2.Ўтакетган фирибгар, ёмон одам.

ДАЗГИЛ (ф.-т.) – косибчиликда тикилаётган ишни тиззага кистириб қўйиш учун ишлатиладиган узлуксиз тасма.

ДАЙ I. (тар.) - шамсий йилининг ўнинчи ойи номи. Милодий йил 23 декабрь-21 январга тўғри келади.

ДАЙ II. (тар.) - милоддан аввалги V-IV асрларда Сирдарёнинг куйи оқими атрофида яшаган сак (шак) қабилаларидан. Айрим манбаларда уларни даҳлар, тоҳарлар деб ҳам аташган. Сўғдлик Спитамен Искандарга қарши курашиб учун охирги маротаба дай қабиласидан кўшин тўплаган. Милоддан аввалги IV аср охири III аср бошида Сирдарёнинг ўрта ва қўйи оқимида яшаган сакларнинг Қанғ давлати вужудга келди. Кейинчалик дайларни Қанғ давлатига кирганд қавмлар иттифоқи сиқиб чиқарган ва шундан сўнг улар жанубга, Бактрия ерларига сукилиб киришга мажбур бўлишган. Милоддан аввалги 250 йилда дайлар маҳаллий Бактрия аҳолиси билан биргаликда Бактрияни салавкийлардан ажратиб олдилар ва янги давлатга асос солдилар. Шундан кейин бу ўлканинг номи Тоҳристон деб атала бошланган.

ДАЙР (ар.) - насроний ёки оташпарастларнинг ибодатхоналари.

ДАКАНА (т.) - ўрта яшар ва кекса аёлларнинг саллага ўхшатиб ўраладиган рўмоли (кўпинча оқ докадан бўлади).

ДАЛВ (ар.) - 1. Ўн икки буржнинг бири, Жадий ва Хук бурjlари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида ўн биринчи ойнинг арабча номи (22 январь – 22 февраль даврига тўғри келади).

ДАЛЛОЛ (ар.) - 1. Шарқ мамлакатларида муайян ҳақ эвазига савдо-сотик ишларида воситалик килувчи шахс; 2. Ўртада туриб битиширувчи, муросага келтирувчи воситачи; 3. Далла, қўшмачи.

ДАЛЛОЛБОШИ (ар.+ф.т.) - даллолларнинг бошлиғи, оқсоқоли, бош даллол.

ДАЛОИЛХОНА (ар.+ф.т.) - XX аср бошларига қадар Ўрта Осиёнинг йирик шахарларида фаолият кўрсатган диний мактаб. Далоилхонага саводи чиққан болаларгина қабул қилинган. Унда дастлаб болаларга Куръоннинг айрим суралари ва сатрлари, сўнгра асосий китоб – “Далоил ул-хайрот” ёдлатилган. Далоилхонани тутатганлар катта обрўга эга бўлиб, айримлари ислом динининг тарғиботчиси сифатида маддоҳлик ҳам қилишган.

ДАМ (ф.-т.) - 1.Нафас; 2 Лаҳза, он; 3. Кирғок, чет; 4. Тиф. Асбобнинг кесадиган ўткир томони, тифи; 5. Кўрага, ўчоққа хаво юборадиган гармонсимон асбоб.

ДАМБА (ф.-т.) - сувни вақтинча ёки доимий димлаб турадиган тўсик, курилиш иншооти. Вазифасига кўра у сув оқимини ўйналтирувчи дамба ва ихота дамбаларига бўлинади.

ДАМГАР (ф.-т.) - темирчилик устахонасида босқонни бошиб, дам бериб, оловни ёндириб турадиган хизматчи.

ДАМГИР (ф.-т.) - Ош яхши дам ейиши учун қопқокни ўраб қўядиган маҳсус қалин дастурхон ёки мато. У ош дамгир дейилади.

ДАМДАМА (ф.-т.) - маккорлик, алдаш.

ДАМДУЗ (ф.-т.) - кўнглидагини, ичидагини бирорга айтмайдиган, ҳеч кимсага сир бермайдиган; камгап.

ДАНГАНА (?) - шерикчиликка бирор тирик мол (от, сигир, тuya ва шу кабилар) сотиб олиб, гўштини ўзаро таксимлаш.

ДАНДАНА (ф.-т.) - 1. Мисгарликда мис бўлакларини бирбирига улаш усули. Бу усулда мис бўлаклари бирининг кемтиклирига, яъни тишларига иккинчисининг кемтиклари киритиб жипслаштирилади ва кавшарланади; 2. Иморат, кўргон, қалъа деворлари устига, четига ғиштдан ёки ёғочдан тишга ўхшатиб ишланган қисми.

ДАРА (ф.-т.) - икки тоғ оралигидаги узун, тор чуқур жой, жарлик.

ДАРАКЧИ (ар.+ф.т.) - Қадимги Шарқ давлатлари қўшинларида маҳсус топширикларни адо этадиган ва турли хабарларни етказиб турадиган шахс. Даракчилар савдогар, қаландар, туюкаш киёфасида узок ўлкаларга бориб, чет мамлакатларнинг ҳарбий

кудрати, урушга тайёргарлиги, чет эл айғокчилари, ўз мамлакатидан қочган сиёсий айбдорлар ҳакида дарак (маълумот) топиб келиб, хукмдорларга етказганлар.

ДАРБАДАР (ф.-т.) - Ўзга элларда ғурбатда кезувчи; эшик-ма-эшик юрувчи.

ДАРБАНД (ф.-т.) - тоғ орасидаги тор йўл.

ДАРБОН (ф.-т.) - сарой дарвозаси қўриқчиси, посбони. Пойтахт хавфсизлигини таъминловчи бўлинма ва қурол-яроғлар мутасаддиси.

ДАРБОР (ф.-т.) - хон ва беклар саройи; боргоҳ.

ДАРВИШ (ДАРВЕШ) (ф.-т.) - тасаввуф маслакларидан бирига мансуб киши, сўфий. Исломда тасаввуф йўлига кириб меҳнат қилмай дарбадарликни, гадолик ва хайр-эхсон билан кун кечириувчи, тарки дунё килган шахс. Дарвишлар турли сўфийлик тариқатларига мансуб бўлганлар. Дарвишларни Ўрта Осиёда қаландарлар деб ҳам аташган.

ДАРВОЗАБЕГИ (ф.-т.) - Шаҳар, қалъа ва хон саройлари дарвозалари осойишталигини таъминлашни идора этувчи мансабдор.

ДАРВОЗАБОН (ф.-т.) - 1. Дарвоза коровули ёки соқчиси. Ўрта Осиё хонликларида шаҳар, қалъа ва хон саройлари дарвозаларини қўрикловчи соқчи. Илгари бу маҳсус лавозим хисобланган; 2. Дарвазани ҳимоя қилувчи ўйинчи.

ДАРГОХ (ф.-т.) - 1. Кимсага тегишли уй-жой, ҳовлижой, маскан; 2. Хизмат макони.

ДАРДАРАК (?) - варракнинг дариллаб овоз чиқариши учун эгма чўпи ичига ёпиштирилган қоғоз.

ДАРОЙИ (ф.-т.) - Узум навларидан бирининг номи.

ДАРЛИК (ф.-т.) - кичик кигизча.

ДАРПАРДА (ф.-т.) - 1. Ойна ўрнига шаффоғ қоғоз ёпиштирилган дераза; 2. Дераза ёки эшик пардаси.

ДАРРА (ф.-т.) - 1. Хон-амирлар даврида жазога маҳкум этилган кишиларни савалаш учун қайишдан ўриб ёки тикиб ясалган маҳсус қамчи; 2. Xалқ ўйинларидан бирининг номи.

ДАРРАНДА (ф.-т.) - сут эмизувчи ҳайвонлар.

ДАРХОН (мўт.) - 1. Ўрта асрларда соликдан ва ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилинган; имтиёзли, дахлсиз (қабила, уруғ, зот ёки мансабдор); 2. Солик ва тўловларидан ёки бошқа мажбуриятлардан озод этилган, енгилликлар берилган.

ДАРЧА (ф.-т.) - 1. Илгари вактларда дераза вазифасини ўтаган бир ёки қўш табақали эшик; 2. Эшик ёки деворга ўрнатилган кичкина эшикча ёки дераза;

ДАРҚА (ДАРАҚ) (?) - совут, теридан қилинган қалқон.

ДАРҒА (ф.-т.) - Кема бошқарувчиси;

ДАСИСА (ар.) - хийла, найранг, алдов, макр.

ДАСТГОҲ (ф.-т.) - хунармандларнинг, косибларнинг, тўки-мачиларнинг дастаги; дўкон.

ДАСТКОЛА (ф.-т.) - дараҳтларнинг шоҳ-шаббасини кесадиган узун дастали асбоб.

ДАСТМОЛ (ф.-т.) - козон сочик.

ДАСТМОЯ (ф.-т.+ ар.) - 1. Савдо-сотиқ ишларида айлантириб туриладиган, фойда келтирадиган дастлабки асосий маблағ; 2. Бисотдаги, пешонадаги бор-йўқ нарса;

ДАСТТЕША (ф.-т.) - қўл теша.

ДАСТУР I (ф.-т.) - 1. Иш-ҳаракат учун кўлланма, йўл-йўриқ, низом; 2. Бирор ишда қабул қилинган қонун-қоида, тартиб.

ДАСТУР II (ф.-т.) - оташпарастлик динида энг олий рухоний. Вазир ва йўлбошли.

ДАСТУРХОН (ф.-т.) - ўртага ёзиб устига овқат қўйиладиган маҳсус мата, рўзғор буюми; ўртага ёзилган шундай буюм ва унинг устига қўйилган таомлар.

ДАСТУРХОНЧИ (ф.-т.) - Ўрта Осиё хонликлари саройларида сарой хизматчиларидан ҳисобланган кичик мансабдаги амал. Улар саройга келган меҳмонларни кутиб олиш, уларнинг олдига дастурхон ёзиб таом келтириш, кузатиб қўйиш ишларини бошқариб турганлар. Бугунги кунда Ўзбекистонда дастурхончилик маъ-

носи тубдан ўзгариб, тўй ва бошқа маросимларда ташкилий ишларни бошқардиган аёлларга нисбатан кўлланилмоқда. Дастурхончи лавозимиға маҳалладаги аёллар томонидан чақкон, пазандада, ишбилармон аёлни сайлаб кўйишади. Дастурхончини Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида кайвони деб аташади. Дастурхончи дастурхонни безаш, иссик овқатни тортиш, тўйдан сўнг идиш-товоқни саранжомлаш ишларини ҳам бажаради. Тўй ва бошқа маросимларнинг турига қараб, дастурхончининг хизматлари ҳам турлича бўлади. *Масалан*, қиз узатиб борилганда, қиз томон дастурхончиси кўёв томон дастурхончиси билан биргаликда келинни “келин салом”га олиб чиқади. Бешик тўйида эса алла жўрлигига бешикни бошида кўтариб, тўйхонага киради.

ДАСТХАТ (ф.-т.+ар.) - кишининг ўз қўли билан ёзилган хати.

ДАФ (ф.-т.) - чертиб чалинадиган, ёғоч гардишга хом тери коплаб ясалган мусиқа асбоби; чилдирма, доира.

ДАФЧИ (ф.-т.) - Даф (чилдирма, доира) - мусиқа асбобини чалувчи.

ДАФТАРДОР (грек. ф.-т.) - 1. Давлатнинг кирим-чики млалихисобини олиб борувчи лавозимли киши; 2. Идорага келган-кетган хат-хужжатларни журналга ёзиб борувчи ва ёзув-чизув ишларини бажарувчи ходим.

ДАФТАРНАВИС (грек. ф.-т.) - козихонада ҳукм, васиқа ва шу каби ҳужжатларни дафтарга ёзиб борувчи, иш юритувчи.

ДАХМА (ф.-т.) - қабр устига ўрнатилган ёдгорлик; мақбара.

ДАШТИ ҚИПЧОҚ (тар.) - Сирдарёning кўйи оқими ҳамда Балхаш кўлидан Днепр дарёсининг кўйи оқимларигача бўлган худудларнинг XI-XVI асрлардаги номи. Бу ерларда кўчманчи қипчоқ қабилалари яшагани учун у ерлар шундай деб аталган. Дашибти Қипчоқ атамасини дастлаб Носир Хусрав (1003-1088 й.) кўлланган. Шу даврдан бошлаб араб ва форс тилларидаги асарларда бу атама кенг кўлланилган. Дашибти Қипчоқ икки қисмдан: 1. Шарқий қисм - Ёйик дарёсидан то Сирдарёning кўйи оқими ва Балхашгача бўлган ерлар; 2. Ғарбий қисм - яъни Ёйик ва Волгадан то Днепргача бўлган ерлардан иборат бўлган.

Дашибти Қипчоқнинг бир қисмини XIII асрнинг 20-йилларида

Жаба Нуйон ва Субутай баходир бошчилигидаги мүгуллар босиб олган. 1236 йили Даشتى Қипчокни Чингизхоннинг набираси Ботухон эгаллади ва бу улкан худудда тарихда Жўчи улуси номи билан машхур бўлган Олтин Ўрда давлати ташкил топади. XIV асрнинг бошларида Жўчи улуси икки кисмга бўлиниб кетади. Даشتى Қипчокнинг шарқий қисмида Оқ Ўрда давлати ташкил топди. XIV асрнинг 60-йилларидан бошлаб Даشتى Қипчокнинг шарқий қисмидаги бу Оқ Ўрда давлати тарихий манбаларда “ўзбеклар мамлакати” деб, унинг ахолиси эса “ўзбеклар”, аникроғи, “Даشتى қипчоқ ўзбеклари” деб атала бошланди. XV асрнинг 20-йилларидан бошлаб, шарқий Даشتى Қипчоқни аста-секин Абулхайрхон эгаллади ва у бу худудда кўчманчи ўзбеклар давлатига асос солди. Абулхайрхон вафотидан кейин (1468 йил) шарқий Даشتى Қипчоқда унинг авлодлари ва қариндошлари хукмронлик қилдилар. Даشتى Қипчоқнинг асосий ахолиси кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлиб, чорвачилик ва овчилик, дарё ва кўл бўйларидағи ахоли эса дехқончилик, шаҳарлардаги ахоли хунармандчилик ва савдосотик билан шуғулланган.

ДАШТИ ҚИПЧОҚ ЎЗБЕКЛАРИ (тар.) - қадимдан Даشتى Қипчоқнинг шарқий қисмида хозирги Қозогистон, Тобольск, Тура атрофларида кўчиб юрган турк-мўгул қабилалари – арлот, баҳрин, буркут, дўрмон, ийжон, хитой, карлук, можор, қипчок, киёт, кўнғирот, курловут, мангит, найман, нукуз, тангут, уйғур, маркит, кўшчи, ўтарчи, жот, чимбой, кенагас, уйшин, тубойи, тоймас, эски, туман-минг, шод-баҳтли, шункорли ва бошқа қабилалар XIII аср охири ва XIV-XVI асрларда яшаб ўтган шарқ тарихчилари томонидан умумий бир ном билан, яъни “Даشتى Қипчоқ ўзбеклари” деб аталган. Даشتى Қипчоқ ўзбеклари, Рўзбехоннинг “Мехмонномаи Бухоро” асарида айтилишича, уч тоифадан, яъни шайбонийлар (Шайбон улусига кирган ўзбеклар), қозоклар ва мангитлардан ташкил топган. Шайбон улуси, манбаларда кўрсатилишича, 1238 йилда ташкил топган бўлиб, Урал (Ёйик) тогининг этакларидан Тобол ва Сарисув дарёларигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Мангит улуси Эмба билан Урал (Ёйик) дарёлари оралигидаги ерларда жойлашган. XV асрнинг 30-йилларида мангитлар кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси Абулхайрхонга кўшилади. Оқ Ўрда хони бўлган Ўрисхон авлоди бўлмиш сultonлар - Гирейхон ва Жонибеклар XV асрнинг 40-йилларида Абулхайрхонга бўйсунишдан бош тортиб, ўз тарафдор-

лари билан Чу ва Еттисув воҳасига қочиб кетади ва орадан кўп ўтмай Қозоқ хонлигига асос солди. 1465 йил Абулхайрхондан қочиб кетган бу кабилалар тарихда “ўзбек-қозоқ” номини олган. Дашти Қипчоқ ўзбеклари, асосан, чорвачилик билан шуғулланган. Улар фақатгина Ўзбекхон даврида ислом динини қабул қиласкан. Дашти Қипчоқ ўзбеклари Ўрта Осиё ва Шаркий Туркистондаги бир неча ҳалқнинг таркибига кирган.

ДАШҚОЛ (т.) - рудадан металл эритиб олишда ҳосил бўладиган шишасимон ёки тошсимон модда; шлак.

ДАЪВАТ (ар.) - 1. Бирор ишга ёки бирор йўл, маслак ва шу кабига ундаш, чақириқ; 2. Даъват хати, чақирув хати, таклифнома.

ДАЪВАТНОМА (ар.+ф.т.) - 1. Бирор ишга ёки бирор йўл, маслак ва шу кабига даъват этувчи, ундовчи хат, варага, хужжат; 2. Ёзма таклиф, таклифнома.

ДАЪВО (ар.) - Ўз ҳақ-хуқуқини талаб қилиб суд орқали ёки бошқа йўллар орқали қўйилган талаб.

ДАЮС (ар.) - қўшмачи, далла.

ДАҚИҚА (ар.) - соатнинг олтмишдан бир бўлаги; минут;

ДАҲА (ф.-т.) - 1. Шаҳарнинг ёки вилоятнинг маъмурий-худудий бўлими; туман; 2. Ипак қуртининг уйқуга кириш палласи, ёши.

ДАҲАНА (ф.т.) - Бухоро амирлигига ариқлар ва каналлар боши, яъни сув боши. У даҳаш деб ҳам аталган. Шунингдек, сув боши “боло-и об”, “иллоқ” ва айрим жойларда “тўғон боши” деб аталган.

ДАҲАНАБАНД (ф.-т.) - Бухоро амирлигига ариқлар ва каналлар бошланишига, яъни сув бошига маҳсус караб турувчи шахс. У баъзан “варкбанд” деб аталган.

ДАҲАБОШИ (ф.-т.) – Бухоро хонлигига: даҳани бошқариш учун қўйилган маъмур, амин.

ДАҲБОШИ I (ф.-т.) - XIX-XX аср бошларида амирлик пойтахти - Бухоро шаҳрининг - ҳар бир жарип бошлиғи. Жами Бухоро шаҳрида 12 та жарип бўлган. 12 та жарип бошлиғи бобо дейилган.

ДАҲБОШИ II (ф.-т.) - ўнбоши; ҳарбий унвон.

ДАҲАНА (ф.-т.) - экинга сув қўйиш учун қилинган жой; сув ўтадиган қисқа ўзан.

ДАҲАНАК (ф.-т.) - киннинг металл учлик қисми; пойнак.

ДАҲЛИЗ (ф.-т.) - уйнинг кираверишдаги биринчи хона.

ДАҲМАРДА (ф.-т.) - қўй-мол бокувчи хизматкор, чўпон.

ДАҲО (ар.) - 1. Фавқулодда зехн ва заковат, энг юқори ижодий истеъдод; 2. Шундай фазилатга эга бўлган кимса; донишманд.

ДАҲР (ар.) - замон, давр;

ДАҲРИЙ (ар.) - Худонинг мавжудлигини тан олмайдиган, динга эътиқод қилмайдиган шахс. Ислом тарихида дахрийликда айбланганд кўплаб олимлар, мутафаккирлар ва шоирлар шафқатсиз жазоланган.

ДАҲСАР (ф.-т.) - Ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудларида мавжуд бўлган оғирлик ўлчовларидан. Баъзи туманларда ўттиз икки килограммга, баъзи туманларда тўртдан бир ботмонга тенг оғирлик ўлчови.

ДАҲЯК (ф.-т.) - XIX аср бошида Хива хонлигига мавжуд бўлган солик тури. Давлат ерларида яшовчи деҳқонлар “даҳяк” деган солик тўлашган. “Даҳяк” араб тилидаги “ушр”нинг форс тилидаги номи. Даҳяк турли микдорда олинган. Илғор билан суғориладиган ерлардан ҳосилнинг 1/10 қисми микдорида, ариқ орқали суғориладиган ерларда ҳосилнинг 1/5 микдорида олинган. Ушбу тафовут чинор билан сув чиқаришнинг қийинчилигидан келиб чиккан.

ДАҲЯК I (ф.-т.) - Қўкон ва Бухоро хонликларида деҳконлардан ҳосилнинг ўндан бир қисми микдорида солик тариқасида олинган хақ.

ДАҲЯК II (ф.-т.) - Ўрта Осиёда: ер ислохотига қадар ер, улов, уруғлик, овқат ва бошқа ҳамма харажатларни хўжайнилардан олиб, ҳосилнинг ўндан тўққиз хиссасини ер эгасига, ўндан бир хиссасини ўзи олиш шарти билан ер экиш тартиби.

ДАҲЯКЧИ (ф.-т.) - 1. Даҳяк йигувчи амалдор; 2. Ўндан бир ер экувчи киши.

ДЕБОЧА (ф.т.) - 1. Кириш, муқаддима; 2. Мусиқа асарининг кириш кисми. 3. Китобнинг ранг ва зарҳал билан нақш бериб зийнатланган бош саҳифаси.

ДЕВЗИРА (ф.-т.) - маҳаллий гуручнинг йирик, сув қўтари-диган нави.

ДЕВКОР (ф.-т.) - тезкор, чарчашни билмайдиган, ишлаб толмайдиган одам.

ДЕВОН I (ф.-т.) - шоирнинг радиф ва қофияларига риоя этган ҳолда алифбе сираси билан тартиб этилган тўлиқ шеърлар тўплами.

ДЕВОН II (ф.-т.) - 1. Шарқ мусулмон мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиё хонликларида олий давлат амалдорларнинг мажлиси; 2. Давлатнинг бош идораси ва айrim вазирликларнинг маҳкамалари; 3. Давлат бош идораси ёки вазирлик маҳкамаси ўрнашган бино; 4. Давлат бош идорасида баъзи мансабдорларни унвони. Мирзойи девон-давлат олий маҳкамасини идора этув амалдор, бош мирза.

ДЕВОН III (ф.-т.) - хукумат идораси; суд маҳкамаси. Сомонийлар даврида хукумат икки қисмдан – даргоҳ, яъни амир саройи ва девондан, яъни хукумат идорасидан иборат бўлган. Сомонийларда девон қўйидаги 10 та идорадан ташкил топган. 1. Девони вазир – маъмурий тизимни бошқарган ва барча амалдорлар устидан раҳбарлик қилган. Девон бошлиғи вазир ёки хожайи бузург деб аталган; 2. Девони муставфий – давлатнинг молия ишларига бошчилик қилган. Девон бошлиғи – хозин ёки хазинадор дейилган. Хозиннинг ихтиёрида ҳосиб, яъни хисобчилар бўлган; 3. Девони омид ал-мулк, девони расоил ёки девони иншо. Бу девон давлатнинг ташқи сиёсатини бошқарган; 4. Девони шуратармияга, хусусан, амирнинг шахсий гвардиясига бошчилик қилган. Девон бошлиғи соҳиб шурат деб аталган; 5. Девони барид – давлатнинг алоқа ишларига раҳбарлик қилган. Девон бошлиғи соҳиб барид деб аталган; 6. Девони мушриф – давлатнинг ҳавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланган. Мушриф даргоҳ ва девон хизматчиларининг фаолиятини ҳам зимдан назорат қилиб борган ва эшитган-бильгандарини олий ҳукмдорга етказиб турган. Унинг жойларда вакиллари бўлган ва улар ўзларининг вазифаларидан ташқари сарой харажатлари учун жўнатилиб туриладиган маблағ

устидан ҳам назорат қилганлар. Девон бошлиғи мушриф деб аталган. 7. Девони аддийя - давлатнинг шахсий ер-сув ва мол-мulkини тасарруф килиб турган. Девон бошлиғи вакил деб аталган. 8. Девони мухтасиб - мамлакатнинг ички тартибини сақлаш ишлари билан шуғулланган. Девон бошлиғи мухтасиб деб аталган. Мухтасиблар кўча ва бозорларда умумий тартибни назорат килиб, уни бузганларни жазолаб турганлар; 9. Девони вақфия - вақф ишлари билан шуғулланган. Девонга қози раҳбарлик қилган. XII асрдан бошлаб вақфни бошқариш иши девони қозияга топширилган; 10. Девони қозия - суд ишларини бошқарган. Девон бошлиғи қози ал-кuzzот деб аталган. Бухоро ва Хива хонликларида ҳам XVI -XX аср бошларига қадар Девон сақланган. Бухоро қозикалони ҳузурида аълам ва 12 муфтидан иборат ривоятлар тузувчи Муфтилар Девони бўлган. Чор Россияси Хива устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатгандан сўнг (XIX асрнинг сўнгти чораги) хонлик билан алокса боғлаш ва унинг фаолиятини назорат қилиш мақсадида Девон таъсис этган. Девон аъзоларидан уч киши чор маъмуритининг ва уч киши Хива хонлигининг вакили бўлган. Хива хони Девон раиси ҳисобланган.

ДЕВОНБАЧЧА (ф.-т.) - тўкувчи уста ва девкорга ёлланиб ишловчи халфа.

ДЕВОНБЕГИ (ф.-т.) - девон бошлиғи. Ўрта асрларда солик йиғувчи муассаса бошлиғи бўлиб, кейинчалик унга мамлакатнинг барча молия ишлари юклатилган. Бухоро амирлигида девонбеги турли давлат иши соҳалари бўйича девонлар ҳамда вилоятлардаги девонларни бошқарган. Кўкон хонлигида девонбеги бирор вилоят хокими ихтиёрида бўлиб, четдан келадиган савдо карvonларидан бож тўплаган. Хива хонлигида эса девонбегилар кўп бўлиб, улар элчилик, ясовуллик ва бошқа ишларни бошқарган. *Масалан, Мұхаммад Раҳимхон I* даврида (1806-1825 й. й.) саройдаги меҳтар, кўшбегиларнинг ҳар бири ихтиёрида бир нечта девонбеги бўлган.

ДЕВОНИ АРАБХОНА (ф.-т.+ар.) - Бухоро амирлиги ҳудудида яшовчи араблар масаласи билан шуғулланувчи маҳсус девон бўлиб, у девони арабхона дейилган.

ДЕВОРЗАН (ф.-т.) - пахса девор урувчи уста.

ДЕГРЕЗ (ф.-т.) - қозон қуювчи. Умуман, чўяндан турли буюмлар қуювчи темирчи уста.

ДЕКЧА (ф.-т.) - кичкина қозон, қозонча.

ДЕНГИЗ (т.) - океандан қуруқликка ёриб кирган сув ҳавзаси, жуда катта күл.

ДЕХХУДО (т.) - Салжуккийлар даврида қишлоқ оқсоқоли.

ДЕХҚОН (сўғд.) - Салжуккийлар даврида қишлоқда энг катта заминдор.

ДЕХҚОНЛАР (сўғд) - VII-X асрларда Мовароуннахрда йирик ер эгалари ва наслдор зодагонлар маъносидаги ишлатилган. X асрдан кейин эса дехкончилик билан шугулланувчи кишилар маъносини олган.

ДИВОНИ МУХТАСИБ (ф.-т.+ар.) - Сомонийлар хукмронлиги даврида Бухорода миршаблар бошқармаси бошлиғи.

ДИЖ, ДИЗ (қад.эр.) - қатъа, хисор, кўргон.

ДИЁЯТ (ар.) – ўлдирганлик учун пул ва мол билан тўланадиган ҳақ. У ўтмишда ўзбеклар орасида хун ҳақи ёки хун пули ибораси билан маълум бўлган.

ДИЁНАТ (ар.) – ҳалоллик, соғдиллик, номус, виждон каби маъноларни ифодалайдиган ахлок тушунчаси. Ислом динида, юқоридаги маънолардан ташқари тақводор, художўй, диннинг барча ақидаларини бекаму-кўст бажарадиган мўминларга нисбатан ҳам кўлланилади.

ДИККАК (т.) - от устига ташланадиган безакли, попукли ёпинчиқ.

ДИЛИЖОН (р.дилижанс <фр.) - темир йўл ва автомобиль транспорти тараққий этмаган вақтларда почта, йўловчи ва уларнинг юкларини ташиш учун хизмат килган тўрт фиддиракли катта соябон арава.

ДИЛХИРОЖ (ф.-т.+ар.) - ўзбек ҳалқ куйларидан бирининг номи.

ДИЛХУН (ф.-т.) - қаттиқ алам тортиб ёки хафагарчиликдан юраги қонга тўлган, хун бўлган.

ДИЛХУШ (ф.-т.) - 1. Кўнгли шод, хурсанд; 2. Дилни хушнуд этадиган, шодлантирадиган.

ДИНОР I (ар.) - Салжуккийлар даврида пул бирлиги.

ДИНОР II (ар.) - ўрта асрларда Араб халифалиги ҳудудида ишлатилган тилла пул. XIV асрда Мовароуннахрда бир динор икки мисқол кумушга тенг бўлган. Бир мисқол 4,53-4,55 граммни ташкил қилган.

ДИРҲАМ I (ДИРАМ) (ф.-т.+ар.) - Салжуқийлар даврида пул бирлиги.

ДИРҲАМ II (ф.-т.+ар.) - ўрта асрлардаги араб кумуш тангаси. XIV асрда Мовароуннахрда дирҳам 1/3 (учдан бир) мисқол оғирликдаги кумуш танга бўлган. Оғирлик ўлчови 3,12 гр.тенг.

ДИРАМ (ф.-т.<ар.) - 1. Бухоро хонлиги, Эрон ва Ироқ-да оғирлик ўлчови бирлиги; 2. Бухоро хонлигига, Эрон, Ироқ, Афғонистон ва Туркияда пул бирлиги; 3. Марокашда пул бирлиги; 4. Умуман танга, пул.

ДИРЬ (ар.) - уруш кийими, темир ёки тунукадан ясалган совут.

ДИЗЗАХ (тар.) - Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарларидан бўлиб, Коратоғ тизмаларининг шимолий ёнбағрида жойлашган. Хозирги Жиззах шаҳри.

ДОДГАР (ф.-т.) - одамлар ўртасидаги мунозара ва баҳсларни ҳал этувчи амалдор.

ДОДХОХ (ф.-т.) - Ўрта Осиё хонликларида юқори мартабалардан бири бўлган. Бухоро амирлигига амир саройининг юқори лавозимларидан бири бўлиб, у Бухородаги юқори хизмат доирасидаги 10 тоифа (даражали) даги амал ёки мансаб ҳисобланган. Унинг вазифасига хон қабул қилган ва фармон этган қарор, фармойишлардан норози бўлиб, хон олдига келган одамларни қабул қилиш кирган. Одатда, амир номига ёзилган илтимоснома ва арзномаларни қабул қилиб олар ва уларнинг эгаларига ёзма ёки оғзаки жавоб қайтарар эди.

ДОВОН (т.) - тог ёки тепаликнинг ошиб ўтиш учун қулай бўлган жойи. Ўзбекистонда энг қадимий ва катта довонлардан бири Тахта-Қорача довони бўлиб, у катта Ўзбекистон трактида Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари чегарасида жойлашган.

ДОВОТ (ар.) - сиёҳдон. Илгари Шарқ мамлакатларида, шу жумладан, Ўрта Осиёда довот кўпинча сарик мисдан, жездан ва айрим ҳолларда лойдан ясалган. Довотнинг қаламдоннинг бир

четига ўрнатилган хили довот- қаламдон деб аталган. XX аср бошлирида мис ва жездан ҳамда сополдан довот ишлаш барҳам топиб, уларнинг ўрнини шиша ва чинни довотлар эгаллаган.

ДОВУЛ I (ў.) - кучли, емирувчи бўрон.

ДОВУЛ II (т.) - Ўрта асрлардан XX аср бошига қадар Ўрта Осиё ҳонликларида овчилар, тунги коровуллар ёки ҳарбийлар учун белгиланган маҳсус ноғора.

ДОДА (т.) - бобо, бува.

ДОИЙ (т.) - Салжуқийлар даврида даъват этувчи, исмоилия мазҳабининг тарғиботчилари.

ДОЙИ (т.) - тоға.

ДОЛОН (ф.-т.) - дарвозадан то ховлигача қурилган усти ёпик, икки томони девор кенг йўлак.

ДОМ (ф.-т.) - Ўрта Осиё ҳалқлари хаётида XVI - XX асрларда кенг қўлланилган ов анжомларидан бўлиб, бирор жониворни тирик тушиб мақсадида кўйилган тузок; тўр; қопқон.

ДОМАНА (ф.-т.) – Ўрта Осиё ҳудудларида XIV-XX асрларда бирор нарсанинг этаги ёки таги; тоғ этаги маъноларида қўлланилган. *Масалан, “Бобурнома”да домана-тоғ ён бағри, тоғ этаги маъносида кўплаб учрайди.*

ДОМОД (ф.-т.) - куёв.

ДОМЛА (ДОМУЛЛА) (ар.) - диний мактаб ва мадрасаларда талабаларни ўқитувчи шахс; дин ва шариат пешвоси.

ДОРУЛАМОРА (ар.) - сарой, қаср, амир ёки хон саройи, пойтахти.

ДОНГ (?) - бирон нарсанинг олтидан бир қисми; динор ёки дирхамнинг олтидан бир қисмига тўтри келади (бир дирам 2 кирот; бир кирот 0,19 гр.га тенг); XIV-XIX асрларда бир Бухоро донги 0,8 кг га тенг бўлган.

ДОНИШ (ф.-т.) - билим, маълумот.

ДОНИШМАНД (ф.-т.) - кўп нарса биладиган, билимдон; олим; доно.

ДОР (ф.-т.) - 1. Устига кийим-кечак, мол ташлаб қўйиш учун икки устун орасига кўндаланг ўрнатилган ходача ёки тортил-

ган арқон; 2. Ўлимга маҳқум этилган кишини осиб ўлдириш учун ясалган қурилма; 3. Тик ўрнатилган ёгоч ва унга боғлаб таранг тортилган арқон ва чиғириклардан иборат дорбозлик қурилмаси.

ДОРБОЗ (ф.-т.) - дорда ўйновчи киши.

ДОРИССАЛТАНАТ (ар.) - Султон пойтахти, қароргоҳ.

ДОРУҒА (мұғ.) - ушбу атама иккى хил маънени англатади.

1. Ҳоким.Мұғуллар, темурийлар ва шайбонийлар ҳукмронлиги даврида доругалар вилоят, шаҳар ҳокими бўлишган. Уларнинг зиммасига вилоят ва шаҳарни идора қилиш, аҳоли рўйхатини олиш, уни ҳисоб-китоб қилиш ва улардан солик ундириш вазифалари юклатилган; 2. Миршаблар бошлиғи. Сўнгти феодализм даврида Ўрта Осиё ҳонликларида миршаблар бошлиғи доруга деб юритилган.

ДОРУҒОНА (мұғ.+ф.-т.) - шаҳар ҳокими фойдасига йигиб олинадиган пул ёки бошқа нарса; доруға ҳақи.

ДОСТОН (ф.-т.) - 1. Назм ёки наср билан ёзилган ҳикоя, поэма; 2. Ҳалқ қаҳрамонлари ҳақидаги эпик асар.

ДОШҚОЗОН (ф.-т.+т.) - катта йиғинларда, тўйларда кўпчиликка овқат пишириладиган катта қозон.

ДОҒУЛИ (т.) - айёр, мутомбир, алдоқчи.

ДОҲИЙ (ар.) - фавқулодда ақл-заковатга эга бўлган доно, оқил йўлбошли.

ДУБУЛҒА (т.) - тиғ ёки ўқдан сакланиш учун темир ёки пўлатдан ишланган бош кийим.

ДУГОХ (ф.-т.) - шашмақом тизимидағи учинчи мақом номи.

ДУДАМА (ф.-т.) - 1. Икки томонида дами, тиги бор; 2. Икки тиғли пичоқ ёки ханжар.

ДУДБУРОН (ф.-т.) - шип ёки девор орқали ташқарига чиқарилган тутун йўли; мўри, мўркон.

ДУДХОНА (ф.-т.) - гўшт, қази дудланадиган хона.

ДУК (ф.-т.) - чархнинг йигирилаётган ип ўралиб борадиган қисми.

ДУККАК (т.) - ловия, мош каби ўсимлик донини ўраб турвучи икки паллали қобик.

ДУКЧИ (ф.-т.) - дук ясовчи уста.

ДУЛДУЛ (ар.) - диний афсоналарга кўра пайғамбар Муҳаммад (С.А.В.) Ҳазрат Алига тортиқ этган учар отнинг лақаби.

ДУЛОБ (ф.-т.) - чиғир, чарх. Бухоронинг айрим вилоятларида “чиғир”, “дулоб” деб аталган.

ДУЛУ (тар.) - туркий қавм; илк аждодлари қадимги хунлардан. Улар VII-VIII асрларда Жунгрияниң жануби-ғарбий қисмида, Еттисувда яшаганлар. Дулу Ғарбий турк хоқонлигидаги беш уруғдан (қабиладан) ташкил топган қабила иттифоқларидан бири эди. Дулуларнинг бир қисми ички қабилавий низолар туфайли Еттисувдан кетиб, Волга бўйларига бориб ўрнашдилар ва VII асрда бу ердаги туркий қабилаларни бирлаштириб, Ҳазар хоқонлигига асос соладилар. Дулаларнинг Еттисувда қолган гурухлари кейинчалик ўзбек, қозоқ ва кирғиз халқларининг таркибиға кириб, улар билан аралашиб ўз номларини унутиб юборганлар.

ДУРАГАЙ (т.) - турли нав ўсимлик ёки ҳайвонни чатиштириб хосил килинган.

ДУРАНГ (ф.-т.) - маҳси ёки этикнинг чокига кўпинча икки хил ранг, ип ёки ипак билан тикилган гулли ҳошия, уқа.

ДУРРПА (?) - Ўрта Осиё ҳудудларида хотин-қизларнинг пешонага танғийдиган рўмол тури. Ёшлар ўрайдиган дурра рангдор матодан қилинади. Катта ёшдаги аёлларнинг дурраси оқ сурп ёки одми читдан қилиниб, рўмол бошдан тушиб кетмаслиги учун танғилади. Ҳозир ҳам Ўзбекистоннинг барча вилоятларида дуррадан фойдаланилади.

ДУРЎЯ (ф.-т.) - маҳаллий ипак маталарининг икки томони бир хил қилиб тўкилган тури.

ДУТОР (ф.-т.) - дастаси узун, икки торли, чертиб чалинадиган мусика асбоби.

ДУХОБА (ф.- т.) - орқаси ип, юзи текис ва қалин ипак туклар билан қопланган мато; баҳмал, барҳит.

ДУФМА (т.) - Хива хонлиги ҳудудидаги эронлик қуллар дугмалар деб аталган.

ДУХЎЛ (ф.-т.) - қадимий дўл ноғора. Ўрта Осиё ҳудудларида дуҳўл халойикқа ҳарбий юришлардан, овга чиқишдан ва жазо-

лаш вактидан хабар бериш учун чалинган. Шунингдек, дарақ бериш учун коровул алмашувида, лашкар йиғищда ҳам дуҳўл кўлланилган.

ДЎЗАНДА (ф.-т.) - игна билан тикувчи (пойафзалдўз ва шу кабилар).

ДЎКОН (ар.) - Ўрта Осиё ҳонликлари ҳудудида XIX-XX аср бошларида чакана мол сотадиган даргоҳ дўкон дейилган. Шунингдек, хунармандлар ва косиблар устахонаси ҳамда тўқувчининг дастгохи ҳам Ўрта Осиёда дўкон деб юритилган.

ДЎКОНДОР (ар.+ф.-т.) - хусусий дўконида мол сотувчи савдогар.

ДЎЛ I (т.) - юмалоқ муз ҳолатидаги ёғин.

ДЎЛ II (ф.т.) - тегирмон тоши тепасига ўрнатилган пирамида шаклидаги идиш. Тортиладиган дон дўлга солиниб, ундан коса орқали тошга тушади.

ДЎЛМА (т.) - киймани ток, карам баргига ўраб ёки помидор, баклажон ва шу кабиларнинг ичига солиб пиширилган таом.

ДЎМБА (т.) - сув ёқасидаги сунъий кўтарма.

ДЎЛТА (т.) – қаймоқни қиздириб ёғини олгандан кейин қозонда қоладиган жizzасимон ейишли қисми.

ДЎМБИРА (ф.-т.) - икки торли, пардасиз чертиб чалинадиган чолғу асбоби.

ДЎНГ (т.) - тепа, умумий сатҳдан юқорига кўтарилилган ер.

ДЎНГАЛАК (т.) – 1. Филирак (арава, паровоз ва шу кабиларда); 2. Дўнг ер, тепалик.

ДЎНГСА (т.) - пастак тепалик.

ДЎНОН (т.) - уч ёшга тўлиб, тўрт ёшга ўтган от ёки туха (икки ёшга тўлиб уч ёшга қадам қўйган қўй ёки эчки).

ДЎППИДЎЗ (т.+ф.-т.) - дўппи тикувчи уста, чевар.

ДЎППИФУРУШ (т.+ф.т.) - дўппи сотувчи савдогар.

ДЎРМОН (т.) - ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Дўрмонлар кичик-кичик гурӯх бўлиб, тарқоқ ҳолда Зарафшон, Сурхондарё, Тошкент воҳаларида, кисман Хоразмда, Жану-

бий Тожикистанда ҳамда Афғонистонда яшаган. Улар Ўрта Осиё ҳудудларига XVI-XVII асрларда Даشت Қипчоқдан келиб жойлашганлар ва кейинчалик Бухоро амирлигининг сиёсий хаётида фаол катнашганлар. Дўрмонлар таркибида қўйли, увоқ, уч уруғ, қўқ челақ, саксон йўтон, гурдак, ой тамғали каби бир қатор уруғлар бўлган.

ДЎҒЛАТ (т.) - туркий уруғлардан бўлиб, ўзбек халки таркибига кирган.

E

ЕВРООСИЁ (тар.) - Ер шаридаги энг катта материк. Икки қитъадан – Европа ва Осиёдан иборат. Куруқликнинг яхлитлиги, қўпгина иқлимий жараёнларнинг умумийлиги, органик дунё тараққиётининг ва бошқа табиий-тариҳий ҳодисаларнинг ўҳашлиги Европа билан Осиёни ягона ном билан аташ заруратини келтириб чиқарди. 1883 йилда Э. Зюссо томонидан геология ва географияга киритилган “Евроосиё” тушунчаси маъкул келди ва шу даврдан бошлаб хозиргача кенг қўлланилиб келинмоқда. Евроосиё энг қадимий маданият масканидир. Евроосиё географик жойлашиши, иқлими, табиатининг ўҳашшлиги, морфологияси, гектоникаси ҳамда бир-бирига яқинлиги жиҳатидан кўйидаги районларга бўлинади: 1. Атлантика бўйи ўлкалари; 2. Шимолий Евроосиё; 3. Тоғ-оролли Арктика; 4. Баланд Сибирь ва Мўғалистон; 5. Ички Евроосиё; 6. Шарқий Осиё; 7. Жанубий Осиё; 8. Ўрта денгизнинг Европа соҳили; 9. Олд-Осиё яssi тоғликлари ва Кавказ; 10. Жануби-Фарбий Осиё.

ЕЛВИЗАК I (т.) - қарама-қарши эшик-деразалар очик бўлган вактда ёки тор оралиқдан ўтиб турадиган ҳаво оқими, ўткинчи шамол.

ЕЛВИЗАК II (т.) - таъкиб остига олувчи, кузатувчи.

ЕЛКАН (т.) - 1. Кема мачтасига ўрнатилган, шамол кучи билан кемани юргизадиган катта кенг чодир; 2. Шундай чодир ёрдамида харакат қиласидиган, елканли кема.

ЕЛМОЯ (т.) - тез юрадиган түя.

ЕМАКХОНА (т.) - овқат пишириб сотиладиган жой.

ЕРТҮЛА (т.) - ерни ўйиб қурилган турар жой. Ертүла түртбұрчак, айланы шаклида, баъзилари эса ердан бир оз юқори күтарилиб, томи ёғоч билан, унинг усти эса шох, хашак ва тупрок ташлаб беркитилган бўлади. Ўрта Осиёда ертүладан қадимги даврларда турар жой сифатида фойдаланилган. Ўзбекистонда Замонбобо ва бошқа шунга ўҳшаш одамлар яшаган қароргоҳлар, ертүлалар топилиб, археолог-олимлар томонидан чукур ўрганилган. Ҳозирги кунда ертүлалардан ҳар хил маҳсулотлар сакланадиган омборлар сифатида фойдаланилмоқда.

ЕСИР (ар.) - эри вафот этиб, болалари билан қолган аёллар Ўрта Осиёда есир деб аталган.

ЕТИМ (ф.-т.) - ота-онаси ёки улардан бири ўлиб, улардан жудо бўлган фарзанд. Ҳалқ орасида ота-онаси вафот қилиб, ёлғиз қолган бола “чин етим”, онаси билан қолган бола “гул етим”, отаси билан қолган бола “шум етим” деб, шунингдек, айrim ҳолларда отаси ҳамда онаси томонидан ташлаб кетилган болалар “тирик етим”лар деб аталган. Ўрта Осиёнинг айrim вилоятларида етим “сағир” деб ҳам аталган.

ЕТИМХОНА (ф.-т.) - ота-онасиз ва қаровсиз қолган болалар учун очилган муассаса. Тарихий маълумотларга қараганда, Ўрта Осиё хонликлари худудидаги бекликларда ва йирик шаҳарларда ҳам етимхоналар бўлган. Жумладан, Кўқон хонлиги архиви материалларидан топилган “Сагира”, “Куллар” деб номланган дафтарлар шундан далолат беради. Хонликлардаги етимхоналарнинг асосий мақсадларидан бири, бу - итоаткор, садоқатли хизматкорлар ва навкарларга эга бўлиш бўлган. Ҳозирги кунда бундай даргоҳлар болалар уйлари деб юритилади.

ЕТМАК (т.) - кўпикланувчи моддага бой илдиз (озиқ -овқат, тўқимачилик саноати ҳамда тиббиётда кўлланилади).

ЕТТИ ИҚЛИМ (тар.) - қадимги географ олимлар дунёни етти иқлимга бўлишган. Жумладан, Рашидиддин асарларида қайд этилишича Эрон, Турон, Сурия, Миср, Кичик Осиё, Франклар мамлакати ва бошқалар етти иқлим хисобланган.

ЕТТИ УРУФ (тар.) - ўзбек ҳалқи таркибиға кирган йирик

уруглар гурухи. Асосан Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида, кисман Тошкент воҳасида яшаган. Етти уруғ ойтамғали, қўштамғали, сирғали, қамчили, жувонли, саманотли, чўмичли каби уруглардан иборат бўлган. Етти уруғ таркибидаги бу уруғ номлари ўзбекларнинг бошқа йирик қабилалари таркибида ҳам учрайди. *Масалан*, ойтамғали уруғи қўнгирот, дўрмон, қурама қабилаларида, қўштамғали уруғи эса найман, юз, қўнгирот қабилалари таркибида ҳам учрайди. Етти уруғ қозок ва кирғизлар таркибида ҳам бўлган. Етти уруғ бутунги кунда ўзбек халқи таркибига сингиб кетган.

Ё

ЁБИ (т.) – насли паст от.

ЁБИР (т.) - подшоҳ томонидан бирор шахсга инъом этилган ер.

ЁБОН (ф.-т.) - *каранг*: ёвон.

ЁБИСА (ар.) - курук, ташландик ер.

ЁБУ (т.) - юқ ташийдиган от.

ЁБУ (ЖОБУ) (тар.) - ўзбек халқи таркибига кирган уруғлардан бирининг номи. Ўзбеклар орасида кичик гуруҳни ташкил этган бўлиб, XX аср бошларида тарқоқ ҳолда Зарафшонинг ўрта ва қўйи оқимида, шунингдек Қарши чўлида яшаганлар. Ёбулар қозоклар таркибида ҳам мавжуд. Улар, асосан, чорвачилик ва дехқончилик билан шуғулланганлар.

ЁВ (т.) - 1. Уруш, жанг ҳолатидаги қарши томон, душман; 2. Қарама-карши мақсаддаги киши; душман, ганим; рақиб.

ЁВАР (ар.+т.) - ер берувчи, мададкор, ёрдамчи.

ЁВОН (ф.-т.) - дала, дашт, шаҳардан ташқари.

ЁВ-ЯРОК (т.) - қурол-аслаҳа, қуроллар.

ЁВҚУР (т.) - хеч нарсадан қўрқмайдиган; жасур, ботир, мард.

ЁВФОН (т.) - гўштсиз, ёғсиз тайёрланган суюқ овқат.

ЁЗЛОҚ (т.) - дала ҳовли, дача; ёз фаслида яшайдиган жой; ёйлок, яйлов.

ЁЙ (т.) - қуёш нурининг ёмгир томчиларида синиши натижасида осмонда ярим доира шаклида ранг-баранг тусда кўрина-диган йўл; камалак.

ЁЙИЛМА (т.) - 1. Дарёнинг суви ёйилиб оқадиган кенг жойи; 2. Геометрик жисмнинг ёйик ҳолга келтирилган устки сирти.

ЁЙМАЧИ (т.) - бозор кунлари молларини ерга ёйиб сотадиган майда савдогар.

ЁЛ (ф.-т.) - 1. Баъзи ҳайвонлар гарданида бўладиган узун соч; 2. Сайр, истироҳат.

ЁЛЛАНМА (т.) - ёлланиб ишлайдиган, ёлланган.

ЁЛПЎШ (ф.-т.) - отнинг ёли ўраб қўйиладиган мато.

ЁМ I (т.) - катта, улкан хум.

ЁМ II (ЖОМ) (т.) - чопарлар, йўловчилар от алмаштирадиган жой, бекатнинг қадимги номи. Ёмда доимо отлар тайёр турган. Ёмда йўловчиларга, чопарларга доимиий хизмат кўрсатиш учун бир неча киши хизмат килган. Дастваб ём XIII асрда пайдо бўлган. Чингизхонинг кичик ўғли Ўқтой коон ём куришга катта аҳамият берган. Тахминан ҳар 5 фарсаҳда ём курилган. Мўтуллар ўзлари босиб олган худудларда, хусусан, Ўрта Осиёда ҳам кўплаб ёмлар курганлар. Ём хизматчиси чопар ёки ёмчи деб аталган. Ём, жом каби жой номлари ём ўрнида вужудга келган топонимлардир.

ЁМБИ (?) - қўйма олтин ёки кумуш бўлаги. Дастваб пул сифатида йирик савдо муомалалирида ишлатилган. Ём билар биринчи марта Хитойда Юань сулоласи (1279 –1368 йй.) даврида пайдо бўлган.

ЁНЧИК (?) - 1. Чўнтак, чўнтакча; 2. Пул солиш учун ёнда олиб юриладиган халтacha; ҳамён.

ЁП (т.) - суғориш канали, катта ариқ.

ЁР (ф.-т.) - дилдан якин киши; дўст.

ЁР-ЁР (ф.-т.) - келин узатишда ижро этиладиган, ҳар байти “ёр-ёр” ибораси билан тутайдиган қўшиқ.

ЁРИ(Й) (ф.-т.) - күмак, ёрдам.

ЁРЛИК (т.) - ёрлик; фармон; буйрук. Ҳукмдор хонлар, амирлар, султонлар томонидан ишлаб чиқылган “мухим воқеалар ҳақидағи ёзма буйрук”. Шунингдек, ҳукмдор томонидан амалдор ва диндорларга бирор-бир имтиёз берилиши тұғрисидаги мұхр билан тасдиқланған ҳужжат.

ЁРЛИФИ АМАЛИЁТ (т.+ар.) - Бухоро амирлигига мурший ёки, амирнинг рұхсати асосида бирор кимсага унвон, амал ва мансаб берилиши ҳамда қандайдыр вазифа юқлатылғанлығы тұғри-сидаги ҳужжат.

ЁРЛИКЛИ МУЛК (т.+ар.) - XVIII-XIX асрда Хива хонлигига хоннинг ёрлиғи билан айрим гурух кишиларига давлат ерлари ҳисобидан ажратилиб, хусусий мулк килиб берилған ерлар.

ЁРМА (т.) - 1. Оқлаң түйилған бутун дон, оқланған галла маҳсулоти. 2. Шундай маҳсулотдан тайёрланған овқат.

ЁРТИ (т.) - ярим.

ЁРФОҚ (т.) - туки тұқиғи кеттін эски пүстін.

ЁЙ (т.) - қадимги давр ва ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудулида ов ва жанг қороли ҳисобланған.

ЁЙИҚ (тар.) - Урал дарёсининг қадимғи ва ўрта асрларда аталған номи. “Ёйик” аслида туркий сөз бўлиб, “кенг” деган маънени билдиради. Ёйик дарёсининг номи 1785 йили Россия императори Екатерина II томонидан чиқарылған фармон асосида Урал деб ўзgartирилған.

ЁРОН (ф.-т.) - яқын кишилар, дўстлар.

ЁРФИ (т.) - 1. Жарима; 2. Appa.

ЁРҒУ (т.) - суд мажлиси; ҳукм; жазолаш; ўч олиш маъноларыда қўлланилған. Шунингдек, Бухоро амирлигининг шарқий бекликларида оғир солиқ ва хирожларни тұлашдан бош тортған де-хқонлардан ундирилған жарима ҳам ёргу деб аталған. Ёрғуни тұла-маганларнинг мол-мулки мусодара қилинған.

ЁРҒУЧОҚ (т.) - донни ёрмалаш ва ун қилиш учун мослаштирилған тош асбоб. Қўл тегирмон. Ёргучоқ илк неолит (милод. авв. 4-минг йиллик) даврида пайдо бўлиб, хўжаликда кенг қўлла-нилған.

ЁТ (т.) - бегона.

ЁШ БУХОРОЛИКЛАР (тар.) – Бухоро жадидларининг сўл оқимидан ташкил топган партия бўлиб, тараққийпарвар ва маҳаллий буржуазия вакилларидан ташкил топган. Ёш бухороликлар дастлаб мавжуд феодал тузумга қарши демократик ислоҳотлар ўтказиш тарафдори бўлганлар. Ёш бухороликлар амир хокимиятига қарши курашда муайян тажриба орттириб, ўзбек ва тожик тилларида журнал ташкил этганлар.

ЁШ ХИВАЛИКЛАР (тар.) - Хива жадидларининг сўл оқимидан ташкил топган партия (1917). Ўзсафида савдогарлар, майда диндорлар ва хон хизматида бўлган айрим амалдорларни бирлаштирган. Унинг илгор қисми феодал аристократия хокимиятини чеклайдиган ислоҳотлар ўтказиш, оммани маърифатли қилиш тарафдори бўлган. Умуман, ёш хиваликларнинг мақсади хон хокимиятини чеклаб, конституцияли монархияга ўтиш, амалдорларга ойлик тайинлаш тартибини жорий этиш, “шариат бўйича тенглик”, яъни буржуазиянинг хукукларини хукмрон синф бўлган феодаллар билан тенглаштириш эди.

ЁҚУТ (ар.) - турли рангда бўладиган тиник қиммат-баҳо минерал, тош. Ёқутнинг қуйидаги турлари маълум: 1. Ёқути алвохий - табиий ҳолатдаги, ишланмаган ёқут; 2. Ёқути баҳрий - мовий рангли ёқут; 3. Ёқути занжорий - сарғиши-яшил рангли ёқут; 4. Ёқути зулмоний - кўкимтир-кора рангли ёқут; 5. Ёқути осий - тиник яшил, нок япроғи рангидаги ёқут; 6. Ёқути райхоний - тўқ қизил рангли ёқут; 7. Ёқути саклий - сакл ёқути; 8. Ёқути собуний - юмшоқ ёқут; 9. Ёқути қарросий - тўқ яшил рангли ёқут.

ЁҒЛОГИ (т.) – идишдан идишга суюқлик олиб солиш учун ишлатиладиган уй-рўзғор буюми; катта чўмич.

ЁҒОЧ (т.) - масофа ўлчови. 6-7 км.га тенг бўлган. 8 вёрстга тенг.

ЁҒУПА (т.) - косметик пардоз мойи.

ЁҒЧИ (т.) - 1. Жувоз ҳайдаб ёғ чикарувчи, жувозкаш; 2. Ёғ сотовучи.

ЁҲУ (ф.-т.) - худога қаратса, кучли эмоция билан айтиладиган илтижо маъносини ифодалайди.

Ж

ЖАБАРИЙ(ЛАР) (ар.) - исломдаги мазҳаб. Инсоннинг жами ишлари, амали Оллоҳ ихтиёри билан амалга оширилади дегувчилар.

ЖАБДУК (т.) - 1. От абзаллари; 2. Керакли ярг, анжом.

ЖАБҒУ (ЯБҒУ) (т.) - Ғарбий турк хоконлигига қабила, улус бошлиғига берилган унвон. Жабгу атамаси Ўрхун-Енисей ёзувларида, Билкатегин, Қултегин обидаларида, Табарий ва Ёқубий асарларида кўп учрайди.

ЖАБХА (ар.) - 1. Фронт; фронт линияси; 2. Соҳа, бора.

ЖАВ (ф.-т.) – оғирлик ўлчови бирлиги; Бир арпа донаси оғирлигига тенг бўлган оғирликдаги ўлчов бирлиги (Бир жав тахминан 0,045 граммга тенг бўлган.)

ЖАВЗО (ар.) - 1. Ўн икки буржнинг бири. 2. Шамсия Қуёш йили ҳисобида учинчи ойнинг арабча номи. 22 май-21 июнь даврига тўгри келади.

ЖАВМАК (т.) - Темур ва темурийлар даврида ҳарбий ва ахлий давлат ходимларига бериладиган маош.

ЖАВОН (ар.) - ҳозирги кунга қадар ҳар бир хонадонда кенг истеъмолда бўлган атама бўлиб, у шкаф маъносини англатади.

ЖАВОНИБ (ар.) - тарафлар, томонлар.

ЖАВОНФОР (т.-м.) - Ўрта асрларда кенг истеъмолда бўлган ҳарбий атамалардан бўлиб, кўшиннинг сўл қаноти демакдир..

ЖАВОХИР (ар.) - қимматбаҳо тош; қимматбаҳо тошлар.

ЖАВПАЗАК (ф.-т.) - эртапишар, чиллаки.

ЖАВШАН (ф.-т.) - ўрта асрларда жангчининг баданини жароҳатлардан саклайдиган металл кийим. Жавшан жуббага нисбатан оғир бўлган. Дастрлабки вакъларда у жездан (бронза), кейин эса темир ва пўлатдан ишланган. Жавшанлар этилувчан, букилувчан бўлиши учун уни маҳсус тайёрланган металл тахтачаларга бириктириб ясаганлар. Жангларда отларга ҳам жавшан ёпилган.

ЖАВХАР (ф.-т.) - аслида гавхар; Кимматбаҳо тошларнинг умумий номи.

ЖАВХАРЛИМУ (?) - лимон кислотаси;

ЖАДИД (ар.) - жадидчилик тарафдори, жадидчилик ҳаракатининг қатнашчиси. Усули жадид эски мактабдаги тартиб ва ўқитиш усуллари ўрнига жадидлар жорий килган янги тартиб ва таълим-тарбия усулини жорий қилган; бу усул, жумладан, хатсавод чиқаришда хижо тизими ўрнига товуш тизимини киритган.

ЖАДИДЧИЛИК (ар.) -усули жадид, яъни “янгилик учун” иборасидан келиб чиккан бўлиб, янгилик учун курашганлар ва уларнинг гояси шундай деб аталган. Жадидчилик XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркияда вужудга келиб, татар буржуазияси орасида кенг тарқалиб, улар орқали XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб Ўрта Осиёга кириб келган. Жадидчилик оқимининг дастлабки тарафдорлари мусулмонча ўқитишни европача таълим бериш йўли билан ислоҳ қилиш, капитализмнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган бир қатор феодал саркитларини бартараф этиш ва маърифатпарварлик гояларини илгари суришган.

ЖАДИД МАКТАБЛАРИ (ар.) - эски мусулмон диний мактабларини ислоҳ қилиб, янгича усулда таълим берган ва жадидчилик гояларини илгари сурган мактаблар. Бу мактабларда диний дарслар билан бир қаторда дунёвий илмлар хам ўқитилар эди. Бундай мактаблар дастлаб 1893 йили Самарқандда, сўнг Фарғона водийсида, Тошкентда маҳаллий ўзбек бойларининг пахта заводлари қошида очилган.

ЖАДИЙ (ар.) - 1. Ўн икки буржнинг бири; Далв ва Қавс буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида ўнинчи ойнинг арабча номи (22 декабрь-21 январь ойига тўғри келади).

ЖАЗ (т.) - тўғралган, тўғрамча гўшт.

ЖАЗАБА АҲЛИ (ар.) - зикру самога тушувчилар; сўфийлик зикру само маросимини адo этиш вақтида ўзидан кетиб қолиш ҳолати.

ЖАЗАБА (ар.) - 1. Ўзини йўқотиш даражасидаги асабийлик ҳолати; 2. Ўзини йўқотиш даражасида завқланиш, жўш-хуруж.

ЖАЗВАЛ (ЖАДВАЛ) (ар.) - 1. Чизгич; 2. Чизик.

ЖАЗИРАМА (тар.) - илк ўрта асрларда, VIII-IX асрларда, хозирги Ирок шундай аталган.

ЖАЗМАН (ф.-т.) - аслида жазбманд. қатъий қарор қилган, қарор берган.

ЖАЗО (ар.) - айб ёки жиноят учун кўриладиган чора.

ЖАЗОИР АЛ-ХОЛИДАТ (тар.) - Африканинг гарбий томонида, Атлантика океанида жойлашган олтига орол шу ном билан аталган. Ўрта аср географлари уни “абадий ороллар”, “бахтилишилар ороли” деб ҳам атаганлар.

ЖАЙБ (ар.) - чўнтақ, ҳамён.

ЖАЙДАРИ, ЖОЙДАРИ (т.) - 1. Махаллий зотга мансуб, маҳаллий (уй хайвонлари ва ўсимликлар ҳақида); 2. Қўлбола, хонаки;

ЖАЙҲУН (ар.) (тар.) - VIII асрдан бошлаб, хозирги Амударё араб манбаларида шу ном билан юритилган.

ЖАЛЛОБ (ар.) - савдогар. Асосан, чорва моллари ва тия, шунингдек, йилки билан савдо қилган. Жаллоблар қандай мол олиб сотишига қараб “кўй жаллоб”, “от жаллоб“ каби номлар билан аталган.

ЖАЛЛОД (ар.) - ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудидаги давлатларда подшоҳ ва хон саройларида одамларга нисбатан чиқарилган тан жазоси ва қатл этиш тўғрисидаги фармонни ижро этувчи шахс.

ЖАЛЛОДБОШИ (ар.+т.) - Хива хонлигига одамларни бoshини танасидан жудо қилувчи маҳсус гурӯҳ - жаллодлар бошлиғи.

ЖАЛОЙИР (тар.) - турк ва мўғул қабилаларининг аралашиши натижасида ташкил топган йирик қабила уюшмаларидан бири. Улар ўнта йирик қабилага бўлинган бўлиб, ҳар бир қабилага саркарда, яъни қабила бошлиғи бошчилик қилган. Чингизхон салтанатида жалойирлардан чиқкан бир қатор беклар ва саркардалар хизмат қилганлар. Жалойирлар XII аср охири – XIII аср бошларида Еттисув ва Ўрта Осиёга кўчиб келганлар. Ўрта Осиёда яшайдиган жалойирлар ўзбек, қозоқ, қорақалпок ва қирғизлар таркибига кирганлар.

ЖАМАЛАК (ф.-т.<ар.) - 1. Қиз болаларнинг ҳали ўсиб етмаган сочига ечилиб кетмаслиги учун одатда пахта пилик қўшиб ўрилиши; 2. Сочга такиладиган зийнат асбоби; сочпопук.

ЖАМЬОФО (ар.+т.) - Қўқон хонлигига хоннинг сұхбати, қабули ва буюмларига иштирок этувчи кишиларни хабардор қилиб, уларни чақириб келувчи (жамъ қилувчи).

ЖАМОА (ар.) - бирор маҳалла ёки кишлок әхолиси, бирор муассаса, ташкилот ёки корхона ахли. Жамоада турли қарашдаги кишилар бўлади.

ЖАМОАТ (ар.) - жамоа атамасидан фарқли равища, жамоат деганда бир хил мақсад, бир хил манфаат йўлида жам бўлган кишилар тушунилади. Жамоат сўзининг жамоатчилик шакли ҳам бор. Масалан, илмий жамоатчилик, адабий жамоатчилик, талабалар жамоатчилиги ва ҳоказолар.

ЖАМИЯТ (ар.) - инсоният тарихий тараққиётининг маълум босқичида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуи.

ЖАНБИЛ (т.) - бир йиллик хушбўй кўкат; ошқўк;

ЖАНГГОХ (ф.-т.) - жанг бўладиган жой ёки майдон, яъни жанг майдони жанггоҳ деб аталган.

ЖАНГАРИ (ф.-т.) - жанжалкаш, урушқоқ.

ЖАНГНОМА (ф.-т.) - тарихий ва афсонавий жанг воқеалари, урушлар, айрим афсонавий ва тарихий шахсларнинг мардлик ва қаҳрамонликларини бадиий адабиётда кўтаринки рух билан баён қилувчи эпик жанрнинг тури.

ЖАНДА (ф.-т.) - 1. Дарвеш ва қаландарларнинг улоққуроқ тўни; 2. Болалар ўйинида: ўйинни яхши билмайдиган болага икки марта ўйнаш учун берилган хукук.

ЖАНДАПЎШ (ф.-т.) - 1. Дарвеш, қаландар; 2. Улоқ-қуроқ ёки жулдур кийган киши.

ЖАНДАРМ(А) (?) - жандармерия ва унинг хизматчиси, ходими.

ЖАНДАРМЕРИЯ (?) - Чор Россиясида сиёсий муҳофаза, тинтуб ишлари олиб бориш, давлатга қарши сиёсий чиқишиларга қарши кураш учун хизмат қиласидиган махсус полиция қўшинлари.

ЖАНОФ (т.) - эгарнинг қоши

ЖАНОХ (ар.) - қанот, томон, тараф. У “чанох” деб ҳам талаффуз қилинади. Темурийлар күшинларида қўшин қанотини англатган ибора. Чаноҳ кўринишида ҳам ишлатилади. Чаноҳ иборасига “соғ” (ўнг) ва “сўл (чап) иборалари қўшилса, қўшиннинг “ўнг қаноти” ва “сўл қаноти” маъноларини билдирган. Қўшиннинг ўнг ва сўл қанотларини қўриқлаб турувчи маҳсус ҳарбий бўлинма ҳам чаноҳ деб аталган.

ЖАПСАК (т.) - кесакининг деворга ўрнатилган еридаги ти-рқиши беркитиш ва хусн бериш учун эшик, дераза атрофига коқиладиган энсиз жимжимадор тахта.

ЖАР (т.) - 1. Сув ювиб ҳосил бўлган тик чукурлик; 2. Баланд товуш билан айтиладиган хабар.

ЖАРАЁН (ар.) - иш-ҳаракат, воқеа-ходисанинг бориши, ривожи, оқими.

ЖАРГОХ, ЖУРГА, ЖИРГА (м.) - жирға; доира шаклида жой олиб ўлтириш; олий кенгаш; ов вактида ов қилинадиган ерни теварак атрофдан ўраб олиб ўлтириш.

ЖАРИБ I (ар.) - Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда VII асрдан бошлаб кўлланилган ҳажм оғирлиги ва ўлчов бирлиги. Ўрта Осиёда жарип факат юза ўлчови (10 минг кв²), яъни ер ўлчов бирлиги сифатида кўлланилган. Юридик хужжатларда жарип билан таноб бир хил юза ўлчовини ифода этган. Бир жарип 60X60км³600 кв. газдан иборат бўлган. Бир газ турли худудларда турли бўлгани учун (жумладан, бир хил жойларда 1 метрга тенг бўлган бўлса, бошқа жойда бир куличга тенг бўлган) ҳар хил бўлган. Масалан, XIX аср ўрталарида бир жарип Бухорода 600-625 кв. саженга, Тошкент округида 600 кв. саженга, Хива оазисида 900 кв. саженга тенг бўлган. Бир жарип бир танобга тенг бўлган. Бу кундалик ҳўжалик таноби хисобланган. Шунингдек, XIX асрнинг 70-ийларида 40 кв. саженга тенг бўлган таноб ўлчов бирлиги ҳам бўлган.

ЖАРИБ II (ар.) - Бухоро амирлигида миршаб хизмати нук-тай назаридан шаҳарнинг ҳар бир саҳми яна олти қисмга бўлинган. У жарип дейилган. Бухоро шаҳри икки саҳмдан ва 12 та жаридан иборат бўлган.

ЖАРИБКАШ (ар.+ф.-т.) - Ўрта Осиё худудида ер ўлчовчи мансабдор. У баъзан жариб амин деб ҳам юритилган.

ЖАРИДА (ар.) - дафтар, китоб, мажмуа, рўзнома.

ЖАРИМА (ар.) - 1. Қонун-қоидани бузганлик, қонун-қоидага хилоф ҳатти-ҳаракат учун тўланадиган пул; 2. Заарни қоплаш учун белгиланган тўлов, товоң.

ЖАРЧИ (т.+ф.-т.) - Ўрта Осиё худудларида сўнгги ўрта асрлар даврида ҳукмдорларнинг ҳалқка қаратча чиқарган фармони, расмий хабарларини, хон ва вазирларнинг амрларини аҳолига етказиш, уруш бошланиши ёки тугаганлиги тўғрисидаги хабарларни, айrim шахсларни ҳукмдорлар томонидан тақдирлаш ёки жазолаш ҳақидаги амрларни, бирон шахснинг янги лавозимга сайланиши тўғрисидаги хабарларни бозор майдонлари ва аҳоли кўп тўпла- надиган жойда баланд овоз билан эълон қиласидаги шахс. Шунингдек, жарчилар кўчманчиларнинг овулларини айланиб юриб қўшин тўплашида ҳам қатнашганлар.

ЖАҒАЛБАЙЛИ (тар.) - ўзбек ҳалқи таркибига кирган уруғлардан бири. Ўрта асрларда жағалбайли асли қабила бўлган, аммо ўзаро курашлар натижасида емирилиб, кичик-кичик гурухларга бўлиниб кетган. Кейинчалик жағалбайлilarга мансуб кишилар бир канча қабила ва ҳалклар таркибиغا қўшилиб ўз номини саклаб қолганлар. Жағалбайлilarнинг катта қисми Амир Темур ва унинг ворислари даврида (XIV-XV асрлар) Даҳти Қипчокдан Моваро-уннаҳр ва Афғонистонга кўчиб келиб ўрнашган. XIX аср бошларида ўзбекларнинг қипчоқ, найман, курама каби қабилалари таркибида учраган. XIX асрнинг 70-йилларидан уларнинг катта бир қисми Афғонистондан Самарқанд ҳудудига келиб ўрнашган. Ўзбекистон ҳудудида жағалбайлilar ўзбек ҳалқи таркибига кирган.

ЖАЪБА (ар.) - қути, ўқ жойланадиган қути.

ЖАҲОЛАТ (ар.) - илм-маърифатдан маҳрумлик, қолоқлик, маданиятсизлик, нодонлик, зулмат.

ЖАҲОНБАХШ (ф.-т.) – сахий, кўли очик.

ЖАҲОНГАШТА (ф.-т.) - дунёни кезган, кўп ерларни кўрган, кўп саёҳат қиласидаги.

ЖАҲОНГИР (ф.-т.) - 1. Жаҳонни забт этган; жаҳонни забт

этувчи (кўп ўзга ерларни босиб олган шоҳ, амир ва хонларнинг эпитети); 2. Жаҳонгир (эркаклар исми).

ЖАҲР (ар.) - баланд овоз билан зикр этиш.

ЖАҲРЧИ (ар.) - *айнан*, жарчи.

ЖАҲРИЯ (ар.) - жаҳр дарвешларининг тангрининг номини баланд овоз ва турли ҳаракатлар билан тақорорлаб зикр тушиши; зикру само; жаҳрия - ана шундай йўсунда зикр тушиш. Зикрнинг яна бир тури “хуфия” деб аталиб, бунда тангрининг номи овоз чиқармай тақорорланади.

ЖЕВАК (т.) - 1. Хотин-қизларнинг бўйнига тақиладиган зийнат буюми; 2. Дераза, эшик ва мебелларга зийнат бериш учун ишлатилган металл кубба.

ЖЕВАЧИ (т.) - Бухоро амирлиги саройидаги мансабдорлардан бири бўлиб, одатда, курол-аслаха омборининг бошлиғи хисобланган.

ЖЕЗ (т.) - мис, рух ва қалай қотишмаси.

ЖЕЛАК (т.) - хотин-қизлар бошига ташлаб юрадиган рўмол; ёпинчик.

ЖИБА (ЖЕВА) (т.) - темир ёки пўлатдан ишланган қадими уруш кийими.

ЖИЗЗА (т.) - майда тўгралган думбанинг ўз ёгида ковурилгани.

ЖИАҚ, ЖИЯҚ (т-х.) - дўппи, тўн каби буюмлар четига тутиладиган маҳсус тесма.

ЖИЛОВ (т.) - юганнинг чарм тизгини.

ЖИЛОВБАРДОР (т.+ф.-т.) - Ўрта Осиё хонликларида: мансабдорларнинг отларига қаровчи ва уларга йўлга чиқишида отни ростлаб бериб, йўлдан қайтганда кутиб олувчи хизматкор;

ЖИЛОВДОР (т.+ф.-т.) - Бухоро ва Хива хонликларида хоннинг ёки бошқа олий мартабали кишиларнинг отини қабул килиб олувчи, отни жиловловчи ва от эгасини отга миндириб ва тушуриб кўювчи шахс.

ЖИЛОВХОНА (т.) - шоҳ, хон саройларига ёки масжид ховлисига кираверишдаги маҳсус хона ёки бостирма.

ЖИЛФА (т.) - тоғдан оқиб тушаётган кичкина оқин сув; дарёча, йилға.

ЖИРОВ (т.) - бахши.

ЖИФА (ф.-т.) - 1. Биш кийимиға тақиладиган, укпар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилған зийнат буюми (асосан, қиз түйида күёвнинг, хатна түйида тўйболанинг бош кийимиға тақилади); 2. Тож.

ЖИҒАДОР (ф.-т.) - 1. Жиға такқан, жиғали; 2. Ўрта Осиё хонликларида жигаларни сакловчи лавозимли киши.

ЖИХОД (ар.) - айнан, газавот. Мусулмонларнинг ғайри динларга, яъни коғирларга қарши олиб борган мұқаддас уруши жиҳод деб аталған. Жиҳодда ҳалок бўлған киши шаҳид ҳисобланаб, унга жаннат ваъда этилған. Ғалаба қилған мусулмон эса ғозий ҳисобланиб, ҳар кандай гуноҳлардан ҳалос бўлған.

ЖОВОНФОР (м.) - Ўрта асрларда кенг истеъмолда бўлған ҳарбий атамалардан бўлиб, қўшиннинг сўл қаноти демакдир.

ЖОДИ (ф.-т.) - беда, пичан, ҳашак кирқадиган дастаки асбоб.

ЖОГИР (ЖОЙГИР) (ф.-т.) - Бобурийлар империяси даврида Хиндистанда кенг тарқалған ер эгалиги шаклларидан бири.

ЖОГИРДОР (ф.-т.) - бобурийлар даврида Хиндистанда мавжуд бўлған жогир эгаси. Жогирдан ундирилған давлат солигининг бир қисмини жогирдор олган. Бунинг эвазига у муайян микдорда куролланган отликлар, артиллерия ва юқ ташувчи ҳайвонлар саклаши ҳамда кўприк, сугориш иншоотларини қуриш ва уларни таъмир қилиб туриши лозим бўлған.

ЖОЙНАМОЗ (ф.-т.сўғд) - мусулмонларнинг намоз ўқийдиган тўшамаси.

ЖОМАКОР (ф.-т.) - иш кийими. Кўпинча маҳсус қалин матодан тикилган.

ЖОМАШОВ (ф.-т.) - кир ювадиган сопол тоғора.

ЖОМЕЪ МАСЖИДИ (ар.) - мусулмонларнинг жума ва ҳайит намозлари ўқиладиган мұқаддас жой бўлиб, шаҳар, туман ва жамоат марказларидағи марказий бош масжид.

ЖОМИУЛ-УЛУМ (ар.) - илмнинг кони (жуда ҳам илмли, ўқимишли киши ҳақида).

ЖОН СОЛИФИ (тар.) - Араб халифалигига мусулмон бўлмаган эркин аҳолидан олинадиган солик.

ЖОНДОР (т.) - Ўрта Осиё ҳудудида, хусусан, қораҳонийлар ва ҳоразмшохлар даврида мавжуд бўлган амаллардан бўлиб, ясавул бошлиғи маъносини билдирган.

ЖОНИЙЛАР (тар.) - Бухоро ҳонлигини 1599 йилдан 1753 йилгача идора қилган сулола. Тарихда у аштархонийлар сулоласи деб ҳам юритилади (*каралсин*: Аштархонийлар).

ЖОРИЙ (ар.) - ҳозирги кунда, ҳозирги пайтда юз берастган, содир бўлаётган, давом этаётган, олиб борилаётган; амалдаги, кундалик.

ЖОРИЯ (ар.) - сотиб олинган, хизматкорликка ёлланган ва урушларда аср тушган хотин-қизлар Ўрта Осиёда жория деб аталган бўлиб, улар асосан хизматкор, чўри қиз бўлишган.

ЖОРУБКАШ (ф.-т.) - бирор мукаддас даргоҳни супуриб юрувчи хизматкор.

ЖОСУС (ар.) - бирор давлат ҳақида маълумот тўплаш, хусусан, унинг ҳарбий сирларини билиш учун бошқа давлат томонидан кўйилган шахс; айғоқчи.

ЖУББ (м.-т.) - Салжуқийлар даврида салла, бош кийим.

ЖУББА, ЖИББА (м.-т.) - 1. Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари ҳудудида жангчини ёй ўқи ва найзадан саклаш учун симдан тўқилган маҳсус уруш кийими бўлиб, у XVI асрғача қўлланилган; 2. Шунингдек, сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудида аврастарнинг ичига паҳта солиб қавилган кенг ва узун чопонлар ҳам жубба деб аталган бўлиб, уларни кўпинча қаландарлар, шайхлар кийишган. Жуббанинг мўйна ва теридан қилинган турлари ҳам бўлган.

ЖУВОЗ (ф.-т.) - мой чиқарадиган дастгоҳ. Жувоз улов ёки сув кучи билан юритилган. Ҳозир электр куввати ёрдамида ҳам юритилмоқда. Жувозлар маҳсулот ишлаб чиқаришига қараб бир неча хил, яъни ёғ жувози, шоли оқланадиган – обжувоз ва бошқаларга бўлинган.

ЖУВОЗКАШ (ф.-т.) - 1. Жувоз ҳайдовчи, жувозхонада (обжувоз ёки майжувода) ишловчи ишчи; 2. Тирикчилиги, даромади асосан майжувод устида бўлган шахс, майжувод эгаси.

ЖУВОЗХОНА (ф.-т.) - обжувоз ёки майжувод ўрнатилган жой, бино.

ЖУВОЛДИЗ (ф.-т.) - коп тикиш учун ишлатиладиган йўтон, эгик игна.

ЖУВОН (ф.-т.) - 1. Эрга чиқкан, ҳали ёш, етук аёл; 2. Эрдан чиқкан ёки тул қолган хотин.

ЖУВОНБАХТ (ф.-т.) - баҳтили, баҳтиёр; толеи баланд, омадли.

ЖУВОНМАРГ (ф.-т.) - ёш ўлган, айни етилган пайтида ҳалок, нобуд бўлган.

ЖУВОНМАРД (ф.-т.) - 1. Мард, ботир, довюрак; 2. Олижаноб, олихиммат, хотам.

ЖУВОНСЎХТА (ф.-т.) - айнан, жувонмарғ.

ЖУД (ар.) - инъом, эҳсон; сахийлик, қўли очиқлик.

ЖУЗ I (ЮЗ) (тар.) - ўзбек ҳалқи таркибига кирган қабила уюшмаларидан бири бўлиб, юзнинг “ж”ловчи шевалардаги номи (*каралсин*: “юз”).

ЖУЗ II (ар.) - 1. Қисм, улуш; 2. Ёзув қоғозининг метрик системада эллик таҳтага тенг ўлчов бирлиги; 3. Тикилган дафтар, китобча ёки китобнинг бир бўлаги.

ЖУЗГИР (ар.+ф.-т.) - айнан, жуздон.

ЖУЗДОН (ар.+ф.-т.) - Ўрта Осиёда ўрта асрларда қоғоз хужжатлар солиб юриладиган маҳсус чарм папка жузгир-жуздон деб аталган.

ЖУЗЪИЙ (ар.) - унчалик катта, муҳим, жиддий бўлмаган; арзимаган, аҳамиятсиз.

ЖУЗЪЯ, ЖИЗЪЯ (ар.) - дастлаб, Араб халифалигида, кейинчалик бошқа мусулмон давлатларида шариат меъёrlарига кўра мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинадиган жон солиги. Жузъя балогатга етганларга солинган. Қариялар ва аёллар, болалар,

кул ва гадолар эса ундан озод қилинган. Жузъя, асосан, пул ва натура тарзида ундирилган.

ЖУЗФОН (тар.) - ҳозирги Бадахшон марказидаги Файзабод шаҳрининг сўнгги ўрта асрлардаги номи.

ЖУЛ (т.) - 1. Қўлда тўқилган дагал жун мато; 2. От ёпиги, ёпинғич.

ЖУЛГА (т.) - водий, ўтлок, кўкламзор.

ЖУЛДУ (м.) - ҳадя, тухфа.

ЖУМАРД (ф.-т.) - айнан жувонмард.

ЖУФТИ ГАВ (ф.-т.) - бир жуфт хўқиз билан ерни ишлаш мумкин бўлган ўлчов бирлиги. У қўш хўқиз деб ҳам аталган.

ЖЎВА (т.) - ҳамир ёйиши учун ишлатиладиган калта ўқлок. Жўва қаттиқ ёғоч, одатда ўрик, тут, ёнғок, олма ёғочларидан тайёрланган.

ЖЎГИЛАР (санскр.) - лўлиларнинг айрим ўзбек шеваларида номланиши. Жумладан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида лўлилар шу атама билан ифодаланади.

ЖЎНАФАР (т.) - тоғда ёлғизоёқ, оғир йўл.

ЖЎРАБОШИ (ф.-т.) - “Гап”, “тўқма” қатнашчиларининг (жўраларининг) бошлиғи;

ЖЎЧИ УЛУСИ (тар.) - Чингизхон империясининг бўлинishi натижасида 1224 йили унинг ўғли Жўчинонга теккан мулк, улус. Жўчи улуси Иртишдан Урал (Ёйик) тоғларигача ва ғарбда мўғул оти туёқлари етган ергача бўлган ўлкаларни қамраб олган. Жануб томондан Чигатой улуси билан чегарадош бўлган. Ботуҳоннинг ҳарбий юришлари (1238-1242 йй.) натижасида Шарқий Европа ҳам Жўчи улусига вассал сифатида бўйсундирилган. Унга Жанубий Россия, Крим ва Закавказия (Кавказорти) кирган. XIII аср ўрталаридан бошлаб Жўчи улуси Олтин Ўрда деб аталган.

3

ЗАБАР (ар.) - араб имлосидаги ундош ҳарфлар ва алиф устига қўйиладиган белги. Бу белги қўйилган ҳарфга “а” қўшиб ўқиласди.

ЗАБАРЖАД (ар.) - шаффоф, оч яшил қимматбахо тош.

ЗАБТКОР (ар.ф.-т.) - забт этувчи, ўз ҳукмига бўйсундирувчи.

ЗАБУН (ф.-т.) - 1. Нимжон, заиф; 2. Оғир, мушкул, танг.

ЗАБУР (ар.) - Аллоҳ томонидан Довуд алайхиссаломга юборилган муқаддас китоб.

ЗАВЖ (ар.) - эр; қайлик.

ЗАВЖА (ар.) - рафиқа; қайлик.

ЗАВОЛ (ар.) - куннинг иккинчи ярми, кун оққан пайт билан кун ботар пайт оралиғи;

ЗАИФА (ар.) - 1. Хотин киши, аёл; 2. Эркак никоҳидаги аёл, хотин; рафиқа.

ЗАКАН (?) - намлиқ ёки захни кочириш учун ер, пайкал ўртасидан қазилган арик; зовур.

ЗАКО (ар.) - *айнан*, заковат.

ЗАКОВАТ (ар.) - ўткир акл-идрок, зехн маъносини билдиради. Донишмандлик маъносида кенг қўлланилган.

ЗАЙФ (ар.) - қалбаки олтин ва кумуш танга.

ЗАКОТ (ар.) - Ислом динининг беш асосий талабларидан бири бўлиб, мол-мулк ва даромаддан бериладиган садака, хайр-эхсон, солиқ. Шариатга мувофиқ, муайян бойликка эга бўлган катта ёшдаги мусулмон закот беради. Закот микдори пул даромадларининг кирқдан бир улушига тенг. Дехқонлар ва чўпонлардан олинадиган закот микдори бирмунча юқори бўлган. Закот камбағаллар, етим-есирлар, касаллар ва ҳеч кими йўқ аёллар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган.

ЗАКОТИ ЧЕКАНА (ар.+ф.) - Бухоро амирлигига XIX аср

- XX аср бошида мавжуд бўлган солик тури. Ушбу солик одатда 40 тадан кам уй хайвони бўлганлардан олинган.

ЗАКОТЧИ (ар.+ф.-т.) - аҳолидан закот пул ва молларни ундирувчи амалдор. Закотчи Бухоро амирлигига муҳим амал ҳисобланган. Девонбеги закотчи ҳисобланиб, амирнинг молиявий ишларини ҳам бошқарган.

ЗАЛИЛ (ар.) - хўрланган, таҳқир қилинган; ҳақир.

ЗАЛОЛАТ (ар.) - йўлдан озиш, гумроҳлик.

ЗАМЗАМ (ар.) - Макка шаҳрида Каъба яқинидаги, мусулмонлар мұқаддас ҳисоблайдиган қудукнинг номи.

ЗАМЗАМА I (ар.) - 1. Мусиқа асарининг кириш қисми; даромад; 2. Секин овоз билан бошланган қўшик; хиргойи.

ЗАМЗАМА II (ар.) - оташпараастларнинг ибодат чоғида, яъни оловга сифиниш пайтида оҳиста ва майин оҳангда ўқийдиган дуолари замзама деб аталган.

ЗАММА (ар.) - араб имлосида унли товушларни ифодалаш учун ҳарфларнинг устига қўйиладиган белги. Форс тилида “пеш” дейилади. Бу белги эски ўзбек имлосида ҳам кўлланилган.

ЗАМИНДОР (ар.т.) - бобурийлар салтанатида вассал ҳокимлар, яъни рожа, султон ва маҳаллий элат бошликлари заминдор деб юритилган. Заминдор ерлари, жогир ерларидан фарқли ўла-рок, меросга қолдирилган.

ЗАМҲАРИР (ф.-т.) - каттиқ совук; қаҳратон қиши, аёз.

ЗАНД (кал. сўтд.) - паҳлавий тилида “Авесто”нинг тафсири.

ЗАНДАНАЧИ (тар.) - Бухоро шаҳри яқинида Зандана қишлоғида тўқилган, шарқ мамлакатларида ғоят машҳур бўлган матонинг номи.

ЗАНГ (ф.-т.) - чанг, ғубор, қора.

ЗАНГИЛА (ф.-т.) - қўл ва оёқларга қўнғироқчалар такиб ўйналадиган ўйин, ракс.

ЗАНГИЙ - қора танли қул, негр.

ЗАНЖИ (ф.-т.) - қора танлилар ирқига мансуб бўлган ва тропик Африканинг асосий аҳолисини ташкил этувчи ҳалқ ва-кили; негр.

ЗАР (ар.) - узунлик ўлчов бирлиги. Бир газга, тахминан бир метрга тент бўлган.

ЗАРАФШОН (ф.-т.) - зар сочувчи; олгиндай товланувчи, ярқировчи.

ЗАРБОФ (ф.-т.) - зар ип билан, ипакдан қимматбаҳо матолар тўкувчи уста. Улар Бухорода зарбоф деб аталган.

ЗАРБХОНА (ар.ф.-т.) - Ўрта Осиё хонликларида олтин, кумуш, мис-жездан танга-чака зарб қиладиган жой.

ЗАРГАР (ф.-т.) - турли металлдан, шунингдек, олтин ва кумушдан ҳар хил безак буюмларини ясовчи хунарманд. Улар Ўрта Осиёда заргар деб аталган.

ЗАРДЧА (ф.-т.) - совутча.

ЗАРДУШТИЙЛИК (тар.) - милоддан аввалги VII-VI асрларда Қадимги Эрон ва Ўрта Осиё ҳудудларида пайдо бўлган дин. Унинг номи шу динга асос солган афсонавий пайғамбар Зардушт номи билан боғлиқ. Зардустийликнинг асосий муқаддас китоби Авестодир. Зардустийликнинг асосий ғояларида дунёдаги ҳамма тартиблар яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронгулик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги курашга боғлиқ деб тушунирилади. Зардустийлик дунёни ёруғлик ва эзгулик худоси Ахурамазда билан ёвузлик худоси Анхра-Манъё ўртасидаги курашдан иборат деб таъкидлайди. Зардустийлик қулдорлик ва илк феодализм даврида Ўрта Осиё, Эрон ва Озарбайжонда кенг тарқалган. Бу ҳудудлар араблар томонидан босиб олингач, зардустийликка сифинувчилар мажбуран ислом динига ўtkазилган.

ЗАРДЎЗ (ф.-т.) - зардан гул тикувчи чевар.

ЗАРКОКИЛ (ф.-т.) - хотин-қизларнинг бир-бирига занжирбанд қилиб уланган кумуш тангалардан қилинган соч ўримларига тақадиган безак буюми.

ЗАРРАБИН (ар.+ф.-т.) - айнан, микроскоп.

ЗАРРОБ (ар.+ф.-т.) - танга чикарувчи.

ЗАРРОБ ХОНА (ар.+ф.-т.+т.) - кумуш ва тилладан танга чикарадиган жой.

ЗАРХАРИД (ар.+ф.-т.) - пулга сотиб олинган, олтин баробарида келган.

ЗАРЧУВА (ар.+ф.-т.) - тропик ўсимлик ва унинг илдизидан тайёрланадиган зиравор (овқатга сарғиш тус беради ва уни хушбўй килади).

ЗАРЬ (ф.-т.) - узунлик ўлчови, бир заръ 107 см га тенг.

ЗАФАРНОМА (ар.ф.-т.) - кўлга киритилган зафарлар, ғалабалар киссаси.

ЗАХИРА (ф.-т.) - эҳтиёт қилиб, узок муддатга мўлжаллаб сакланган нарсалар. Захира озиқ-овқат, пул, буюм, қурол-аслаҳа, моллар учун ем-хашак кўринишларида тайёрланган. Ўрта асрларда кўшин эҳтиёжлари учун ғамланган нарсалар ҳам захира номи билан юритилган.

ЗАХМ (ф.-т.) - тиф, найза каби ўткир нарсалардан баданга етган жароҳат.

ЗАФОМА (ф.-т.) - атрофи чарм билан ўралган доира шаклидаги қути, тарози палласи ўрнида ишлатилган.

ЗЕР (ф.-т.) - араб имлосидаги ҳарфларнинг остига қўйилган белги. Зер қўйилган ҳарфдан сўнг “и” ёки “е” қўшиб ўқиласи.

ЗИЁДОН (ар.+ф.-т.) - қандил; шамдон.

ЗИКР (ар.) - Ислом динида сўфийлик тасаввуфининг айрим оқимларига хос, “худони ёдга олиш” билан боғлиқ маҳсус маросим. Бу зикр тутиш деб ҳам аталади. Зикрда аввал бир тўда сўфийлар давра бўлиб ўтиришади, бир киши шеърларни маълум оҳангда ўқиради, унга мусика жўр бўлади. Даврада ўтирганлар ўринларидан туриб, рақсга тушадилар. Ҳаммалари худони баробар тилга олиб, даврани айланаверади. Мана шундай харакат, яъни худони ёдга олиш зикр дейилади.

ЗИММИЙЛАР (ар.) - Ислом дини хукмрон бўлган мамлакатда яшаб турувчи, аммо бошқа динларга мансуб бўлган мусулмонлар ҳимоясидаги ахоли, ёхуд шартнома кишилари. Ўрта асрларда Араб халифалигида мусулмон бўлмаган ахолига маъмурият билан икки ўртада тузилган шартнома асосида шахс ва мулк дахлизлиги ҳамда ўз динларига эркин сифиниш ҳукуқини таъминлаш ҳақидаги кафолат. Ислом давлати ўз ҳимоясида сақлаб турганлиги эвазига зиммийлар жон солиги - жузъя ва ер солиги - хирож тўлашга мажбур бўлганлар.

ЗИНДОН (ар.+т.) - Ўрта Осиё хонликлари худудида бандилар, маҳбуслар ва жавобгарларни саклаш учун мўлжалланган ер остидаги зах ва қоронғи қамоқхона. Зиндоннинг зиндонбон, мирзо ва ясовуллардан иборат маъмурияти бўлган.

ЗИНДОНБОН (ар.+т.+ф.-т.) - зиндон соқчиси, қоровули.

ЗИНДИК (ар.) - зардуштийларнинг Занд китобига эътироф қўйганлиги, динсиз, худосиз деган маънони билдиради.

ЗИРАЙИ (ф.-т.) - қушларга тақиладиган зийнат буюм.

ЗИРАК (т.) - исирғанинг бир тури.

ЗИРИХ (ф.-т.) - зирак; ҳалқа; исирға; ўқ ва тиф ўтмайдиган уруш кийими; совут.

ЗИРАЬ (ар.) - Ўрта асрларда кенг қўлланган масофа ўлчови бирлиги. Тахминан 79,8 см га teng бўлган.

ЗИРҲ (ар.) - ҳарбий кема, танк ва шу кабиларнинг ўқ ўтмайдиган пўлат қопламаси.

ЗИҲ (ф.-т.) - 1. Икки сатҳ кесишган чизик; 2. Чет, қирғок.

ЗОБИТ (ар.) - забт этувчи, бошқарувчи, офицер.

ЗОВИЯ (ар.) - сўфиylар, дарвишлар тўхтайдиган ва яшайдиган маскан. Араб мамлакатларининг баъзиларида равот, баъзиларида зовия деб аталган. Ўрта Осиёда бундай жойлар хонакоҳ, Эрон ва Афғонистонда тақъя дейилган.

ЗОЛ (ар.) - араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувида ўн биринчи ҳарфнинг номи.

ЗОЙИЧА (?) - мунахжимлар томонидан ром очишда амал қиладиган, дуолар ёзилган хона-хона жадвал.

ЗОТ (ар.) - 1. Бир бобокалондан, аждоддан тарқалган насл, авлод; 2. Бирор фазилати билан ажралиб турувчи киши; шахс; 3. Жинс, нав.

ЗОФОРА (?) - маккажўхори ёки оқ жўхори унидан ёпилган нон.

ЗОХИД (ар.) - VII-X асрларда Мовароуннаҳрда молу дунёга рағбат ва хоҳиши бўлмаган киши; тарки дунё қилган ва ҳаёт лаззатларидан воз кечган кишилар. Зоҳидлар мусулмонларни бу дунё

роҳат-фароғатидан воз кечишга, давр жабр-зулмига чидашга ун-даганлар. Зоҳидлик сўфийликнинг айрим оқимлари билан боғлиқ бўлган.

ЗУЛ-ҚАРНАЙН (ар.) - Ўрта Осиё ҳудудида Александр Македонскийни Искандар Зулкарнайн деб аташган.

ЗУЛ-ФИҚОР (ар.) - ривоятлар бўйича Ҳазрати Али қиличининг номи.

ЗУЛ-ЖАНОХ (ар.) - қанотли от, ривоят бўйича Алининг карбилода мингандан отининг номи.

ЗУЛҚАҶДА (ар.) - қамария йил ҳисобида ўн биринчи ойнинг арабча номи.

ЗУЛҲИЖЖА (ар.) - қамария йил ҳисобида ўн иккинчи ойнинг арабча номи.

ЗУМРАД (ар.) - оч-яшил тусли кимматбаҳо тош.

ЗУННОР I (ар.) - 1. Мавълум тусдаги жундан эшилган чизимча-белбог (мусулмон давлати қўл остидаги христианлар, яхудийлар шу чизимчани устки кийим устидан боғлаб юришга мажбур эдилар); 2. Христианларнинг бўйнига тақиб юрадиган хочи; 3. Ҳукмдорларнинг иш вақтида бўйнига тақадиган амалдорлик белгиси.

ЗУННОР II (ар.) - христиан ва яхудийларнинг белбоги.

ЗУРҚ (ар.) - Илк ва ривожланган ўрта асрларда қўшин ҳамда лашкарлар фойдаланган ҳарбий қурол турларидан калта найза. ўқ.

ЗУФУНУН (ар.) - ўрта асрларда Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда ўзининг қобилияти, акл-идроки, ўткир зехни билан барча фанларни эгаллаган шахс, илм сохиби шундай деб аталган.

ЗУҲАЛ (ар.) - Сатурн сайёрасининг мусулмонлар томонидан аталиши. Мусулмонлар Зухал юлдузини баҳтсизлик юлдузи деб атаганлар.

ЗУҲРА (ар.) - Ноҳид-Венера-сайёрасининг номи. Гўзаллик, хуш-кайфият, хурсандчилик ҳамда муҳаббат белгиси.

ЗУҲУР (ар.) - намоён бўлиш, кўриниш, пайдо бўлиш.

ЗЎҒОТА (т.) - 1. Кетмон, теша ёки болтанинг соп ўрнатила-диган тешиги; 2. Маккажўхорининг донсиз ўзаги; сўта.

И

ИБН (ар.) - Шарқ халқларида эркаклар исмлари таркибида келувчи сўз. XX аср бошларигача Ўрта Осиё халқлари ўртасида ҳам кенг қўлланилган. Ўғли деган мъяниони ифодалайди. *Масалан*, Олим ибн Зоир, яъни Зоир ўғли Олим.

ИБРО (ар.) - гуноҳкорни оқлаш.

ИБРОНИЙ (ар.) - 1. *Айнан*, яхудий; 2. Яхудийларга, уларнинг тили, адабиёти ва маданиятига оид.

ИБТИДО (ар.) - бирор нарса, иш-харакат, воқеа-ҳодиса ва шу кабиларнинг боши, аввали, бошланиш даври, бошлангичи.

ИДДА (ар.) - эрдан ажраган ёки эри ўлган хотинга ҳомила-дорлиги аниқлангунча шариат бўйича эрга тегиш ман қилинган юз кунлик муддат.

ИДДАТ (ар.) - талоқ берган аёлнинг муайян муддатни ўташ даври, ойлик, моҳона.

ИДИШҚАЙТДИ (т.) - киз унаштиришда куёв томондан юборилган дастурхон ва уни кутиб олиш маросими.

ИДРОР (ар.) - XIV-XV асрларда Ўрта Осиёда хокимлар томонидан шу инъомга сазовор шахсга тайин этиладиган йирик пул маблағи.

ИДТИХОД (ар.) - бирлашиш, қовушиш, бирикиш.

ИЕРОГЛИФ (р<грек) - қадимги мисрликлар ва баъзи бир халқлар ёзувида бутун бир тушунча, ибора, сўз, бўгин ёки товушни ифодалаган ҳайвон, одам, ҳар хил буюм, асбоб ва шу кабилар тасвиридан иборат белги; ҳозир хитой, япон ва корейс ёзувларидағи белгилар ҳам иероглифлар деб аталади.

ИЖТИХОД (ар.) - фикр соҳасида юксак билимга эга бўлиш, диний-хукукий масалаларни мустақил ҳал эта билиш. Исломда энг юқори табақага мансуб факҳларгина шундай хукуққа, яъни ижтиҳод хукуқига эга бўлган ва мужтаҳид деб аталган. Улар илгари учрамаган масалаларни ҳаёт талабига мувофиқ, Куръон ва ҳадисга асосланган ҳолда ҳал қилганлар.

ИЗВОШ (р.) - резина ғилдиракли енгил от арава; файтон.

ИЗВОШЧИ (р.+т.) - извош ҳайдовчи ёки унинг эгаси.

ИЗДАҲОМ (ар.) - сухбатлашиш, чақчақлашиш мақсадида тўплланган йигин, йигилиш, давра.

ИЗМ (ар.-азм) - ихтиёр, эрк.

ИЗМА (т.) - кийим, ёстиқ жилди ва шу кабиларнинг тугма ўтказадиган тешиги.

ИЗЧИ (т.) - изига тушиб, из қувиб топувчи, изни яхши биладиган; изқувар.

ИЙД, ИЙД АЁМИ (ар.) - мусулмонларнинг диний байрамлари. Ийд терминининг бир оз бузилган ўзбекча талаффузи ҳайитдир. Ўтмишда етти кун давом этадиган ийд-ал-курбон, яъни курбон ҳайити (баъзи мамлакатларда 3 ёки 4 кун бўлган) ва уч кун давом этадиган ийд-ал-фитр, яъни рўза ҳайити кунлари омма орасида ийд айёми деб юритилган.

ИЙДЛИК (ар.+т.) - XX аср биринчи чорагигача Ўрта Осиё хонликлари худудидаги эски мактабда ийд байрами муносабати билан ўқувчилар томонидан домлага қилинадиган совға, ҳайитлик. Ийдлик нон, ош, кийим-кечак, пул ва шунга ўхшаш нарсалардан иборат бўлган.

ИЛГАК (т.) - бирон нарсани осиб қўйиш учун хизмат қила-диган мослама.

ИЛИКХОНЛАР (тар.) - Мовароуннахрни 999 йилдан 1212 йилгача идора қилган қораҳонийлар ҳукмдорларининг унвони. Иликхонлар аслида Еттисув ва Қашғарда яшаган яғмо турк кабиласига мансуб бўлган. Қораҳонийлардан Наср ибн Али 999 йилда Бухорони эгаллайди ва Мовароуннахрда иликхонлар ҳукмронлигига асос солади. Улар дастлаб қораҳонийларнинг Қашғардаги, 1042 йилдан бошлаб эса Ўзгандаги ҳоконларига номигагина итоат килиб, амалда эса мустакил бўлганлар. Иликхонлар Султон Санжар ҳукмронлиги йилларида (1118-1157 йй.) салжуқийларга, XII асрнинг 30-йиллари охиридан қораҳитойлар ва хоразмшоҳларга тобе бўлган. Иликхонларнинг энг машҳурлари: Наср ибн Али (999-1013 йй.), Али ибн ал-Хасан (XI аср бошлари), Иброҳим (1047-1068 йй.), Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон Тегин (1102-1130 йй.).

ИКСИР (ар.) - ўрта аср кимёгарлари тасаввурида ҳамма нарсани олтинга айлантира оладиган афсонавий тош.

ИЛИГУЗИЛДИ (т.) - қўр-кут тугаган, ҳали ҳеч нарса пишмаган пайт.

ИЛК (т.) - энг аввалги, дастлабки, олдинги, бошланғич, биринчи.

ИЛМ (ар.) - бирор бир соҳа, фан, илм, маърифатга оид маъ-лумотлар.

ИЛМА (т.) - ипни чатишириб, илиб тикиш усули ва шу усулда тикилган нарса.

ИЛМИ НУЖУМ (ар.) - юлдузлар илми.

ИЛМИ АДАБ (ар) - филологияга оид билимлар. Асосан, 12 қисмдан иборат: луғат илми, сарф илми, иштиқоқ илми, нахв илми, манъони илми, баён илми, аruz илми, қофия илми, расмул-хат илми, илми бадеъ, наср илми, таворих илми, мусиқа илми; ахлоқ илми.

ИЛМИ БАҲС (ар.) - мантиқ ва диалектика илми.

ИЛМИ БУНИЙА (ар.) - физиология илми.

ИЛМИ ЗУНУН (ар.) - скептицизм.

ИЛМИ ИСТИФО (ар.) - ҳисоб-китоб илми.

ИЛМИ КАЛОМ (ар.) - ақл билан исботлайдиган илм.
Теология.

ИЛМИ КИМЕ (ар.) - химия фани.

ИЛМИ ЛИСОН (ар.) - лингвистика.

ИЛМИ ЛУҒАТ (ар.) - луғатшунослик.

ИЛМИ МАНОЗИР ВА МАРОЕ (ар.) - оптика.

ИЛМИ МАНТИҚ (ар.) - логика.

ИЛМИ МАОДИН (ар.) - маъданшунослик фани.

ИЛМИ МАСОХАТ (ар.) - геодезия фани.

ИЛМИ МАЖЛИС (ар.) - муомала илми.

ИЛМИ МИЛОҲАТ (ар.) - навигация фани.

ИЛМИ МУСАЛЛАСОТ (ар.) - тригонометрия.

ИЛМИ МУХОСАБАТ (ар.) - бухгалтерия

ИЛМИ НАБОТАТ (ар.) - ботаника

ИЛМИ НАЗИР (ар.) - мунозира илми.

ИЛМИ НАҲВ (ар.) - синтаксис

ИЛМИ НУЖУМ (ар.) - астрономия

ИЛМИ РАМЛ (ар.) - фолбинлик илми

ИЛМИ РАСАД (ар.) - юлдузшунослик илми.

ИЛМИ РИЁЗИЙ (ар.) - сонлар, ҳандаса, юлдузлар ва мусиқий илмлардан ҳамда мънозир, оптика (мароё), жабр ва муқобала, механикадан иборат илмлар соҳаси.

ИЛМИ САРФ (ар.) - морфология

ИЛМИ СИЁҚ (ар.) - байт ул-мол-хазина ва девонларда ишлатиладиган хисоб илми.

ИЛМИ ТАБАҚОТУЛ-АРЗ (ар.) - геология

ИЛМИ ТАБИИЙ (ТАБИАТ) (ар.) - табиатшунослик.

ИЛМИ ТАЪБИР (ар.) - тушларни таъбир этиш.

ИЛМИ ТАХТИТУЛБИЛОД (ар.) - топография

ИЛМИ ФИРОСАТ (Ё ҚИЁФА) (ар.) - инсон хулқ-авторини қиёфа ёки сурат орқали ўрганадиган усул ва воситалар мажмуи.

ИЛМИ ФИҚХ ВА УСУЛ (ар.) - дин қонунлари ва шариат коидалари мажмуаси илми.

ИЛМИ ШУОЬ (ар.) - оптика.

ИЛМИ ЯД (КАФТ) (ар.) - хиромантия.

ИЛМИ ҚОЛ (ар.) - зохирий, расмий илмлар.

ИЛМИ ҲАЙАТ (ар.) - астрономия, космография.

ИЛМИ ҲАЙВОНОТ (ар.) - зоология.

ИЛМИ ЖАБРУ МУҚОБАЛА (ар.) - алгебра.

ИЛМИ ЖАМОДОТ (ар.) - минералогия.

ИЛМИ ЖАРРИ АС+ОЛ (ар.) - механика.

ИЛМИ СИНОАТ (ар.) - ҳунармандчилик, косиблик илми.

ИЛМОҚ (т.) - илиб кўтариш учун хизмат қиласидиган асбоб, илгак.

ИЛОҚ (тар.) - хозирги Тошкент вилоятининг жанубида, Оҳангарон дарёси воҳасида жойлашган қадимги давлат XIII аср бошларигача Илоқ деб аталган. Пойтахти Тункат шахри бўлган. Илк Ўрта асрлар даврида мустақил давлатга айланган. Илоқ ҳукмдорлари “Илоқ деҳқонлари” унвони билан юритилган ва катта иккисодий ҳамда сиёсий кучга эга бўлгандар. Пойтахт шаҳарда танга пул чиқарадиган давлат зарбонаси бўлган. X аср охирларида Илоқ Корахонийлар давлати таркибиға кирган. Чингизхон истилосидан сўнг Илоқ ерлари жалоийирлар қабиласи тасарруфига ўтган.

ИЛОҲ (ар.) - Аллоҳ, худо.

ИЛОҲА (ар.) - хотин киёфасидаги санам; маъбуда.

ИЛОҲИЁТ (ар.) - диний ақидалар ва улар ҳақидаги илоҳий кўрсатмаларни ўз ичига олган диний таълимот. Илоҳиёт хозир ҳам диний мадраса, институт ва университетларда ўқитилади. Исломда илоҳиёт илк шакланиш давридан бошлаб Калом деб ном олган.

ИЛХОН (т.-м.) - XIII-XIV асрларда Эрондаги мўғул ҳукмдорларининг унвони.

ИЛФОР I (т.) - Ўрта асрларда кенг истеъфода этилган ҳарбий атамалардан, қўшиннинг олдинги қисми, авангарди деган маъноларни англатган;

ИЛФОР II (т.) - олдинда борувчи, пешқадам.

ИЛФОРБЕГИ (т.) - қўшиннинг олдинги қисми(авангард) бошлиғи.

ИМДОД (ар.) - мадад етказиш; кўмак, ёрдам..

ИМОМ (ар.) - намозда жамоатнинг олдида туриб намозни бошқарувчи киши. Шунингдек, ислом динида мусулмонларнинг раҳбари, бошлиғи демакдир. Имом термини ниҳоятда кенг мазмунли бўлиб, куйидаги маъноларда ишлатилган ва ишлатилмоқда:

1) суннийликда барча мусулмонларнинг олий раҳбари; 2) суннийликда шариат мазҳабларининг асосчилари; 3) шиаликда энг юксак раҳнома, яъни Ҳазрати Али ва унинг авлодлари;

4) суннийликда ҳам, шиаликда ҳам масжидда намозни бошқарып борувчи диндор – масжид имоми.

ИМОМИЙЛАР (ар.) (тар.) - шиаликда асосий оқимлардан бирининг тарафдорлари, яъни Али авлодига тааллукли ўн икки имомни тан олувчи мўътадил шиалар. Имомийлар ўн биринчи имом Ҳасан ал-Асқарий вафотидан (873 йил) кейин унинг ёш ўғли Мухаммадни охирги ўн иккинчи имом деб тан олганлар. Ривоятларга кўра бу имом йўқолган. Имомийлар уни “яширган имом”, яъни, маҳдий деб эълон қилганлар. У қайтиб келиши билан адолат тантана қиласи деб ҳисоблайдилар. “Яширган имом”га эътиқод имомийларнинг асосий ақидаларидан биридир. Имомийлар шиаларнинг анча кўп тарқалган қисмиидир.

ИМОН (ар.) - Ислом динида унинг ақидаларига, Оллоҳга, Мұхаммад алайхиссаломга ва илохий ҳисобланган китобларга, тақдирга, охиратга ишониш. Исломда имон талаблари, “аркон ал-имон”, яъни эътиқод асослари деб ҳисобланади, унга шак-шубҳасиз эътиқод қилиш талаб қилинади.

ИНДАКЧИ (т.+ф.-т.) - Бухоро амирлигига қозикалон ихтиёридаги ясовуллар бошлиги.

ИНЖИЛ (ар.) - илк христианларнинг муқаддас китоби. Библияning бир қисми бўлиб, христианликнинг афсонавий асосчиси Исонинг бу дунёдаги “ҳаёти” тасвирланган асарлар тўплами. 30 тагача номдаги Инжил маълум. Улардан факат Матвей, Иоанн ва уларнинг шогирдлари Марк ва Лука ёзиг қолдирган 4 та Инжил Библияning иккинчи бўлимни ҳисобланган Янги Аҳдга унинг муҳим қисми сифатида киритилган. Инжил II асрнинг биринчи ярмида юзага келган.

ИНЖУ (т.) - марварид.

ИНЖУ (т.-м.) - Чингизхон хонадони аъзоларига тегишли ер-сув; кейинчалик шоҳлар, амирлар, хонлар хонадони аъзоларига тегишли ер-сув.

ИННАНА (т.) - узун ёғоч ёки таҳтанинг ўртасини бирор ғўла устига ўрнатиб, икки бошига икки киши ўтириб олиб, навбат билан кўтарилиб-тушиб ўйналадиган болалар ўйини ва шундай мосламанинг ўзи.

ИНОД (ар.) - бўйин товлаш, ўжарлик, қийиклик.

ИНОН (ар.) - идора, бошқариш, бошқарув.

ИНОЯТ (ар.) - марҳамат, лутф, илтифот.

ИНОЯТНОМА I (ар.+ф.-т.) - Бухоро амирлигига амирга арз килиб ёзилган хат, нома.

ИНОЯТНОМА II (ар.+ф.-т.) - 1. XV-XVIII асрларда бирор солиқ ва жаримадан озод қилинганлик ёки бирор имтиёз олганликни кўрсатувчи расмий хужжат. 2. Кўқон хонлигига нуфузли кишилар сафарга чикқанларида хон томонидан қатағон қилинган жойларда йўл-йўлакай фойдаланиш учун берилган руҳсатнома.

ИНОҚ (м.-т.) - дўстона, яқин одам, иноқ, ишончли вакил, ишончли мансаб эгаси ёки мансабдор ҳамда ўз ишига ишончли ва садоқатли деган маъноларни англатган. Одатда, иноқлар энг қудратли ўзбек уруғлари амирларидан тайин этилган ва улар хоннинг энг яқин маслаҳатчилари бўлган. Бухоро амирлигига иноқ юқори ўн биринчи дараҷа тоифадаги мартабалардан ҳисобланниб, Бухоро амирлигига иноқнинг икки хил тоифаси, яъни катта иноқ (иноқи калон) ва кичик иноқ (иноқи хурд) мавжуд бўлган. Хива хонлигига иноқлар йирик амалдор, яъни қабила бошлиги ҳисобланган. Иноқлар хузурида қушбеги, меҳтар ва оталиқдан иборат кенгаш бўлган ҳамда улар амалий тадбирлар ишлаб чиқишига ёрдамлашган.

ИНОҚИ КАЛОН (м.-т.+ф.-т.) - Бухоро амирлигига Буюк хукмдорнинг амр-фармонларини ва буйруқларини тегишли шахс ва маҳкамаларга етказувчи, амир қабулига мусассар бўлганларни унинг хузурига киритувчи мансабдор.

ИНОҚИ ҲУРД (ф.ф.-т.) - Бухоро амирлигига амир номига келган хатлар ва номаларни қабул қилиб, овоз чиқариб ўқувчи мансабдор.

ИНШО ИЛМИ (ар.) - подшоҳ ва хон девонларидан чиқадиган махсус ёзишмаларни тузиш йўл-йўриқларини ўргатувчи фан.

ИНЬОМ (ар.) - тортиқ қилиб берилган нарса; ҳадя, совға.

ИПАК (т.) - пилладан олинадиган ингичка пишиқ майин тола.

ИПОР (т.) - мушк, иси ўткир атири.

ИРМОҚ (т.) - дарёга қуйилувчи кичик сув йўли.

ИРОҚ (?) - Шашмақом системасидаги олтинчى мақом номи.

ИРОҚИ (?) - ип ёки ипакларни кесиштириб, крест шаклида гул тикиш усули ва шу усулда тикилган нарса.

ИРОҚИ АЖАМ (тар.) - ўрта асрларда Ғарбий Эрон шундай аталган.

ИРОҚИ АРАБ (тар.) - ўрта асрларда Ирок шундай аталган.

ИРШОД (ар.) - түғри йўлга хидоят этиш, раҳбарлик этиш, йўлбошлик.

ИРШОДНОМА (ар.+ф.-т.) - түғри йўлга хидоят этувчи дастур, кўлланма, панд-насиҳат. Муршиднинг таълимоти.

ИСАВИЙ (ар.) - насроний, исавий дини бўлган киши.

ИСИРФА (т.) - 1. Кулоққа тақиладиган олтин, кумуш каби металлардан ясаладиган зийнат буюми; зирақ; 2. Баъзи ҳайвонлар, чунончи, эчкининг томоғи остидан осилиб турадиган солинчок эти.

ИСКАНА (ф.-т.) - ёғоч-тахтани ўйиш, тешиш учун қўлланиладиган, уни япалоқ ўткир пўлат асбоб.

ИСЛИК (т.) - ўтовнинг тепа туйнугини беркитиб турадиган кисми.

ИСЛОМ (ар.) - дунёда энг кўп тарқалган динлардан бири бўлиб, унга эътиқодда бўлганлар мусулмонлар деб аталади. Ислом дини ягона худо - Оллоҳга эътиқод киласди. Ислом дини VII асрда Арабистонда вужудга келган. Мұҳаммад пайғамбар ислом динининг асосчисидир. Ислом дини бугунги кунда араб давлатларида, Туркия, Эрон, Афғонистон, Покистон, Индонезия, Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва бошқа бир қатор мамлакатларда ҳукмрон дин хисобланиб, унга эътиқод килувчи мусулмонларнинг сони жаҳон бўйича 800 миллионга яқин кишини ташкил этади.

ИСЛОҲ (ар.) - 1. Тузатиш, тузатиб яхшилаш; 2. Бирор соҳада ўтказилган туб ўзгартириш; реформа.

ИСЛОҲОТ (ар.) - Туб ўзгартириш; ислоҳ, реформа.

ИСМОИЛИЙЛАР (тар.) - VIII аср ўрталарида Араб халифалигига шия оқими орасида шаклланиб, X-XI асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган диний мазҳаб тарафдорлари. Мазҳаб шиаларнинг имоми Жаъфар ал-Содикнинг катта ўғли И smoил номи билан боғлиқ. И мом Жаъфар катта ўғли И smoилни ворисликдан маҳрум қилиб, кичик ўғли Мусо ал-Козимни ворис қилиб тайинлагандан кейин бундан норози бўлган И smoил тарафдорлари Жаъфар вафотидан сўнг унинг ўғли Муҳаммад ибн И smoилни имом деб тан олганлар. Кейинги даврларда халифаликда кўтарилиган жуда кўп кўзғолонлар ва таҳт учун курашларда и smoилийлар таълимоти диний никоб бўлиб хизмат қилган.

ИСНОАШАРИЙ (ар.) - Али наслидан бўлмиш ўн икки имом тарафдорлари.

ИСТАБЛ (ю.+р.) - саисхона, молхона, отхона.

ИСТАХР I (?) - ҳовуз, кўл.

ИСТАХР II (тар.) - қадимий Эроннинг пойтахти. Юнонлар уни Персиполис деганлар.

ИСТОР (ар.+ю.) - илк ўрта асрларда фойдаланилган оғирлиқ ўлчови. Тўрт ярим (21 гр.) мисқолга тенг бўлган.

ИСТЕБДОД (ар.) - ижодий қобилият, лаёқат, талант.

ИСТЕҲКОМ (ар.) - 1. Мудофаа учун қурилган мустаҳкам тўсик, ғов, девор, қалъа ва шу кабилар; 2. Мустаҳкам таянч, суюнчик; қўргон.

ИСТИБДОД (ар.) - мустабидларнинг маҳкумлар, мазлумлар устидан чекланмаган ҳуқуқига асосланган жабр-зулм, эзиш; шу асосга қурилган идора усули.

ИСТИЛО (ар.) - қурол кучи билан ўзга мамлакатни босиб олиш, забт этиш.

ИСТИЛОХ (ар.) - термин, атама маъноларини англашган.

ИСТИЛОХОТ (ар.) - терминология, терминлар, атамалар.

ИСТИМОЛОТНОМА (ар.+ф.-т.) - чақириқ хати, мурожаатнома. Бирон тоифа ёки шахсни ўз тарафига оғди-риб олиш учун ёзилган кичик мактуб.

ИСТИНОД (ар.) - таяниш, орқа қилиш, суяниш; таянч, суюнчиқ.

ИСТИОРА (ар.) - 1. Бадиий ўхшатма, метафора;

2. Бошқа тилдан ўзлаштирилган сўз, ўзлаштирма.

ИСТИФОДА (ар.) - фойдаланиш, ишлатиш.

ИСТИҚЛОЛ (ар.) - мустакиллик.

ИСТИҲОЛА (ар.) - андиша, мулоҳаза, тортиниш.

ИСФИЖОБ (тар.) - Сайрам шаҳрининг қадимги даврдаги номи.

ИФТИРО (ар.) - бўйтон, тухмат.

ИФТОР (ар.) - рўза тутган одамнинг оғиз очиши билан боғлиқ бўлган диний маросим.

ИФТОРЛИК (ар.) - Исломда рўза тутиш билан боғлиқ диний маросим. Куръони Каримда айтилишича, рўзани қазо қилган киши бошқаларни тўйдириши лозим. Шу асосда ифторлик қилиш, яъни рўза кунлари рўза тутган одамларни, диндорларни ифтор қилдириш-зиёфат бериш маросими келиб чиқкан. Ифторлик сўнггида Курандан оятлар ўқиласиди.

ИФШО (ар.) - ошкор, фош этиш, очиши.

ИХВАТ (ар.) - биродарлик, қардошлиқ.

ИХТИЁР (ар.) - уни “Соҳиб ихтиёр” деб ҳам аташган. Подшоҳ, хон ва султон саройининг мутасаддиси. Унинг зиммасига сарой ахлига бошчилик қилиш ва қабул маросимлари уюштириш топширилган.

ИХТИЛОЛ (ар.) - исён, қўзғолон, ғалаён.

ИХТИЛОТ (ар.) - аралашув.

ИХТИЛОФ (ар.) - қарама-қаршилик, келишмовчилик, зиддият, низо.

ИХШИД (сўғд) - Сўғд ҳокимларининг насаби, увони. Тарихий маълумотларга кўра, Сўғд Араб халифалиги томонидан истило килингунга қадар бу ерда 13 Ихшид ҳукмронлик қилиб ўтган.

ИЧКИ (т.) - Бухоро хонлигига хоннинг маҳсус сарой хизматчиларидан бўлиб, уларнинг зиммасига хон саройи ёки юриш

вақтида хон ўрдасини тасарруф қилиб туриш вазифаси юклатылған.

ИЧКУЁВ (т.) - келиннинг ота-онасига тегишли ҳовлида бирга яшовчи күёв.

ИШРАТ (ар.) - кайф-сафо, айш-ишрат, айш.

ИШРАФ (ар.) - Салжуккийлар даврида мушриф вазифасини бажарувчи.

ИШРОҚИЮН (ар.) - ишрок фалсафасининг тарафдорлари Ғарбда Афлотун, шарқда Шаҳобуддин Суҳравардий таълимотининг тарафдорлари.

ИҚТАЬ (ар.) - Салжуккийлар даврида ер парчаси, чек, уни ҳоким ўз тобеятида бўлгандарга мувакқатан, вақтинча берарди. Ер мерос қолмасди. Иқтоънинг бир кўриниши.

ИҚТАЬДОР (ар.) - иқтая (чек) соҳиби.

ИҚТИДО (ар.) - эргашиш, тақлид қилиш. Иқтидо қилмок, намозда имомга тақлидан ҳаракат қилмок.

ИҚТИДОР (ар.) - куч-құдрат, қодирлик.

ИҚТИДОРЛИ (ар.) - куч-құдратга молик, құдратли, қодир.

ИҚТИДОРСИЗ (ар.) - иқтидори йўқ, куч-құдрати йўқ.

ИҚТОЬ (ар.) - ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида хукмдор томонидан феодалга катта хизматлар эвазига инъом қилинган чек ер. Одатда, иқтоъ умрбод берилмай, хукмдор уни истаган вақтида қайтариб олиб, бошқа кишига тортиқ қилиши мумкин бўлган. Иқтоъ ҳақидаги дастлабки маълумотлар VII аср охирига мансуб араб манбаларида учрайди. IX асрга келиб халифа томонидан араб амирига идора қилиш учун берилган вилоятлар ҳам иқтоъ деб атала бошлаган. Амир ўзи хукмронлик қилаётган ушбу вилоятлар солигини бутунлай ёки қисман ўзлаштириш ҳуқуқиғига эга бўлган. Иқтоъ ерлари давлат мулки хисобланган, лекин IX асрдан бошлаб ер эгасининг хусусий мулкига айланана бошлаган. Темурийлар даврида иқтоъ ўрнида “тиюл” ва “суюрғол”, бобурийлар салтанати даврида эса “жогир” атамалари қўлланилган.

ИҚТОДОР (ар.) - катта хизматлар эвазига инъом қилинган ер, яъни иқтоъ эгаси.

Й

ЙАЗИДЛАР (тар.) - зардустийликка яқин диний секта издошлари. Йазидлар диний таълимотида христианлик, иудаизм ва ислом динларининг элементлари бор. Йазидлар чўқинтириш ва хатна маросимларини ўтказишади. Ягона худо Йазиданни тан олишади. Йазидлар христианлар, ва айникиса, мусулмонлар томонидан қаттиқ таъкиб этилган. Шунинг учун улар Библия билан Қуръонни муқаддас китоб деб тан олишга мажбур бўлганлар. Туркия, Эрон, Ирок, Арманистон ва Грузияда яшайдиган куртларининг бир қисми йазидлар таълимотининг издошлариидир.

ЙИЛБОШИ (т.) - Наврўз байрами.

ЙИЛҚИ (т.) - 1. Отлар подаси; отлар; 2. Подада боқиладиган от.

ЙИЛҚИБОН (т.+ф.-т.) - йилқи бокувчи одам; йилқи-боқар.

ЙИФОЧ (т.) - масофа ўлчови.

ЙИЛНОМА (СОЛНОМА) (т.+ф.-т.) - ўтмишда энг муҳим тарихий воқеалар тартиб билан баён этилган тарихий асар. Хар бир мамлакатда яратилган йилномалар шу мамлакат тарихи тўғрисидаги энг муҳим манбалардан хисобланади.

ЙИЛНОМАЧИ (СОЛНОМАЧИ) (т.+ф.-т.) - ўтмишда энг муҳим воқеаларни, яъни йилномаларни ёзиб борувчи шахс.

ЙИРОҚ (т.) - узок, олис.

ЙИФИМ (т.) - халқдан ҳокимият фойдасига олинадиган пул ёки буюм.

ЙИФИН (т.) - йиғилиш, мажлис.

ЙОСОЛ (м.-т.) - ўрта аср Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ўрта Осиёда қўшинни ҳарбий юриш ва жанг олдидан кўрикдан ўтказиш тартиби.

ЙЎЛАК (т.) - кўча эшигидан ҳовлига олиб борадиган тор йўл.

ЙҮЛБОШЧИ (т.) - мазмунан “рахнамо” ва “раҳбар” сүзларига қараганда терән ва құлами кенгрөк. Умумхалқ ва халқаро миқёсда әтироф этилган атоказ сиймо.

ЙҮЛКА (т.) - күчанинг пиёдалар учун бироз баланд қилиб курилган чети.

ЙҮЛОЁҚ (т.) - узок сафарга чиқиш муносабати билан бериладиған зиёфат, ҳадя; кузатиш маросими, хайрлашув маросими.

ЙҮҚСИЛ (т.) - камбағал, қашшок.

ЙҮҚЧА (ЙОҚЧА) - Бухоро амирлигыда XIX аср - XX аср бошида 6 соат давомида ўз ерини суғориш учун сувдан фойдаланиш хуқуки. У чойрак ва чорак деб ҳам юритилған.

ЙҮҚЛОВ (т.) - маълум бир муносабат билан күтлаш, эслаш ва ҳол-аҳвол сүраш учун қариндош-уруг, дўст-ёрларнинг бир-бирларига бориш одати. Йўқлашнинг турлари: келин йўқлаш, фарзанд кўрган аёлни йўқлаш, муборак ҳаж зиёратидан, ҳарбий хизматдан, дам олишдан, саёҳатдан, ўқишдан қайтиб келгандарни йўқлаш, bemорни касалхона ёки уйига бориб йўқлаш ва бошқалар.

K

КАБИР (ар.) - 1. Катта, улуғ; 2. Етимлик ёшидан ўтган, балогатга етган.

КАБИСА ЙИЛИ (ар.) - шамсий йилида тўлиқ 366 кундан иборат йил. Тўрт йилда бир келади, унда февраль ойига бир кун кўшилади.

КАБР (ар.) - қадимий уруш кийими, жибба, совут.

КАВКАБА (ар.) - шоҳлар олиб юрадиган, учидা сийқалланган қубба ўрнатилган чўп, ҳасса.

КАВСАР (ар.) - ислом дини эътиқодига кўра жаннатдаги ховузнинг оти.

КАВУШ (ф.-т.) - чармдан тикилган ва одатда маҳси билан кийиладиган оёқ кийими.

КАВУШДЎЗ (ф.-т.) - кавуш тикадиган косиб.

КАВШАР (т.) - металл буюм, деталь ва шу кабиларни бирбирига улаш учун ишлатиладиган металл ёки қоришма;

КАДИВАР (сўғд.) - ўрта асрлар даврида қишлоқларда ер эгасига тобе бўлган шахс.

КАДХУДО (?) - Салжуқийлар даврида шоҳнинг унвони. Иккинчи маънода қўшиннинг молия ва хўжалик ишларини олиб борувчи амалдор.

КАДХУДОЛАР (?) - сўнгги ўрта асрлар даврида Хива хонлигига мавжуд бўлган уруғ бошликлари лавозими. Маъносиоксоқоллар, бошликлар, раҳбарлар демакдир.

КАЖОҒАНД (ф.-т.) - ичига пахта ўрнига арzon хом ипак солиб қавилган уруш кийими.

КАЗЗОБ (ар.) - ёлғончи, алдоқчи; фирибгар, мунофик.

КАЙ (ф.) - подшо, улуғ шоҳ. Қадимий Эрон шоҳларининг лақаблари.

КАЙВОН (ф.-т.) - Зуҳал (Сатурн) сайёраси.

КАЙВОНИ (ф.-т.) - 1. *Айнан*, дастурхончи; 2. Уй бекаси; 3. Кўп нарса биладиган, билимдон.

КАЛАВА (ф.-т.) - чархга бир неча марта текис килиб ўралган ва чарҳдан чиқариб олиб тахланган бир ўрам ип, ипак.

КАЛАНТАР (ф.-т.) - хунармандликнинг ҳар бир соҳасига оксоқол каби белгиланган киши.

КАЛАС СУВИ (тар.) - Калас (Келес) сойи.

КАЛТАТОЙ (тар.) - ўзбек халқининг таркибиға кирған уруғлардан бири. Калтатой ўзбеклар таркибидаги “турк” деб аталувчи этник гурухнинг бўлинмаларидан бири бўлган. Калтатой яна бир қанча кичик уруғлар (муаззамини, махатори, мирза калтатой)га бўлинган. Шўролар истибоди ўрнатилганга қадар калтатойлар Фарғона водийсида, Нурота ва Молгузар тоғларининг ён бағирларида, Зарафшон водийсининг ўрта оқимларида, Сурхон-Қоратоғ дарёларининг юқори ва ўрта оқимларида яшаганлар. XIX аср охири – XX аср бошларида калтатойлар батамом ўтроқлашиб ўз уруғ номини унутганлар. Ҳозир фақат айрим кексаларгина ўтмишда калтатой уругига мансуб бўлганлари ни эслайдилар.

КАЛИСА (ю.) - исавий, насронийлар ибодатхонаси.

КАЛОНТАР (ф.-т.) - шаҳар раиси, маҳалла бошлиғи, бошлиқ.

КАМАЛАК (ф.-т.) - 1. Қаттиқ ёғочнинг икки учидан ип тортиб эгиб, ярим доира шаклида ясалган, найза-ўқ солиб отиладиган қадимий курол; ёй, камон; 2. *айнан*, ёй.

КАМАНД (ф.-т.) - бирор ҳайвонни тутиш, банди қилиш, боғлаш ёки бирор нарсага илинтириб баландликка чиқиш учун ишлатиладиган сиртмоқли арқон.

КАМАРБАСТА (ф.-т.) - 1. Хизматга тайёр, шай; 2. Уста деб маълум қилинган шогирд, уста сифатида мустақил ишлашга рухсат олган косиб.

КАМЗУЛ (р.<фр.) - 1. Илгари ёзлик пальто ўрнида кийиладиган енги узун уст кийим; 2. Желеткага ўхшаш калта, одатда енгсиз, ёқасиз хотин-қизлар кийими.

КАМОН (ф.-т.) - 1. *Айнан*, камалак; 2. Ғижжак каби чолғу

асбобларини чалиш учун ишлатиладиган бир учидан иккинчи-сига кил тутами тортилган таёқча; камонча;

КАМОНКАШ (ф.-т.) - камондан ўқ отувчи киши, жангчи.

КАМОНГАРОН (ф.-т.) - Ўрта Осиёда ўқ-ёй ясовчи усталарни шундай деб аташган.

КАНИЗ, КАНИЗАК (ф.-т.) - сотиб олинган аёл ёки қиз.

КАНОР(А) (ф.-т.) - кирғоқ; чет.

КАПА (ф.-т.) - вактингча яшаш учун дарахт шохлари ва йирик ўт-ўланлар билан ўралган хона, ёзлик уй.

КАПАНАК, КАФАНАК (ф.-т.) - дарвишлар ва чўпонлар киядиган енгиз жунли либос.

КАПГИР (ф.-т.) - 1. Куюқ овқатларни кавлаш ва сузиш учун ишлатиладиган, тешик-тешик, япалоқ кафти рўзгор буюми; 2. Соат маятниги.

КАПНОН (ф.-т.) - бир паллали катта тарози.

КАППОН (ф.-т.) - дон, ғалла бозор.

КАПСАН, КАФСАН (ф.-т.) - 1. Қишлоқ маъмурлари, рухонийлари, шунингдек, қишлоқда хизмат қилувчиларга маҳсулот, дон билан тўланадиган ҳақ; 2. Хирмон кўтарилигдан камбагалларга бериладиган садақа-сийлов; 3. Бозорда сотилган ғалладан олинадган ҳақ.

КАПСАНЧИ, КАФСАНЧИ (ф.-т.) - капсан олувчи.

КАРВОН (ф.-т.) - қадимги ва ўрта асрларда давлатлар ўртасида ўзаро алоқа боғлаш ва савдогарларнинг савдо ишларини олиб боришида асосий транспорт воситаси ҳисобланган туялар ва отлардан тузилган маҳсус гурӯҳ. Карвоннинг узилиб қолмаслиги учун энг олдинги ва охирги хайвонга қўнғироқ осиб қўйилган.

КАРВОНБОШИ (ф.-т.+т.) - карвонни бошқарувчи шахс. Карвонбоши карвонни соғ-саломат манзилга етказишда жавобгар бўлган.

КАРВОНСАРОЙ (ф.-т.+т.) - карвонлар, савдогарлар ва сайдёхлар тунайдиган жой, яъни меҳмонхона. Шарқ давлатларида, жумладан Ўрта Осиё ва Кавказда савдо йўллари устида ва шаҳарларда курилган.

КАРВОНҚУШ (ф.-т.+т.) - ёз кунлари ярим кечада шарқ томондан кўринадиган кичикроқ юлдузлар тўдаси.

КАРЖ (ф.-т.) - 1. Қовун ёки тарвуз тилимидан кўндалангига кесилган бўлаклар; 2. Дўппи тахининг тўрт қисмга ажralадиган бўлакларидан бири.

КАРНАЙ (ф. -т.) - мисдан ясалган, узун, оғзи кенг, пуфлаб чалинадиган баланд овозли мусика асбоби (одатда, тўй ва катта тантаналарда чалинади).

КАРРОП (ap.) - халифа Али (r.a.) нинг лақаби.

КАСАНА (ф.-т.) - ёлланган хунарманд-косиб томонидан уйда тайёрланадиган нарса ва шу тартибда ишлаш.

КАСАНАЧИ (ф.-т.) - ёлланиб, уйида ишлайдиган хунарманд-косиб.

КАСОД (ap.) - талаб ёки харидор йўклиги туфайли сотилмай, туриб қолган.

КАТОВУЛ (т.) - Хива хонлигига қалъанинг шикастrexтлари учун жавобгар бўлган шахс.

КАТТА ФУЛ (т.) - марказнинг (авангарднинг) асосий қисми. Бу қисмга хоннинг ўзи ёки унинг ишбилармон амирларидан биронтаси кўмондонлик қилган. Бундан ташқари, яна “кичик ғул” деб аталган қисм ҳам бўлиб, улар, асосан, кўшиннинг ўнг ва сўл қанотлари (фланглари) олдида турган.

КАТИБА I (ap.) - лашкар, кўшин, аскар; кўшиннинг бир гурухи.

КАТИБА II (ap.) - тош ёки кошинларда битилган ёзув.

КАТИБАШУНОСЛИК (ap.-т) - эпиграфика

КАФИЛ (ap.) - бирор нарсага ёки бирор кимса ҳақида бошқаларни ишонтириб, масъулиятни ўз устига олевчи, кафолат берувчи шахс.

КАФСАН (?) - мулкдор ва ер эгасининг солиқлардан ташқари хирмондан олинадиган ҳакқи.

КАФСАН ПУЛИ (?) - Бухоро амирлигига XIX аср - XX аср бошида дехқон етиштирган ҳосил миқдоридан бек, амлокдор, миршаб, мирза ва бошқа амалдорлар манфаати учун йиғилган.

КАХКАХА (тар.) - XIV асрда Амир Темур томонидан Абиверд билан Келат ўртасида қурилган қалъа, ҳозир унинг ўрнида Кахкаха шаҳри жойлашган.

КАЧКИЛ (ф.-т.) - 1. Бели синик қопқоқли, ўйма нақшли чељаксимон мис идиш; 2. *Айнан*, кашкул.

КАШАК (ф.-т.) - иморат ёки бошқа қурилишда қисмларни қимирламайдиган қилиб мустаҳкамлаш учун қоқиб қўйиладиган ёғоч; тирагич, тирак.

КАШАР (?) - чорва қишлийдиган жойларда чорвачилик ходимлари (чўпон, зоотехник)нинг яшаши ва ишлаши учун мосланган бино.

КАШКУЛ (ф.-т.) - қаландарларнинг хайр-садақа йигадиган маҳсус идиши.

КАШШОФ (ар.) - Махмуд ибни Умар аз-Замахшарий (1075-1143) нинг асари номи.

КАЪБА (ар.) - Байтул-харам. Маккадаги тўрт бурчакли мусулмонлар зиёрат қиласидиган уй.

КИЗЛИК (т.) - пичоқ, пакки.

КЕЛБАТ (ф.-т.) - коматли, бичимли.

КЕЛИ (т.) - ўғир.

КЕЛИН (т.) - янги турмушга чиққан ёки чиқаётган киз.

КЕМА ПУЛИ (т.) - Бухоро амирлигига XIX аср - XX аср бошида дарёлардан ўтказиб қўйишгани учун олинган.

КЕНАГАС (тар.) - ўзбек ҳалқи таркибига кирган йирик қабилялардан бири. Кенагас таркибида бир қанча кичик қабила ва уруглар бўлган. Шулардан энг йириклари очамайли, кирей, абак кирей, овокли, тарокли, чуют, қайри солилардир. Кенагасларнинг асосий қисми XVII-XIX асрлар давомида Қашқадарёning юкори ҳавzasида яшаб, Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий ҳётида фаол қатнашганлар. Амирлик тобелигидан чиқиши ва ўз мустакил беклигини ўрнатиш учун кураш олиб боргандар. Бу кураш мангитлар сулоласи хукмронлиги ўрнатилгач, яна ҳам кескинлашди. Мангитлар сулоласининг биринчи хони Муҳаммад Раҳимхон (1756-1758 йй.) бир неча ўзбек қабилаларини, жумладан, кенагасларнинг катта бир қисмини ўз ерларидан мажбуран Ҳисор вилоятига

күчирган. Амир Насрулло хукмронлиги даврида (1826-1860 йй.) феодал жанжаллар оқибатида кенагаслар яшаган Шахрисабз ва Китоб бекликлари мустакилликка эришди. Кенагаслар ўз мустақиллигини саклаб қолиш ниятида 27 йил давомида амир аскарлари билан курашдилар. 1856 йилда Амир Насрулло кўшинлари Шахрисабз ва Китобни олади, кенагасларни раҳмсиз қиради. Омон қолганлари тоққа қочиб жон сақлайдилар. Насрулло вафотидан сўнг, 1860 йилда кенагаслар яна қўзғолон кўтарадилар. Бу курашга Шахрисабз ҳокими Бобобек ҳамда Китоб ҳокими Жўрабек бошчилик қилади. Кенагаслар Шахрисабз ва Китобни эгаллайдилар. Бироқ 1870 йилда чор ҳукумати кўшинлари ёрдамида бу шаҳарларда Бухоро амири хукмронлиги қайтадан ўрнатилди.

КЕНГАШМОҚ (т.) - биргаликда мухокама қилмоқ, ўзаро маслаҳатлашмоқ.

КЕНЖА (т.) - 1. Энг охирги фарзанд, энг кейин туғилган ўғил ёки киз; 2. Бошқаларига нисбатан кейин пайдо бўлган, янги; маълум белгилари билан шу оиласдаги бошқа ўсимликлардан фарқ қиласдиган.

КЕПАҚ (т.) - буғдоӣ, жўхори каби донларни тортганда (ун килганда) чиқадиган пўсти ва ун бўлмаган дон чиқитлари.

КЕПЧИК (т.) - ёғоч гардишга хом тери қопланган, галлани елпиш, совириш учун ишлатиладиган рўзгор буюми.

КЕРАГА (т.) - ўтовнинг четанга ўхшатиб ишланган девори.

КЕРГИ (т.) - 1. Каштачилик асбоби; чамбар, чамбарак; 2. Нарсаларни орасини очиб, кериб қўйиш учун ишлатиладиган икки томонлама тиргак.

КЕРОГАЗ (р.) - иситиш, қайнатиш, овқат пишириш учун белгиланган, керосин билан ёнадиган пиликли асбоб.

КЕСАКИ (т.р. косяк) - эшик ёки дераза ўрнатиладиган чорчўп.

КЕТАР (т.) - бир-бирига занжир каби иплар боғланган ва кетма-кет борувчи тяялар карвони. Бир кетарда 10тадан 100тага қадар тия бўлиши мумкин бўлган

КЕТМОН (т.) - маҳсус тузилишли ер чопиш куроли.

КИБР (ар.) - ўзини ҳаммадан юқори ҳис этиш; манманлик, кибрлик.

КИБРИТИ АҲМАР - қизил олтингутурт.

КИГИЗ (т.) - юнгдан босиб тайёрланадиган қалин, пишик намат.

КИНДИК (т.) - дорбоз юрадиган арқонни ўртароқ жойидан кўтариб турувчи икки ёғоч учларининг бир-бири билан, шунингдек, арқон билан туташган, кесишган жойи.

КИПРИК (т.) - кўз қовоклари четига қатор жойлашган туклар.

КИРКИК (т.) - беданани чакириш (тўрга илинтириб тутиш) учун маҳсус ишланган хуштак.

КИТОБДОР (ф.-т.) - Кўкон хонлигига сарой кутубхонаси-нинг мудири.

КИТОББАРДОР (ф.-т.) - Хива хонининг сарой кутубхоначиси.

КИШАН (т.) - оёқ, қўлларни эркин харакат қила олмайдиган қилиб солинадиган бўғов.

КИШВАР (ф.-т.) - вилоят, ўлка, мамлакат.

КИШОВАРЗ (ф.-т.) - IV-VI асрларда Ўрта Осиёда эркин дехқон жамоалари кишоварзлар деб аталган.

КОБИН (т.) - пул, кўчмас ва кўчадиган мулк ҳисобидан, куёв тарафидан келинга бериладиган ҳисса. Талоқ ёки эр ўлганда хотинга қоладиган нарсалар.

КОРАНДА (ф.-т.) - ҳосилнинг бир қисмини (1/4 дан 1/2 гача қисмини) олишга байлашиб ишловчи дехқон.

КОРАФТА (ф.-т.) - кўпни кўрган, ўз бошидан кечириб тажриба ортирган; тажрибали.

КОРГОХ (ф.-т.) - ўзаро тортишувлар, олишувлар бўлиб турадиган жой, кураш майдони.

КОРСОН (ф.-т.) - 1. Ёғочдан ишланган катта товоқ; 2. Айрим мусиқа асбобларининг товушини кучайтирадиган ковак қисми, корни; 3. Эгарнинг орқа қисми.

КОРЧАЛОН (ф.-т.) - ўзини ҳаммадан билимдон деб хисобловчи, билармон; ишбилармон, эпчил.

КОСИБ (ар.) - 1. Кўл иши билан шугулланувчи ҳунарманд; 2. Оёқ кийими (этик, маҳси ва шу кабилар) тикиш билан шугулланувчи ҳунарманд.

КОТИБ (ар.) - рўйхат тузиш, қўлёзмаларни кўчириш билан шугулланган шахс; мирза.

КОШИН (ф.-т.) - 1. Чиннига ўҳшатиб ишланган, ялтирок, нақшли плитка; 2. Бир-бирига зич қилиб ёпиширилган рангбаранг шиша, мармар, тош, ёғоч ва шу кабилардан ясалган сурат ёки нақш.

КОШИНКОР (ф.-т.) - 1. Кошин ишловчи, биноларни кошин билан безатувчи уста; 2. Кошин ишланган, кошин билан безатилган.

КОШОНА (ф.-т.) - ҳашаматли, кўркам бино.

КОХИН (ар.) - 1. Дин ахли, рухоний; 2. Бирор воеа-ходисани олдиндан билиб хабар берувчи; ромчи, фолбин; 3. Мажусийлар рухонийси; сехргар. Ғойибдан хабар бериш, жониворлар овозига қараб фол очишга даъвогар бўлган одам.

КОФИР (ар.) - Ислом анъанасида ва манбаларида ислом динини тан олмайдиган. Ислом ҳукмига куфр келтирадиганлар.

КОНСУЛХОНА (юн.+ф.-т.) - ўзга давлат худудида давлатнинг ташки алоқаларини олиб борадиган ташкилот. Консулхона шу давлатнинг рұксати билан таъсис этилади. Консулхона иш фаолиятини ташкил қилувчи шахс консул дейилади. Консул хизмат кўрсатадиган худуд ва консул турадиган жой ҳар икки давлат томонидан келишилган ҳолда белгиланади. Консул ҳукуки ўз давлатининг байроби ва гербидан фойдаланиш ҳуқуқини; консул биноси; консуллик архивларининг дахлсизлигини; соликлардан озод бўлишни; ўз ҳукумати, дипломатик ваколатхонаси билан; ўз давлатининг бошқа консуллари билан, улар қаерда жойлашганликларидан қатъи назар, эркин алоқа қилиб туришни; айни вактда, шифрлар, дипломатик ва консуллар куръерларидан фойдаланишни ўз ичига олган.

КОРИЗ (сўғд.) - ер остидан ўтказилган ариқ.

КОСАГУЛ (ф.-т.) - ўтириш, тўй, зиёфатда жўраларга чой ва шароб қуйиб узатувчи киши. Косагул шароб қуйиб беришдан ташқари ўзининг ёқимли муомаласи ва ширинсуханлиги билан жўраларни хурсанд қилиши, базмга завқ ва файз киритиши ҳам лозим бўлган.

КОСАМОН (ф.-т.) - катта тўй ва бошқа маъракаларда меҳмонлар олдига дастурхон ёзиб, патнис ва таом қўювчи маҳсус киши. Косамон шаҳар маҳаллалари ва қишлоқларда жамоатчилик томонидан маҳсус сайлаб кўйилади. У, асосан, эркаклар жамоасига хизмат қиласди. Косамон меҳмонларни тартиб билан кутиш, ош кўйиш, жойлаштириш ва кузатиш ишларига бошчилик қиласди. Косамон Ўзбекистоннинг айрим вилоятларида бовурчи, дастурхончи, табоҳ номлари билан ҳам аталади.

КОХФУРУШОН ДАРВОЗАСИ (тар.) - Бухоронинг XII асрдаги икки дарвозасидан бири шундай аталган, яъни Фарбий дарвоза. У бичан сотувчилар дарвозаси деб ҳам аталган.

КУБРАВИЙЛИК (тар.) - ўрта асрлардаги сўғизм оқимларидан бири. Нажмиддин Кубро асос солган. Ўрта Осиёда, қисман, Эронда тарқалган кубравийлик оқимиға мансуб сўғийлар ўртасида овоз чиқармасдан зикр қилиш амалда бўлган. Уларнинг тарикати Қуръони Каримни мажозий ва мистик талқин қилишга асосланган.

КУВ (т.) - сутни чайқатиб ёғини олиш учун ишланган цилиндр шаклидаги узун ёғоч идиш ва унинг униг учи йўғонлашган таёқсимон сопи.

КУВА (т.) - 1. Бўғзи сиқиқрок, узун сопол идиш (сув, сут ва шу каби суюқликлар солиш учун ишлатилади); 2. Косибчиликда чармни уриб текислаш, чўзиш учун ишлатиладиган оғир темир асбоб.

КУДУНГ (?) - тўқилган матони уриб текислаш, силлиқлаш ва унга жило бериш учун ишлатиладиган тўқсимон ёғоч асбоб.

КУЖИЛИ (т.) - Хива хонлигига оёқ кийимлик товарнинг бир тури.

КУЛБА (?) - кичик, кўримсиз, бечораҳол уй; бошпана.

КУЛОЛ (?) - лойдан турли сопол идишлар тайёрлайдиган хунарманд.

КУЛОХ (ф.-т.) - қаландар, дарвешлар киядиган учли қал-
пок.

КУЛЧАТОЙ (ф.-т.) - шапалок-шапалок қилиб кесиб, гүшт
қайнатилган шұрвада пиширилған хамир овқат.

КУМЕЖИЛАР (тар.) - илк ўрта асрларда Коғирниҳон дарё-
сининг тармокларидан бири, Қум дарёси ҳавзасыда яшаган тур-
кий тилли қавм бўлиб, булар шу дарё номи билан кумежилар деб
аталган. Булар турғун яшаб, асосан, дехкончилик ва чорвачилик
билан шугулланиб келганлар.

КУНГУРА (ф.-т.) - қалья деворлари ёки иморат айланасига
тишга ўхшатиб ишланған архитектура безаги; дандана.

КУНГУР (ф.-т.) - бир қўлида қўйнинг шохи, бир қўлида
қавурғасини олиб одамлардан тиланчилик қиласидиган гадой. Одам-
лар нарса бермаганда, таналарига жароҳат етказадиган гадолар
бўлган.

КУНДАЛ (?) - 1. Зар иплар билан тўқилған кимматбаҳо
мато; 2. Шундай матодан тикилған камзул ёки авра тўн.

КУНДОШ (т.) - бир эр никоҳидаги бир неча хотин (бир-
биirlарига нисбатан).

КУНДУЗ (т.) - сутканинг ёруғ қисми.

КУНЧИ (т.) - ғайр, рашқ қилувчи.

КУРАК (т.) - нарсаларни сидириб, кураб тўплайдиган асбоб.

КУРАН (?) - қўшиннинг атрофи ўралған қароргоҳ.

КУРАШ (т.) - бир-бирини йикитиш бўйича куч синашиш
мусобақаси.

КУРМАК (?) - одатда шолипояда кўп ўсадиган ёввойи ўт ва
унинг қорамтири тарикқа ўхаш дони.

КУРУХ (ар.) - масофа ўлчови, тахминан 2 км.

КУТВОЛ (ф.-т.) - Бухоро хонлигига давлат томонидан тай-
инланған маҳсус мансабдор бўлиб, давлат курилишларига жа-
вобгар шахс бўлған. У арк курилишлари, қалья деворлари ва имо-
ратларини таъмирлаш ишлари билан шугулланған ва унга жавоб
берган.

КУТВОЛ (х.) - ўрта асрларда Ўрта Осиёда қалъа бошликлари шундай деб аталган.

КУШКАНЖИР - катта түп, тош отадиган манжаниқ ва унинг тоши.

КҮЛ (т.) - атрофи куруқлик билан ўралган, ҳажми денгиздан кичик сув ҳавзаси.

КҮЛАНКА (т.) - 1. Офтоб нуридан түсилган жой, соя; 2. Узокда, қоронғиликда, тумандағыра-шира күринган нарса; кора шарпа.

КҮМАЧ (т.) - иссик кулга қўмиб пишириладиган нон.

КЎН (т.) - ишланган, пиширилган тери; чарм.

КЎНАК (т.) - кимиз солиб қўйиш учун теридан ясалган идиш; катта саноч.

КЎНКА (р.) - тўрт ёки олтига от билан ҳаракатлантирилган бир вагонли, тор изли шаҳар транспорти. Дастлаб Бельгияда пайдо бўлган. Тошкентда кўнка XIX аср охирларида курилиб, Хадра билан темир йўл вокзали орасида қатнаган. Ундан 1915 йилгача фойдаланилган.

КЎНЧИ (т.) - терини пишириш, пардозлаш, чарм тайёрлашиши билан шуғулланувчи мутахассис, тери пиширувчи.

КЎП (т.) - қ. Кўпик.

КЎПИК (т.) - бирор таъсир натижасида суюқлик юзасига шишиб чиқадиган моддалар.

КЎПКОРИ, КЎПКАРИ (ф.-т.) - айнан, улок.

КЎПРИК (т.) - оқар сув ёки жарликнинг қирғоқларини бирбири билан боғловчи қурилма.

КЎРК (т.) - хусн, чирой.

КЎРМАНА (т.) - келинни ёки янги тугилган болани кўришда бериладиган совға.

КЎТАЛ (т.) - тоғлардан ошиб ўтган йўл; пастроқ довон. “Кўтал” сўзи тарихий манбаларда, масалан, “Бобирнома”да жой номлари таркибида учрайди.

КЎКАЛДОШ (т.) - эмишган оға-ини демакдир

КЎКАЛДОШЛИК МАНСАБИ (т.) - Бу мансаб эгаси зим-масига давлатнинг дўсту душманлари хусусида маълумот бериш, жосулар иши устидан раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилган. Кўкалдошлар хон ва подшо хонадонига яқин турғанлар.

КЎХЛИ (КЎХЛИК) (т.) - кўриниши ёқимли, чиройли деган маъноларни англатади.

КЎЧ (т.) - бир жойдан бошқа жойга олиб бориладиган рўзгор буюмлари.

КЎЧАБАНД (ф.-т.) - 1. Тасодифий хавф-хатардан сақланиш учун қўчанинг икки томонини бекитиб қўйиш; баррикада; 2. Душман ҳужуми вақтида уни шаҳарнинг бошқа қисмларига ўтказ-маслик учун қилинган маҳсус сунъий тўсиқ. *Масалан*, 1512 йил кузда Шайбонийхон, Убайдуллохон, Суюнчхожа, Жонибек Султон ва бошқалар ғиждувон кўчаларини шу йўсинда тўсиб, Бобир ва қизилбошларнинг қўшма армиясини тор-мор келтирган эдилар. Самарқанд кўчаларида XIV асрда сарбадорлар ҳам кўчабандлар куриб, мўгул босқинчиларига қарши курашганлар.

КЎЧКИ (т.) - тош, тупрок, кор ва шу кабиларнинг тоғдан кўчиб, нураб тушадиган ўюми.

КЎЧКУНЧИ (т.) - ов, саёҳат ва ҳарбий юришлар вақтида хон ва подшоларнинг қўниб қолиш масалалари билан шуғулла-нувчи хизматчи.

КЎЧМАНЧИ ЎЗБЕКЛАР (тар.) - Кўчманчи ўзбекларнинг ўзагини Даشتни кипчоқ ўзбеклари ташкил этган. XIV-XVII асрлардаги ёзма манбалар маълумотларига кўра, кўчманчи ўзбеклар тар-кибиға куйидаги уруғ ва қабилалар кирган: арлот, аргин, баҳрин, буйрак, буловчи, буркут, дурмон, жалойир, жот, ийжон, кенагас, керант, мажор, макрит, мангит, найман, нукуз, олчин, ос, сул-дуз, тангут, тама, тоймас, тотор, тубойи ва бошқалар. XV асрнинг 50-60-йилларида Абулхайрхон асос соглан кўчманчи ўзбеклар давлатида феодал курашнинг кучайиб кетиши натижасида кўчманчи ўзбекларнинг бир қисми Гирейхон ва Жонибек Султон бошчилигида Чу водийсига кўчиб кетган, кейинчалик ўша ерда Козок хонлигига асос соглан. Феодал сулолавий курашларнинг кучайиб кетиши, иқтисодий қийинчиликлар оқибатида кўчманчи ўзбекларнинг катта қисми XVI аср бошларида Абулхайрхоннинг набираси Шайбонийхон бошчилигида Мовароуннахрга бостириб

кирган ва темурийлар ҳукмронлигига барҳам берган. Уларнинг Ғарбий Сибирда қолган қисми эса XV асрнинг 80-йиларида Шайбоний наслидан бўлган Ибоқхон бошчилигига Сибиръ хонлигига асос солган.

КЎЧМАНЧИ ЎЗБЕКЛАР ДАВЛАТИ (тар.) - Жануби-Ғарбий Сибирда Абулхайрхон асос солган (1428 й.) давлат. Пойтахти - Тура шаҳри. Бу давлатнинг пайдо бўлишида Даشت Кипчоқнинг шарқий қисмида кўчиб юрган қабилалар ва уларнинг бошлиқлари катта роль ўйнаганлар. Абулхайрхон жуда қисқа вақт (1428-1430 й.) ичida майдамайда қисмларга бўлиниб кетган Шайбон улусининг катта қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатган. 1428 – 1446 йилларда кўчманчи ўзбеклар давлатига Орол деңгизининг шимолий кирғоқларидан то Иртиш дарёсининг ўрта оқимигача, шарқдан Сарисув ва Чўй сув дарёлари, гарбда Ёйик (Урал) дарёсининг сўл соҳилларигача бўлган ерлар қараган. Абулхайрхон вафоти (1468 й.)дан сўнг кўп ўтмай кўчманчи ўзбеклар давлати инқизозга учрайди. Абулхайрхон вафотидан сўнг унинг ўғли Ҳайдархон хон қилиб кўтарилади. Бу даврда Абулхайрхоннинг душманлари- Ибоқхон, Бирка Султон, Жонибек, Гирейхон, мангит амирларидан Ёмғурчи ва Мусо Мирзолар Олтин Ўрда хони Аҳмадхон билан иттифоқ тузиб, Ҳайдархонга қарши кураш олиб бордилар ва ғалабага эришдилар. Ҳайдархон ўлдирилди, Ибоқхон ва унинг иттифоқчилари Абулхайрхоннинг қариндош-уругларини ва тарафдорларини қирғин қилдилар. Бу қирғиндан Мухаммад Шайбонийхон, унинг укаси Мухаммад Султон, Абулхайрхоннинг ўғиллари Суюнчожаҳон ва Кўчкинчон, Баҳтиёр Султоннинг ўғли Маҳди Султон, Ҳамза Султон ва бошқа баъзи bekларгина кочиб кутилган холос.

КЎБЧУР ЙОСОҒИ (м.-т.) - кўчманчи ўзбеклар давлатида мавжуд бўлган асосий солиқ турларидан бири бўлиб, ҳар бир бош чорвага солинадиган солиқ бўлган. Тарихий манбалардаги маълумотларга қараганда, бу солиқ Мунка (1251-1260 й.) давридан бери мавжуд бўлиб, чорванинг юздан бирини ташкил этган. Кейинчалик пул жаримаси билан алмаштирилган ва кўчманчилардан ҳам, ўтрок аҳолидан ҳам ҳар юз бош молдан етмиш олтин танга олинган.

КЎПРИК ПУЛИ (т.) - Ўрта Осиё хонликлари ҳудудида маҳаллий ва хукуматга қарашли бўлган кўприклардан мол олиб

ўтувчилардан олинадиган ўтиш ҳақи, бож ёки йифин.

КҮШК (ф.-т.) - баланд. Баҳаво қилиб солинган енгил иморат.

КҮҲНА (ф.-т.) - узок ўтмишдан давом этиб келаётган; қадимий.

КҮҲАНДИЗ (ф.-т.) - Салжуқийлар даврида эски қалья дегани. Шаҳарнинг энг мустаҳкам жойи.

КҮҲАК (тар.) - ўрта аср манбаларида, жумладан, “Бобурнома”да Зарафшон дарёси номи шундай берилган.

КҮҲАК ДАРЁСИ (тар.) - Зарафшон дарёсининг қадимги ва ўрта асрларда манбаларда қайд этилган номларидан бири.

КҮҲИСТОН (ф.-т.) (тар.) - ушбу атама қадимги грек-бактрия тилидаги гора сўзидан келиб чиққан. Жуда кўплаб ўрта аср муаллифлари ўз асарларида Ўрта Осиёнинг тоғли ўлкаларини Гарчистон деб атаганлар. “Тарихи Мукимхон” асарида муаллиф Бадахшон тоғли худудлари ахолисини кўрсатиш учун этник атама сифатида форс-тожикча “Кўхистон” атамасини ишлатган.

Л

ЛАБАКИ ПУЛИ (ф.-т.) - Бухоро амирлигига XIX аср - XX аср бошида ушбу солик тури ариқ қазиш учун олинган.

ЛАБЗИНА (ф.-т.) - XVIII-XIX асрда Хива хонлигига қандшакар киёмидан ишланган “холва”нинг бир тури.

ЛАВАНГ (ф.-т.) - айнан, лаванд.

ЛАВАНД (ф.-т.) - ўзини-ўзи уdda қилолмайдиган, қўлидан бирор иш келмайдиган; шалвираган, бўшанг, ношуд.

ЛАВҲ (ар.) - китобни қўйиб ўқиши учун ясалган маҳсус мослами.

ЛАВҲА (ар.) - 1. Силлиқланган тош ёки металл тахта; 2. Хотира ёки қисқача тарихий маълумот ёзиб, бирор жойга ўрнатиб

кўйилган тош ёки металл тахта; 3. Вокеа, ходиса ва шу кабилар хақидаги кичик асар ёки парча; 4. Китобнинг бошига, боб ва фасларининг аввалига саҳифанинг эни бўйлаб солинган нақш; 5. Кўриниш, манзара.

ЛАГАН (т.) - куюқ овқат солинадиган катта ясси идиш.

ЛАЙЛАТ УЛ-ҚАДР (ар.) - рамазон ойининг 27-кунга ўтар кечаси. Ислом динига сигинувчилар ҳар йили шу кечада Оллоҳ ҳар бир инсоннинг ибодат пайтида илтижо қилган тилагини хисобга олиб, унинг тақдирни ҳакида ҳукм чиқаради деб тасаввур қиласидар. Мана шунинг учун ҳам Лайлут ул-қадр кечасини Қуръон ўқиб, Оллоҳга илтижо қилиб дуо ва ибодат қилиб ўтказиш расм бўлган.

ЛАК (ф.-т.<хинд) - пул бирлиги ўлчови. Бир лак юз мингга тенг.

ЛАК-ЛАК - юз мингларча, беадад, кўп, сон-саноқсиз, бехисоб.

ЛАЛМИ (ф.-т.) - суғорилмайдиган, ёғиндан сув ичадиган; баҳори.

ЛАЛМИКОР (ф.-т.) - 1. Ёғин сувидан фойдаланиб дехкончилик қилинадиган; ёғин суви билан унадиган, суғорилмайдиган; 2. Лалми экинлар экиш билан шугулланувчи дехқон.

ЛАНГ (ф.-т.) - чўлқ, оксоқ.

ЛАНГАР I (ф.-т.) - йўловчилар қўниб ўтадиган жой; хонақоҳ. Пиру-муршиллар қўмилган жой.

ЛАНГАР II (ф.-т.) - 1. Кемани бир жойда тўхтатиб туриш учун занжирга бириктириб сув остига ташланадиган чангаксимон оғир темир; 2. Лангар чўп Дорда мувозанатни саклаш учун дарвоза кўлда тутадиган узун хода.

ЛАПАР (ф.-т.) - тўй ва йиғинларда йигитлар билан қиз-лар орасида тарафма-тараф бўлиб айтиладиган терма қўшик.

ЛАС (ф.-т.) - читта нисбатан зич тўқилган, юзи силлиқ ип газлами сатин.

ЛАТИФА (ар.) - кулгили воқеа-ҳодиса ҳақидаги кичик хикоя.

ЛАШКАР (ф.-т.) - черик, қўшин, армия. Мунтазам армия бўлмаган феодализм шароитида хон ва подшохлар ҳарбий юриш олдидангина ўзига тобе вилоятларга чопар юбориб, қўшин тўпла-

ган. Лашкарга чакирилган хар бир киши ўз оти, қуроли ва бир мунча озиқ-овқати билан келган.

ЛАЧАК (?) - кекса хотинлар бошга ўрайдиган оқ дока ёки сурп; дакана.

ЛАШКАРБОШИ (ф.-т.+т.) - Ўрта Осиёда қўшин ёки унинг бирор қисмининг кўмандони лашкарбоши деб юритилган. Лашкарбоши харбий бошлиқ, саркарда хисобланган.

ЛАШКАРГОҲ (ф.-т.) - лашкар ўрнашадиган жой, ҳарбий лагерь, қўш.

ЛАЪЛ (ар.) - қизил, қимматбаҳо тош; қизил ёкут.

ЛАЪЛИ БАДАХШОН (ар.+тар.) - уни “Бадахшон лаъли”си деб ҳам аташган. қип-қизил ёкут. Лаъл конлари Бадахшонда XVII-XVIII асрларда очилган.

ЛАЪЛ МАНЗУМ (ар.) - ипга қатор қилиб терилган қимматбаҳо қизил тош.

ЛАҚАБ (ар.) - ифтихор учун, мадҳ ёки ҳажв учун бировнинг номи ўрнига айтилган ном, унвон.

ЛАҲАД (ар.) - қабрнинг ички, жасад қўйиладиган хонаси; гўр.

ЛАҲЖА (ар.) - тилнинг бир неча шева ва диалектларини ўз ичига олган, умумий хусусиятлари жиҳатидан маҳаллий гурухи.

ЛАҲИМ (т.) - ер ости йўли. Лахим одатда жанг пайтида душман қальяси деворини йиқитиш ёки бирор иншоотга ер остидан бориб зарар етказиш, зиндан ва тутқунликдан кутулиб кочиш, ер ости сувларини юзага чикариш ва бошқа мақсадларда қазилади.

ЛИМИЁ (ар.) - ўрта асрлардаги риёзатга доир фан.

ЛИСОН (ар.) - “тил” деган маънони англатган.

ЛИСОН УН-ФАЙБ (ар.) - Хофиз Шерозийнинг лақаби.

ЛОЖУВАРД (ф.-т.) - 1. Тўқ кўк, тўқ ҳаво ранг тусли минерал (безак буюмлари учун ишлатилади); 2. Тиник кўк, тиник кўк тусли.

ЛОЙКА ОБ (ф.-т.) - Бухоро амирлигида нарзобдан сўнг ерни лойка сув билан суғоришган. Одатда, бу усул жовуз (май) ойида амалга оширилган. У жуда бой минерал ўғитларни далага

оқизиш билан характерланади, мана шунинг учун ҳам у жуда фойдали ҳисобланган.

ЛОК (хинд) - қызил ранг. Ҳиндистонда баъзи дарахтлар ши-расидан олинарди. Энг паст сифатли локдан сурғуч тайёрланади.

ЛОМ (ар.) - араб алфавитида “Л” ҳарфининг номи.

ЛОМАКОН (ар.) - макони, турадиган муқим жойи йўқ.

ЛОС (ф.-т.) - пишма тортганда чиқадиган калта-култа ипак толалари.

ЛОТ (ар.) - ислом динидан олдин араблар сиғинадиган бутнинг номи.

ЛОФ (ф.-т.) - хақиқатга тўғри келмайдиган, ҳаддан ташқари бўрттирилган ёлғон гап, муболага.

ЛОЧИРА (т.) - оширилмаган хамирдан юпқа қилиб ёйиб, тандирда сингитиб пиширилган нон.

ЛОЯМУТ (ар.) - ўлмас, абадий яшайдиган.

ЛОФАР (ф.-т.) - жуда ориқ, озиб-тўзиб кетган.

ЛОҲАС (ар.) - тоби айниган; бўшашган, ланж.

ЛУНГИ (ф.-т.) - 1. Ҳаммомга кирганда белдан пастни беркитиш учун боғланадиган мато; 2. Сартарошлиқда соч-соқол олдирувчи кишининг кўксига тутиладиган мато; 3. Сочиқ, пиёла сочиқ.

ЛУТ (ар.) - Бани-Исройл ҳалқининг пайғамбарларидан бири. Унинг ҳалқи ёмон ишлари билан ном чиқариб, худо ғазабига дучор бўлган экан.

ЛУҚМОН (ар.) - Марказий Осиё ҳудудларида азалдан доно, билимдон, одил, ишбилармон шахс маъносида кенг қўлланилган. Ўрта Осиё ҳалқлари орасида Луқмон буюк ҳаким ва ҳакимларнинг пири деб тан олинган.

ЛУҒАТ (ар.) - 1. Бирор тилдаги сўзларни маълум тартибда жамлаб, изоҳлаб ёки бошқа тилга таржима қилиб берилган китоб; 2. Сўз; тилдаги барча сўзлар мажмуи.

ЛУҒАТЧИ (ар.) - луғат тузувчи киши; у лексикограф деб ҳам юритилади.

ЛУХОТ (ЛУҚАТ) (ар.) - тонилган нарсалар. Давлат ҳисобиға ўтган, меросхўри бўлмаган молу мулк. У байтул-моли луқтат ҳисобига ўтган.

ЛЎК (ф.-т.) - боши кичикрок, бўйни узунроқ, бир ўр-качли катта туя; етакчи туя.

ЛЎКИДОН (ф.-т.) - эшикни беркитиш учун ишлатиладиган жуда содда, ёғоч кулф.

ЛЎКЧА (ф.-т.) - ёш туя.

ЛЎЛИВАШ (ф.-т.) - кишини сехрлаб, ўзига мафтун килувчи, шўх ва гўзал.

ЛЎЛИЛАР (тар.) - кўчманчи халқ. Жаҳондаги барча мамлакатларда тарқоқ холда яшайди. Лўлиларнинг Ўзбекистоннинг айрим худудларида мўлтони, айрим гурухларининг жўги (хинчча камбағал, қашшоқ), хиндистоний, бўлужий деб аталиши ҳам уларнинг асл ватани Ҳиндистон бўлганини тасдиклайди. Айрим маълумотларга кўра, лўлиларнинг дастлабки гурухлари милоднинг бошларида, V-VII асрлар ва кейинги даврларда Шимолий Ҳиндистондан тарқала бошлаган. Ўрта Осиё лўлиларини туб аҳоли лўли, жўги, мазанг деб атайди. Қадимдан Самарканд, Бухоро, Тошкент, Фарғона, Қўқон, Қарши каби шаҳарлар атрофида яшаб келади. Лўлилар ўзбек ва тожик тилларида гаплашадилар, аммо тожик тили уларнинг турмушида асосий ҳисобланади. Улар ислом динига эътиқод қиласидилар.

ЛЎРИ (тар.) - кўчманчи қабиланинг номи.

ЛЎМБОЗ (ф.-т.) - томнинг устини совуқ ва иссиқдан сақлаш учун, васса устидан камиш ётқизилиб, унинг устига сомон аралаштирилган лой билан суваб чикиши.

ЛЎПЧИК (ф.-т.) - учига пахта ўралган чўп. Одатда, сиқилган ўсма, сурма ва шу кабиларни суртиш учун ишлатилган.

ЛЎТТИБОЗ (ф.-т.) - 1. Қўғирчоклар ўйнатиб, ўйин кўрсатувчи; 2. Фирибгар, хийлагар, алдоқчи, найрангбоз.

M

МАВВАДАТНОМА (ф.+ф.-т.) - дўстона руҳда ёзилган мактуб.

МАВЗЕ (?) - аслида, арабчада мавзеъ. Шаҳар атрофидаги ахоли яшайдиган дала-бог жойларнинг кичик райони, маҳалласи.

МАВЗЕЙ (ap.) - жой, ўрин, ер деган маънони англатган.

МАВКАБ (ap.) - хон, подшоҳ ва сultonларни ҳарбий юриши ва сафар вактида кузатиб борувчи маҳсус суворий ёки пиёда қисм. Мавқабда ишончли амирлар, дин вакиллари, хон ва подшоҳларнинг алоҳида хизматкорлари ҳамда муншийлари бўлган.

МАВЛИД (**МАВЛУД**) (ap.) - Муҳаммад Пайғамбарнинг туғилган куни билан боғлиқ диний байрам. Раби ал-аввал ойининг 12-куни нишонланади. Мусулмон мамлакатларида мавлуд куни дуолар, пайғамбар шаънига мадхиялардан иборат шеърлар ўқилади, садақалар берилади, диндорларнинг йиғилишлари ўtkазилади.

МАВЛО (ap.) - 1. Соҳиб, хожа, жаноб, малик; 2. Кул; хизматкор.

МАВОЗА (ap.) - айирбошлиш, ўрнига олиш, алмаштириш.

МАВОЛИЙ I (ap.) - мавловийлар (кўпликда мавловийлар) - олимлар ва уламолар. Машхур сўфий шоир Жалолиддин Румий (1207-1273 йй.) томонидан ташкил қилинган. Хожагон тариқатига мансуб бўлган дарвишлар жамоаси ҳам мавлавийлар деб аталган.

МАВОЛИЙ II (ap.) - қул, нўкар, озод этилган қул. Сомонийлар давлатида озод қилинган қуллардан алоҳида гвардиялар тузилиб, улар ҳарбий хизматда бўлишган. Жумладан, маволийлар Исмоил Сомонийнинг гвардиясида хизмат қилганлар.

МАВЛОНО (ap.) - Ўрта Осиё, Афғонистон ва Покистонда энг юқори лавозимдаги амалдорлар, ёзувчи ва олимларнинг хурмат билан айтиладиган сифат белгиси. Мавлоно сўзи хурмат маъносида шахс исмларидан аввал айтилган. *Масалан*, Мавлоно Алишер Навоий, Мавлоно Муқимий.

МАВЛУД (ap.) - 1. Туғилган кун ва шу муносабат билан бериладиган зиёфат. 2. Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган куни ва

УНИНГ ШАРАФИГА БЕРИЛАДИГАН ЗИЁФАТ; шундай зиёфатда ўқила-
диган пайғамбарнинг таржимаи холи.

МАВРИД (ар.) - бирор ишнинг амалга ошиши ва оширили-
ши учун қулай пайт, вакт, фурсат.

МАВРЛАР (тар.) - Антик давр ва ўрта асрларда Шимолий Африканинг Мисрдан ташқари қисмида яшовчи туб аҳолига нисбатан ва, шунингдек, Испанияни забт этган арабларга европа-
ликлар томонидан берилган ном.

МАДАНГ (ф.-т.) - чўпдан ясалган қулф.

МАДАНИЙ МЕРОС - ўтмиш даврлардан инсониятга қолган моддий ва маънавий маданият бойликлари мажмуи.

МАДДОХ (ар.) - XX аср бошларига қадар Ўрта Осиё ҳудудида одам гавжум майдонларда, жойлардаги очик майдон ва чойхоналарда ҳамда саройларда одамларни тўплаб, уларга азиз-авлиёларнинг каромати, мўъжизаларини изоҳлаб берувчи, диний конун-коидаларни шархлаб тушунтирувчи диний нотиқ. Маддоҳ хизмати эвазига тингловчилардан назр йиғиб олинган.

МАДИНАТ АР-РИЖОЛ (тар.) - эрлар шахри деган маъно-
ни англатади. Термиз шахрига берилган нисбат.

МАДРАСА (ар.) - мусулмон илоҳиёти масалаларини шарх-
лаб бериб турадиган марказ. У мадраса сифатида арабларда VII-
VIII асрларда пайдо бўлган. Кейинчалик айрим масжидлар кошида
илоҳиёт мактаблари таркиб топиб, мадраса деб атала бошлаган.
Мадрасалар хонлар ва йирик ер эгалари, бойлар ва бошқа
давлатманд кишилар томонидан курдирилган. Мадрасани
курдирувчилар мадраса учун вакф ажратиб, мадраса
мутаваллисини тайинлаганлар. Мутавалли вакфдан тушган
даромадни мударрис, муллавачча, имом ва бошқаларга
тақсимлаган. Мадрасага мактабни тугатган ўспириналар қабул
килинган. Ўрта Осиёдаги мадрасаларда араб ва форс тилида
ёзилган “Аввали илм” китоби ўқитилган. Айрим мадрасаларда
тиббиёт, аruz илми, фалсафа, география ва бошқа фанлар ҳам
ўқитилган. Мадрасанинг ҳар бир босқичида ўқиш муддати 3-4
йил давом этган.

МАДХИЯ (ар.) - бирор шахс, воқеа ёки нарсанинг мақтовига
бағишлиланган бадиий асар. Баъзан асарнинг бир қисми ҳам мад-

хиядан иборат бўлиши мумкин. Араб, форс ва ўзбек классик адабиёти тарихидаги анъаналарга кўра, ҳар бир йирик эпик асарнинг бош қисмида мақтovлар берилган. Улар одатда, асар ёзилган пайтдаги ҳукмдор ва қаҳрамонларга багишланган. Шунингдек, шоирларда ўзларидан аввал ўтган буюк шахсларга мақтovлар багишилаш ҳам одат бўлган.

МАЁҚ (р.) - аслида, русчада маяк. Кемаларга йўл кўрсатиш учун денгиз қирғоғи ёки оролларга қурилган ва огоҳ этиш воситалари билан жиҳозланган минора.

МАЖЛИС (ар.) - 1. Расмий доираларда қўйиладиган масалани муҳокама қилиш учун бўладиган йигилиш ва муҳокама жараённи; 2. Тўй, зиёфат ёки бошқа муносабатлар билан уюштирилган ўтириш ва шу ўтириш иштирокчилари.

МАЖМУ (ар.) - аслида, мажмӯъ. Йиғинди, жами деган маъноларни англатади.

МАЖНУН (ар.) - ишқ савдоси натижасида девона бўлган кимса; савдои.

МАЖОЗ (ар.) - сўз ёки иборанинг кўчма маънода ишлатилиши; кўчма маънода ишлатилган сўз.

МАЖОЛИС (ар.) - мажлиснинг кўпликда ишлатилиши; Мажлис, мажлислар.

МАЖОР I (тар.) - ўзбек халқи таркибига кирган уруғлардан бири. Мажор уруги XIX аср охири - XX аср бошларида Самарқанд атрофидаги тоғ ёнбагирларида ва Нарпай ариғи бўйларида, Шаҳрисабз воҳасида яшаган. Бундан ташқари, ўзбек-саройлари таркибига кирган ургулардан бирининг номи ҳам мажор (мажор-сарой) бўлган. Баъзи олимлар ўзбеклар таркибидаги мажорларнинг илк аждодлари қадимдан Кама дарёси бўйларида яшаб, кейинчилик венгрелар этногенезида муҳим роль ўйнаган мадяр қабилалари билан алоқадор бўлса керак деб ҳисоблайдилар.

МАЖОР II (тар.) - маҳаллий тилимизда венгерлар шундай аталган.

МАЖРУҲ (ар.) - 1. Ярадор, жароҳатли. 2. Ногирон, майиб.

МАЖУСИЙ (ар.) - қуёшга, оловга сифинувчи, габр, зардуштий.

МАЖУСИЙЛИК (ар.) - зардустийлик динининг иккинчи номи.

МАЖХУЛ (ар.) - номаълум, ноаниқ.

МАЗАНГЛАР (тар.) - Ўрта Осиё худудида яшайдиган лўлилар таркибидаги этник гурӯҳ.

МАЗБУР (ар.) - юқорида ёзилган, битилган, тилга олинган деган маъноларни англатади.

МАЗДАКИЙЛИК (тар.) - диний-фалсафий таълимот. Асосчиси - Зардўшт. Маздакийлар харакати Эронда кенг тарқалган. Маздакийлик таълимоти ижтимоий тенгсизликни йўқотиш учун курашга даъват этган. Шунинг учун у маздакийлик харакатининг мағкураси сифатида хизмат қилган. Маздакийлар харакати бостирилган бўлса ҳам (VI аср), маздакийлик таълимоти кейинги асрлар давомида Эрон, Ўрта Осиё ва Озарбайжондаги деҳқонларнинг ва шаҳар камбағалларининг (Муқанна, Бобак қўзғолонлари) кураш байроғи бўлиб қолган.

МАЗДУР (ф.-т.) - ёлланиб иш қилувчи киши.

МАЗЛУМ (ар.) - зулм остига қолган, эзилган.

МАЗҲАБ (ар.) - шариат мазҳаблари; исломда диний хуқуқ тизимлари ва йўналишлари. VIII-IX асрларга келиб, шариатнинг шаклланиши жараённида хуқуқшунослик – фикҳ соҳасида жуда кўп мазҳаблар юзага келган. Ҳозирги вақтда суннийликда 4 та мазҳаб - ханафия, маликия, иофиъя, ҳанбалия; шиаликда битта мазҳаб - жъафария сакланиб қолган. Шариат мазҳаблари диний секталардан фарқ қиласди. Мазҳаблар, умуман, диний хуқуқ доирасидан чиқмаган ҳолда шариат масалаларида енгилроқ ёки қаттикроқ хукм чиқаришлари билан бир-биридан фарқ қиласди. Ҳозир Ўрта Осиёда ханафия мазҳаби хукмрон.

МАЙЙИТ (ар.) - ўлик, жasad, мурда.

МАЙМАНА (ар.) - ўрта асрларда Ўрта Осиёда ҳарбий соҳада кўлланилган атама бўлиб, лашкарнинг ўнг қанотини англаттган.

МАЙСАРА (ар.) - ўрта асрларда Ўрта Осиёда ҳарбий соҳада кўлланилган атама бўлиб, лашкарнинг чап қанотини англаттган.

МАКИНТОШ (р.>инг.) - XX аср ўрталарига қадар халқи-

миз тилида кенг қўлланилган атама. Нам ўтмайдиган матодан ти-
килган енгил пальто.

МАКР (ар.) - хийла-найранг асосига курилган иш, хатти-
харакат; хийла, дасиса.

МАКРУХ (ар.) - шариат тушунчаларидан бири. Қатъян тақиқ
килинмаган, лекин номақбул ҳисобланган, рад этилган хатти-
харакатлар макрух ҳисобланган ва бу учун жазо белгиланмаган.

МАКТАБ (ар.) - ёшларга савод ўргатиб, уларни маълумотли
килувчи муассаса.

МАКТАБДОР (ар+ф.-т.) - XX аср бошларига қадар хусусий
мақтаби бўлган муаллим.

МАКТУБ (ар.) - бирор кимсага ёзилган ва жўнатилган хат,
нома.

МАЛАЙ (ф.-т.) - хўжайин ёки бошқа бироннинг хизматла-
рини бажарувчи киши; хизматкор.

МАЛАЙЛАР (тар.) - Малайя архипелагида ва Малакка ярим
оролида яшовчи элат ва халқ номи.

МАЛАК (ар.) - *айнан*, фаришта.

МАЛАК УЛ-МАВТ (ар.) - ажал, ўлим фариштаси, Азроил-
нинг нақиби.

МАЛАХ (ар.) - булутдек ёпирилиб келиб, экинларни еб
кетувчи чигиртка.

МАЛИК (ар.) - 1. *Айнан*, подшоҳ; 2. Исломгача бўлган араб
давлатларининг ҳукмдорлари. Марказий ва Жануби-Шарқий Араб-
бистондаги қабилалар уюшмаси бошликлари. Ислом пайдо бўлгач,
малик сўзи араблар томонидан мусулмон бўлмаган ҳукмдорларга
нисбатан қўлланилган. Араб халифалиги та-наззулга учрагач, ха-
лифалик худудида вужудга келган баъзи мустақил давлатларнинг
ҳукмдорлари малик деб юритилди. XIII-XIV асрларда мўғуллар
босиб олган баъзи давлатларнинг маҳаллий феодал ҳукмдорлари
хам малик дейилган.

МАЛИКА (ар.) - 1. Аёл подшоҳ; 2. Подшоҳ оиласига мансуб
аёл.

МАЛИКИЙЛАР (ар.) - Исломнинг сунний оқимидаги

мазҳабларидан бири, Малик ибн Анас асос соглан. Бу мазҳаб тарафдорлари хуқуқ масалаларида рационалистик услугга, яъни акдга асосланган ҳолда талқин қилишга қарши чиққан. Дастрлаб, Ҳижоз ва Мадинада, кейин бошқа мамлакатларда тарқалган.

МАЛИК УШ-ШУАРО (ар.) - ўтмишда шоирларга берилган унвон ва саройда шундай шоирга берилган амал.

МАЛКОНИЙ (ар.) - исавия динидаги мазҳаб. Марямни худо деб билгандар.

МАЛОИК (ар.) - малаклар, фаришталар.

МАЛОИКА (ар.) - малика; маликалар, фаришталар.

МАЛЬҮН (ар.) - лаънати, лаънатланган.

МАЛҲАМ (ар.марҳам) - ярага кўйиладиган хамирсимон юмшоқ, ёпишқоқ дори.

МАМЛУК (ар.) - банда, қул, сотиб олинган, ёлланган аскар кул болалар ҳисобидан йигилган аскар.

МАН (ар.) - 1. Салжуцийлар даврида вазн ўлчов бирлиги. 2. XIX асрда Бухорода мавжуд бўлган катта оғирлик ўлчов бирлиги. 1 ман 8 пудга ёки 64 гойракамга тенг бўлган. Аникроғи, бир ман 7 пуду 32 фунт 48 мисколга тенг бўлган.

МАНОР (?) - соқчи минораси.

МАНГЛАЙ (мӯғ.) - пешана.

МАНГЛОЙ (т.-м.) - Ўрта асрларда кенг муомалада бўлган ҳарбий атама. Қўшиннинг илғор қисми. У, асосан, ҳарбий юриш вақтида тузилган. Манглой ўнг ва сўл қисмлардан иборат бўлиб, унинг олд ва орқа тарафида маҳсус чанохлари (кўриқчи қисмлари) турган. Ундан кейин марказий қисм ҳамда ўнг ва сўл қанотлар саф тортиб борган. Манглойга шаҳзодалар ёки тадбиркор амирлар бошчилик қилган.

МАНЖАНИҚ (ар.) - ўрта асрларда қўлланилган уруш қуроли. Қамал жангларида ишлатилган. У тош, тош йўқ жойларда эса гула отган.

МАНЗИЛ (ар.) - муайян бир масофада карвон ва мусоифирлар учун қурилган работ, кўниш жойи. Чопарлар отларини алмаштирадиган жой.

МАНЗИЛГОҲ (ф.+ф.-т.) - турар жой дегани.

МАНЗИРАТ (ар.) - такаллуп, мулозамат.

МАНЗУМ (МАНЗУМА) (ар.) - назм билан ёзилган шеър.

МАНКУҲА (ар.) - никоҳдаги хотин, шаръий хотин, жуфти ҳалол.

МАНОЛ (ар.) - тухфа қилиб олинган ёки берилган нарса, тухфа.

МАНОР (ар.) - манора, минора.

МАНОҚИБ (ар.) - буюк кишилар, атоқли санъаткорлар, шунингдек, дин намояндалари ҳақида ёзилган хотира асари. Маноқиб, асосан, шу кишиларнинг ҳаёт йўли билан таниш ёки маслақда бўлган кишилар томонидан ёзилган. Маноқиблар дастлабки пайтларда дин пешволарига бағишлиланган. А. Навоийнинг “Холоти Сайд Ҳасан Ардашер”, “Холоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Макорим ул-ахлоқ” (“Яхши хулқлар”) асари ва бошқалар маноқиб намуналаридир.

МАНСАБ I (ар.) - 1. Масъул вазифа; 2. Ўзини кўрсатиш учун килинадиган ёки ўзига маъқул иш, ҳаракат.

МАНСАБ II (тар.-геогр.) - дарёнинг кўл, денгиз ёки бошқа дарёга куйладиган жойи.

МАНСАБ ВА ЛАВОЗИМ (ар.) - ташкилот, муассаса, идора, корхоналарда бирор расмий хизматни бажариш билан борглиқ бўлган доимий вазифа. Мансаб ва лавозимга буйруқ йўли билан тайинланади.

МАНОТ (ар.) - Исломдан олдин араблар сигинадиган бутнинг номи.

МАНТИҚ (ар.) - муҳокама юритишнинг қонун-қоидалари ҳақидаги фан.

МАНҚИТ (МАНҒИТ) (тар.) - ўзбек қабилаларидан. Шунингдек, бу қабила қозоқ, татар ва бошқирд халқларининг таркибига ҳам кирган.

МАНҒЛАЙ (МАНҚИЛО) (ар.) - Ўрта асрларда Мовароуннаҳр ва Ўрта Осиё ҳонликларида кўшиннинг олдида ярим доира шаклида саф тизиб борувчи қисми.

МАРВ (тар.) - Ўрта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири. Туркманистаннинг Байрамли шаҳри яқинида, Мургоб дарёси кирғогида. Марвнинг қолдиклари 5 та қалъа харобасидан иборат.

МАРВИ ШОҲИЖАҲОН (тар.) - Ўрта асрларда йирик шаҳарлардан бири бўлган Марв кўпинча шундай аталган.

МАРДИКОР (ф.-т.) - вақтинча ёки кундалик ёлланиб ишловчи киши.

МАРДИКОРЛИК (ф.-т.) - ўрта асрларда ёки маҳаллий ҳукумат фармони билан натуран мажбуриятни бажариш, шунингдек, катта ер эгалари, феодаллар ерида ишловчи дехқонлар меҳнати. Биринчи жаҳон уруши даврида оқ подшо томонидан чор Россиясининг чекка ўлкаларидан фронт орқасига мажбуран сафарбар қилинган эркаклар меҳнати тарихда мардикорлик номи билан маълум. 1916 йил 25 июнда подшо Николай II нинг “Империядаги бегона ҳалқлар эркак ахолисини, харакатдаги армия ахолиси ра-йонида ҳарбий иншоотлар ва шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш” тўғрисидаги фармонига мувофиқ Сибирь, Қозогистон, Ўрта Осиё ва Грузия маҳаллий ахолисидан 19 ёшдан 43 ёшгacha бўлган 400 минг эркак сафарбар қилиниши мўлжалланади. Жумладан, Туркистон ахолисидан 250 минг киши сафарбар қилиниши керак эди. Бу фармон ҳалқнинг ғазабини қўзғатди. Натижада, Ўрта Осиё ва Қозогистон ҳудудида йирик ҳалқ қўзғолони (1916 йил) келиб чиқди. Мардикорликка сафарбарлик тўғрисидаги фармоннинг бажарилишини таъминлашда миллий буржуазия ва диндорлар подшо Россиясига ҳар томонлама ёрдам берадилар. Туркистон ўлкасидан 1916 йил сентябрдан 1917 йил февралгача 123 минг киши мардикорликка олинади. Улар Россия, Украина, Белоруссия, Кавказнинг кўп шаҳарларида ишлайдилар. Подшо ҳукумати ағдарилгандан сўнг 1917 йилнинг баҳорида мардикорлар орасида норозилик харакатларининг кучайиб кетиши туфайли Муваққат ҳукумат мардикорларни ўз она юртларига қайтаришга мажбур бўлган.

МАРДУМ I (ф.-т.) - эл, ҳалқ; кишилар.

МАРДУМ II (ф.-т.) - кўз қорачиги, гавҳари.

МАРЖОН (ф.-т.) - 1. Сув остидаги қояларга тўда-тўда бўлиб ёпишиб олиб бир жойда яшайдиган денгиз жонивори. 2. Денгиз

жониворларининг оҳакли склет ва қолдиқларидан ҳосил бўлган тош. Ундан мунчоқ ва бошқа безаклар ясалган.

МАРЗА (ар.) - 1. Экинзор ёки унинг бир бўлагини бошқа бўлакдан ажратиш учун маълум баландликда тупрок уйиб олинган чегара, йўл; 2. Ариқ сирти, пушта.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ (тар.) - Осиё материгининг ички қисми бўлиб, шимолда Олтой, Тува ўлкаларидан тортиб, жанубда Тибетгача, шарқда Манчижуриядан, гарбда Тиёншон (Хон тангри) тоғига қадар чўзилган ҳудуд хисобланади.

МАРОКАНДА (тар.) - Самарқанднининг юонча номи. Мил.авв.VII-VI асрларда Мароканда ўрнида мудофаа деворлари билан ўралган қишлоқ бўлган. Юон тарихчилари Ариян, Квинт Курций Руф ва Страбоннинг маълумотларига кўра, Александр Македонский мил.авв. 329 йилда Сўғдиёна пойтахти Марокандани забт этиб, вайрон қилган, сўнгра ўзининг ҳарбий гаризони учун қалъани қайтадан тиклаган. Сўғдийлар Спитамен бошчилигида бу босқинчиларга қарши мардларча курашган. Страбоннинг маълумотларига кўра, кўзғолон бостирилгандан сўнг Александр Македонский Марокандани яна вайрон қилишни буюрган. Мароканда кейинчалик Симизкент, Самарқанд номини олган.

МАРОСИМ (ар.) - диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган маърака, йиғин.

МАРСИЯ (ар.) - бирор шахснинг вафоти муносабати билан ёзилган лирик шеър, мотам қўшиғи. Унда мархумнинг яхши хислатлари тасвиранади. Марсия охирида мархумнинг хаёт саналари абжал хисобида берилади.

МАРТАБА (ар.) - жамиятда эришилган обрў-эътибор, нуфуз ва мавқе.

МАРГИЁНА (тар.) - Мурғоб дарёси водийсидаги қадимий вилоят. Маргиёна хақидаги дастлабки маълумотлар илк ёзма манбалар - “Авесто” ва “Биҳистун” коя тош ёдгорлигида келтирилган Маргиёна гарбда Парфия, шимоли-шарқда - Сўғд, шарқда - Бақтрия, жанубда - Ария билан чегараланган. Пойтахти Кадимги Марв худудида жойлашган. Мил.авв. VI аср ўрталарида Маргиёнани аҳамомийлар истило қиласди. Доро I ҳукмронлиги даврида Маргиёна ахолиси ўзи сайлаган Фрада исмли лашкарбоши раҳбарлигида аҳамом-

нийлар зулмига қарши қўзголон кўттарган. Доро I кўшинлари қўзғолончиларнинг кўпини қириб ташлаб, қўзғолонни бостирган. Марғиёнанинг маркази вайрон қилинган. Мил. авв. 328 йили Марғиёнани Александр Македонский истило қилган. Мил.авв. III аср ўрталарида Марғиёна Грек-Бактрия подшолигига тобе бўлган. Орадан 100 йилча ўтгач, бу ерни Парфия давлатининг подшоси Митридат I эгаллаган. Милодий I асрдан Марғиёна Кушон подшолиги таркибига кирган. III асрда Эрон босиб олган. Кейинги ёзма манбаларда Марғиёна Марв вилояти ва воҳаси номи билан тилга олинади.

МАРГИЁНА АНТИОХИЯСИ (тар.) - Антиох I Сотер томонидан Марғиёнада қадимги Марв ўрнида қайтадан янги қурилган шаҳар.

МАСАЛ (ар.) - 1. Кишиларга ўгит бўладиган, хulosали, кичик мажозий хикоя; 2. Матал; мақол.

МАСЖИД (ар.) - саждагоҳ, мусулмонларнинг ибодат жойлари. Мусулмонлар жамоа бўлиб намоз ўқийдиган жой. Масжидлар, асосан, мусулмонларнинг кундалик беш вақт намоз ўқиши учун мўлжалланган муқаддас жой. Жума ва ҳайит намозлари эса жомеъ масжидларида ўқилади. Биринчи масжидни Мадинада Мухаммад Пайғамбар курдирган.

МАСКОВЧИ (тар.-этн.) - революциядан илгари Москва билан савдо алоқасида бўлган йирик савдогар.

МАСЛАҲАТ ОШИ (т.) - тўй кенгashi. Ўрта Осиё ҳалқларида тўй билан боғлик маросимлардан бири. Маслаҳат оши тўйдан бир неча кун олдин ўтказилади. Маслаҳат ошига махалла вакиллари, қариялар, қўни-қўшнилар, қариндош уруғлари чакирилади. Маслаҳатга келганлар тўйни қачон, қандай ўтказиш тартиби, харражатлар ва бошқаларни келишиб оладилар. Мабодо тўй эгасининг бирон моддий етишмовчилиги бўлса, маслаҳат ошига келганлар уни ўз зиммаларига оладилар. Маслаҳат оши ҳозир ҳам анъанавий маросим бўлиб қолмокда.

МАСНАВИЙ (ар.) - жуфт кофияли байтлардан иборат бўлган шеър формаси

МАСНАД (ар.) - 1. Юқори мартаба, ўрин, амал; 2. Таянч; асос.

МАСОФА (ар.) - икки нарса, икки нуқта оралиғи, бир ердан иккінчи ергача бўлган оралиқ.

МАСОХА (ар.) - ер, майдон.

МАССАГЕТЛАР (тар.) - Каспий орти ва Орол денгизи яқинида Амударё ва Сирдарёning қўйи оқимида мил. авв. V-IV асрларда яшаган қабилалар гурухининг умумий номи. Массагетлар тұғрисида фанда ҳар хил қараашлар мавжуд. Айрим олимларнинг фикрича, массагетлар номи “масуо” - “балиқ” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “балиқхўрлар” маъносини билдиради. Кейинги текширишлар натижасида массагетларнинг “мас”, “сака” ва “та” сўзларидан иборат бўлганлиги ва сакларнинг катта уюшмаси деган маънони билдириши аниқланган. Юон тарихчиси Геродотнинг таърифлашича, массагетлар пиёда ва отда жанг килганлар, улар отларнинг кўкракларига совут кийдирганлар. Массагетлар ўз подшоси Тўмарис бошчилигига Эрон босқинчиларига қарши қаҳрамонларча курашганлар.

МАТКАТАК (?) - чўпонларнинг тошдан қурилган кулбаси.

МАТОХ (ар.) - мол, мато, буюм.

МАТРАП (ар.) - бедана, кабутар каби паррандаларни ушлаш учун узун таёқ учига тўр халтали чамбарак ўрнатилган асбоб.

МАФКУРА (ар.) - муайян бир ижтимоий грух ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва химоя қилувчи фалсафий, сиёсий, хукукий, диний, эстетик қараашларнинг бутун бир тизими. (“Мафкура” атамаси ҳаракатга келтирувчи, ҳаракатдаги ғоя деган маънони англатади. Шу билан бирга, ниятни мақсадга айлантиришга ундовчи деган мазмунни хам англатади.)

МАФХАР (?) - шон-шуҳрат; фаҳрланиш.

МАХОҚ (?) - ойлик кечаларнинг узилиши, яъни эски ой ва янги ой ўртасидаги вақт.

МАХДУМ (ар.) - уламо ва руҳонийлар унвони; шу унвонға эга бўлган киши.

МАХЗАН (ар.) - хазина.

МАХЗУМ (ар.) - айнан, маҳдум.

МАХСИМЧА (?) - қилиқлари, юриш-туриши хотинларга ўхшаган эркак; хотинчалиш.

МАШОИЮН (МАШОЙИИН) (ар.) - Арасту тарафдорлари. Музокара ва баҳс билан фалсафий масалаларни ҳал этувчилар.

МАШОЙИХ (?) - хикматли сўзларни айтиб ўтган отабоболар.

МАШОҚ (?) - буғдоини ўриб-ийғиб олгандан кейин ерга тўкилиб қолган бошоклар.

МАШОҚЧИ (?) - машоқ терувчи.

МАШРАБА (ар.) - 1. Ичимлик солинадиган чинни ёки со-пол идиш; 2. Ўтмишда ҳаммомларда ишлатилган мис ёки брон-здан ишланган кўзасимон идиш. Ўзбекистоннинг айрим жанубий районларида, Бухоро ва Самарқандда суюқлик солинадиган каттароқ шиша идишлар ҳам машраба деб аталган.

МАШРИҚ (ар.) - дунёning тўрт томонидан бири, яъни шарқ тарафни англатган. Араб Шарқининг номи. Хурросон ва Моваро-уннахр ҳам баъзи тарихий адабиётларда Машриқ деб аталган.

МАШШОҚ (ар.) - машқ килувчи, куйни созда ижро этувчи созанда.

МАЪБАД (ар.) - ибодат қилинадиган жой, ибодатхона.

МАЪВО (ар.) - тураг жой, бошпана деган маънони англатган.

МАЪДАН (ар.) - ердан қазиб олинадиган фойдали қазилмалар, хусусан, металлар ва уларнинг рудалари, минералларнинг умуний номи.

МАЪДАНЧИ (ар.) - кончи.

МАЪЖУН (ар.) - турли зираворларга афюн қўшиб тайёрланган қувват дори.

МАЪЗИРАТ (ар.) - узр, кечирим.

МАЪЗУЛ (ар.) - амалидан, вазифасидан четлатилган.

МАЪМУР (ар.) - бошқариш ва ижро хукуқига эга бўлган мансабдор, бошлиқ.

МАЪМУРИЙ (ар.) - 1. Маъмуриятга доир, бошқариш ва ижро билан шугулланадиган; 2. Маъмурият йўли билан амалга ошириладиган.

МАЪМУРИЯТ (ар.) - муассаса, ташкилот, корхона ва шу кабиларнинг бошқармаси.

МАЪНАВИЙ (ар.) - кишининг ички, руҳий ҳаётига оид; ахлоқий.

МАЪРАКА (ар.) - бирор мухим воқеа, тўй ва бошқа муносабатлар билан ўтказиладиган маросим, йиғин. Таъзия маросимла-ри ҳам мътрака дейилади.

МАЪШУҚ (ар.) - икки севишганнинг бири; севикли ёр, севгили.

МАЪЮБ (ар.) - айбдор.

МАҚБАРА (ар.) - қабр устига курилган бино.

МАҚОЛ (ар.) - халқ оғзаки ижоди жанри. Мақолларда ав-лод-аждолларнинг ҳаётий тажрибалари, жамиятга муносабати, тарихи, руҳий ҳолати, этик ва эстетик туйғулари, ижобий фази-латлари мужассамланган. Улар асрлар мобайнида халқ орасида сайқалланиб, ихчам ва содда поэтик шаклга келган. М.Қош-ғарийнинг “Девону лугатит-турк” асарида дастлабки халқ мақол-ларини учратамиз.

МАҚОЛА (ар.) - публицистика жанри. Мақолада ижтимоий ҳаёт ҳодисалари чуқур таҳлил қилиниб, назарий ва амалий жи-хатдан умумлаштирилади, давлат сиёсати, фан ва маданиятда эришилган ютуқлар, илғор иш тажрибалари оммалаштирилади. “Мақола” термини кенг маънода газета ва журналлардаги барча материалларга, шунингдек, тўпламлардаги илмий ишларга нис-батан ҳам қўлланилади.

МАҚОМ I (ар.) 1. Мусикий оҳанг, куй йўли, тартиби; 2. “Шашмақом” деб аталган олти кисмдан иборат ўзбек классик мусиқа асарининг ҳар бир кисми; 3. Тартиб, ўлчов;

МАҚОМ II (ар.) - ўрин, жой; мартаба, мавке.

МАҚТУЛ (ар.) - қатл этилган, ўлдирилган.

МАҚСУРА (ар.) - Мачитдаги маҳсус бино. Одатда, Бухоро-даги Жоме масжидида маҳсус бино бўлиб, хутба ўқилиши ва ибо-дат пайтида олий хукмдор ўтирадиган жой хисобланган.

МАФОРА (ар.) - ғор; ғорлар.

МАҒРИБ (ар.) - ғарб, кун ботар.

МАҲАЛ I (ар.) - пайт, вакт.

МАҲАЛ II (ар.) - чекка, атроф жой (марказга нисбатан).

МАҲАЛА (ар.) - шаҳар ва қишлоқларда аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик. XX асрнинг 20-йилларига қадар маҳалла 50-60 хонадондан ташкил топган бўлиб, шаҳарларда даҳа таркибиға кирган. Маҳалла ҳайъатига сайлаб қўйиладиган элликбоши раҳбарлик қилган. Элликбоши маҳаллалардаги уй-жойларнинг олди-сотдиси, тўй-маърака маросимларини уюштириш ва ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, маҳалладаги низоларни бартараф этиш ишига бошчилик қилган. Ҳар бир маҳалланинг ўз чойхонаси бўлиб, у маҳалланинг ижтимоий-маданий маркази ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам маҳаллалар Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида сакланиб келмоқда.

МАҲБУС (ар.) - зинданга солинган, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этилган киши.

МАҲДИЙ (ар.) - шиаларнинг 12-гоҳиб бўлган имомларининг номи.

МАҲДИЙЛИК (ар.) - диний-афсонавий таълимот. Бу таълимот замона охир бўлганда “махфий имом”-имом маҳди ерга қайтиб келиб, адолатли тузум ўрнатади деган эътиқод асосида шиалар ўртасида келиб чиқкан.

МАҲДУД (ар.) - чегара билан ўралган, чегараланган, чекланган; чегарали.

МАҲЗУН (ар.) - ҳазин, мунгли, ғамгин.

МАҲКАМА (ар.) - Ислом мамлакатларида шариат қозилари иш юритадиган жой. Ҳозирги кунда маҳкама идора мазмунида ҳам ишлатилади.

МАҲОБАТ (ар.) - 1. Ҳайбат, салобат, улутворлик; 2. Ваҳима, ваҳм.

МАҲОБАТЛИ (ар.) - 1. Маҳобати, салобати бор; ҳайбатли, улутвор; 2. Ваҳимали, ваҳимага тушган.

МАҲР (ар.) - мусулмон халқларида никоҳ пайтида куёв томонидан келинга совға қилинадиган кўчмас мулк пул, ёки совға. Одатда, маҳр учун бир уй, айвон, унга баробар саҳн билан ҳовли,

сөгүн сигир ва бошқа нарсалар берилади. Маҳр имом хузурида икки эркак гувохлигида эълон қилингач, никоҳ ўқилган. Маҳр бериш одати Куръони Карим асосида шариатда қонунлаштирилган.

МАҲРАМ (ар.) - тарихий этнографик атама, ўзаро юз кўришви мумкин бўлган эркак ва аёл, энг яқин кариндошлар. Шариат коидаларига қўра аёл кишига эр, ота-она, ака-ука, амаки, бува, тоға, қайнота, бува қайнота, қайни, қайнаға, эрининг тоғаси, қайнатанинг ака-укалари маҳрам хисобланган. Одатда, аёл киши маҳрамдан юзини бекитмаган. Уканинг хотини қайнағасига “келин” бўлганлиги сабабли ука ўлса ака унинг хотинига уйлана олмаган. Ука вафот этган акасининг хотинига уйлана олган. Эр ёки хотин ўлса, ўша вактдан эътиборан никоҳ кучдан қолган ва эр-хотин бир-бирига номаҳрам хисобланган. Аёл киши ўлса уни қабрга номаҳрам кишиларнинг кўйлиш, мумкин бўлган балки ўғил, ё ака-ука, тоға ёки мархум тириклик вактида васият қилган киши қўйган. Шунингдек, маҳрам сирдош, сидқидилдан хизмат қилувчи маъноларида ҳам ишлатилади.

МАҲРАМ ДАҲБОШИ (ар.+ф.-т.) - ўн маҳрамга бошлиқ.

МАҲСИ (?) - узун кўнжли, пошнасиз, таг чарми юмшоқ, кавуш ёки калиш билан кийиладиган миллий оёқ кийими.

МАҲСИДЎЗ (?) - маҳси тикувчи косиб.

МАҲСИДЎЗЛИК (ар.+ф.-т.+т.) - маҳси тикиш касби. Хунармандчиликнинг қадимий номи. Маҳсидўзлик илгари мусулмон Шарқида Европача пойабзал кийими расм бўлмаган давларда кенг тарқалган. Маҳсидўзлик ишлари дўконда уста, халфа ва шогирлар томонидан бажарилган. Асосий иш асбоблари: катта-кичик шона, андоза, пичоқ, белча, кува, кунда, дупоя, дазгир, бигиз ва бошқалар.

МАҲТАЛ (?) - маътал, кутиб қолган, мунтазир, интизор.

МАҲФИЛ (ар.) - мажлис давраси, ўтириш.

МАҲШАР (ар.) - диний эътиқодга қўра дунё тамом бўлгандан кейин бутун ўлган кишилар тирилиб, сўроққа тўпланиш куни; қиёмат.

МАҲШАРГОҲ (ар.+ф.-т.) - 1. Маҳшар содир бўладиган ер; 2. Қиёмат; одамларнинг йиғиладиган жойи.

МЕЗАНА (ар.) - миноранинг юкори кисми, муаззин аzon айтадиган жой. Мезана айлана шаклида ва кўп киррали бўлади. Кўпинча, равоқсимон дарчалар галлереясидан иборат бўлади. Ички деворлари ганч билан нақшланади. Мезананинг тепаси одатда, гумбазча билан ёпилади.

МЕЗМОР (?) - най; қамиш най. Ўтмишда пуфлаб чалинадиган айрим мусика асбларининг номи. Уларга най, сибизга, балабон каби созлар киради.

МЕЗБОН (ф.-т.) - меҳмон кутувчи, зиёфат, тўй эгаси.

МЕЗОЗОЙ (р.<грек) - ернинг геологик тарихида палеозой билан кайнозой эралари оралиғидаги давр.

МЕЗОН (ар.) - 1. Тарози, ўлчов; 2. Шамсия Қуёш йили хисобида еттинчи ойнинг арабча номи (22 сентябрь – 21 октябрь даврига тўғри келади); 3. Баъзи ўсимликларнинг кузда хавода сузуб юрадиган ўргимчак уясига ўхшаш спора ташувчилари; 4. Узок чўзилган ёз, иссик куз.

МЕРГАН (ф.-т.) - бехато отадиган киши. Қадимда камон ва бошқа қуроллар билан нишонни хатосиз урадиган овчи ёки жангчи мерган деб аталган.

МЕРОС (ар.) - мерос колдирувчи вафот этгандан кейин қонун ёки васиятномада белгиланган ворисларга, улар бўлмаган тақдирда эса давлатга ўтадиган мулк.

МЕРОСХЎР (ар.+ф.-т.) - қонун ва васият бўйича меросни олувчи шахс.

МЕЧКАЙ (ф.-т.) - 1. Еб тўймас, юҳо; 2. Рахит.

МЕШ (сўғд.) - ошланган теридан тикилган оғзи тор коп. Жуда қадимдан маълум. Меш суюқ нарсаларни ташиш ва сақлашда, чалоб тайёрлаш ва бошқаларда ишлатилган. Шарқ мамлакатлари, Ўрта Осиё ва Сибирь халқлари ўргасида кенг тарқалган.

МЕШКОБ (сўғд.+ф.-т.) - мешда сув ташувчи одам. Мешкоблар сув манбаларидан хонадонларга, гузарларга, чойхоналарга, карvonсарайларга сув ташиб бериб тирикчилик ўтказгандар. Уларни мешкобчи деб ҳам аташган. Мешкобчилар Ўрта Осиёнинг сув танкис айрим шаҳарларида, масалан, Бухорода XX аср бошлигига қадар мавжуд бўлган.

МЕЪРОЖ (ар.) - осмонга, арш—аълога, худонинг олдига чиқиши.

МЕЪМОР (ар.) - бинокор уста, иморат ва иншоотларнинг лойиҳасини яратувчи уста. Уларнинг қурилишини назорат килиб турувчи бош мутахассис.

МЕҲВАР (ар.) - ўқ, айланиш маркази.

МЕҲТАР (ар.) - Бухоро амиригига закотчилар бошлиғи. Қўқон ва Хива хонликларида давлат хизматчиси. Шунингдек, ўтмишда сарой созандаларининг бошлиғи, етакчи созанда. Темурйилар замонида меҳтарлар ногорачилардан, кейинчалик сурнайчилардан тайинланган.

МЕХРГОН (сўғд.) - күёш йили меҳр ойининг 16-куни, муборак ва байрам куни бўлган.

МЕХРЖОН (тар.) - Хосил байрами.

МЕХРЖОН ВА НАВРЎЗ (?) - Эронзамин ва туронзамин халқларининг байрамлари. Мехржон Михра ойининг 6-куни.

МЕХРОБ (ар.) - масжид девори ичидаги Макка томонини кўрсатиб турадиган жой. Мехроб хар бир масжидда бўлиб, намоз ўқиладиган томонни, яъни қиблани белгилаш учун хизмат қиласи.

МИЁН (ф.-т.) - 1. ўртаси, ўрта; 2. баъзи тасаввуф тариқатларида Пир ва мурид ўртасидаги, ўртада турувчи. Ҳиндистондан келиб Ўрта Осиёда фаолият кўрсатган пирлар ҳам шундай ном олган.

МИЁНА (ф.-т.) - ўртача, ўрта.

МИЁНЧА (ф.-т.) - меҳмонлар томонидан тўйга патнисга солиб олиб бориладиган ширинлик совға. Асосан, никоҳ ва суннат тўйларида расм бўлиб, факат бир турдаги ширинлик, масалан, қанд, конфет, пашмак, майиз ва бошқалардан иборат бўлган. Аксарият ҳолларда миёнча устига кийимлик шойи ёки ип газлама кўйилади. Тўйга келган меҳмонлар олдига патнисда кўйиладиган қанд-қурс, нон, катлама ва бошқалар ҳам миёнча дейилган. Тўйларни ўтказишда янги одатлар расм бўлиши билан бу турдаги миёнча таомилдан қолиб бормоқда.

МИЁНЧИ (ф.-т.) - ўтмишда ўзаро низолашиб қолган кишилар ўртасига тушиб яраштириб қўювчи шахс. Миёнчи кўпинча

нуфузли диндорлардан бўлган. *Масалан*, 1485 йили темурийлардан Султон Аҳмад ва Умаршайх Тошкент ва Шоҳрухияни талашиб уруш бошлаганларида Хўжа Убайдулла Аҳрор улар ўртасида миёнчи бўлган. Фикх илмида “миёнчи шариат” лавозими ҳам бўлган.

МИЖГОН (ф.-т.) - киприк.

МИЖОЗ (?) - сотувчига нисбатан доимий харидор ва шу харидорга нисбатан сотувчи.

МИЗОЖ (ар.) - кишининг ўзига хос табиати, хулқ-атвори.

МИЛ I (ар.) - турли давлатларда турли кийматларга эга бўлган узунлик ўлчови.

МИЛЛИЙ МАНФААТ (?) - миллатга доир наф.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ (?) - маданий мероснинг қадри абадул-абад тушмайдиган қисми.

МИНГЛИ (тар.) - ўрта аср манбаларида кўчманчи ўзбек кабилаларидан минг қабиласи шу кўринишда берилган. Минглар XVIII асрнинг бошларидаги Кўкон хонлигига асос солдилар ва Туркистоннинг рус чоризми томонидан босиб олинишига қадар хукмронлик қилдилар.

МИРИ АСАД (тар.) - Бухоро амирлигидаги XVI-XX асрларда мавжуд бўлган амал. Унинг вазифаси худди “Файзи”никига ўхшаш бўлган. Факат у Бухоро шаҳрида ва ундан ташкарида яшовчи сайидлар орасида ўша вазифаларни бажариши лозим бўлган.

МИКИЁС УЛ-ЖАДИД (ар.) - Аҳмад Фаргоний томонидан яратилган Нил дарёсини сувини ўлчайдиган асбобнинг номи.

МИЛОД (ар.) - 1. Исо пайғамбарнинг туғилган куни;
2. Милодий йил хисоби.

МИЛОДИЙ (ар.) - милоддан бошланган йил хисоби ҳақида.

МИНГ (т.) - ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилаардан бири. Самарқанд вилояти, шунингдек, Фаргона водийси ҳамда Бухоро воҳасида, айрим гурухлари тарқоқ ҳолда Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Музробод, Денов туманларида яшаганлар. Минглар учта йирик урурга бўлингандар:

1. Туғали; 2. Боғлон; 3. Увоқ тамғали. Бу уруғлар, ўз навбатида, яна бир неча майда уруғларга бўлингандар. Минглар Дасти Қипчоқдан Мовароуннахрга XV аср охири - XVI асрнинг биринчи

ярмида кўчиб келганлар ҳамда Ўрта Осиё хонликларининг ижтимоий-сиёсий хаётида фаол қатнашганлар. Мингларга мансуб йирик феодаллар 1709 йилда Фаргона водийсида янги давлатга - Кўкон хонлигига асос солганлар. Минглар сулоласи хукмронлиги 1876 йилга қадар, яъни чор Россияси Кўкон хонлигини босиб олгунга қадар хукм сурган.

МИНГБОШИ (т.) - ҳарбий ва маъмурий унвон. Кўкон хонлигига хондан кейинги мансаб. Асосан, ҳарбий ишлар билан шугулланган. Хива хонлигига мингбошилик энг кичик амал хисобланган. Ўрта Осиё чор Россияси томонидан истило этилгунга қадар Тошкент, Оқмачит каби шаҳарларнинг ҳокимлари ҳам мингбоши деб аталган. Чор Россияси мустамлакаси йилларида Тошкент даҳаларининг бошликлари ҳам мингбоши дейилган. Даҳа мингбошиси аҳоли томонидан сайланиб, вилоят беги тарафидан тасдиқланган. Кейинчалик мингбоши олди-сотти ишларини назорат қиладиган мансабга айланиб қолган.

МИНОРА (ф.-т.) - баланд иншоот. Асосан, масжид ва мадрасалар ёнида ёки уларга туташ қурилган. Муаззин минорага чиқиб, унинг энг юкори қисми - мезанадан аzon айтади, яъни намозхонларни намозга чақиради. Миноналардан сокчихона сифатида ҳам фойдаланилган. Жарқўргон минораси, Вобкент минораси шулар жумласидандир.

МИНТАҚА (ар.) - 1. Ер юзининг икки қўшни параллел оралигидаги, бир-биридан иқлими билан фарқ қиладиган ҳар бир бўлаги; 2. Ер юзининг бирор хусусияти билан ажralиб турадиган бўлаги, зonasи.

МИР (ар.) - “Амир” сўзининг қискарган шакли. Ҳукмдор, ҳоким, подшоҳ, вазирларга нисбатан қўлланилган. Айрим ҳолларда юкори имтиёзли кишиларга унвон тариқасида ҳам ишлатилган. *Масалан*, Мир Алишер Навоий.

МИРЗА (ар.) - 1. Амирзода сўзининг қисқартирилган шакли. Шарқда подшоҳ хонадони аъзоларининг унвони бўлиб, исмдан кейин қўшиб айтилади; 2.XIII асрдан XX аср бошларига қадар Россиядаги кўчманчи туркий халқлар (татар, нўғой ва бошқалар)нинг йирик феодаллари ҳамда айрим ўрда ва қабила бошлиqlарининг умумий номи; 3. Бухоро амирлиги ва Кўкон хонлигига

мирзахонада мирзабоши раҳбарлигига иш олиб борувчи кичик мансабдор.

МИРЗАБОШИ (ар.+т.) - саройнинг йирик мансабдорларидан бири. Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигига амир саройида девонхона ҳокими бўлиб, мирзалар бошлиги хисобланган.

МИРЗАХОНА (ар.+ф.-т.) - Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигига мирзабоши бошлилигига иш олиб бориладиган даргоҳ.

МИРИ (ф.-т.<ар.) - беш тийинли чақа, беш тийин.

МИРИ ШИКОР (ар.+ф.-т.) - ов амири, ёхуд ов бошлиғи. Ўрта Осиёда хонларнинг овга чикишида тайёргарлик ишларига бошлилик қилувчи олий мансабдор.

МИРОБ (ар.+ф.-т.) - Ўрта Осиё ҳудудидаги давлатларда, хусусан, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигига сув тақсимоти ва сугориш тизими устидан назорат қилувчи шахс. Ўрта Осиё хонликларида алоҳида мироблик лавозимлари бўлган. *Масалан*, бош сугориш тизими хисобланган магистрал каналлардан асосий сугориш тармоклари бўлган катта ариқларга сув тақсимлаш мироббошига, катта ариқлардан алоҳида қишлоқ ариқларига сув тақсимлаш эса ариқ оқсоқолларига, қишлоқ ариқларидан шоҳ ариқ ва даҳаналарга сув тақсимлаш эса қишлоқ миробига юқлатилган. Мироблик авлоддан-авлодга ўтган. Кузда мироблар учун дехконлардан миробона солиги ундирилган. Ҳозир мироблар асосий канал-ариклар сувини тақсимлашни назорат қиласди.

МИРОББОШИ (ар.+ф.-т.+т.) - миробларга бошлилик қилган мансабдор.

МИРОХУР (ар.+ф.-т.) - Бухоро амирлигига юкори босқичдаги б-даражали мансаб бўлиб, хон отхонасининг бошлиғи бўлган. У саройдаги отхоналар ва от-улов маҳкамасига жавобгар бўлиб, дастурхончи ва парвоначидан кейинги мансабдор шахс хисобланган.

МИРРИХ (ар.) - мусулмонларда, жумладан, Ўрта Осиёда Марс сайёрасини Миррих ўлдузи деб аташган.

МИРШАБ (ар.+ф.-т.) - Ўрта Осиё хонликлари шаҳарларида жамоат тартибини сакловчи лавозим бўлиб, одатда шаҳарнинг кечки хўжайини (мири-шаб) деб ҳам юритилган. Миршаб, асосан, ўз ишига кечкурун соат б дан кейин киришган, чунки бу даврда

барча шаҳар бозорлари ёпилиб, бир соатдан сўнг шаҳар дарвозалари беркитилиб, шаҳар сув қўйғандай жим-жит бўлган. Мана шу даврдан бошлаб, ҳеч ким чиқмаслиги ва шаҳар кўчаларида юрмасликлари керак бўлган. Ушбу коидани бузган барча шахслар миршаблар томонидан ушланиб, миршабхонага келтирилган. Миршаб лавозими Бухоро амирлигига 1920 йилгача мавжуд бўлган.

МИРШАББОШИ (ар.+ф.-т.) - Бухоро амирлигига миршаблар бошлиги. Туркистон ўлкаси Россия томонидан босиб олингач, то 1917 йилгача маҳаллий аҳоли яшайдиган маҳаллаларда миршабхоналар ташкил этилган бўлиб, миршаблар бошлиги миршаббоши деб юритилган. Улар мингбоши ва оксоколлар ихтиёрида бўлиб, уларнинг топширикларини бажарганлар.

МИРШАБХОНА (ар.+ф.-т.) - миршаб маҳкамаси ва қамоқхонаси.

МИРҒАЗАБ (ар.) - маҳбус ва бандиларни жазолайдиган, калтаклаб тергов қиласидиган зиндан назоратчиси.

МИР УБАЙДИЙ (тар.) - Бухоро хаттотлик мактабидаги насхатининг тури.

МИСВОК (ф.-т.) - арча ва шу каби хушбўй дарахт ёғочидан қилинган тиш тозалагич.

МИСГАР (ф.-т.) - мис буюмлар ясаш ва уларни тузатиш иши билан шугулланувчи ҳунарманд.

МИСКИН (ар.) - 1. Факирликдан оғир аҳволга тушиб қолган, аҳволи танг, бечораҳол одам; 2. Мунгли, ҳазин.

МИСРАНГ (ф.-т.) - қаттиқ нарсаларни кўчириш, бузиш, тешиш ва шу кабилар учун ишлатиладиган бир ёки иккала томони учли темир асбоб.

МИСҚОЛ (ар.) - оғирлик ўлчови. Шарқ мамлакатларида кимматбаҳо тошларнинг вазнини аниқлаш учун ишлатилган ўлчов бирлиги. VI-VIII асрларда Самарқандда бир мисқол 4,6 граммга, ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудида бир мисқол 4, 25 граммга тенг бўлган. XIX-XX асрларда Фарғонада бир мисқол 4,53-4,55 граммга тенг бўлган оғирлик ўлчови хисобланган.

МИСТАР (ар.) - котиб ва хаттотларнинг маҳсус жадвали.

МИҚНАЬ (ар.) - темурийлар даврида аёллар бошига ўрайдиган дурра (рўмол).

МИҚЛОЬ (ар.) - сопкон

МИҚРОЗ (ар.) - шам сўхтасини кесадиган кичкина қайчи.

МИҚТИ (?) - сергўшт, аммо пишиқ.

МИҲАФФА (ар.) - подшоҳлар, хонлар, хусусан, уларнинг хотинлари ва болалари тушиб юрадиган маҳсус кажава; тахтиравон.

МОВАРОУННАХР (ар.) (тар.) - лугавий маъноси “дарё орқасидаги ер” деган маънони билдиради. Араблар Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин Амударёдан шимолгача қараб чўзилган Ўрта Осиё ерларини Мовароуннахр деб аташган.

МОВЛИЯТ (ар.) - 1. Тўй, маърака ва бошқа маросимларнинг умумий номи; 2. Маврид, пайт, вақт.

МОВУТ (?) - ўнг томони силлик, жун ёки ярми жун мато; сукно.

МОЖАРО (ар.) - 1. ходиса, воқеа.

2. Хатарли иш, хавфли тадбир; 3. Кишининг бошидан кечирганлари, саргузаштлар; 4. Жанжал, тортишув, галва.

МОЖОР (тар.) - кўчманчи ўзбек қабилаларидан бири.

МОЗИЙ (ар.) - ўтмиш.

МОЙЖУВОЗ (ф.-т.) - Ўрта Осиё худудида XIX-XX аср бошлирига қадар мавжуд бўлган ўсимлик уругидан мой ишлаб чиқариш мосламаси, яъни жувоз жойлашган жой.

МОЙЧИРОҚ (т.) - қора чирок, лампа,

МОЛА (т.) - ҳайдалган ернинг кесакларини майдалаб текислаш ва зичлаш учун ишлатиладиган қишлоқ хўжалик асбоби, боронанинг ёғочдан ясалган жайдари тури.

МОЛИ ХОН (ф.-т.) - XIX-XX аср бошларида Ўрта Осиё худудларида донни янчиб, тозалаб олиш тури. Бунда бир неча иш хайвонлари (хўқиз, эшак, от ёки бошқалар) хирмон устидан оғир тош ортилган маҳсус ёғоч мосламани айлантириб дон янчишган.

МОМИҚ (т.) - 1. Тоза, ок пахта; 2. Юмшоқ юнг, тивит.

МОНИЙ (тар.) - Шопур даврида милодий 242 йили пайғамбарликка даъво қилган рассом. Муқаддас китоби “Аржанг”. Баҳром I даврида ўлдирилган.

МОНҚУ (?) - зовур ва хандакларга қўйиладиган учи ўткир қозиклар.

МОСУВО (ар.) - бутунлай маҳрум бўлган, жудо бўлган, айрилган.

МОТАМ (ф.-т.) - яқин ёки мўътабар кишининг ўлими муносабати билан бўлган азадорлик ва шу муносабат билан боғлиқ бўлган маърака, таъзия, расм-русумлар.

МОХОРА (т.) - нўхат, гўшт солиб тайёрланадиган бир хил суюқ овқат.

МОШКИЧИРИ (ф.-т.) - 1. Мош билан гуручдан пишириладиган қуюқ овқат;

МОШОВА (ф.-т.) - мош ва қовоқ солиб тайёрланадиган суюқ овқат, мош-қовоқ оши.

МОШУГРА (ф.-т.+т.) - мош ва уградан тайёрланадиган суюқ овқат.

МОШХЎРДА (ф.-т.) - мош билан гуручдан тайёрланадиган суюқ овқат.

МОЯНА (ф.-т.) - маош.

МОҲ (ф.-т.) - ой.

МОҲИЁНА (ф.-т.) - маош.

МОХТОБ (ф.-т.) - ой ёритиб турган; ойдин.

МУАЗЗАМ (ар.) - азим, улкан.

МУАЗЗАФ (ар.) - Бухоро амирлигида баҳор ва куз фаслирида хирож йиғинлари олинадиган ерлар.

МУАЗЗИН (ар.) - масжидда азон айтиб, намозга чорловчи шахс. Муаззин халқ тилида “сўфи” деб ҳам юритилган.

МУАЛЛО (ар.) - юксак, олий.

МУАННАС (ар.) - аёл жинси; араб тилида аёл жинсига оид сўз ёки сўз формаси.

МУАРРИХ (ар.) - тарихчи, тарихнавис.

МУАШШАХ (ар.) - байт ёки мисра бошидаги ҳарфларни тўплаганда киши исми чиқадиган ғазал.

МУБДИЙ (ар.) - ихтирочи, яратувчи деган маънони англатган.

МУБОРАЗА (ар.) - кураш, курашиш.

МУБОРИЗ (ар.) - мубораза қилувчи, курашчи.

МУБАШШИР (ар.+ф.-т.) - подшоҳ ва хонларнинг фармон, мактуб ва бошқа ёзишмаларини ўлка ва вилоятларга етказиб турадиган мансабдор.

МУБОШИР (ар.+ф.-т.) - иш юритувчи; бошқарувчи.

1. Сомонийлар ва салжуккийлар даврида амир ва султонларнинг ишончли кишиси. 2. XVII-XVIII асрларда Бухоро хонлигига марказий давлат идорасининг молия девонидаги амалдор

МУБОҲАСА (ар.) - баҳслашиш, баҳс, мунозара.

МУВАҚКАТ (ар.) - вақтингчалик, доимий бўлмаган.

МУВАХХИД (ар.) - якка худоликка ишонувчи.

МУВОЗИЙ (ар.) - параллел.

МУГУЗ (т.) - ҳайвон шохи.

МУДАРРИС (ар.) - ўқитувчи.

МУДАРРИС (ар.) - мадраса ўқитувчиси. Илгари мударрислар муайян илоҳиёт фанидан дарс берган. Ҳозир Шарқ мамлакатларидаги мадрасалар ва диний университетларда факат диний илмлардан эмас, балки дунёвий фанлардан дарс берувчилар ҳам мударрис деб аталади.

МУДДАИЙ (ар.) - даъво қилувчи; даъвогар.

МУДАҚҚИҚ (ар.) - диққат билан текширувчи, бирор нарсани синчиклаб тадқиқ қилувчи.

МУДИРИ-ОМБОР (ф.-т.) - сўнгги ўрта асрларда Бухоро амирлигига амир саройида мол-мулк омбори мудири.

МУДОФАА (ар.) - 1. Душман хужумини даф қилиш, қайтариш; 2. Душмандан сакланиш, ўзини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ёки ҳозирланган восита ва чоралар мажмуи.

МУДОХАЛА (ар.) - 1. Бирор ишга аралашув; 2. Интервенция.

МУДХИШ (ар.) - кишини даҳшатга соладиган, даҳшатли, қўркинчли.

МУЖАЛЛА (ар.) - журнал.

МУЖДА (ф.-т.) - хушхабар.

МУЖМАЛ (ар.) - 1. Тушуниб бўлмайдиган, ноаниқ, мужмал, дудмол; 2. Мажмагил, нимжон.

МУЖОВИРЛАР (ар.) - ўрта асрларда масжид ва мозорларда тунаб юрувчилар шундай деб аталган.

МУЖРИМ (ар.) - айбдор, гуноҳкор.

МУЖТАХИД (ар.) - ўрта асрларда исломда ижтиход ҳуқуқига эга бўлган шахс. Суннийларда мужтаҳид диний ҳукуқ мазҳабларининг асосчилари ҳисобланган. Шиаларда юқори мартабали диндорлар ва диний ҳуқуқшунослар ҳам мужтаҳид деб аталади.

МУЗД (ф.-т.) - хизмат ҳақи.

МУЗОФОТ (ар.) - вилоят.

МУКААБ (ар.) - юза ўлчов бирлиги. Куб.

МУКАЛЛАФ (ар.) - таклиф этилган, чакирилган.

МУКАРРИР (ар.) - мадрасада амалий машғулот олиб борувчи, тақрорлатувчи муаллим.

МУКОЛАМА (ар.) - 1. Сўзлашув тили; оғзаки нутқ; 2. Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун бир-бирига сўзлаб бериш.

МУЛЖАР (т.) - қамал пайтида ҳар бир амирга душмандан химоя қилиш учун белгилаб берилган ер, дарвоза.

МУЛКДОР (ар.+ф.-т.) - катта мулк эгаси.

МУЛКДОРЛАР (ар.+ф.-т.) - XVIII-XIX асрда Хива хонлигига ўз ери бўлган ва шу ер юзасидан солик тўлаётган дехконлар.

МУЛЛА (ар.) - XIII асрдан бошлаб диндорлар ва илоҳиётчи олимлар, мураббийлар ва муаллимларнинг обрўи, таъсири анча кучаяди. Уларни ҳурмат билан ҳалқ орасида мавлоно дейишган. Араб тилида у жаноб, жанобимиз деган маънони англатган. Ўрта

асрларда бу унвон жуда кам учраган бўлса-да, XVII асрдан бошлаб кенг тарқала бошлайди. Асосан, мавлоно сўзини номга қўшиб айтиш лозим бўлган. Вақтлар ўтиши билан мавлоно сўзини исмга қўшиб айтиш кийин бўлгани учун унинг шакли ўзгартирилиб мулла деб юритилган. Ўрта Осиёда диний илмдан хабардор ва ўқимишли, Қуръони Каримни яхши билган зотлар исмига мавлоно ўрнига мулла сўзини қўшиб ишлатганлар. Шу-шу мулла сўзи кенг кўлланилиб кетган. Демак, мулла - бу мадрасада тахсил олган, диний илмга эга бўлган маълумотли кишилар, дин арабблари ва уламолари демакдир.

МУЛЛАВАЧЧА (ар.+ф.-т.) - 1. Мадраса талабаси; 2. Муллаларнинг, уламоларнинг фарзанди.

МУЛОЗИМ (ар.) - ҳокимларнинг, амалдорларнинг ҳузурида уларнинг хизматида бўлган киши.

МУЛОҚОТ (ар.) - учрашув.

МУЛОҲАЗА (ар.) - 1. Фикран муҳокама юритиш, ўйлаш; 2. Бирор масала юзасидан билдирилган ёки ўйлаб қўйилган фикр; 3. Андиша.

МУМТОЗ (ар.) - бирор фазилати, яхши томони билан бошқалардан ажралиб турадиган, афзалликларга эга бўлган.

МУНАЖЖИМ (ар.) - осмон ёриткичларининг вазиятлари ни кузатувчи шахс. Ўрта асрларда астрология ва астрономия билан шугулланувчилар мунажжим деб аталган.

МУНАҚҚАШ (ар.) - накшланган, накшли, накшдор.

МУНАҚҚИД (ар.) - танқидчи.

МУНГ (?) - ҳазинлик, маъюслик.

МУНИС (ар.) - яқин, сирдош дўст, ҳамдам.

МУНКАР-НАКИР(ар.) - диний эътиқодга кўра киши ўлгандан кейин гўрда уни сўрок қиласидиган икки фаришта.

МУНКИР (ар.) - инкор этувчи, тан олмовчи.

МУНОЖОТ (ар.) - 1. Аллоҳдан нажот, мадад тилаб қилинадиган тунги ибодат; 2. Классик куйлардан бирининг номи.

МУНОҚАША (ар.) - мунозара, баҳс, тотишув.

МУНОФИКЛАР (ар.) - Ислом тарихига хос атама бўлиб, икки юзламачиликни англатган. Ислом динини юзаки қабул килиб, ўзи эса аввалги қабилавий динга сифинишни давом эттирган арабларга нисбатан қўлланилган.

МУНШИ (ар.) - Ўрта Осиё хонликлари даврида хонлар ёки айрим хокимларнинг шахсий котиби. Мунши лавозимига одатда, маълумотли ва чиройли ёзадиган кишиларгина олинган. Муншилар олим ва фозил кишилар бўлганлиги учун оддий котиблардан фарқ қилган. Улар зиммасига хон ва амирларнинг мактуб ва фармонларини ёзиш юклатилган. Тарихий асарларнинг аксарияти ана шу муншилар қаламига мансуб. Мунши лавозимида бўлган кишилар мунши сўзини тахаллус сифатида ўз номлари кетига кўшиб кўйганлар.

МУНҚАРИЗ (ар.) - инкиrozга юз тутган.

МУОВИН (ар.) - бошлиқ ёки раҳбарнинг ўринбосари.

МУОҲАДА (ар.) - битим, келишув.

МУРАББА (ар.) - 1. Тўрт мисрадан иборат шеър; тўртлик; 2. Томонлари тенг тўғри тўртбурчак.

МУРАССАЪ (ар.) - 1. Олтин ва кимматбаҳо тошлардан безатилган буюм; 2. Кимматли тошлар билан безатилган қилич, тахт, либос.

МУРЧАЛ (т.) - мудофаа ёки ҳужум жанглари вақтида қалья атрофига қуриладиган хандак; окоплар.

МУРИД (ар.) - пир ёки эшонга қўл бериб, уларни ўзининг раҳнамоси деб билган шахс. Муридлар ўз пирларига итоат этиши, хизмат қилиши ва уларнинг изидан бориши лозим бўлган.

МУРТАД (ар.) - Ислом тарихида бу диндан қайтган, ундан воз кечган, чекинган одамлар муртад деб аталган. Улар энг катта гуноҳ қилган ҳисобланиб, доимо ўлимга хукм қилинган.

МУРОФАА (ар.) - 1. Қозихонада жиноий ёки фуқаролик ишининг кўрилиши; 2. Додлашув, олишув.

МУСАВВИР (ар.) - турли тасвиirlар ишловчи, расм чизувчи ижодкор.

МУСАЛЛАХ (ар.) - қуролли, қуролланган, яроқ-аслаҳали.

МУСАННИФ (ар.) - 1. Тасниф этувчи, китоб, мусиқа ва шу кабилар автори, тузувчи; 2. Бастакор.

МУСАФФО (ар.) - жуда ҳам соғ, беғубор.

МУСЛИМ (ар.) - Ислом динига эътиқод қилган шахс.

МУСОЛАҲА (ар.) - ўрта асрларда Ўрта Осиёда кенг қўлланилган атама бўлиб, сулҳ, сулҳлашиш деган маънони англатган.

МУСОФИР (ар.) - 1. Сафардаги киши, сайёх; 2. Бошқа ердан келган ёки бошқа ерда яшовчи, келгинди.

МУСОФИРХОНА (ар.+ф.-т.) - ўзга ерлардан келган кишилар қўнадиган жой; меҳмонхона.

МУСОҲАБА (ар.) - 1. Сухбатлашиш, ҳамсухбатлик, сұхбат; 2. Давлат, жамоат, фан, маданият арбобларининг мухбир билан оммани қизиқтирадиган бирор масала юзасидан матбуот учун ўтказган сұхбати.

МУСОҲИБ (ар.) - ҳамсухбат, сұхбатдош.

МУСТАБИД (ар.) - мутлақ ҳокимиятга эга бўлган ҳоким, истибдод эгаси.

МУСТАВФИ (?) - Салжуқийлар даврида соҳиб, хирож, хирож олиш ва ҳисоб-китоб билан шуғулланадиган катта амалдор.

МУСҚАЛ (ар.) - темир, мис, чўяндан ишланган буюмларни зангдан тозалайдиган маҳсус асбоб.

МУЬТОФ (ар.) - атрофида айланиб зиёрат қилинадиган жой. Масалан, Каъбамутоф - Каъбага ўхшаш зиёратгоҳ.

МУТИЙ (ар.) - итоат этувчи, бўйсунувчи деган маънони англатган.

МУТААССИБ (ар.) - 1. Динга қаттиқ берилган, унга кўркўронга амал қилувчи; 2. Бирорга кўркўронга эргашувчи, бирор ишга онгсиз равишда қаттиқ берилувчи, таассуб қилувчи; 3. Консерватор.

МУТАВАЛЛИЙ (ар.) - вақф мулкига ва ундан келадиган даромадга васийлик қилувчи, уни тақсимловчи диний амалдор. Вақф ерларини ижарага бериш, вақф мулкида хўжалик ишларини юритишни ҳам мутаваллий бажарган.

МУТАВОЗЕ (ар.) - таъзим-тавозени канда қилмайдиган, барчага баравар тавозе билан муомала қиласынан; сертавозе.

МУТАКАББИР (ар.) - ўзини катта олувчи, кибр-хавоси баланд, кибрли, такаббур.

МУТАКАЛЛИМ (ар.) - Салжуккийлар даврида чиройли сүзловчи илми калом олимлари. Улар ақл кучи ва далилу исботлар билан ҳақиқатни шархлаб берадилар.

МУТАСАДДИ (ар.) - 1. Ўтмишда кичик амалдор, чиновник;
2. Бирор ишни бошқариш учун тайинланган киши;

3. Бирор ишни ўз устига олган киши.

МУТАСАРРИФ (ар.) - 1. Салжуккийлар даврида молия ва пул хисоб-китобини олиб борадиган мансабдор; 2. Бухоро амирлигидеги молия хисоботларини бошқарувчи амалдор.

МУТАФАККИР (ар.) - чуқур фалсафий фикрлаш истеъподига эга бўлган киши, тафаккур эгаси.

МУТОЙИБА (ар.) - бир-бирига қизик, кулгили, қочирим гаплар қилиш, ҳазилкашлик.

МУТОЛАА (ар.) - дикқат билан ўқиш, ўқиб тушуниб олиш.

МУТРИБ (ар.) - созанда ва ашулачи.

МУТТАСИЛ (ар.) - бир-бирига уланиб кетган; узлуксиз, тўхтовсиз.

МУФАССАЛ (ар.) - бутун тафсилоти, майда-чуйда, икирчикиригача қамраб олган; тўлиқ, батафсил.

МУФАТТИШ (ар.) - тафтиш қилувчи.

МУФИД (ар.) - фойдали, нафли.

МУФТ (ф.-т.) - текин, бепул.

МУФТИЙ (ар.) - мусулмонларда олий мартабали рухо-ний. Муфтий диний-хукукий масалаларни изоҳлаш, талқин этиш, шариатни тадбиқ этиш масалаларида ҳал қилувчи хукукга эга. Шарқнинг мусулмон мамлакатларида муфтийлик хукумат тайинлайдиган расмий лавозим хисобланади.

МУФТХҮР (ф.-т.) - текинхўр.

МУФРАД (?) - Салжукийлар даврида танлаб олинган шахсий пособнлар, сокчилар.

МУХОЛАФАТ (ар.) - қарама-қаршилик, хилофлик, зиддият.

МУХОЛИФ (ар.) - қарама-қарши фикрда бўлган, қарши чиқувчи, қарши.

МУХРОНА (?) - Бухоро амирлигига XIX аср - XX аср бошида мавжуд бўлган солиқ тури. Одатда, у қозилар, муфтилар, раислар ва бошқа амалдорлар муҳр қўйишгани учун олинган.

МУХТАСАР (ар.) - 1. Қиска, лўнда; 2. Бирор асарнинг кискартирилган варианти.

МУХТОР (ар.) - 1. Бирор иш қилиш хукуки бўлган, ихтиёрига бирор иш топширилган; 2. Автоном.

МУХТОРИЯТ (ар.) - ўзига мустакил; автономия.

МУЧА (?) - бўлак, қисм, аъзо; совға-саломнинг бир бўлаги.

МУЧАЛ (т.) - мучал хисоби - 12 хайвоннинг номи билан аталадиган даврий йил ҳисоби. Бу хайвонлар: сичқон, сигир, йўлбарс, күён, балиқ, илон, ит, қўй, маймун, товук, от, тўнгиз. Киши шу хайвонлар номи билан аталган 12 йилнинг қайси бирида туғилган бола бўлса, унинг мучали шу ном билан аталган. Мучал хисобида шу айтилган 12 йиллик давр бир айланиб келса одам бир мучалга тўлган бўлади. Лекин кишиларнинг ёшини аниқлашда уларнинг она корнидаги вақти бир йилга teng деб хисобга олинади, яъни киши бир мучалга тўлганида унинг ёши 12 эмас, 13, икки мучалга тўлганида 25 бўлади. Мучал хисоби Осиё ва Африка қитъаларидағи кўпгина халқлар орасида кадим замонлардан бери бор. Ёзма манбаларда кўрсатилишича, уни дастлаб Грек-Бактрия подшолиги даврида кўчманчи-чорвадор халқлар яратган. Сўнгра Мўгулистон, Хитой, Япония, Хиндистон, Миср, Ирок, Эрон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган.

МУШАРРАФ (ар.) - шарафли, шонли.

МУШКУЛКУШОД (ар.+ф.-т.) - кишининг мушкулини осон қилиш, ишини юргизиш мақсадида қилинадиган дуо ва ирим-сиримлар.

МУШОИРА (ар.) - икки ёки бир неча шоирнинг бир мав-

зуда бир-бирининг фикр ва туйғуларини ривожлантирадиган шеър айтишиш мусобақаси.

МУШОҲАДА (ар.) - кузатиш, кўз билан кўриб текшириш.

МУШРИФ I (ар.) - зиммасига амирлар ва мансабдорлар, шунингдек, шаҳзода ҳамда сultonларнинг хатти-харакатидан воқиф бўлиб туриш вазифаси юклangan олий мансабдор. Подшоҳ ва хоннинг кўз-қулоғи.

МУШРИФ II (ар.) - 1. Салжуқийлар даврида шоҳ девонида амалдор хисобчи; 2. XVIII-XIX асрда Хива хонлигига дон билан олинадиган солиқларни тўпловчи амалдор ва ер эгасининг дехк ончилик ишларининг соҳибкори, ишончли кишиси; 3. Бухоро хонлигига хон томонидан ҳарбийлар ва фуқаролар турли хил ҳадя, инъом ва совғаларни хисоб-китобини олиб борувчи, назорат килувчи амалдор.

МУШТАРИЙ (ар.) - Ўрта Осиёда Юпитер сайёраси Муштарий юлдузи деб юритилган. Мусулмонлар буни баҳт юлдузи деб ҳам атаганлар.

МУШТИПАР (ф.-т.) - қўлидан бирор иш келмайдиган, ожиз, бечора (аёллар ҳақида).

МУШФИК (ар.) - шафқат килувчи, шафқатли.

МУҚАДДИМА (ар.) - 1. Асарнинг дастлабки тушунтириш, бошланиш қисми; кириш, дебоча; 2. Гап ва нутқда асосий мақсадга кўчишдан олдин айтилган сўзлар, гапнинг даромади; 3. Бирор ишнинг боши, дебочаси.

МУҚАТТИЙ (ар.) - Салжуқийлар даврида иқтаъ (чек) соҳиби.

МУҚОБАЛА (ар.) - қаршилик, қарши туриш.

МУҚОВА (ар.) - китоб, дафтар ва шу кабиларнинг қоғоз, чармдан қилинган сирт қисми.

МУҚОВАЛА (ар.) - битим, шартнома.

МУҚОВАСОЗ (ар.+ф.-т.) - китоб муқовалайдиган киши, уста.

МУҚОМ (ар.) - раксда мусика ритм-усулига мос харакат; маком.

МУҚОТАА (ар.) - ўрта асрларда Ўрта Осиёда улуш сифатида тақдим қилингандык ер-мүлк шундай ном билан аталган.

МУҚОБИЛ (ар.) - Ўрта Осиё хонликлари худудида жуда кенг күлланилған атама бўлиб, қарши турувчи, қарама-қарши, зид деган мъноларни англатган.

МУҚОЯСА (ар.) - киёс қилиш, солиштириш; қиёс.

МУҚТАЬ (ар.) - қитъа сохиби.

МУҒАННИЙ (ф.-т.) - нағма чалувчи созанда, нағма билан кўшиқ айтувчи хонанда.

МУҒОЙИР (ар.) - хилоф, тескари.

МУҒОН (ф.-т.) - муғлар, оташпаратлар.

МУҲАДДИС (ар.) - Ислом дунёсида ҳадис илми билан шуғулланадиган олим.

МУҲАНДИС (ар.) - инженер.

МУҲАРРАМ (ар.) - қамария йил ҳисобида биринчи ойнинг арабча номи.

МУҲАҚҚИК (ар.) - бирор нарсанни тадқиқ этувчи, рост ёки тўғрилигини исбот этувчи.

МУҲИБ (ар.) - 1. Севучи, яхши кўрувчи, ишқибоз; 2. Дўст.

МУҲОЖИР (ар.) - ўз ватанидан кетиб, бошқа юртда турувчи киши; эмигрант.

МУҲОРАБА (ар.) - уруш, жанг.

МУҲОСАРА (ар.) - қамал.

МУҲОФАЗА (ар.) - 1. Саклаш, қўриқлаш, ҳимоя қилиш, ҳимоя; 2. Эсда саклаш қобилияти; хотир, хотира.

МУҲОФИЗ (ар.) - муҳофаза, ҳимоя қилувчи, ҳимоячи.

МУҲРДОР (ар.+ф.-т.) - подшоҳ, хон ва султонлар саройидаги йирик мансабдор. Унинг зиммасига мухрни саклаш ва ёрликларга мухр босиши вазифаси юқлатилган.

МУҲРКАНЛИК (ар.+ф.-т.) - мухр ясаш касби. Муҳрканлик қадимдан Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Амир Темур саройида, Бухоро, Кўкон ва Хива хонлари саройларида ва бошқа жойларда

мухрканлик устахоналари бўлган. Мухрканлар хонлиқдаги турли идора ва муассасалар ҳамда амалдорларнинг муҳрларини тайёрлашган.

МУХРОНА (ар.+ф.-т.) - муҳр босувчи амалдорга бериладиган пул, муҳр ҳаки.

МУҲТАСИБ (м.-т.) - мусулмон мамлакатларидағи амалдор. Кўпинча сайидлардан тайинланган. У аҳолининг урфодатларга амал қилиши ҳамда бозорлардаги нарх-наво ва ўлчов асбобларининг тўғрилиги устидан назорат қилиб турган. XIX-XX асрларда Бухорода муҳтасиб раис деб ҳам аталган.

МЎЙЧИНАК (ф.-т.) - қош, тукларни териш учун ишлатиладиган қисқичча.

МЎҚКИ (?) - хом теридан тикиладиган, кўнжи калта оёқ кийими.

МЎЛОҚ (?) - 1. Чўлок, ногирон; 2. Бирор ери учган, синган.

МЎЛТОНИ (?) - лўли.

МЎМИН (ар.) - Оллоҳнинг борлигига икрор бўлган, имон келтирган киши; мусулмон.

МЎНДИ (ф.-т.) - сопол кўза, хумча.

МЎРДАК (?) - безатилган соябонли арава.

МЎРИ (ф.-т.) - ошхона, ўчок ва шу кабиларнинг тутун чиқиб кетадиган йўли; дудбўрон, мўркон.

МЎРЧА (ф.-т.) - 1. Европа типидаги ҳаммом; 2. Чумоли, қумурсқа.

МЎҒУЛИ (м.) - масофа ўлчови. Ўрта асрларда турк ва мўтуп қавмлари ўртасида кенг қўлланилган ўлчов бирлиги хисобланган фарсах - ёғочга (6-7 км) тенг бўлиши мумкин. Чунки манбаларда у баъзан “санги мўгули” деб ҳам кайд этилган.

МЎҲМАЛ (ар.) - ноаниқ, мужмал.

H

НАБИ (ар.) - Аллохнинг хохишини олдиндан айтувчи; пайтамбар.

НАБОТОТ (ар.) - ўсимликлар дунёси, ўсимликлар.

НАВЖУВОН (ф.-т.) - ёш йигит; ўспирин.

НАВКАР (ф.-т.) - хон, подшоҳ, султон ва йирик феодалларнинг доимий ҳарбий хизматчиси. Навкарлар асосан ҳукмдорларнинг мол-мулкини қўриклишган ва ҳарбий юришларда иштирок этган.

НАВРЎЗ (ф.-т.) - шамсия йил ҳисобида янги йилнинг биринчи куни (март ойининг 21 кунига тўғри келади).

НАВРЎЗЛИК (ф.-т.) - эски мактабда Наврўз учун талабалардан тўпланадиган пул.

НАВҚИРОН (ф.-т.+ар.) - авжи куч-қувватга тўлган, кирчиллама, ёш.

НАВҲА (ар.) - йиги; аза.

НАДДОФ (ар.) - ўрта асрларда пахта титувчи ёки жун саваловчи меҳнаткаш. Улар Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларида алоҳида маҳаллаларда яшаганлар. Уларнинг меҳнатлари асосан ип йиги-рұвчиларга пахтани чигитдан ажратиб, савалаб бериш-дан иборат бўлган.

НАДИМ (ар.) - 1. Яқин, сирдош дўст, ўртоқ; ҳамсұхбат; 2. Шоҳ саройида маслаҳатчи; 3. Салжуқийлар даврида хизматкор.

НАДИМА (ар.) - яқин, сирдош дугона; ҳамсұхбат аёл.

НАЖЖОР (ар.) - дурадгор.

НАЖИБ (ар.) - 1. Хурматга сазовор, хурматли, мўътабар, муҳтарам; 2. Аслзодаларга, зодагонларга мансуб; зодагон.

НАЖОТ (ар.) - 1. Халос бўлиш, кутулиш; 2. Кутулиш ёки кутқариш учун зарур ёрдам, кўмак.

НАЖОТКОР (ар.+ф.-т.) - нажот берувчи, халос этувчи, озод этувчи; куткарувчи.

НАЗМ (ар.) - шеърий асар; шеърият, поэзия жанри.

НАЗР (ар.) - Ислом илохиётида ва фикҳда бирор диний хатти-харакатни бажариш ёки бирон нарсанни дин йўлида ҳадя қилиш ҳакидаги диндорнинг аҳди, ўз-ўзига вайдаси назр дейилади. Илгари диндорлар орасида назр кенг тарқалган бўлиб, хусусан, сўфийлик раҳнамолари, пирлар ва эшонларга фақат пул ва молни эмас, балки фарзандларни ҳам назр қилиб бериш ҳоллари бўлган.

НАЙ (ф.-т.) - олтига тешигини бармоқлар билан бекитиб-очиб, пулфаб чалинадиган мусиқа асбоби; сибиизға.

НАЙЗА (ф.-т.) - 1. Кўл билан отиб ёки уриб санчиладиган учи ўткир курол; 2. Милтиқнинг учига ўрнатиладиган учи ўткир кисми; 3. Газандаларнинг чаққанда баданга санчиладиган аъзоси.

НАЙЗАБАРДОР(ф.-т.) - найза тутган, найза билан куролланган аскар.

НАЙЗАБОЗ (ф.-т.) - найза билан қуролланиб жанг қилувчи, найза билан жанг қилишга уста одам.

НАЙМАН (тар.) - ўзбек, қозоқ, корақалпок, кирғиз, нўғой ва олтой халқларининг таркибига кирган йирик қабила уюшмаси. Ўзбек найманлари Зарафшон воҳаси, Фарғона водийси ва Хоразмда яшаганлар. Ўзбек найманлари XIX аср охирида 3 та йирик уруғга бўлинган: кўштамғали, садирбек ва увохтамғали. Булардан ташқари, найманларда қўйидаги уруг бўлинишлари ҳам мавжуд бўлган: агрон, айрончи, бадир, бия, бононали, болтали, буқалай, бурунсов, жағалбайли, жастовон, жилоили, жумалоқ бош, олти ота, олти ўғил, оқ тунли, пўлотчи, сагиз урув, сари найман, тўртуул, тўрт тамғали, ургиуч, чантали, чўмичли, гозоёкли, кора найман, кора гадой, қора сирақ, қарғали, қил тамғали, кўл тамғали ва бошқалар.

НАЙНОВ (ф.-т.) - бўйи баланд, новча.

НАЙРАНГБОЗ (ф.-т.) - 1. Кўз боғловчи; 2. Алдамчилик, макрхийла билан иш тутадиган; хийлагар.

НАМАКОБ (ф.-т.) - тузли сув, туз эритилган сув.

НАМАТ (ф.-т.) - юнгдан босиб ишланган кигиз.

НАМОЗ (ф.-т.) - Ислом динига эътиқод қилувчилар бажариши фарз деб хисобланадиган ибодат шакли. Уни маҳсус жойна-

моз устида таҳорат олингандан кейин ўқиши қатъий қоидага айлантирилған. Намоз ҳар куни муайян вактларда беш маҳал: намози бомдод - эрта тонгда; намози пешин - тушдан кейин; намози аср - кун ботишидан олдин; намози шом - кун ботганда; намози хуфтон - тунда ўқилади. Булардан ташқари “таровиҳ намози” бўлиб, у рамазон ойида ҳар куни оғиз очилгандан сўнг ўқилади. Жума намози масжидда жамоат бўлиб, жума куни ўқилади ва пешин намозининг ўрнини босади. Ҳайит намоз – рамазон ва курбон ҳайитларида масжидда ибодат килинади.

НАМОЗГАР, НАМОЗИ дигар (ф.-т.) - 1. Кун ботиши олди-дан ўқиладиган намоз, беш вакт намознинг учинчиси; 2. Кун ботиши олдидаги пайт.

НАМОЗГОХ (ф.-т.) - мусулмонлар байрами - ҳайит ва фитр кунлари намоз ўқиладиган жой, масжид. Бундай кунларда на-мозхонлар шаҳар масжидларига сифмаганликларидан шаҳар таш-қарисига намозгоҳ қурилган. Намозгоҳ анъанавий услубда қурилиб, кўпинча уларда меҳроб деворига тақаб пешайвон солинган ва супача қилинган. Супачада сўфи имомнинг ўқиганларини айвон таш-қарасида саф тортиб намоз ўқиётгандарга эшитарли қилиб баланд овоз билан такрорлаб турган.

НАМОЗЛИК (ф.-т.) - Тоза, намоз ўқишида кийиладиган кийим.

НАМОЗШОМ (ф.-т.) - 1. Кун ботиши билан ўқиладиган на-моз, шомда; 2. Кун ботиби қоронғулик туша бошлаган пайт, қош корая бошлаган вакт; оқшом.

НАРДА (?) - шатранж ўйинига ўхшаган ўйин. 30 та мўхра ва 2 та тош билан ўйналади.

НАРДБОН (ф.-т.) - уруш олиб борилаётган вақтда, хусусан, қамал вақтида қалъя деворига қўйиш учун ишлатиладиган маҳсус улама шоту, нарвон.

НАРЗОБ (ф.-т.) - Бухоро амирлигида совур (апрель) ойидан жовуз (май) ойининг биринчи ҳафтасига қадар ерларни су-горишга катта эътибор беришган. У усул нарзаб деб аталган. Бу усул ерда намликни яхши сакланишига имкон берган.

НАСАБНОМА (ар.+ф.-т.) - шажара, нажднома, наслуна-жаб ёзилган ҳужжат.

НАСАБАШУНОСЛИК - ёрдамчи тарих фани (генеология). Шахс, оила, авлод, қабила, сулола ва насаблар (шажара) тарихини ўрганадиган фан.

НАСР (ар.) - прозаик асар, проза; проза жанри.

НАСРИЙ (ар.) - проза жанрига мансуб, прозада ёзилган, прозаик.

НАСРОНИЙ (ар.) - христиан динига мансуб киши; насоро.

НАСХ (ар.) - араб ёзувилининг бир тури. Куръон шу хатда ёзилган.

НАФТОНДОЗ (ар.ф.-т.) - нефтни ёндириб отиш қуроли. Қадимда душманни жароҳатлаш мақсадида Шарқ мамлакатларида кенг кўлланилган.

НАХЛ (ар.) - кўчат, ёш дарахт. Кўпинча, хурмо дарахти хам шундай аталган.

НАЙСОН (НИСАН) (ар.) - қадимги даврда суряликлар март ойини шундай атаганлар.

НАҚИБ I (ар.) - ўзларини Мұхаммад Пайғамбарнинг авлодларидан деб хисоблайдиган сайидлар жамоасининг етакчилари, раҳбарлари лавозими. Нақиб, лавозим сифатида ўрта асрларда халифалар хукмронлиги даврларида вужудга келган бўлиб, хукмрон доиралар нақиб орқали сайидлар жамоалари билан муомала қилгандар. Нақиблар хазинадан таъминлаб турилган. Нақиблик лавозими авлоддан-авлодга ўтган.

НАҚИБ II (ар.) - 1. Салжуқийлар даврида хос хизматчи; 2. Бухоро хонлигига мавжуд бўлган амаллардан, хонга яқин турган мансабдор. XVI-XVII асрларда қози аскар, яъни ҳарбий судья хисобланган. Бу лавозимга, одатда, сайидлардан ва хожалардан тайинлашган.

НАҚБ (ар.) - ер остидан ўtkазилган йўл.

НАҚЛ (ар.) - халқ томонидан тўқилган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган оғзаки ҳикоя; ривоят.

НАҚШ (ар.) - ўйиб ёки бўёқ билан ишланган гул, безак.

НАҚШБАНДИЙЛИК (тар.) - Исломдаги сўфийлик тарижатларидан бири бўлиб, Баҳовуддин Нақшбандий асос солган.

Баҳовуддин ва унинг издошлари дастлабки даврларда тарки-дунёчилик ва факирликни, барча мавжудотларга муҳаббат билан қараш мазмунидаги ғояларини тарғиб қилганлар. Ўзлари ҳам зоҳидлик ва факирликда яшаганлар.

НАҚҚОД (ар.) - нарсанинг асл ва ноаслигини айирувчи мутахассис; “сарапи пучакдан айира билувчи” маъносини ҳам билдиради.

НАҒАЛ (ар.) - оёқ кийимининг пошнасига ёки таг чари учига коқиладиган тақача.

НАҒАМОТ (ар.) - куй, оҳанг.

НАҒМА (ар.) - лабда юргизиб, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби.

НАҒМАГАР (ар.+ф.-т.) - 1. Созанда, мусиқачи; 2. Қизиқувчи; масхаробоз.

НАҲАНГ (ф.-т.) - акула.

НАҲОР (а.) - Тонг ёришган пайт; эрта тонг

НАҲР (ар.) - дарё.

НАҲШАБ (тар.) - Қашқадарё воҳаси этагининг қадимги номланиши (хозирги Қарши воҳаси). Наҳшаб ҳақидаги дастлабки маълумотлар V асрда Хитой йилномасида қайд қилинган.

НИКОХ (ар.) - эр-хотинликни шариат йўли билан расмий-лаштириш маросими ва шу маросимда домла томонидан ўқила-диган шартнома.

НИКОҲОНА (ф.-т.) - Бухоро амирлигида XIX аср - XX аср бошида никоҳ муносабати билан олинадиган солик.

НИМ (ф.-т.) - ярим.

НИМ СУВ (ф.-т.) - Бухоро амирлигида XIX аср - XX аср бошида ярим кун, яъни 12 соат давомида ўз ерини сугориш учун сувдан фойдаланиш хуқуки.

НИМ ЙЎҚЧА (ЙОҚЧА) (ф.-т.) - Бухоро амирлигида XIX аср - XX аср бошида 3 соат давомида ер сугориш учун сувдан фойдаланиш хуқуки.

НИМ ЧАКСА (ф.-т.) - Бухоро амирлигида XIX аср - XX аср

бошида бир соат давомида ер сугориш учун сувдан фойдаланиш хукуки.

НИМКОРЛИК (ф.-т.) - ўрта асрлар даврига хос бўлган, бирорларнинг ерларини олиб ишлатиш усули. Нимкорликда кам ерли ёки от улови етмайдиган дехқон олган ҳосилининг ярмини ўзлаштириш шарти билан феодал ерига экин эккан. Ер эгаси деҳконга от-улов, уруғлик беради. Айрим ҳолларда унинг оиласига иш вақтида яшаш учун турар-жой ҳам ажратади. Ҳўжалик йили тугагач, ҳосилнинг ярмини дехқон, қолган ярмини эса ер эгаси олади.

НИМЧА I (ф.-т.) - енгиз калта кийим, астарсиз ёки авра-астарли бўлади. Асосан, аёллар кўйлак устидан киядилар. Духоба ва турли хил мовут, парча ва бошқа матолардан тикилади.

НИМЧА II (ф.-т.) - оғирлик ўлчови, 400 гр. дан ортиқ.

НИСОР I (т.) - илгари замонда подшоҳлар, хонлар, амирлар, умуман, бадавлат кишиларнинг катта тантана, айём, тўйтомуша кунларида тўпланганлар устига танга, чақалар сочиши; шунингдек, подшоҳлар, хонлар ва амирлар ўз қўл остидаги бирор шаҳар ёки қишлоқдан ўтганларида маҳаллий амалдор уларга нисор килган.

НИСОР II (ар.) - 1. Айнан қурбон; 2. Чочик (сочиқ килиш)

НИШОЛДА, НИШОЛЛА (?) - тухумнинг оқини етмак билан кўпиртириб, шакар қиёми қўшиб тайёрланадиган кўпиксимон, куюқ оқ ширинлик.

НИШОЛДАЧИ - нишолда қилувчи ва сотувчи.

НИШОНА (?) - XVIII-XIX аср бошларида Хива ҳонлигига солғут солиғидан бир йил давомида озод қилиниш тўғрисидағи хужжат. Одатда, бу хужжат кўшбеги ва меҳтар қариндошларининг биронтасига берилар эди, шунинг учун ҳам у нишонадори меҳтар деб ҳам аталган.

НОВ (ф.-т.) - сув чикариш, экинларни сугориш, ёғоч оқизиш, балиқ ўтказиш каби мақсадлар учун ишлатиладиган энсиз, қия сунъий канал, ариқча. Илгари чархпалакда чиқарилган сув нов орқали экинзорларга юборилган. Ёғоч оқизиш нови, ёғочларни

битталаб ёки кўплаб оқизиш, гидроиншоотдан ўтказиш учун мўлжалланади. Балиқ ўтказиш нови тўсиқсиз ва қарши оқимли бўлади.

НОВБОТ (ф.-т.) - шакар қиёмидан тайёрланадиган, ялтироқ қаттиқ ширинлик.

НОЗИР (ар.) - ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликларида сарой таъминоти ва унинг харж қилинишини назорат қилиб турувчи мансабдор. XX аср бошларида Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларида савдо, саноат, ҳарбий ва бошқа соҳалар бўйича халқ нозирлари тайинланган бўлиб, улар ўша соҳа бўйича ишнинг боришига жавобгар шахс хисобланганлар.

НОЙИБ (НОИБ) (ар.) - 1. Ўринбосар, ёрдамчи; 2. Ўрта асрларда мусулмон давлатларида ўлка ёки вилоят хукмдори. Олтин Ўрдада нойиб хоннинг йирик вилоятлардаги ёрдамчиси.

НОМА (ф.-т.) - 1. Расмий ёзишма, мактуб, хат; 2. Китоб, асар.

НОМИНА (ф.-т.) - сотиладиган мол, нарса намунаси.

НОР I (т.) - бир ўркачли эркак тужа.

НОР II (ар.) - ўт, олов.

НОР III (ф.-т.) - анор.

НОРБАЧЧА (т.+ф.-т.) - туюнинг боласи; бўталоқ.

НОРИН (т.) - пиширилган хамир ва гўштни (одатда, от гўшти) майдада тўғраб, аралаштириб тайёрланадиган овқат.

НОРИНЖ (ар.) - лимон, апельсин, мандарин сингари дараҳатлар жинсидан бўлган бир мевали дараҳат.

НОХИН (ф.-т.) - танбур торини чертиб чалиш учун ишлатиладиган маҳсус металл мослама.

НОШИР (ар.) - нашр этувчи, чоп қилувчи, чиқарувчи.

НОҚИД (ар.) - Салжукийлар даврида пул ва олтинларни текшириб, тортиб берувчи.

НОҚУР (ар.) - карнай.

НОҚУС (ар.) - зангўла, насронийлар ибодатхоналаридаги зангўла.

НОФОРА (ар.) - туваксимон сополга тери сириб ясалган ва иккита чўп билан уриб чалинадиган бир жуфт мусиқа асбоби.

НОФОРА ва БАЙРОҚ (ар.+т.) - ҳокимият белгиси. Уни қўлга олган шахс маълум мамлакатнинг олий ҳукмдори деб танилган.

НОХИЯ (ар.) - XIV-XVI асрларда Ўрта Осиё сарҳадида маъмурий бўлиниш тушунчаси хисобланиб, кичик маъмурий бўлинмани англатган.

НУЖУМ (ар.) - юлдузлар;

НУЖУМ ВА ТАҚВИМ АҲЛИ (ар.) - сайёralарнинг ўрни ва харакатини кузатувчи олим; астроном.

НУШБАНД (ф.-т.) - Бухоро амирлигида ортиқча сувни оқизиб кўядиган жой.

НУҚЛ (ар.) - ўрта асрларда май ичганда истеъмол қилинадиган ширинлик; мева ва шунга ўхшаш таом.

НУҚУЛ (т.) - XVIII-XX асрда Хива хонлигига “печак” парварда.

НЎЁН (м.-т.) - бир туман (10 минг киши) қўшин қўмондони. Қадимги турк ва мўғул қўшинларида шаҳзода ва сultonлар нўён деб аталган. *Масалан*, Чингизхоннинг кичик ўғли Тулуйхон Улуғ нўён, Субутой Баҳодир ва Жебелар нўён деб аталган. XIV-XVI асрларда энг нуфузли амирларгина нўён бўлган.

НЎХАТШЎРАК (ф.-т.) - нўхатни гўшт билан қайнатиб, димлаб тайёрланадиган тансик овқат.

НЎФОЙЛАР (тар.) - 1. Татарлар. 2. Шимолий Кавказнинг шарқий худудларида яшовчи, турк тилида сўзлашувчи халқлардан бири.

O

ОБАКИДАНДОН (ф.-т.) - шакар қиёмидан тайёрланган манпаси.

ОБГАРДОН (ф.-т.) - ошпазларнинг узун дастали катта, ичи чукур чўмичи.

ОБДАСТА (ф.-т.) - юз-қўл ювиш учун ишлатиладиган узун ва ингичка жўмракли, бўғзи тор идиш.

ОБДАСТАГАРДОН (ф.-т.) - йўколган ёки ўтирган нарса ўтристини “топиш” усули (бунда ичига сув солинган обдастани бўғзидан ип боғлаб, бармоққа осиб айлантирилади, дуолар ўқилади, обдаста айланишдан тўхтаганда унинг жўмраги даврада ўтирган гумондорлардан қайси бирининг қаршисида тўхтаса, ўша киши “ўтри” саналади).

ОБДИШ, ОБИДИШ (ф.-т.) - чойдиш, човгун.

ОБДОВ (ф.-т.) - ёгин суви тез оқиб тушиб кетиши учун қилинадиган том қиялиги; нишаб.

ОБЖУВОЗ (ф.-т.) - 1. Сув кучи билан юрадиган, шоли окладиган курилма; 2. XIX-XX асрнинг бошларида шолини гуручга айлантириш учун фойдаланилган мослама, яъни жувоз сув кучи билан ҳаракатга келтирилганлиги учун обжувоз дейилган. Кейинчалик у ўзбек тилида сув жувоз дейилган.

ОБЖУВОЗ ПУЛИ (ф.-т.) - Бухоро амирлигига XIX аср - XX аср бошида шоли ва сўли янчиш учун олинган. Бухоро амирлигига шоли ва сўли окловчи обжувоздан йилига 20 тангадан 100 тангагача бўлган микдорда солик олинган.

ОБЖУВОЗХОНА (ф.-т.) - шундай курилма ўрнатилган хона; обжувозхона.

ОБЖУВОЗЧИ (ф.-т.) - 1. Обжувозда ишловчи, обжувозда шоли окловчи одам; 2. Обжувоз эгаси, хўжайини.

ОБЖЎШ (ф.-т.) - Хива хонлигига ишқор майиз шундай аталган.

ОБКАНД (ф.-т.) - қалъа атрофида мудофаа максалида қазил-

ган ва сув билан тўлдирилган сунъий тўсик. Обканд қалъа девор-ларидан 200 метрча наридан қазилган.

ОБКАШ (ф.-т.) - асосан, чељакда сув ташиш учун ишлати-ладиган мослама. Елкага қўйишга қулайлаштириб, ёғочдан қили-нади. Икки учида чељак илмоги ёки занжири бўлади. Турли суюк-лик, мева ва сабзавотлар ташишда ҳам ишлатилади.

ОБОФА (т.) - амаки.

ОБРАХА (ф.-т.) - сув йўли, ариқ (қўшнининг ери, ховли-жойи орқали ўтказилган ариқ).

ОВАСТО (қад. сўғд) - *кар*. Авесто.

ОВБОШИ (ф.-т.) - овда биринчи ўлжа.

ОВЛОҚ (т.) - ов қилинадиган жой; кимсасиз, чет.

ОВСИН (т.) - aka-укаларнинг хотинлари (бир-бирига нис-батан).

ОВУЛ (т.) - кўчманчи чорвадорлар ўрнашган жой; қишлоқ.

ОДОҚ (т.) - тамом, охир.

ОДДИЙ ХУСУСИЙ МУЛК (т.) - Хива хонлигига қа-димдан ҳалқ қўлида мавжуд бўлган ерлар йигиндиси. Ушбу ер-лардан ҳам солгут (яъни пул солиғи) олинган.

ОЗАР (қад.эрон.) - 1. Олов,оташ. 2.Шамсий йилининг 9-ойи номи, 22 ноябрь-21 декабрга тўғри келади.

ОЗУРДА (ф.-т.) - озор чеккан, ранжиган деган маънони англаштган.

ОЙРОТЛАР (тар.) - туркий тилда сўзлашувчи, Олтой ўлка-сида яшовчи ҳалқ.

ОЙТАМҒАЛИ (тар.) - ўзбек ҳалқи таркибига кирган дўрмон, кипчоқ, курама, қўнғирот, нурота туркманлари ва бошқа йирик қабилалар таркибига кирган йирик уруғлардан бири.

ОЛ I (ар.) - авлод, наасаб, уруғ; сулола.

ОЛ II (т.) - душманни чалғитиш учун ўрта асрларда қўлланил-ган ҳийла-найранг, тактикавий усул. Кичик бир қисмни чеки-нишга буюриб, уни таъқиб қилиб ҳужумга ўтган душманни пис-тирма исканжасига олиш. Ол усулларидан бири тўлгама деб атал-

ган. Бунда душманнинг сўл ва ўнг тарафидан ўтиб зарба берилган. Даастлаб, Чингизхон, Темур ва Абдуллахон ўз юришларида ол усуулларидан усталик билан фойдаланишган.

ОЛ III (т.) - подшо муҳри, имзо.

ОЛАМГИР (ар.+ф.-т.) - оламни фатҳ этувчи, оламни олувчи; жаҳонгир.

ОЛТУНТАМФА (т.) - мўғул хокимларининг тиллога урилган муҳрлари.

ОЛАМПАНОҲ (ар. ф.-т.) - подшоҳлар, хонлар эпитети.

ОЛАЧА (п.) - йўл-йўл мато.

ОЛМОН (фр.) - герман халқи, немислар.

ОЛМОС (?) - шаффоф, ялтироқ, қимматбаҳо табиий тош (тарашлаб маълум шаклга келтирилгани бриллиант деб аталади).

ОЛТИНТАМФА (тар.) - ўзбек халқининг этник составига кирган қабилалардан бирининг номи.

ОЛТИН ЎРДА (тар.) - тарихий манбаларда Жўчи улуси деб ҳам юритилади. XII асрнинг 40-йилларида Чингизхоннинг на-бираси Жўчихоннинг ўғли Ботухон (1208-1255 й.) томонидан босиб олинган Шарқий Европа Жўчи улусига қўшилгач, ташкил топган давлат Олтин Ўрда деб аталган. Олтин Ўрдага Куйи Дунай, Фин қўлтиғидан то Иртиш ҳавзаси ва Обнинг қўйи оқимиғача, Қора, Каспий, Орол дengизлари ҳамда Балхаш кўлидан Новгород ерларигача бўлган жойлар кирган. Рус ерлари Олтин Ўрдага вассал, яъни қарам бўлган. Олтин Ўрданинг пойтахти, даастлаб, хозирги Астрахан шаҳри яқинидаги Сарой Боту, кейинроқ эса ҳозирги Волгоград яқинидаги Сарой Берка шаҳарлари бўлган. XV асрнинг 20-йилларида Олтин Ўрдадан Сибирь хонлиги, Қозон хонлиги (1438 й.), Крим хонлиги (1443 й.), Нўғой хонлиги (1440 й.) ва Астрахан хонликлари ажralиб чиққан.

ОЛТУНТАМА/А (Т.) - мўғул хокимларининг тиллога урилган муҳрлари.

ОЛЧИН (тар.) - ўзбек халқининг этник таркибиغا кирган уруғлардан бирининг номи.

ОЛЧОҚ (т.) - разил, ёвуз.

ОМИ (ар.) - саводсиз, ўқимаган; авом.

ОМИЛ (ар.) - 1. Солик йиғувчилик лавозимидағи кишилар маъносини англатувчи тарихий атама ҳисобланиб, IX-XIII асрларда Мовароуннахрда кенг қўлланилган. Тарихий манбаларда омиллар, асосан, хизматчи ёки амалдор маъноларида кўплаб учрайди; 2. Салжуқийлар даврида амалдор, закотчи, хирож йиғиб оладиган амалдор.

ОМИЛИ ХИРОЖ (ар.) - хирож йиғиш ишлари мутасаддиси.

ОМОЧ (?) - уловга кўшиб ер ҳайдайдиган металл тишли, оддий ёғоч асбоб.

ОРИЗ I (ар.) - 1. Салжуқийлар даврида аскарлар ва мансабдорларга маош улашиш ишларини бошқарадиган киши;

2. Ўрта асрларда Бухоро хонлигига мавжуд бўлган лавозимлардан. Аскарлар ва мансабдорларга маош улашиш ишларини бошқариш бўйича масъул шахс. Бу ерда хазиначи маъносида ҳам тушуниш мумкин.

OPT (т.) - орқа томон.

ОСИЁ I (юн.) - аслида, юононча Asia сўзидан олинган. Айрим манбаларда қайд этилишича, осурийча “асу”-шарқ деган сўздан олинган деган фикр ҳам мавжуд. Осиё Ер шариати энг катта қитъя бўлиб, Евроосиё материгининг бир қисми ҳисобланади.

ОСИЁ II (ф.-т.) - тегирмон.

ОСИЁ III (тар.) - Туркистонда нашр этилган жадидлар газетасининг номи. 1908 йил 9 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳрида А. Бектемиров бошчилигига газета чоп этилган. Газетанинг жами 5 та сони чиқкан.

ОСИЁ ПУЛИ (ф.-т.) - Бухоро амирлигига XIX аср - XX аср бошида сув тегирмонларидан олинган солик тури. У тегирмон пули ҳам дейилган. Бухоро амирлигига ҳар бир сув тегирмонидан йилига 20 тангадан 100 тангагача бўлган микдорда солик олинган.

ОСИЙ (ар.) - 1. Ислом дини ақидаларига кўра дин ва шариатга зид харакат қилган, худога ва муқаддас китобга “тил тезизган” гунохкор шахс; 2. Қўзғолончи, исёнкор.

ОСОР (ар.) - асарлар, белгилар, нишоналар.

ОСОРИ АТИҚА (ар.) - қадим дунё нишоналари, қадимдан, антик дунёдан қолган ёдгорликлар, обидалар.

ОСТОНА (ф.-т.) - 1. Эшик, дарвоза чорчўпининг остики кўндаланг ёғочи; бинога, ховлига кираверишдаги ерга кўндаланг ётқизилган ёғоч, тахта, харсанг ва шу кабилар; 2. Дарё остидаги, баъзан сувдан чиқиб, кўриниб турадиган ва сув оқимини тезлаштириб, кемалар қатновини кийинлаштирадиган дўнглик.

ОСУДА (ф.-т.) - тинч, беташвиш; хотиржам.

ОТАЛИК (т.) - дастлаб. салжуқийлар сулоласи даврида (1038-1194) хон эътиборини қозонган кишиларга берилган мансаб. Оталиқ-“Ота ўрнига ота” деган мазмунга эга бўлиб, унинг вазифаси шаҳзода ёки хонзодаларни тарбиялаш ва улар ихтиёридаги улусни балоғатга етгунларига қадар бошқаришдан иборат бўлган. Тарихда баъзи оталиклар хокимиятни ўз қўлларига олган холлар ҳам бўлган. Чунончи, аштархонийлар сулоласи хукмронлиги даврида (1599-1753) Балҳда Маҳмудбий оталиқ (XVIII аср бошлари), Манғитлар сулоласи хукмронлиги даврида (1756-1920 йй.) Бухорода Муҳаммад Раҳим оталиқ (1756-1758 йй.) мана шундай йўл оркали хокимиятни эгаллаган.

ОТАР (т.) - яйловда боқиладиган кўйларнинг ҳар бир йирик тўдаси; йирик пода.

ОТАШ (ф.-т.) - ўт, олов.

ОТАШ МАҲРАМ (ф.-т.) - хон хузурида кўриниш хонада (қабул залида) хизмат килувчи мулозим. Бундай холларда хон оғзаки фармойиш берар эди. Лекин унинг фармойишини хоннинг энг яқин мулозимлари, шунингдек, энг яқин маҳрамлари топширас эдилар. Хазина дафтарларида ва бошқа ҳужжатларда одатда бундай деб ёзилган: Ҳазратимизнинг фармойишлари билан фалон мулозим бундай дейди, дейилади. Энг муҳим фармойишлар (бирон кишини вазифага тайинлаш, ер бериш ва шу кабилар) ёзма тариқа бериларди, аммо хоннинг ўзи имзо чекмас эди. Бундай фармойишга хоннинг котиби унинг муҳрини босар эди. Умуман, Ҳивада ҳеч бир мулозим шахсан қўл қўймас, имзо ўрнига муҳр босиши билан чекланар эди.

ОТАШАРАВА (ф.-т.-ар.) - паровоз, поезд.

ОТАШГОХ (ф.-т.) - ўт, олов ёниб турган жой.

ОТАШДОН (ф.-т.) - ўтхона.

ОТАШЗАБОН (ф.-т.) - нутки ўткир, таъсирчан; сўзга уста, сўз билан қалбларни хаяжонга келтирадиган.

ОТАШКАДА, ОТАШХОНА (ф.-т.) - оташпарамалар ибодатхоналари.

ОТАШКАДА (ф.-т.) - оташпарамалар сифинган, доимий олов ёниб турадиган маҳсус бино. Зардуштийликда олов мукаддас хисобланиб, унга сифинганлар. Ҳар бир шаҳар ва катта қишлоқда оташкадалар бўлган.

ОТАШКУРАК (ф.-т.) - ёниб ёки қизиб турган нарсани, чўғни қисиб олиш, оловни тузатиш учун ишлатиладиган уй-рўзгор асбоби.

ОТАШПАРАСТЛИК (ф.-т.) - оловга талпиниш, сифиниш оташпарамалик дейилган. Қадимги даврларда олов одамларни гунохлардан тозаловчи сеҳрли хусусиятга эга деб хисобланган. Оловга сифиниш оловнинг инсон хаётида катта аҳамиятга эга бўлганлиги ва уни саклаш қийинлиги натижасида вужудга келган.

ОТИН (т.) - эски диний мактабларда қизлар ўқитувчиси. Отинлар аёллар ўргасидаги диний маросимларни ўтказишида бошлиқ қилиб, уларга диний маълумот бериб, улардан тушадиган даромад хисобига яшаганлар.

ОТИНБУ (т.) - Отин биби, отин буви.

ОТИНЧА (т.) - ўқимишли ёш хотин ёки қиз.

ОФТОБАЧИ (ф.-т.) - Ўрта Осиё хонликларида хукмдор саройида хукмдорнинг кўлига сув қуювчи шахс бўлиб, юкори мавқега эга бўлган лавозимлардан бири. Офтобачи давлат ишлари билан шугулланувчи мансабдор хам бўлган. *Масалан*, Кўкон хонлигига Худоёрхон даврида Абдураҳмон офтобачи масъулиятили давлат топширикларини адо этган. Хива хонлигига эса офтобачи хоннинг таҳоратига сув берувчи хисобланган.

ОФТОБРЎЙ (ф.-т.) - 1. Қуёшга қараган, қуёш нури кўп тушадиган кунгай; 2. Офтобчувок.

ОФТОБТИФА (ф.-т.) - офтоб нури тикиб турадиган ер.

ОФТОБЧУВОК (ф.-т.) - баҳорги таъсир кучи кам, ёқимли офтоб.

ОХРАНКА (р.) - Туркистон ўлкасида чор Россияси ҳукмронлиги даврида яширин полиция ташкилоти шундай аталган.

ОХУНД (ф.-т.) - 1. Ўқимишли, илмли киши; мулла, домла.

2. Халқ ичидаги уйғурларга қўйилган лақаб.

ОХУРСОЛОР (т.) - қар. Мирохур

ОХУРБЕК (?) - қар. Мирохур

ОЧАМАЙЛИ (тар.) - дўрмон, кенагас, найман, қўнғирот, қурама, юз қабилаларининг таркибидаги йирик уруглардан бири.

ОШЁН (ф.-т.) - күш уяси; ин; макон, бошпана.

ОШЁНА (ф.-т.) - бинонинг юкори кавати; юкори каватдаги хона.

ОШЛИФ (ф.-т.+т) - кўчманчи ўзбеклар давлатида мавжуд бўлган, факат ўтрок аҳолидан олинадиган солик тури бўлиб, у озиқ-овқат солиги деб хам юритилган. Бу солик факат уруш пайтида олинган. Ошлиф халқ учун энг оғир солик бўлиб, у фавқулодда ҳолатларда жорий қилинган. Ошлигнинг микдори хон ва зодагонларнинг заруриятлари ҳамда эҳтиёжларига боғлиқ бўлган. Бу солик тури ўтрок аҳоли учун ниҳоятда оғир бўлиб, одатда у йиғиб олингандан кейин, ҳатто бутунбутун қишлоқлар хонавайрон бўлган.

ОЯТ (ар.) - куръонда ёзилган насиҳат ва ривоятлардан ҳар бири.

ОЯТУЛЛО (ар.) - Исломнинг шия мазҳабида ўз муридлари, шогирдлари ва маслакдошлари бўлган, шунингдек, муайян худудда яшовчи атоқли диний арбоблар орасида шуҳрати кетган диний олимнинг диний рутбаси. Шия анъаналарига кўра, ақоид, яъни ислом илоҳиёти, хадислар ва мусулмон ҳукуки соҳасида мукаммал маълумоти бўлган, тақвадорона ҳаёт кечирадиган, ислом таълимотини ва шариат нормаларини мустақил шарҳлай оладиган диний арбобгина оятулло бўла олади. Одатда, оятулло шиалик анъаналарига ўз кўшимчаларини киритган асар муаллифи бўлади. Эронда XX асрнинг 70-80-йилларида шаҳаншохга қарши курашда

ном чикарган диний сиёсий арбоб оятулло Ҳумайний - Буюк Оятулло хисобланган.

ОҚИН (ф.-т.) - халқ шоири; баҳши.

ОҚИШОҚ (т.) - гуручнинг майдалангани.

ОҚЛИК (т.) - 1. Сут ва сутдан тайёрланадиган маҳсулотлар (катик, қаймоқ ва шу кабилар); 2. Пиширилган сутни ивтиш (катик қилиш) учун унга солинадиган озгина катик; томизги; 3. Тўйга розилик белгиси сифатида совчиларга совға қилинадиган оқ ёки оч, очик рангли газлама, рўмол, кийим-кечак; 4. Кўмиш маросимига, азага келганларга бўлиб бериладиган рўмолчабоп газлама; йириши.

ОҚ МАСЖИД (тар.) - ҳозирги Қизил Ўрда шаҳрининг аввалги номи.

ОҚОВА (т.) - ҳовуз, экинзор каби жойларга бир томондан кириб, иккинчи томондан чиқиб кетадиган сув; партов сув.

ОҚПАДАР (?) - отаси лаънат қилган, лаънатланган, юз ўйрган.

ОҚСОҚ (т.) - оқсаб юрадиган.

ОҚСОҚОЛ (т.) - 1. XX аср бошларига қадар Ўрта Осиё худудида бир бир неча маҳалла ёки кишлоққа бошлиқ, мутассади бўлган маҳаллий амалдор; 2. Соч-соқоли оқарган кекса киши, мўйсафид.

ОҚСОҚОЛЛАР (т.) - қария, мўйсафид, катта, бошлиқ, арбоб. Хива хонлигига мансабдор ва ҳурматли кишилар бўлиб, улар элчиларни қабул килар ёки бошқа тантанали маросимларда катнашар эдилар. Шунингдек, ўрта асрларда бутун Ўрта Осиё худудида кишлок жамоаси бошлиғи ҳам оқсоқоллар деб аталган. Тошкент ва бошқа шу каби Туркистон ўлкасининг йирик шаҳарларидаги даҳа бошликлари ҳам оқсоқоллар деб аталган.

ОҚСОЛАР (т.) - мотам муддати (бир йил) ўтиши муносабати билан ўтказиладиган маросим (бунда мархумнинг яқин кишилари бир-бирларига оқ кийимлик тақдим қиласилар ва мотам либосларини ташлаб, оқ оддий кийимларини киядилар).

ОҚСОЧ (т.) - бойлар, зодагонлар оиласида ёлланиб хизмат қилувчи аёл, хизматкор аёл.

ОҚСУЯК (т.) - Мулкдор тоифага мансуб киши; аристократ.

ОҒА (т.) - энг катта ака.

ОҒАЙНИ (т.) - ошна, биродар.

ОҒАЛИҚ (т.) - Бухоро амирлигига айрим вилоят ҳокимларининг амир тасдиғидан ўтган вакили. Амир тўрт вилоят (Чоржўй, Қарши, Шахрисабз, Китоб) учун оғалиқ тайинлаган. Мазкур вилоятлар аҳолиси ўрта асрларда амир ҳокимииятига узоқ вакт бўйсунмай келган. Аҳолининг исёнкорлик руҳи амирни аҳоли билан вилоят ҳокими ўртасида воситалик қилувчи шундай вакил тайинлашга мажбур этган.

ОҒАЧА (т.) - 1. Хон саройи ёки бойлар эшигидаги хизматкор аёл; чўри; 2. Бой уйғурлар оиласида кекса хотин.

ОҒИЛ (т.) - уй ҳайвонларини саклашга хизмат қиладиган курилма.

ОҒУ (?) - захар.

ОҒУЛИ (?) - захар солинган, заҳар қўшилган; заҳарли.

ОҒУШ (ф.-т.) - кучок; қўйин, багр.

ОҲАНЖАМА (ф.-т.) - 1. Ажойиб-ғаройиб безак, бежама; 2. Ажойиб-ғаройиб иш, ҳаракат, тартиб, килиқ, ғалва.

ОҲАНГРАБО (ф.-т.) - магнит.

П

ПАДАРКУШ (ф.-т.) - ўз отасини ўлдирган қотил.

ПАЙКАЛ (ФАЙКАЛ) ПОЙКОР (ф.-т.) - 1. Марза, арик, йўл ва шу кабилар билан ажратилган катта экин майдони; 2. XIX асрда Бухорода, асосан, сугориладиган ерларнинг маълум бир мавзеси ёки участкаси.

ПАЙМОНА (ф.-т.) - ичкилик ичиладиган идиш; қадаҳ, пиёла.

ПАЙРОВ (ф.-т.) - 1. Кетма-кет келувчи, эргашувчи, издош; 2. Аския учун танлаб олинган маълум мавзу; 3. Гап ёки сухбатдан келиб чиқадиган маъно, кузатилган мақсад, хулоса.

ПАЙСА (ф.-т.) - 1. Тахминан 50 граммга teng оғирлик ўлчов бирлиги; 2. Бухоро хонлигига: беш тийинли чақа.

ПАЙЧИ (ф.-т.) - шерикчилик асосидаги иш учун пай қўшган киши; хиссадор.

ПАЙШАНБАЛИК (ф.-т.) - эски мактабларда пайшанба куни болалар домлага келтирадиган пул, нон ва шу каби инъомлар.

ПАККИ (ф.-т.) - тифи сопи ичига қайириб ёпиб қўйиладиган пичоқча; қаламтарош.

ПАЛАК (ф.-т.) - 1. Қовун, бодринг ва шу каби ўсимликларнинг ерда ёйилиб ўсадиган тана, шоҳ ва барглари; 2. Доира шаклида гул-нақш билан қопланган, одатда, уй деворларига безак учун осиладиган каштачилик маҳсулоти.

ПАЛАНГ (ф.-т.) - 1. Йўлбарс; 2. Орқалаб юқ ташишда ишлатиладиган маҳсус ёстиқча.

ПАЛАХМОН (ф.-т.) - тош отиш учун ишлатилган жуда қадимий ибтидоий курол. Қар. Палакмон.

ПАЛАХСА (т.) - ер чопиш ёки ҳайдашда уваланмасдан, бутун холда кўчган катта япалоқ кесак.

ПАЛЕОГРАФИЯ (р. <грек.) - қадимги қўлёзмалар ёзувини ва уларнинг ташки кўринишини ўрганадиган фан.

ПАЛЕОЗОЙ (р.<грек) - ер геологик тарихининг қадимги учинчи эраси (бу эрада Ер юзида папоротниклар, ялангоч уруғли биринчи игнабаргиллар, баликлар, амфибиялар пайдо бўлган).

ПАЛЕОЛИТ (р.<грек) - тош асрининг энг қадимги даври (бу даврда ибтидоий одамлар тошдан турли куроллар ясай бошлигаган).

ПАЛЕОНТОЛОГ (р.) - палеонтология олими, мутахассиси.

ПАЛИД (ф.-т.) - ортиқ даражада кир, ифлос.

ПАЛАҚМОН (ф.-т.) - қадимги даврларда катта тошларни отиш учун ишлатилган курол сопкон. Бу куроллардан қалья де-ворларини бузишида қўлланилган.

ПАНЖО САДБОШИ (ф.-т.) - эллик маҳрамга бошлик.

ПАНЖ ҲАЗОРИ (ф.-т) - беш минг аскарнинг бошлиғи.

ПАНИСЛОМИЗМ (тар.) - XIX асрнинг охирида Ўрта Шарқдаги мусулмон мамлакатларида вужудга келган диний-сиёсий оқим. Асосчиси Жамол ад-дин ал-Афғоний. Панисломизм тарафдорлари мусулмонлар бирлиги ва уларни халифа раҳбарлигидаги ягона мусулмон давлатига бирлаштириш зарурлиги гоясини илгари сурган. Панисломизм тарафдорлари мустамлакачиларга қарши фаол тарғибот олиб борганлар, маҳфий ташкилотлар тузганлар, рӯзномалар нашр қилганлар. Айни вактда, панисломчилар диний ислоҳчилик мавқеида туриб, ислом динини давр талабларига мувоғик ислоҳ қилишга ҳам интилганлар.

ПАНТУРКИЗМ (тар.) - XIX аср охири - XX аср бошларида Туркияда ташкил топган оқим. Пантуркизм Болқон ярим ороли, Ўрта Осиё ва Қозогистон, Закавказье ва Волга бўйларида яшаб, туркий тилларда сўзлашувчи ҳалкларни Туркия химояси остида бирлаштириш ва “Улуғ Турон” давлатини тузиш гоясини олга сурган. Ўрта Осиё, Закавказье ва Татаристон жадидлари пантуркизм гоясидан туркий тилларда сўзлашувчи ҳалкларнинг мустамлакачиликка қарши кураши йўлида фойдаланишга харакат қилганлар, аммо бу харакат натижасиз тугаган. Кейинчалик кўпгина маҳаллий зиёлилар шўролар хукумати томонидан пантуркчилик тамғаси билан қатағон қилинган.

ПАРВИН (ф.-т.) - Савр юлдузлар туркумидаги етти юлдуз.

ПАРГАР (ф.-т.) - циркуль.

ПАРИ (ф.-т.) - жуда гўзал қиз қиёфасидаги, гўё нурдан яратилган, кишиларни инс-жинслардан саклайдиган афсонавий маҳлук.

ПАРИВАШ (ф.-т.) - парига ўхшаш, жуда гўзал, хушрўй нозанин.

ПАРИЗОД (ф.-т.) - паридан тугилган.

ПАРВОНА (ф.-т.) - амр, фармон, бўйруқ.

ПАРВОНАЧИ (ф.-т.) - XVII-XVIII асрларда Бухоро хонлигига мавжуд бўлган мансаб; вазир мувовини, фармон ижро қилувчи. Парвоначи хон фармонларини ёзиб тегишли кишиларга етказиб турган. Юқори мансабга тайинланган амалдор парвоначи томонидан битилган фармонни уч кун мобайнида ўз салласига қистириб юриши лозим бўлган.

ПАРРАК (тар.) - қадимги даврда ҳозирги Чирчик дарёси шундай аталган.

ПАХТАПАРРОН (ф.-т.) - Бухоро амирлигига, айниқса, амир Олимхон даврида ҳарбий машқ пайтида ишлатилган ўқлар. Одатда, ўқларнинг ичига сочма порох ўрнига арпа қипиги солиниб ҳарбий машқ ўтказилган.

ПАШМАК (ф.-т.) - ёғда ковурилган ун ва қиёмдан тайёрланган тола-тола маҳаллий ширинлик.

ПАҚИР (т.) - челак.

ПАҲЛАВИЙ (қад.эр.) - Аршак ва Сосонийлар даврига оид.

ПАҲЛАВОН (ф.-т.) - кучли, жасоратли жангчига бериладиган унвон.

ПЕЧЕНЕГЛАР (БИЖАНАК, БИЖИНА) (тар.) - қадимги туркий қавмлардан бири. Буларнинг илк аждодлари Сирдарё соҳиларида ва унга туташ чўлларда яшаб, милоддан аввалги III асрда Қанғ давлатини барпо эишда фаол қатнашганлар. Қанғ давлати инкиrozга учрагач (V аср ўрталарида), қанғарлар ва печенеглар Сирдарёнинг куйи оқимларида ўрнашиб, янги қабила иттифокларини ташкил этадилар. Печенеглар VI-VII асрлар давомида Ғарбий турк хоқонлиги тасарруфида бўладилар. VII-IX асрларда Сирдарё бўйларида ўгузлар хукмронлик қила бошлай-

дилар. Печенегларнинг бир кисми ўғузларга тобе бўлиб Сирдарё соҳилларида қолган эдилар. Ўғузларга бўйсунмаган печенегларнинг катта бир гурухи шу асрларда чекиниб, Каспий денгизининг шимолидаги худудларга (асосан, Урал тоғлари ва Волга дарёси оралиғига) бориб жойлашадилар. Курашларга бардош беролмаган печенегларнинг талай кисми Волга дарёсини кечиб ўтиб, Жанубий Рус чўлларига ва кейинчалик (Хаср) Юнонистон ва Венгрия худудларига бориб жойлашиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетадилар. Сирдарё соҳилларида қолган печенеглар ўзбек халқларининг таркибиғига кириб, унга коришиб кетганлар.

ПЕШКАШ (ф.-т.) - совға, тортиқ деган маънони англатади. Бу XV-XVI асрларда кўчманчи уругларнинг йирик амалдорлари томонидан ўз хонларига катта ғалабалар шарофати билан киладиган совға бўлган. Пешкаш, асосан, чорва, ов қушлари, қимматбаҳо кийимлар, нақл пул, жавохир кабилардан иборат бўлган. Баъзан ноёб китоблар ҳам пешкаш қилинган.

ПЕШАЙВОН (ф.-т.) - уй ёки иморат олдига қурилган айвон.

ПЕШДОР (ф.-т.) - қўшин олдида борувчи, илфор; авангард.

ПЕШМАТ (ф.-т.) - тиззагача тушадиган, хипча бел устки кийим, узун камзул.

ПЕШРАВ (ф.-т.) - бошлаб борувчи, етакловчи; нишона.

ПЕШТАЛҚИН (ф.-т.) - жўр бўлиб қўшиқ айтганда бошловчи хонанда.

ПЕШТАҲАМ (ф.-т.) - оғзига келган ножӯя, уятли сўзларни қайтармай айтаверадиган, оғзи бузук.

ПЕШТОҚ (ф.-т.) - биноларнинг олд томонидаги серҳашам юкори кисми; арк.

ПИЙМА (р.) - жундан босиб тайёрланган, қўнжли, иссик кишилик оёқ кийим.

ПИЛИК (ф.-т.) - 1. Бир учи ёритқич асбоб ичидаги кероини ёки мойни шимиб, иккинчи-ёнувчи учига ўтказиб берадиган лентасимон мато ёки эшилган пахта; 2. Соч ўрими ечилиб кетмаслиги учун унинг учига қўшиб ўрилган пахта; 3. Арвоҳлар-

га, инсу-жинсларга атаб ёкиш учун бир учиға пахта ўраб ёққа ботирилган чўп.

ПИР (ф.-т.) - сўфийлик анъанасида тариқатларнинг олий раҳнамолари ёки обрўли раҳнамолар. Шунингдек, ҳар бир мурид ўз муршидини ҳам пир деб атаган.

ПИСКАТ (БИСКАТ) (тар.) - Оҳангарон воҳасида жойлашган қадимий катта қишлоқ; Тошкентнинг жанубишаркий тарафига, ундан таҳминан 60 км масофада жойлашган хозирги Пискент кўргони.

ПИСТИРМА (т.) - душманга тўсатдан зарба бериш мақсадида олдиндан тайёрлаб қўйилган яширин қурилма ёки жой.

ПОДШОХ (қад.эр.) - 1. Яқин ва Ўрта Шарқдаги бъази мамлакат ҳукмдорларининг унвони. Дастлаб қадимги Эронда қўлланилган. Подшоҳлар чекланмаган ҳукукларга эга бўлган. Аммо XX асрнинг бошида уларнинг аввалини мавқеи йўқолган; 2. Ўрта Осиё ва Эронда ёзилган тарихий манбаларда ва турли хил адабий тазкира ва рисолаларда қайд қилинишича, Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган туркий ҳалқларнинг давлат бошликлари.

ПОЙГАҲ (ПОЙГОҲ) (ф.-т.) - хонанинг эшикка яқин қисми, паст томони;

ПОЙКАР (ф.-т.) - Бухоро амирлигига ариқ оқсоқоллари кўл остида хизмат қилувчи бир неча пойкарлар бўлиб, улар ариқ оқсоқоллар билан мироблар ўртасида доимий алоқани ушлаб туриш учун хизмат қилган.

ПОЙКЎП (ф.-т.) - обжувознинг шоли янчадиган, бир учи босилгандা иккинчи учи кўтарилиб тушадиган қисми, обжувознинг гурзиси.

ПОЙКЎПХОНА(ф.-т.) - жувозхона, обжувоз.

ПОЙНАҚ (ф.-т.) - 1. Туҳумнинг тўмтоқ томони, кети; 2. Пичоқ, ҳанжар, қилич ва шу каби асбоблар қинининг учиға кийгизиб қўйиладиган, уни тешилишдан сақлайдиган металл учлик.

ПОЙНОВ (ф.-т.) - ариқ, ховуз ва шу кабиларнинг суви оқиб чикиб кетадиган томони, этаги.

ПОЙТЕША (ф.-т.) - тик туриб ёғоч йўниш ва текислаш учун ишлатиладиган дастаси узун катта теша.

ПОКУ (ф.-т.) - устара.

ПОНСАД (ф.-т.) - Ўрта Осиё хонликларида қўлланилган ҳарбий унвон. Понсад 500 кишидан иборат отрядга қўмондонлик қилган. Кўқон хонлигига мавжуд бўлган мансаблар ичидаги 16-ўринда, ҳарбий унвонлар орасида эса мингбошидан кейинги ўринда турган. Понсад одатда, хон ва бек томонидан тайинланиб, баъзи соликлардан қисман ёки бутунлай озод қилинган ҳамда унга ҳар иили икки марта маълум микдорда ғалла, пул ва сарполар берилган.

ПОСАНГИ (ф.-т.) - тарозиларни созлаш учун ишлатиладиган юкча.

ПОЧАПЎСТИН (ф.-т.) - тулки ва бошқа ҳайвонларнинг мўйнасидан тикилган сирма пўстин.

ПОШШО (аслида подшоҳ) - 1. *Қар.* Подшоҳ; 2. Усмонли турк империясида фуқаро ва ҳарбий амалдорларга берилган фаҳрий унвон. Дастреба вазир, бекларбеки ва бошқа юқори мансабдор шахслар унга сазовор бўлган. XIX асрдаги ислоҳотдан кейин мунтазам армия тузилгач, пошшо фаҳрий унвони генерал ва вазирларга ҳам берилган.

ПОЯНДА МАҲРАМ (ф.-т.) - XIX асрда Хива хонлигига сарой хизматчилари ва хизматкорлари шундай аталган.

ПОЯНДОЗ (ПОЙАНДОЗ)(ф.-т.) - алоҳида ҳурмат белгиси сифатида меҳмон оёғи остига тўшаладиган газмол, гилам ёки кўрпача. Қадимдан пояндоз обрўли меҳмонлар кутиб олинганда, келин туширилганда ишлатилган. Кўрпача.

ПОФОНА (т.) - пиллапоя, зинапоя, босқич.

ПУК (т.) - ошиқнинг дўймоқ томони.

ПУККА (т.) - ошиқнинг дўнг томони тепага қараган ҳолати.

ПУЛИ ТАХТАЖОЙ (ф.-т.) - Бухоро амирлигига XIX аср - XX аср бошида ушбу солик тури бозорда мол ва уй ҳайвонлари эгаллаган жой учун тўланган.

ПУШТАН (ф.-т.) - эгарнинг от қорнидан айлантириб ўтказиб боғлаб кўйиладиган тасмаси; қоринбог.

ПЎМ (ф.-т.) - бир-бири билан гаплашмай қўйган, уришиб колган; аразлашган деган маънени англатади.

ПҮРІМ (?) - башанг, олифта.

ПҮРТАНА (итал.) - күчли денгиз түлкіни; довул, бўрон.

ПҮРТАХОЛ (ар.) - апельсин.

ПҮСТИН (ф.-т.) - мўйнали ошланган теридан тикилган, узун, иссиқ устки қишлиқ кийим.

ПҮСТИНДЎЗ (ф.-т.) - пўстин тикадиган уста, мўйнадўз.

ПЎТА (?)- 1. Косиб ва кўнчиларда 9,3 квадрат дециметрга тенг сатҳ ўлчов бирлиги; 2. Фўта.

P

РАБ (ар.) - Аллох, тангри, парвардигор.

РАБИУЛАВВАЛ (ар.) - камария йил хисобида учинчи ойнинг арабча номи.

РАБИУССОНӢ (ар.) - қамария йил хисобида тўртинчи ойнинг арабча номи.

РАБОД (ар.) - мусулмон Шарқидаги ўрта аср шаҳарларининг савдо ва хунармандчилик дўконлари жойлашган қисми. Рабодлар VII-VIII асрларда пайдо бўлиб, шаҳарларнинг арки ёки шахристоннинг атрофига қурилган. XI-XII асрларда Ўрта Осиё шаҳарларининг мустакил қисмига айланган.

РАБОТ (ар.) - гозийларга мўлжаллаб қурилган маҳсус бинолар. Работ фақат қўрғон, истехкомгина эмас, шу билан бирга меҳмонхона (карвонсарой) маъносида ҳам тушунилган.

РАВ (ф.-т.) - бир оз вакт, бир лаҳза, бир дам, бир зум.

РАВЗА (ар.) - 1. Гулзор, гулшан; бог; 2. Жаннат, беҳишт.

РАВОҚ (ар.) - катта биноларнинг олд тарафида баланд қилиб ишланган кўркам ва савлатли қисми.

РАДДИЯ (ар.) - бирор хабар ёки маъдумотни инкор этувчи, унинг ёлгон ва асоссиз эканлигини исбот қилувчи расмий хужжат, эълон.

РАДИФ (ар.) - шеър мисраларида асосий қофиядан кейин тақрорланиб келувчи сўз ёки сўзлар.

РАЖАБ (ар.) - қамария йил ҳисобида еттинчи ойнинг арабча номи.

РАЖО (ар.) - умид, орзу, тилак.

РАЗЗОҚ (ар.) - ризқ-рўз берувчи (Аллоҳ).

РАЗИЛ (ар.) - манфур, малъун.

РАИС (ар.) - Ўрта Осиё халқларида XX асрнинг биринчи чорагигача мавжуд бўлган мансаб. Раис баъзида бошқача ибора билан - муҳтасиблик деб ҳам юритилган. Бухоро амиригига диндорлар раёсатида раис лавозими қозикалондан кейин иккинчи ўринда турган. Раиснинг вазифасига бозорларнинг нарх-навоси, торози ва аршинларнинг тўғрилигини назорат қилиш, ҳисобкитобини аниқлаш, шахар атрофидаги аҳолининг шариат қонун-қоидаларига қандай риоя қилаётганлигини текшириш, дъволарини эшлитиш, намозхонлар ва киморбозларнинг сонини аниқлаш ва улар билан ишлаш, муаззинларни вазифага тайинлаш, йўлларни тузатиш киради.

РАИЯТ (ар.) - Шарқ мамлакатларида феодализм даврида дастлаб барча фуқаро; кейинчалик солик тўловчи табақалар – дехқон ва шаҳарликлар; ундан кейинги даврда феодалларга тобе, феодал ерига бириктирилган хирож тўловчи дехқонлар гурухи. Дехқонларнинг бу тоифаси, аввало, Мисрда, III асрда Ўрта Осиё, Эрон, Ироқда, XVI асрда Усмонли турк империясида расман эркин ҳисобланган бўлса-да, бир феодалдан иккинчисига ўтиш хукуқидан маҳрум бўлган.

РАМАЗОН (ар.) - хижрий йил ҳисобининг тўққизинчи ойи. Ислом динида рамазон ойида Оллоҳ Мухаммад Пайгамбарга Куръони Каримни вахий қилган деб талқин этилади. Шу сабабли рамазон муқаддас ой ҳисобланган ва шу ой мобайнида диндорларга рўза тутиш буюрилган.

РАМЗ (ар.) - бирор ғоя, тушунча, ходиса ва шу кабиларни ифодаловчи, эслатувчи шартли белги, ишора.

РАОЁ (ар.) - Кўқон хонлигига ўтрок аҳоли шундай аталган.

РАПИДА (РАФИДА) (ф.-т.) - нон ёпишда ишлатилади-

ган мослама. Асосан, думалоқ бўлиб, одатда кигиз, қалин мато устига қалин пахта қўйиб, авра-астар билан қопланган, орқа қисмига қўл киргизиладиган чўнтак тикилади. Рапида тандирга ёпилаётган ноннинг шакли бузилмасилигини, орқа қисми тандирга бир текисда ёпишишини таъминлайди.

РАСАД (ар.) - осмон жисмларини кузатиш, астрономик кутишлар.

РАСАДХОНА (ар.+ф.-т.) - осмон жисмларининг ҳолати ва харакатини кузатадиган маҳсус жой. Самарқандда XV асрда Улугбек томонидан курилган расадхона ҳозиргача сақланиб келинмокда.

РАСАМАД (ар.+ф.-т.) - тақсимотда ҳар бир киши ёки ҳар бир нарсага тўғри келган қисм; улуш.

РАСИДА (ф.-т.) - етук, баркамол.

РАСТА (ф.-т.) - Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўрта Осиё бозорларида бир турдаги мол билан савдо қиласидиган дўконлар қатори ва улар ўртасидаги бозор кўча.

РАСУЛ (ар.) - Аллоҳнинг вакили, ердаги элчиси.

РАФИК (ар.) - 1. Ўрток, дўст; 2. Умр йўлдош, эр.

РАФИКА (ар.) - 1. Дугона, ўрток; 2. Умр йўлдоши, хотин.

РАҲБАР (ф.+т.) (аслида РОҲИБАР) - давлат ёки унинг бирор ташкилот, муассасасини бошқарувчи. Жамоага йўл кўрсатувчи.

РАҲНАМО (ф.-т.) - кўп ҳолларда лавозимли ва лавозимсиз жамоат арбобларига нисбатан ишлатиладиган атама.

РЕГИСТОН (ф.-т.) - Ўрта Шарқ шаҳарларидаги майдон. Самарқанд ва Бухородаги регистонлар шаҳар архитектурасида тутган ўрни ва тарихий аҳамияти билан ажralиб туради. Айниска, Самарқанддаги Регистон ансамбли йирик меъморчиллик иншооти сифатида ҳозирги кунгача бутун дунёга машхур.

РИБО (ар.) - 1. Ғайриқонуний фойда, ўлжа; 2. Қарзга берилган пулдан олинадиган фойда; фоиз.

РИБОХЎР (ар.ф.-т.) - фойдахўр, судхўр.

РИВОЯ (ар.) - адабий асарда воқеаларни изчиллик билан сўзлаб бериш, баён этиш.

РИВОЯТ (ар.) - авлоддан-авлодга ўтиб келаётган оғзаки хикоя; нақл.

РИДО (ар.) - шайхлар елкасига ёпинадиган чойшабсимон ёпинчик, либос.

РИЁЗАТ (ар.) - 1. Қийинчилик, машақкат, заҳмат; 2. Дунёвий ишлардан ўзини, нафсини тийиб қийналиш, ўзини қийнаш.

РИЁЗИЁТ (ар.) - математиканинг XX асрнинг 40-йиллари гача ўзбек тилида ишлатилиб келинган номи. Ҳозир ҳам айрим шарқ тилларида қўлланилади.

РИЁЗИЙ (ар.) - математик.

РИКОБ (ф.-т.) - Салжуқийлар даврида ахли шоҳ билан юрадиган кишилар, - у хизматкорлар.

РИСОЛА (ар.) - бирор йўналиш, мавзуга оид китобча.

РИСОЛАЧИ (ар.+ф.-т.) - Кўкон хонлигида девон вазифаларидан. Унинг зиммасига элчилар ва уларнинг хат-хабарларига жавоб бериш кирган.

РОВИЙ (ар.) - ривоят айтувчи, киссаҳон, хикоя қилувчи, маълумот берувчи.

РОВОН (т.) - деразалар билан ўралган айвон, ойнабанд айвон.

РОХ (ф.) - йўл.

РОХИБА (ар.) - роҳиб аёл.

РУБОЙИ (ар.) - шарқ адабиётида кенг тарқалган поэтик жанр. Рубоий ҳазаж баҳрида ёзилади. Бошқа баҳрларда ёзилган тўртликлар дубайтий, куйланадиганлари эса тарона деб аталади.

РУБОЙИНАВИС (ар. ф.-т.) - рубоий ёзувчи шоир.

РУБЪ (РУБЪИ МАСКУН) (ар.) - ер шарилаги қуруклик-нинг инсон яшайдиган обод кисми.

РУКН (ар.) - устун, таянч.

РУМ (тар.) - Ўтмишда Шарқ ва Ўрта Осиёда Рим империясининг кенг тарқалган номи. Мил. авв. IV асрда Рим империяси

парчалангач, “Рум”атамаси Византияга нисбатан құлланилады-
ган бўлди. XIII-XV асрларда мусулмон тарихчилари Византияни
Рум деб атаганлар.

РУМО (тар.) - XV асрда Усмонлилар салтанати шундай атал-
ган.

РУСТА (ф.-т.) - ичига ўрик ёки бодом магзи солиб тайёр-
ланган парварда.

РУТБА (ар.) - унвон, даража, мартаба.

РУХСОР (ф.-т.) - кишининг юзи; кўриниши, қиёфа.

РУҲОНИЙ (ар.) - дин пешвоси, дин йўлида, диний лаво-
зимда хизмат қилувчи, уни тарғиб этувчи диний киши; диндор.

РЎЗА (ф.-т.) - Исломда фарз хисобланган маросимлардан
бири. Куръони Каримда ёзилишича, рамазон ойи давомида Оллоҳ
Мухаммадга Куръонни ваҳий қилиб юборган, шунинг учун ҳар
бир мусулмон 30 кун сахардан шомгacha рўза тутиши керак бўлган.
Шариатда рўза тутиш эркаклар учун 12 ёшдан, аёллар учун 9
ёшдан белгиланган. Унда кўрсатилишича, чўмилиш, чекиш, гул
хидлаш, овқат истеъмол қилиш, дори ичиш билан рўза бузилади.
Бу маросим Куръони Карим, Ҳадис ва шариатда “гуноҳлардан
кутулиш”, “савоб орттириш” учун энг яхши йўл деб талқин қили-
нади. Рўзадан ҳомиладор, эмизикли аёллар, оғир bemорлар ва
сафарга чикқанлар озод этилган.

C

САБЗ (ф.-т.) - яшил; майса ранг.

САБЗА (ф.-т.) - 1. Ям-яшил барра ўт, майса; 2. Ям-яшил барра ўт билан қопланган, яшил; 3. Энлигина ўса бошлаган мурт, сокол (ўспириналарда).

САБЗАЗОР (ф.-т.) - ям - яшил барра ўт билан қопланган ер; майсазор.

САБЗАК (ф.-т.) - 1. Корачадан келган, корамагиз, бугдой ранг; 2. Қовуннинг бир нави.

САБИЙ (ар.) - кўкракдан ажратилган бола;

САБО (ар.) - эрталабки енгил, салқин шамол, тонг шабадаси.

САБОН (?) - *айнан*, омоч.

САБОҚ (ар.) - ўқиш-ўқитишининг маълум мавзуга бағишлиган, белгили вақт давом этадиган бўлаги; дарс.

САБОХ (ар.) - эрта тонг; субҳ, субҳидам.

САБУҲИЙ (?) - соқий.

САВАТ, САБАД (ф.-т.) - сурх новда, чивик, сим ва шу каби нарсалардан тўқилган идиш.

САВР (ар.) - 1. Ўн икки буржнинг бири, Ҳамал ва Жавзо бурjlари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил хисобида иккинчи ойнинг арабча номи (22 апрель-21 май даврига тўғри келади).

САВТ (ар.) - 1. Куй маъносини англатади. Ҳозир ҳам мақомнинг чолғу йўллари савт деб аталади; 2. Ўзбек мумтоз мусиқасида кийнинг асосий қисмидан кейин келадиган сўнгги қисми; 3. Овоз, товуш.

САГБОН (ф.-т.) - ит бокувчи.

САД(Д) (ар.) - мустаҳкам қалъа ёки шаҳар девори, тупроқ қўрғон.

САДАҚА (ар.) - мусулмонларда фақирларга хайр-эҳсон та-

рикасида бериладиган хадя. Садақа қаттиқ касаллик, ёмон туш, қўққисдан бирор фалокатга йўликиш натижасида юз берадиган кулфат ва мусибатнинг олдини олиш мақсадида берилган. Шунингдек, бирор хурсандчилик муносабати билан, саёҳат юзасидан садақа бериш хам расм бўлган.

САДОҚ (ар.) - камалак ўқлари жойлаб белга боғланадиган ёки елкага осиб юриладиган асбоб; тирдон, ўқлон.

САДР (ар.) - Бухоро амирлигига XIX-XX асрларда амалда бўлган, диний илохиёт илмида эришган ютукларига караб бериладиган унвон бўлиб, аввал “ўроқ”, “судур” ва улардан кейин охирги, учинчи унвон “садр” бўлган.

САЁТ (тар.) - туркий этник гурух. Улар XIX аср бошларида асосан Амударё бўйларида, Хоразмда яшаган ўзбеклар, Амударёнинг ўрта оқимларида истиқомат килган ўзбеклар ва туркманлар, Самарқанд шаҳрида эса тожиклар таркибига кирган.

САЖ (ар.) - қофияли проза.

САЖДАГОҲ (ар. ф.-т.) - сажда, ибодат қилинадиган жой, қадамжо;

САЗОЙИ (ф.-т.) - эл кўзида сазога, танбех-таъзирга лойик.

САЙД (ар.) - 1. *Айнан*, ов; 2. Ов қилинган нарса, ов ўлжаси.

САЙЁД (ар.) - *айнан*, овчи.

САЙЁР (ар.) - *айнан*, сайёх.

САЙЁРА (ар.) - 1. Куёш атрофида айланувчи ва ундан нур олувчи осмон жисми; 2. Муқим туар жойи йўқ, дарбадар кезувчи, дарбадар.

САЙЁҲ (ар.) - саёҳат қилувчи; саёҳатчи.

САЙИД (ар.) - 1. Мұхаммад (С.А.В.) авлодларига мансуб кишилар. Пайғамбарнинг икки набираси-Ҳасан ва Ҳусандан тарқалганликлари учун улар ўз исмларига “Ҳасаний” ва “Ҳусайнний” сўзларини кўшиб айтишган ва “Саиёдат-паноҳ” яъни “сайидлар обрўси ҳимоячиси” деб номланишган; 2. Жаноб, хўжайин, бошлиқ; 3. Арабларда мусулмон даври бошлангунга қадар қабиланинг сайланадиган раҳбарларининг унвони бўлиб, бошлиқ, масъул шахс деган маънени билдирган. Мұхаммад Пайғамбарнинг амакиваччаси Алининг отаси Абутолиб бир вақтлар курайш қабиласи-

нинг саййидларидан бўлган. Шунинг учун бу унвон Мұхаммад Пайғамбарнинг неваралари, Алининг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусаннинг бутун авлодлари исмига қўйиладиган фахрий унвон хисобланган. Сайдларнинг қизига уйланган кишининг фарзандлари ҳам сайид хисобланган. Мана шунинг учун ҳам мусулмонлар дунёсида, жумладан, Мовароуннарда ҳам кўпинча ҳукмдорлар ҳам ўз авлодлари мавқеини кўтариш максадида саййидлар қизига уйланишга ҳаракат килишган. Манғитлар сулоласининг сўнгги вакили Саид Олимхон она томонидан Алининг авлоди хисобланган.

САЙИЛ (ар. саир сўзидан) - йилнинг маълум фаслларида кишиларнинг очик майдонлар, соя-салқин жойларда тўпланиб, томоша, истироҳат қилиши. Сайллар, одатда, наврӯз, диний байрамларда ва йилнинг кулагай пайларида ташаббускор кишилар томонидан ташкил этилган. Сайил шаҳарларда, регистон майдонларида, чорсу ва расталарда, шаҳар ташқарисидаги сайилгоҳларда, шунингдек қадамжоларда ўтказилиб, бир хафта, баъзан иккى ойларгача давом этган. Кўкламда ўтказиладиган наврӯз сайли, ковун пишган чоғда полиз бошига бориб қовунхўрлик килинадиган қовун сайли, узум пишганда боққа бориб узумхўрлик килиш, яъни узум сайили ва бошқа сайл турлари бор.

САЙИЛГОҲ (ар. ф.-т.) - ҳалқ сайиллари ўтказиладиган жой, боғ, парк.

САЙИС (т.) - Ўрта Осиё хонликларида ҳарбий ва хўжалик эҳтиёжлари учун сақланган отларни боқувчи ва улар устидан назорат юритувчи шахс. Сайислар бевосита отлар ёнига курилган маҳсус сайисхоналарда яшаганлар. Уларнинг бошлиғи мирохур деб аталган.

САЙР (ар.) - ҳордик чиқариш, томоша қилиш учун бирор жойда айланиш.

САЙРГОҲ (ар.+ф.-т.) - 1. Сайр қилиб, ҳордик чиқариш учун мос жой; 2. *Айнан*, сайилгоҳ.

САЙС (ар.) - отбоқар.

САЙФАЛИ (?) - Хива хонлигига сарой мулозими.

САЙХОН (ф.-т.) - катта, текис очик жой.

САКЛАР (ШАКЛАР) (тар.) - Мил. авв. I минг йиллик ва милоднинг бошларида Ўрта Осиё ва Шаркий Туркистоннинг ши

моли-шарқий районларида яшаган чорвадор қабилалар. Массагет-лар ва скифларга қардош. Қадимги форс манбаларида саклар уч гурухга бўлинганлиги кўрсатилган: 1) сака-хаумаварка – Ўрта Осиё воҳаларида, дашт ва тоғларида ўтрок яшаган; 2) сака-тигра-хауда (чўкқи қалпокли саклар) – ҳозирги Қозоғистоннинг жануби-шарқий қисмларида яшаган; 3) сака-тиай-тарадарайя – Сирдарёning қўйи оқими, Орол ва Каспий денгизи шимолида яшаган. Аҳамоний подшоларидан Кир II ва Доро I сакларнинг турли қабилалари билан уруш олиб борган. Саклар форслар армияси таркибида юнон-форс урушларида катнашган. Александр Македонский, сўнгра салавкийлар ўзларининг Ўрта Осиёдаги мулкларига хавф соглан сакларга қарши кураш олиб борганлиги манбаларда кайд килинган. Мил. авв. II аср ўргаларида саклар бошқа кўчманчи қабилалар билан бирга Парфия подшолиги ерларига бостириб кирганлар. Аммо улар қаттиқ қаршиликка учраб Дарангийёнага сикib чиқарилган. Саклар Дарангийёнада ўтрок жойлашганлиги учун унга Сакистон, яъни саклар мамлакати деб ном берилган.

САК ТИЛИ (тар.) – ўлик тиллардан бири. Эрон тилларининг шарқий гурухига мансуб. Сак тили ёзма ёдгорликлари VII-X асрларга оид. Бу ёдномалар Синъяндаги Хўтган вилоятидан то-пилгани учун сак-хўтан ёки хўтган тили деб ҳам юритилади. Сак тилининг лексик мағзи Эрон тиллари билан қарийб бир хил.

САЛАВКИЙЛАР ДАВЛАТИ (тар.) – Яқин ва Ўрта Шарқдаги иирик давлат. Александр Македонский тузган империя таназзулга учрагач, унинг лашкарбошиларидан бўлган Бобил сатрапиясининг диодохи Салавк I Никотор асос соглан. Салавк Мидия, Сузиана, Персияни, кейинчалик Бактрияни босиб олган. Мил. авв. III асрда Ўрта Осиёда мустакиллик учун кураш бошланиб, унинг натижасида Грек-Бактрия подшолиги ва Парфия давлати тузилди

САЛАФ (ар.) – бирор соҳада илгари ўтган шахс, ўтмишдаги фикрдош, ҳаммаслак, ҳамкасб.

САЛЖУҚИЙЛАР (тар.) – XI-XIV аср бошида Яқин ва Ўрта Шарқдаги бир неча давлатларда хукмронлик қилган сулола. Суло-ла номи кўчманчи турк-ўғуз қабиласи бошлиги Салжук номидан олинган. Ушбу қабила X аср охирларида Зарафшон водийсига кўчиб келган ва сомонийлар ижозати билан Бухоронинг Нур атрофларида кўчиб юрган. XI аср бошида Ғазнавийлар давлатидаги

ижтимоий қарама-қаршиликлардан фойдаланган салжуқийлар Хуросонни эгаллаб, салжуқийлар давлатини барло этганлар.

САЛОМ ОФОСИ (?) - Кўқон хонлигига хон номидан халқ-ка салом берувчи.

САЛИБ (САЛБ) (ар.) - христианлар бўйнига осиб юрадиган, тўрт тарафли металдан ишланган тақинчок.

САЛИБ (САЛБ) ЮРИШ (ар.) - ўрта асрларда черковчиларнинг даъвати билан Ғарбий Европадан Шарққа, асосан, Фаластинга қарши, “муқаддас” ерларни мусулмонлар асоратидан кут-қариш шиори остида уюштирилган еттита ҳарбий юриш;

САЛИБЧИ (САЛБЧИ) (ар.) - салиб юришининг ташкилотчиси ёки қатнашчиси.

САЛЛА (ар.) - мусулмонларда бошга ўраладиган мато. Асосан, эркаклар ўрайди. Оқ, яшил, кул ранг матолардан, кўпинча докадан иборат бўлиб, дўппи, телпак устидан ўралади. Киши сафарда, йўлда вафот этган, жангда ҳалок бўлган пайтларда салладан кафан қилишга мўлжалланган. Салла ўраш усуллари, матоси кишиларнинг қайси ижтимоий гурухга мансублигига қараб белгиланган. *Масалан*, ўзларини сайидлар деб хисобловчилар ва ҳожилар яшил матодан салла ўраганлар.

САЛЛАКИ (ар.+ф.-т.) - ёш ўғил болалар учун тепаси товардан, этаги коракўл ёки кундуз теридан ишланган бош кийими. XVIII-XIX асрда Хива хонлигига кенг тарқалган.

САЛЛОХ (ар.) - күшхонада мол сўювчи мутахассис; қассоб.

САЛЛОХХОНА (ар. ф.-т.) - *айнан*, қүшхона.

САЛТАНАТ (ар.) - султон, якка хон, амир ёки подшо хукмронлиги ҳамда уларнинг мавқеи; шундай хукмрон кўл остидаги давлат, мамлакат.

САМАН (ф.-т.) - оч малла, сомон ранг.

САМАНДАР (ф.-т.) - афсонавий қүш номи.

САМО (ар.) - осмон, фалак.

САМОЬ (ар.) - тасаввуф аҳлининг ритуалларидан бири, ракс.

САМУМ (ар.) - қумли чўл-саҳроларда, қум уюрмаси хосил қилиб кўтариладиган шамол.

САМУР (ар.) - қундуз, қундуз териси.

САМУРИЙ ЖУББА (ар.+ф.-т.) - қундуз терисидан тикилган пүстин.

САНАМ (х.) - Тошдан, ёғочдан ёки металлдан ясалган инсон киёфасидаги зийнатланган бут;

САНГ (ф.-т.) - тош.

САНГЗОР (ф.-т.) - тошлоқ жой, тошлоқ, тошзор.

САНГОБ (ф.-т.) - тери ошлаш учун тайёрланган оxaк ёки кум эритмаси.

САНГСАР (ф.-т.) - сувсарнинг бир тури.

САНГСОР (ф.-т.) - тошбўрон.

САНГТАРОШ (ф.-т.) - тош йўнувчи уста ёки ишчи; тоштарош.

САНДАЛ (х) - маҳаллий иситиш воситаси. Ўтмишда Ўрта Осиёда, шунингдек, Афғонистон, Эрон, Туркия ва бошқа Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Сандал учун хонанинг бир четига чукурча қазиб, ичи маҳсус шаклда ишланиб суваланади. Унга курси (хонтахта) ўрнатилиб, усти кўрпа билан ёпилади. Кўмир ёки саксовул чўғи билан иситилади.

САНДИҚ (ар.) - асосан, бисот сақлаш учун хизмат киладиган қулф-калитли уй-рўзгор буюми.

САНДОН (ф.-т.) - темирчи ва заргарларда ишлов бериладиган нарсани қўйиб болғалайдиган темир кунда.

САНЖОҚ (т.) - 1. Байроқ, түғ; 2. Товус ёки каптарнинг мисдан ишланган тасвири; 3. Буржуа инқилобидан илгариги Туркияда маъмурий ҳудуд.

САНО (ар.) - худонинг, пайғамбарларнинг шаънига айтилган мақтов сўзлар; мадхия, мадҳ, ҳамд.

САНОЧ (?) - умуман, теридан қилинган идиш, тери тўрва.

САНСКРИТ (тар.) - қадимий ва ўрта аср ҳинд диний, фалсафий, бадиий адабиётининг тили (ҳинд-европа тилларига мансуб).

САРАТОН (ар.) - 1. Ўн икки буржнинг бири, Жавзо ва

Асад буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил хисобида түртинчи ойнинг арабча номи (22 июнь - 21 июль даврига түгри келади); 3. тиббиётда, Рак касаллиги; рак.

САРБАДОРЛАР (ф.-т.) (тар.) - XIV асрда Эрон ва Ўрта Осиёда мўгуллар ҳамда маҳаллий зодагонларга қарши кўтарилган халқ озодлик харакати қатнашчилари. Сўзма-сўз маъноси “ўз бошини дорга тикканлар”.

САРБОЗ (ф.-т.) - Ўрта Осиё хонликларидағи мунтазам қўшин аскари.

САРБОЗХОНА (ф.-т.) - сарбозлар турдиган жой; казарма.

САРБОН (ф.-т.) - карвон бошлиғи. Одатда, сарбон карвон олдида биринчи туяда юриб, у йўлнинг тўгрилигига ҳамда тўхташ жойларида от-увовларни озука ва сув билан таъминлашга асосий жавобгар шахс бўлган.

САРВАР (ф.-т.) - 1. Йўлбошчи, рахнамо; 2. Сарвар (хотин-кизлар ва эркаклар исми).

САРВАТ (ар.) - бойлик, давлат.

САРДАРА (ф.-т.) - энг катта, асосий эшик; дарвоза.

САРДАФТАР (ф.-т.+ар.) - китобнинг бошидаги варак; титул.

САРДОБА (ф.-т.) - қудук ёки ҳовуз устига пишган ғиштдан баланд килиб, гумбазсимон шаклда курилган иншоот бўлиб, унга зиналар орқали тушилган. Ҳаво айланиши яхши бўлгани учун жазирама иссиқда ҳам сардоба ичи салқин, суви эса ниҳоятда муздек бўлган. Сардобалар, асосан, карвон йўлларида қурилган.

САРДОР (ф.-т.) - Ўрта Осиё хонликларида хон қўшини қўмондони, халқ лашкарбошиси.

САРЖИН (р. САЖЕНЬ) - 1. Уч газга тенг узунлик ўлчови; 2. Бўйи уч газ, баландлиги бир ярим газ килиб терилган палён ўтин; шу микдордаги палён ўтин ўлчови.

САРЖИНЧИ (?) - 1. Ўтин кесиб ва ёриб саржин қилувчи киши; 2. Ер ўлчовчи.

САРЖИҒА (ф.-т.) - бош кийимга тақиладиган жига.

САРИ (ф.-т.) - XVIII-XIX асрларда Хива хонлигидаги мавжуд бўлган оғирлик ўлчови.

САРИН (ф.-т.) - оромбахш совуқ, салқин ва ёқимли; нафис ва ёқимли.

САРКАРДА (ф.-т.) - қўмондон, лашкарбоши; бошлиқ, йўлбошчи.

САРКАШ (ф.-т.) - унча-мунчага бўй бермайдиган, итоат килмайдиган; итоатсиз, ўжар, қайсар.

САРКОР (ф.-т.) - иш боши. Ўрта асрларда феодалларнинг ер-сувини назорат қилиб, барча хўжалик ишларига бошқарувчилик қилиб турувчи мансабдор. Айрим ҳолларда ҳукмдорларнинг шахсий хазиначиси ҳам саркор деб аталган.

САРКОТИБ (ф.-т. ар.) - котиблар бошлиғи; бош котиб.

САРКУБ (ф.-т.) - қалъа мудофаачиларига ўқ отиш учун қалъа рўпарасида қуриладиган кўтарма.

САРЛАВҲА (ф.-т.+ар.) - китоб, асар, мақола ва шу каби-ларнинг номи.

САРМОЯ (ф.-т.) - катта маблағ, капитал; умуман, маблағ, пул.

САРМОЯДОР (ф.-т.) - катта сармоя эгаси; капиталист.

САРМУНШИ (ф.-т.+ар.) - Кўкон хонлигидаги муншиларнинг сардори.

САРМУНШИ(Й) (ф.-т.+ар.) - амир, хон саройида бош мунши(й), бош котиб.

САРНАЙЗА (ф.-т.) - милтиқ найзаси.

САРНОМА (ф.-т.) - номанинг, мактубнинг бошида ишлатиладиган стандарт формула;

САРОБ (ф.-т.) - атмосферанинг турли қатламлари турлича кизиган, ҳаво очик ва тинч кунларда уфқ ортидаги кўзга кўринмайдиган нарсаларнинг ҳавода акс этиб кўринишидан иборат ҳодиса;

САРОЙ (м.-т.) (тар.) - ўзбек ҳалқи таркибига кирган йирик қабилалар уюшмаси. Ўзбекистон ҳудудида яшовчи саройларнинг сони 50 мингдан ортиқ. Қашқадарё водийсида, айрим гурухлари

Жом чўлида, Кўхитанг ён багирларида, Самарқанднинг жануби-гарбига ва Жиззах атрофида яшаганлар. Саройлар таркибида бир қанча йирик ва кичик уруглар мавжуд бўлган. *Масалан*, аз-сарой, кипчок-сарой, киргиз-сарой, қўнғирот-сарой, мажар-сарой, ко-рабоғ-сарой, найман-сарой ва бошқалар. Саройлар этник бирлашма сифатида XIV-XV асрлар давомида Даҳти Қипчокда-шаклланган бўлиб, XVI асрда бошқа қўчманди ўзбек кабилалари ва ургу-лари билан бирга хозирги Ўзбекистон худудига келиб жойлашган.

САРОНА (ф.-т.) - жон бошига қараб солинадиган солик.

САРПАРДА (ф.-т.) - 1. Капа, соябонли арава ва шу кабиларнинг катта пардаси; ёпинчик; 2. Пардали мусика асбобларининг асосий пардаси; 3. Нотада сатр бошига қўйиладиган ва ўзидан кейинги ноталарнинг номи ва баландлигини белгилайдиган белги; калит.

САРПО (ф.-т.) - 1. Тўй ва бошқа расмий маросимларда қўйи-ладиган бош-оёқ кийим ёки тўн, дўппи, қийикча ва шу кабилар; 2. Умуман, кийим-кечак, кийим-бош.

САРПЎШ (ф.-т.) - *айнан*, қопкок.

САРРОВ (ф.-т.) - бинонинг икки ён деворига, тўсинлар остига солинадиган ёгоч.

САРРОЖ (ар.) - 1. Ўтмишда от-арава абзалларини сотувчи савдогар; 2. Шундай абзалларни ясовчи уста. Кейинчалик сар-рожлик касбидан эгарсозлик, югансозлик, тўқимдўзлик, бўйин-чадўзлик каби касб тармоқлари ажралиб чиққан.

САРРОФ (ар.) - шахар кўчалари ва расталарида ўтириб, кишиларнинг йирик пулларини майдалаб, қимматбаҳо буюмла-рини пулга алмаштириб берувчи шахс. Саррофлар чет-элдан келган савдогарларнинг пулларини маҳаллий пулларга алмаштириб бе-риш, қимматбаҳо тошлар, олтин, кумуш ва бошқаларни аниқлаш, уларнинг баҳосини белгилаш, айrim кишиларнинг омонат пул-ларини, буюмларини маълум муддатгача саклаб бериш каби ишлар билан ҳам шуғулланғанлар. Илгари Ўрта Осиёning ҳар бир шаҳрида саррофлик билан шуғулланувчилар бўлган.

САРТ (тар.) - 1. VI асрларда турклар Ўрта Осиёни босиб олгач, шаҳарларда истиқомат қилаётган форс-тоҷик тилида гаплашувчи аҳолини сарт деб аташган; 2. XII-XIII асрларда мўғуллар

савдогарчилик билан келган, асосан, мусулмон савдогарларини сарт деб аташган; 3. XVI асрда Дашиби Қипчоқдан келиб, темурийлар давлатини эгаллаган кўчманчи ўзбеклар маҳаллий ўтрок ахолини сарт деб атаганлар. Кейинчалик вазият ўзгариши билан сарт терминининг мазмуни ҳам ўзгарди. Кўчманчи ўзбеклар Ўрта Осиёни босиб олганларидан сўнг Ўрта Осиёдаги ўтрок ахолининг катта қисми туркий тилда гаплашганлиги учун, уларни кўчманчи ўзбеклардан фарқ қилиш мақсадида, факат Ўрта Осиё воҳасининг шаҳар ва ўтрок ахолисига нисбатан сарт атамаси ишлатила бошланди.

САРХАТ (ф.-т.+ар.) - чиройли ёзув; хусният.

САРХИЛ (ф.-т.) - энг яхшиларидан терилган; сара.

САРХОК (ф.-т.) - деворларни ёғин сувлари таъсирида емирилишдан саклаш учун девор устига қўйиладиган серсомон лўмбоз.

САРЧАШМА (ф.-т.) - бош булоқ, булоқ боши.

САРХАД (ф.-т. ар.) - чегара, худуд.

САРХАФТА (ф.-т.) -куёв томонидан келин томонга ҳафта сари бериб туриладиган совға-салом.

САС (ф.-т.) - овоз, товуш; нидо.

САРОПАРДА (ф.-т.) - подшоҳ ёки хон чодири олдига тутиладиган катта парда.

САРОФИЧ (?) - қимматбаҳо тошлар дур ва гавҳарлар билан безатилган, аёллар бошига ёладиган енгил рўмол.

САРКЎБ (?) - қамал қилувчилар томонидан қалья атрофига ўз мудофаалари учун тош ва тупроқдан ўюлган тўсик.

САРТИБ (?) - XVIII-XIX асрда Хива хонлигига амалда бўлган унвон; тўп, мушак отувчи.

САРҲАНГ (?) - XVIII-XIX асрда Хива хонлигига қўлланилган ҳарбий-тарихий атама. Ўша даврда хонликдаги қальялар атрофига душман отликлари йўлини тўсиш мақсадида ёғоч қозиклар қоқилган. Мазкур вазифани бажарувчиларга раҳбарлик килган шахс сарханг деб аталган.

САТР (ар.) - босма ёки қўлёзма асарнинг ва умуман, мактуб, хужжат ва шу кабиларнинг ҳар бир йўли.

САТРАНЖ (ф.-т.< хинд) - 1. Шоҳмотга ўхшаш қадимий йийин; 2. *айнан*, Шоҳмот.

САТРАПИЯ (тар.) - Аҳамонийлар, Салавкийлар, Пар-фия ва Сосонийлар давлатларида сатраплар бошчилигидаги ҳарбий-маъмурий округ. Сатрапияга сатраплардан ташқари ҳарбий бошликлар ҳам тайинланган. Ҳозирги Ўрта Осиё худудларида ҳам ўша даврда алоҳида сатрапиялар ташкил этилган. Ҳар бир сатрапия белгиланган микдорда солик тўлашга мажбур бўлган.

САТХ (ар.) - нарсаларнинг устки томони; юз, бет.

САФАРБАР (ар.+ф.-т.) - жанговар ҳолатга келтирилган, шай.

САФАРБАРЛИК (ар.+ф.-т.) - армия сафларига чакирилиш;

САФАРБОШИ (ар.+т.) - сафарда ҳамроҳларига бошчилик қилувчи киши, сафар қатнашчиларнинг бошлиғи.

САФАРДОШ (ар.+ф.-т.) - сафарда бирга бўлган кишилар (бир-бирига нисбатан), сафардаги ҳамроҳ.

САФБОШИ (ар.+ф.-т.) - сафда турган ёки бирор ташкилот сафига уюшган кишиларнинг бошлиғи; йўлбошли.

САФБАСТА (ар.+ ф.-т.) - сафга тизилган; саф тортган; бир сафдаги.

САФИД БАРИ (ф.-т.) - XIX-XX асрларда Бухоро амирлигига кенг қўлланилган дехқончилик атамаси, яъни баҳорги донли экинларнинг хосили.

САФОЙИЛ (ар.) - қаландарларнинг дастага ўрнатилган бир неча ҳалқали мусиқа асбоби.

САФОРАТ (ар.) - чет элдаги давлат ваколатхонаси, дипломатик вакиллик.

САФОРАТХОНА (ар.+ф.-т.) - чет элдаги давлат ваколатхонасининг биноси.

САФФОР (ар.) - мисгар, мис билан ишловчи.

САФФОРИЙЛАР (тар.) - Саффорийлар давлатида ҳукмронлик килган сулола. Саффорийлар номи унинг асосчиси Ёкуб ибн Лайс ас-Саффор номидан олинган. Саффорийларнинг йирик

хукмдорлари: Ёқуб ибн Лайс (867-879 йй.), Амир ибн Лайс (879-900 йй.), Тохир ибн Мухаммад (901-908 йй.).

САФФОРИЙЛАР ДАВЛАТИ (тар.) - Эронда саффорийлар суоласи хукмронлик килган давлат. Асосчиси - сейистонлик дехқон Ёқуб ибн Лайс-ас Саффор (867-879 йй.). Ёқуб ибн Лайс Араб халифалиги томонидан Хурросондаги халқ қўзғолонларини бостириш учун тузилган кўнгилли “гозийлар” отрядига қўшилди. Кўзғолон бостирилгач, ғозийлар халифаликка карши чикиб, Сейистонда Ёқуб ибн Лайсни амир қилиб кўтарилилар. 873 йили Ёқуб ибн Лайс тохирийларга қарши уруш олиб бориб, Жанубий ва Шарқий Эрон билан бирга Афғонистонни Саффорийлар давлатига қўшиб олди. Богдолга халифа Мутамид (870-892 йй.)га қарши лашкар тортиб борди, лекин мағлубиятга учраб, ўз давлатининг бир қисмидан маҳрум бўлди. Унинг ўлимидан сўнг Хурросон ва Сейистонда ҳокимият Амир ибн Лайсга ўтди (879-900 йй.). У ўзини халифанинг Хурросон ва Сейистондаги ноиби деб атайди. Саффорийлар давлати 900-908 йиллар орасида Сомонийлар давлатига қўшиб олindi.

САХИЙ (ар.) - кишидан ҳеч нарсасини аямайдиган; хотам.

САҲМ (ар.) - Бухоро амиригига тинчлик ва осойишта-ликни саклаш учун миршаблар хизмати нуқтаи назаридан шахар шимолдан жанубий-ғарб йўналиши бўйича тўғри чизик орқали тенг икки қисмга бўлинган. Ушбу қисмлар сахм деб аталган. Ҳар бир сахм олти қисмга бўлинган.

САҲТИЁН (ф.-т.) - эчки ёки қўй терисидан пиширилган чарм.

САҒИР (ар.) - 1. Ҳали вояга етмаган етим; 2. Ёш бола, кичкина бола.

САҒОНИЁН (ЧАҒОНИЁН) (тар.) - Ўрта асрларда Мовароннахрда мавжуд бўлган қадимий вилоят. Тарихий манбаларда Чагониён деб юритилган. У ҳозирги Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё вилояти ҳамда кисман Тожикистон Республикаси худудида жойлашган бўлган.

САҲАР (ар.) - гира-шира тонг ёришган маҳал, тонг пайти; субҳидам пайти, аzon.

САҲАРЛИК (ар.) - рўза ойи кунларида тун ярмидан ошгач, тонг отмасдан ейиладиган овқат.

САҲВ (ар.) - йўл қўйилган хато, камчилик.

САҲИФА (ар.) - китоб, дафтар ва шу кабилар варагининг ҳар бир томони, бет;

САҲОБАЛАР (ар.) - Мухаммад Пайғамбарнинг энг яқин сафдошлари; улар Мухаммад Пайғамбарни ўз кўзлари билан кўрган шахслардир.

САҲРО (ар.) - ўсимлик жуда кам ёки мутлақо йўқ, сувсиз бепоён дашт, биёбон; чўл.

САҲРОЙИ (ар.) - саҳрова яшайдиган.

САҲХОФ (ар.) - муқовасоз. Ўрта Осиёда китобни муқовалайдиган касб эгаси сахҳоф деб аталган. XX асрнинг биринчи чорагигача сахҳофлар китобларни кўлда муқовалаш билан шуғуланиб келганлар.

СЕМИЗКЕНТ (тар.) - Самарқанднинг қадимий номи. Лутавий маъноси бой-бадавлат, обод, фаровон, тўкин-сочин, маъмур ва буюк шаҳар демакдир.

СЕП (т.) - турмушга чиқаётган қизга ота-онаси ёки қариндош-уруглари томонидан тортиқ этиладиган мол-мулк.

СЕПАРА (ф.-т.) - уч киррали йўтон игна. Қоп-қанор, чарм, пўстин, тери ва шу каби нарсаларни тикишда ишлатилади. Асосан, пўлат симдан ясалади.

СЕПОЯ (ф.-т.) - тўғон, дамба қуришда, дарё ва анҳорларнинг кирғокларини сув ювиб кетишдан саклашда ишлатиладиган мослама. Учта поя бир-бирига учбурчак шаклида мустаҳкамланади. Ҳосил бўлган учбурчак ораси харсанг тош ва бошқа нарсалар билан тўлғазилади, сув йўли тўсилади, кирғоқ мустаҳкамланади. Сепояни ясовчи усталар сепоячи деб аталган.

СИБИЗҒА (ў.) - най (чолғу асбоб).

СИЁҚ (ар.) - ҳисоб-китоб илми; молиявий хужжатларни расмийлаштиришда маҳсус ҳисоб-китоб илми.

СИЁҲДОН (ф.-т.) - сиёҳ қўйиб қўйиладиган идиш, ёзувчи-зув асбоби.

СИЙРАТ (ар.) - араб-мусулмон диний-тарихий адабиётидағы махсус жанр. Ислом тарихи ва таълимотини ҳамда Мухаммад Пайгамбарнинг таржимаи ҳолини ёритишга бағишиланган. Бизгача етиб келган сийратларнинг энг қадимииси “Сийрату расулуллоҳ” (Оллоҳ элчисининг таржимаи ҳоли). У Богдод халифаси Мансур (754-775 йй.) топшириғи билан ибн Исҳоқ томонидан VIII асрнинг иккинчи ярмида тузилган.

СИЛОХ (ар.) - курол-яроғ, аслаха.

СИМКОР (ф.-т.) - 1. Ҳўжайнинлар томонидан шогирдларга ёки ёлланиб ишловчи хунармандларга ишбай асосида тўланган иш ҳақи; 2. Ишбай асосида иш ҳақи олиб ишловчи шогирд ёки хунарманд.

СИНГСИЛА (т.) - 1. Отнинг бошига такиши учун кожига олтин-кумуш ва асл тошлар банд қилиб махсус ишлатилган; 2. Хива хонлигига хотинларнинг чеккасига тақиладиган тузук.

СИНЧИ (т.) - отларнинг зотини, ёшини, феъл-атворини яхши биладиган одам.

СИНЧКОР (ф.-т.) - деворлари синч қадаб қурилган; синчли.

СИПОХ (қад.эр.) - Ўрта Осиё хонликларида қўшиннинг пиёда аскарлари.

СИР (т.) - буюм бетини қоплаш учун суртиладиган ялтирок бўёқ.

СИРОТ (ар.) - кўпrik деган маънони англатади.

СИРЧИ (т.+ ф.-т.) - 1. Мой бўёқ билан ишловчи уста, сиркор; 2. Кўзгу ясовчи уста.

СИЯР, СИРА (ар.) - муқаддас шахс ва авлиёларнинг манокиблари; агиография .

СИ-У-ДУ АМАЛ (ар.) - Бухоро хонлигига хунарманд касабалари (цехлари) дан олинадиган солиқ турларидан бири.

СОАТБАРДОР (ар.+ф.-т.) - Хива хонлигига хоннинг соатини сакловчи.

СОВАРИ (м.-т.) - XV-XVI асрларда кўчманчи урутларнинг ўз хонлари, султонлари олдидағи мажбуриятларидан бири. Совари

номига совға, тортиқ хисобланиб, аслида эса, ахолидан амалдорлар томонидан мажбурий равишида йиғиб олиниб, подшоҳ ёки хонларга овуллар, қишлоқлардан ўтиб кетаётганларида берилган.

СОВЛИК (т.) - урғочи қўй.

СОВРИН (т.) - улоқ, пойга каби мусобақада ғолибларга мукофот тарзидан бериладиган нарса.

СОВЧИ (т.) - уйланувчи йигит томонидан қиз кўриш ва киз томон розилигини сўраш учун вакил қилинган киши.

СОЙ (т.) - 1. Икки адир ёки тоғ оралиғидаги пастлик жой, сув йўли, водий; 2. Шундай водийда оқадиган сув; 3. Милтиқ стволи ичидаги бурама ариқча.

СОЙЛИК (т.) - икки адир оралиғидаги пастлик, водий, сой.

СОЛ (т.) - 1. Бир-бирига бирлаштирилиб сувда оқизиладиган ходалар; 2. Тахта-ёғочларни бир-бирига бириктириб ясалган сўқма кўприк.

СОЛИҚ (т.) - 1. Маълум тартибда ахолидан давлат фойдасига тўпланадиган пул, маблаг; 2. Бирор харажатни қоплаш, ёрдам кўрсатиш ёки бошқа бирор мақсадда ўзаро келишиб кўпчиликка сочилган тўлов, йигим; 3. Олик-соликдаги битимга мувофик, кўёв томондан келин томонга берилиши лозим бўлган пул ва нарсалар.

СОЛИҚЧИ (т.) - солик йигувчи, олувчи, тўпловчи.

СОЛНОМА (ф.-т.) - йилнома.

СОЛОР (ф.-т.) - аскар бошлиғи, бошлиқ деган маънони англатади.

СОЛҒУТ (ар.) - XIX аср бошида Хива хонлигига мавжуд бўлган пул солиги. Хива хонлигига ёрликли мулк, яъни хоннинг ёрлиги билан айрим одамларга давлат ерларидан ажратилиб хусусий мулк қилиб берилган ерлардан “даҳяқ” ўрнига олинадиган пул солиги.

СОМОН (т.) - буғдой, арпа, шоли янчилганда пояларининг майдаланишидан пайдо бўладиган ҳосила.

СОМОН ЙЎЛИ (ў.) - Сомончининг йўли деб аталган юл-дузлар туркуми.

СОН КҮРСАТИШ (ў.) - Бухоро амирлигига ҳар бир мираб эрталаб ва кучкурун амин оқсоқолга ҳашарга олиб келинган одамлар сонини күрсатиши шарт бўлган. Агар ҳашар катта тўғон ва каналларда ўтказилган бўлса, унда амин оқсоқлар ҳашарга олиб келинганлар сонини амлодорга ёки марказий хукумат вакилига кўрсатиши шарт бўлган. Бу “сон кўрсатиш” дейилган.

СОП (т.) - баъзи асбобларнинг қўл билан ушланадиган қисми, даста.

СОПОЛ (ф.-т.) - лойдан ясад маҳсус кўрада пиширилган, ясалган.

СОПОЛАК (ф.-т.) - 1. Сопол парча; 2. Болаларнинг турли ўйинларида ишлатиладиган ясси сопол ёки тош.

СОПҚОН (т.) - ичига тош солиб отиладиган қадимги содда курол.

СОФИР (ар.) - *айнан*, элчи.

СОЧБОҒ (т.) - ёши улгайган аёллар сочига осиб юрадигач безакдор танга ва шу каби юкли, одатда, қора шойидан қилинган боғич.

СОЧИҚ (т.) - куёв ёки тўйбола бошидан сочиладиган ширилик, пул.

СОЧПОПУК (т.+ф.-т.) - аёлларнинг сочига тақиладиган қора ип ёки ипаклардан тузилган попуксимон безак буюми;

СОҚА I (м.-т.) - қўшиннинг орка қисмида борувчи маҳсус қўриқчи кисм.

СОҚА II (ар.) - каналнинг бош иншооти.

СОҚИЙ (ар.) - май қувовчи; косагул.

СОҚЧИ (т.) - 1. Қуролланган қўриқчи, посбон; 2. Бирор кимсанинг хавфсизлигини саклаш учун белгиланган шахс.

СОҚҚА (ф.-т.) - 1. Зўлдир, шар; 2. Чўт донаси; 3. Турли болалар ўйинларида тикилган ганакни уриш учун белгиланган ошиқ, ёнғоқ ва шу кабилар.

СОҲИБ (ар.) - эгалик қилувчи, эга;

СОҲИБ БАРИД (ар.) - Сомонийлар ва салжукийлар даврида почта хизматининг бошлиғи.

СОҲИБ ХАБАР (ар.) - Салжуқийлар даврида ахборотлар бошлиғи (жосус).

СОҲИБ ҲАРРОС, РАИСИ ҲАРРОС (ар.) - Салжуқийлар даврида зинданлар амири, бошлиғи.

СОҲИБ-И ШУРТА (ар.) - Араб халифалиги даврида шаҳарлик аҳоли осойишталиги ва тинчлигини таъминловчи. Бухоро амирлигига XIX-XX аср бошида ушбу вазифа миршаблар зиммасида бўлган.

СОҲИБКОР (ар. ф.-т.) - ўз ишининг устаси; омилкор.

СОҲИБ ИХТИЁР (ар.) - подшоҳ ва хон саройи хизматкорлари бошлиғи; подшоҳ ва хоннинг қабул маросимларини ташкил этувчи ва бошқарувчи.

СОҲИБҚИРОН (ар.) - 1. Куёш тизимидағи катта сайёралардан иккитасининг бир-бирини тўсиши пайтида туғилган одам. Ривоятларга қараганда, Амир Темур икки шарофатли юлдуз - Зуҳро ва Муштарий сайёралари бир-бирларига яқинлашган пайтда туғилган экан. Мунажжимларнинг фикрига кўра, бундай одам баҳтли, улуғ мартабали бўлиши мукаррар саналган. Амир Темурнинг Соҳибқирон деб аталиши ҳам шундан. Соҳибқирон сўзининг асл маъноси “баҳтиёр подшоҳ”, “кудратли подшоҳ” демакдир. 2. Шарқ мамлакатларида обрўли, ғолиб подшоларга берилган унвон. Ўрта Осиёда, дастлаб, Амир Темурга шундай унвон берилган.

СОҲИЛ (ар.) - сув ҳавзаларининг чети; бўйи, қирғок.

СУБУТ (ар.) - сўзнинг, вадданинг ёки тутган ишининг ишончга сазоворлиги, тайнинлиги.

СУБХ (ар.) - эрта тонг пайти; сабоҳ, сахар.

СУБХИДАМ (ар. ф.-т.) - эрта тонг пайти; тонг, субх.

СУБҲОН (ар.) - мақтов, мадхия; мадхлар. Субхоноллох-Аллоҳнинг мадхи;

СУВ ТЕГИРМОНИ (ў.) - сув ёрдамида дон янчишга мўлжалланган тегирмон.

СУВЛИҚ (?) - юганнинг от оғзига солинадиган металл қисми.

СУВОРИ(Й) (ф.-т.) - 1. Отлик аскар, чавандоз; 2. Халқ куй-Оларидан бирининг номи.

СУВОТ (?) - мол, от сугориладиган ёки ювиладиган жой.

СУГУД, СУ/УД (тар.) - илк ўрта асрларда яратилган тарихий манбаларда, жумладан, “Самария”да Зарафшон шу ном билан берилган.

СУДУР (ар.) - Бухоро амирлигида XIX-XX аср бошларида диний илохиёт ва шариат илми билан шугулланадиган кишиларга бериладиган уч илмий унвондан бири. “Ўроқдан” кейин, “садр”-дан олдин келади. У вакф даромадлари ва харажатига хам мутасадди бўлган. Кимки шу унвонни олса, унинг исмига қўшиб айтилган. *Масалан*, Муҳаммад Шариф Судур.

СУДХЎР (ф.-т.) - карз олувчидан жуда юқори фоиз ундириш шарти билан қарзга пул берувчи шахс.

СУЗМА (т.) - қатиқни халтага солиб, суви чикқандан кейин хосил бўладиган маҳсулот.

СУЛОЛА (ар.) - бир уруғдан ёки авлоддан тарқалган подшохлар ёки хонлар насли. *Масалан*, сомонийлар, аҳамонийлар, аббосийлар, газнавийлар, минглар, мангитлар сулоласи.

СУЛТОН (ар.) - ҳукмдор, подшоҳ; мусулмон ҳукмдорлари-нинг унвони. Ҳукмдор, ҳоким деган маънони англатади. VIII аср охирида Боғдод халифаси Харун ар-Рашид саройда давлатнинг барча ишларини бошқарувчи бўлган дўсти Козим ибн Яхъёни, унга бўлган катта хурмат ва ишонч белгиси сифатида султон деган янги унвон билан мукофотлайди. Х асрдан бошлаб ислом мамлакатларида ҳукмдор Султон деб атала бошланган. XI асрда салжуқийлардан бошлаб эса султон унвони мустақил сулола ҳукмдорларига берилган. Бу унвонни биринчи бўлиб, 1051 йили салжуқийлардан Туғрулбек халифа Қойимдан олган. Султон унвонининг кейинги даврларда улуғланиши салжуқийлар султони Султон Санжар номи билан боғлиқ. Жумладан, бу даврда султон унвони вилоят ҳокими, қабила ёки уруғ бошлиғи мартабасига айланади. Салжуқийлар султони ўзидан кейинги таҳтга ўтирадиган жиянига хам султон номини беради. Мана шу анъана кейинчалик ҳокимлар орасида кенг тарқалган. XV асрга келиб, Шайбонийхоннинг яқин қариндошлари хам султон деб аталадиган бўлган.

СУЛХ (ар.) - уруш харакатларини тўхтатиш учун тузилган битим; халқаро шартномаларнинг бир тури.

СУЛХ-САЛОХ (ар.) - сулх, келишув.

СУМАК (т.) - бешикка беланган чакалоқнинг сийдигини тувакка йўналтирувчи найсимон асбоб.

СУМАЛАК I (т.) - корнинг эриб оқиб, қайта музлаши натижасида хосил бўлган найсимон муз.

СУМАЛАК II (т.) - ундириб янчилган бугдой ва ундан тайёрланадиган ҳолвайтарсимон овқат (одатда, баҳор кезлари аёллар ўртасида ҳалфана асосида пиширилади).

СУМБАТ (т.) - ташки кўриниш; қад, комат.

СУНБУЛ (ар.) - бир хил хушбўй қора рангли ўсимлик.

СУНБУЛА (ар.) - 1. Ўн икки буржнинг бири, Асад ва Мезон буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида олтинчи ойнинг арабча номи (22 август-21 сентябрь даврига тўғри келади).

СУННА (ар.) - Муҳаммад Пайғамбарнинг кўрсатмалари ва оятлари ҳақидаги ҳадислар, ривоятлар. Исломда факат Муҳаммад ибрати, альянаси деб эътироф этилиб, Қуръони Каримдан кейинги муқаддас манба ҳисобланади. Сунна VII аср ўрталарида йиғила бошланган.

СУННАТ (ар.) - 1. Пайғамбар Муҳаммад (С.А.В.) ишлари, айтганлари ҳақидаги бир неча минг ҳадисдан, афсонавий ҳикоялардан иборат “Муқаддас ривоятлар” мажмуи, суннийларнинг Қуръондан кейинги иккинчи диний ақидалари; 2. Шу ривоятларга асосланган фарзга нисбатан иккинchi даражали диний маросим ва урф-одатлар.

СУННИЙЛАР (ар.) - Қуръондан ташқари суннатни тан оловчи мусулмонлар.

СУННИЙЛИК (ар.) - Исломдаги шиалардан ташқари асосий йўналишлардан бири.

СУПА (СУФА) (ар.) - 1. Ҳовли, боғ ва, умуман, очиқ ерда ўтириш, ётиш-туриш учун тупроқдан чорбурчак шаклида кўтариб қурилган жой; 2. Умуман, чорбурчак шаклидаги ердан баланд жой ёки қурилма.

СУПРА (СУФРА) (ар.) - ҳамир ёйиш, нон ясаш учун белгиланган, одатда, ошланган теридан қилинадиган дастурхонсимон рўзгор буюми.

СУПТА (?) - жуссаси унча катта бўлмаган, хипчадан келган.

СУРГУН (т.) - 1. Давлат ташкилотларининг қарори ёки суд хукми билан жазо тариқасида ўзга ерга юбориш; бадарға; 2. Шундай жазога маҳкум этилган кишилар бадарға килинадиган жой ва у ердаги хаёт.

СУРМА (ф.-т.) - 1. Химиявий элемент, кумушсимон оқ мўрт металл; 2. Таркибида шу элемент бўлган қорамтири пардоз бўёғи (қош, киприкларни бўяш учун ишлатилади).

СУРМАДОН (ф.-т.) - сурма солинадиган идиш.

СУРМАЧЎП (ф.-т.) - сурма қўядиган маҳсус ингичка чўп.

СУРНАЙ (ф.т.) - тешикларини бармоқлар билан очиб-ёпиб, пулфлаб чалинадиган мусика асбоби.

СУРНАЙЧИ (ф.-т.) - сурнай чалувчи одам.

СУРОН (т.) - Кучли шовқин, ғовур-ғувур, шов-шув;

СУРУВ (т.) - қўй-эчки подаси.

СУРҒУЧ (т.) - тез эриб тез қотадиган рангдор смола ва мум котишмаси.

СУЮРФОЛ (м.-т.) - бирор хукмдор томонидан алоҳида хизмат қўрсатган шахсларга берилган инъом. Суюрголга берилган ер наслдан-наслга мерос бўлиб ўтган. Унинг эгаси давлат соликларидан озод этилиб, олган даромади ва маҳаллий аҳолидан ўз ихтиёрича фойдаланиш хуқуқига эга бўлган. Ўрта Осиёда суюргол Амир Темур хукмронлиги даврида (1370-1405) кенг тус олган. Амир Темур забт этган мамлакатларнинг айрим вилоятларини шу ерларнинг собиқ эгаларига, ўз ўғилларига, невараларига, баъзан алоҳида хизмат қўрсатган амирларига, қўшин бошлиқларига суюргол килган. XVI асрдан бошлаб суюрголнинг аввалги тартиби ўзгарди. Шайбонийлар хукмронлигининг сўнгти йиллари ва аштархонийлар хукмронлиги даврида айрим қишлоқлар, ер майдонлари, ҳатто шу ерлардан ундирилган соликларнинг бир кисми хам суюргол тариқасида бериладиган бўлди. XVIII - XIX асрнинг биринчи ярмида суюргол характеристи тубдан ўзгариб, унинг факат меросийлиги сакланниб қолди.

СУҚАТОЙ (т.) - сук, очкўз бола.

СУҲАЙЛ (ар.) - энг ёруғ юлдузлардан бири ҳисобланган

Канопуснинг номи. Ушбу юлдузни Ямандан яхши кўрингани учун “Сухайли Яманий” деб ҳам атаганлар.

СУХО (?) - етти қароқчи юлдузлар туркумига кирган кичик, унча яхши кўринмайдиган юлдузлардан бирининг номи.

СЎЗАВУЛ (?) - колиб кетган жангчиларни тўпловчи зобит.

СЎЗАНА (ф.-т.) - ўтмишда келинларнинг энг муҳим сепи ҳисобланган. Шунинг учун ҳам сўзаналар хар бир хонадонда тикилган. Бадавлатроқ хонадонларда баҳмал ва шойидан, камбағалрок оиласаларда кўпинча мalla, баъзан оқ бўздан сўзана тикишда фойдаланилган. Сўзана тикиш касби Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида қадимдан ривож топган бўлиб, ҳозиргача сақланиб келмоқда.

СЎЙИЛ (т.) - узун йўғон калтак, таёқ.

СЎК (т.) - тозаланган тариқ.

СЎЛ (т.) - чап томон.

СЎЛАҚМОН (?) - йўғон таёқ; сўйил;

СЎЛОҚ (?) - арава гупчаги тешигига икки томонидан ўрнатилган темир халқа (гупчакнинг ейилиб кетмаслиги ва ўқнинг равон айланиши учун хизмат қиласди).

СЎНГАК (т.) - суяқ, устихон.

СЎПОҚ (т.) - ясси ва чўзиқ (асосан, бош ва юз тузилиши, бичими ҳакида).

СЎРИ (ap.) - 1. Ток, қовоқ ва шу каби ўсимликларни кўтариб қўйиш учун шийпон шаклида, тик ёки қия қилиб кўтарилган курилма; 2. Нарса қўйиш ва ёйиш учун курилган, тўрт оёқка ўрнатилган тахта супа.

СЎҚА (т.) - ер ҳайдаш учун ишлатиладиган чўян тишли содда асбоб; омоч.

СЎҚИМ (т.) - сўйиш учун семиртирилган, бўрдоки корамол;

СЎҚИР (мўт.) - кўр, ожиз;

СЎҚМОҚ (т.) - одамлар қатнови натижасида ўз-ўзидан юзага келган ёлғизоёқ йўл.

СҮҚҚА (т.) - хеч кими йўқ, ёлғиз, якка.

СҮҚҚАБОШ (т.) - 1. Хеч кими йўқ, ёлғиз; 2. Уйланмаган, бола-чақа қилмаган; бўйдоқ, ёлғиз.

СҮФД (тар.) - қадимда Зарафшон ва Қашқадарё воҳасида яшаган ахоли.

СҮФД ЁЗУВИ (тар.) - сўғдийлар ёзуви. Сўғд ёзуви мил. авв. сўнгги минг йилликнинг охирларида оромий алифбосидан аж-ралиб чиккан. Араб ёзуви сингари ўнгдан чапга қараб ёзилган ва ўқилган. Қадимги манбаларда сўғд алифбосида 25 ҳарф мавжудлиги таъкидланган, бироқ турли жойлардан топилган сўғд ёзуви ёдгорликларида ҳарфларнинг умумий сонида фарқлар бор. Сўғд ёзувининг милод бошларига оид энг қадимги намунаси Самарқанд яқинидаги Толи барзу деган жойдан топилган.

СҮФУШ (м.-т.) - “уруш” деган маънони англатган.

СҮФИ (ар.) - масжидда намоз ўқийдиганларнинг сафларини тартибга солувчи шахс. Муаззин вазифасини ҳам бажариши мумкин.

СҮФИМ (т.) - XV-XVI асрлардаги кўчманчи уруғларнинг ўз хонлари, султонлари олдидағи мажбуриятларидан бири. Қадимдан кўчманчиларда қишига гўшт тайёрлаб қўйиш одати бўлган. Бунинг учун улар ўзларининг чорвасининг маълум қисмини сўяр эдилар. Буни улар сўғим сўйиш дейишарди. Сўғим сўйиш пайтида ҳар бир кўчманчи хонга, султонга ва зодагонларга сўғим учун мол олиб келиши керак бўлган.

T

ТААДДИ (ар.) - шафқатсиз эзиш; зулм, жабр;

ТАБАА (ар.) - бирор давлат фуқароси; фуқаролар.

ТАБАРЗИН (ф.-т.) - 1. Ўрта асрларда урушда ишлатилган дастаси узун, болтага ўхшаш ҳарбий курол номи. Эгарнинг қошига бойланган; 2. Қаландарнинг ҳассаси.

ТАББОХ (ар.) - Ўрта Осиё худудларида XX аср бошларига қадар тўйларда меҳмонлар олдига таом қўювчи киши. Таббохликни маҳаллада маҳсус сайлаб қўйилган киши олиб борган.

ТАБЛА (ар.) - отлар турадиган оғилхона; отхона.

ТАБЛ (ар.) - катта ногора, довул.

ТАБОР (ф.-т.) - бирга кўчиб юрадиган лўлилар тўдаси ва уларнинг кўч-кўрони, шунингдек, уларнинг қўнган жойи.

ТАВАЛЛО (ар.) - ёлвориш, ялиниб сўраш, илтижо.

ТАВАЛЛУД (ар.) - туғилиш, дунёга келиш.

ТАВАНБОШИ (ф.-т.) - таванларни қабул қилиб олиш, меҳмонларга патнис тузаш учун таванхонага бош қилиб қўйилган аёл.

ТАВАНХОНА (ф.-т.) - тўй ва зиёфатларда меҳмонларга патнис тузаладиган, совға-саломлар, тўёналар, таванлар қабул қилиб олинадиган хона.

ТАВАНТОВОН (ф.-т.) - тўй ва таъзия муносабати билан хонадонларда қавм-қариндош ва яқин кишилар томонидан келтириладиган ашёларни ўрнига қайтариш одати. Таван, одатда, Ўрта Осиё халқлари, айниқса, ўзбеклар ҳаётида уруғчилик давридан давом этиб келган. Таван тўпланадиган жой таванхона, Сурхон-дарё вилоятида эса тавоқхона дейилади.

ТАВАЧИ (ф.-т.) - муҳим топширикларни бажарувчи киши.

ТАВОЧИ (м.) - XIII-XVII асрларда Ўрта Осиё ҳамда Эронда хон ва подшохлар саройида хизмат қилган олий ҳарбий мансабдор. Тавочи зиммасига ҳарбий юриш кўзда тутилганда, тобе вилоятлардан озиқ-овқат, курол-аслаҳа, от-улов билан белгиланган миқ-

дорда лашкар тўплаб келиш, ҳарбий юриш олдидан ҳамма қўшинларни кўрикка ҳозирлаш, ҳарбий юриш вактида дам олиш ва уни ўтказиш учун қўшинни қулай ўринга жойлаштириш, душман қароргохига яқинлашиб, уни қамал қилувчи қўшинларни жойжойига қўйиши, асиirlар ва жиноятчиларнинг жазоланишини назорат қилиш, қамал хавфи туғилганда теварак атрофдаги қишлоклар ахолисини қалъага қўчириб келиш каби вазифалар юкланган.

ТАВРОТ (ар.) - христиан ва яхудийларнинг муқаддас китоби. Таврот “Қадимий ақд”нинг биринчи 5 китобидан (Борлик; Чиқиш; Ловий; Сонлар; Иккинчи қонун.) иборат. Иудаизмнинг талкинига кўра, Худо тавротни Пайгамбар Мусога ваҳий қилган. Шунинг учун ҳам у кўпинча “Мусо қонунлари” деб аталади.

ТАВИР (?) - диккақдан кичик, узун сочокли, эгар остидан икки ёқса ёйиб ташланадиган от абзали.

ТАВКАРГИР (?) - қиморда ютуқдан чўтал олувчи; чўталчи.

ТАВОНГАР (ф.-т.) - бадавлат, давлатманд, бой.

ТАВОНО (ф.-т.) - забардаст, бакувват.

ТАВОФ (ар.) - муқаддас, табаррук деб ҳисобланган кимса, нарса, жой атрофини зиёрат қилмоқ.

ТАВСИФНОМА (ар.+ф.-т.) - бирор кишининг сифатлари баён қилинган хужжат.

ТАВСИЯ (ар.) - 1. Бирор иш, лавозим, ўқиш ва шу кабиларга лойиқ санаб тақдим этиш; 2. Маслаҳат, кўрсатма.

ТАВҚ (ар.) - *тавқи лаънат* - жазо тариқасида гуноҳкорнинг бўйнига кийгизиб қулфлаб қўйиладиган кунда.

ТАГКУРСИ (ф.-т.) - ўриндиқ; ҳайкал ости қурилмаси, пойдевор.

ТАГНУСХА (ар.+ф.-т.) - асл нусха; муаллиф қўлёзмаси.

ТАГСИНЧ (ар.+ф.-т.) - синчли иморатнинг пойдеворига ётқизиладиган ва устига синчлар қадаладиган узун, бакувват ёғоч.

ТАДРИЖАН (ар.) - изчиллик билан, аста-секинлик билан.

ТАЖАММУЛ (ар.) - безатилган, гўзал.

ТАЖНИС (ар.) - 1. Сўз ўйини; 2. Омоним сўзлардан иборат қоғияли шеър. *Масалан, туюк.*

ТАЗАР (ф.-т.) - ёмғир, қор сувларини йиғиб, шаҳар ташқа-рисига чикарувчи маҳсус қурилма. Ўрта асрда Ўрта Осиё шаҳарларида мавжуд бўлган. Тазар тўртбурчак шаклида, устки томони очик сопол новалардан қилинган. Нованинг икки чети пишиқ гиштдан деворга ўхшаб ишлаб чиқилган. Усти пишиқ гиштдан ровоқсимон килиб ёпилган. Шаҳар ичидаги маҳсус ўрада йигилган сув тазар орқали шаҳарнинг шимолий ва шарқий қисмидаги мудофаа деворидан ташқаридаги жарликка туширилган.

ТАЗКИРА (ар.) - ёзувчи ва шоирлар тўғрисида қисқа мавъумот берилиб, шеърларидан мисоллар келтирилган тўплам; антология.

ТАЗМИН (ар.) - бир шоир шеърига иккинчи шоир томонидан ўхшатма килиб ва ундан парчалар олиб ёзилган шеър.

ТАЙЛАСОН (ар.) - Салжукийлар даврида араблар бошлари-га ташлаб юрадиган мато. Ўрта асрларда факиҳ ва қозийлар қора ранг мато ёнинардилар.

ТАКАББУР (ар.) - ўзини катта олувчи, кеккайган; димогдор.

ТАКЪЯХОНА (ф.-т.) - хонақоҳ, дарвишлар макони, дарвишларга таом берадиган жой.

ТАЛАБГОР (ар.+ф.-т.) - талаб қилувчи, истовчи, хоҳловчи, толиб.

ТАЛАФ (ар.) - йўқ бўлиш, ҳалок, нобуд бўлиш.

ТАЛАФОТ (ар.) - йўқотиш, ажраб қолиш; зарар.

ТАЛБИС (ар.) - 1. Сохта, қалбаки, ёлғон; 2. Айёрлик; хийла, найранг.

ТАЛОҚ (ар.) - никохни бузиш, бекор қилиш ҳақидаги эр томонидан айтиладиган сўз (бу ҳолда шариат қоидасига кўра, хотин то бошқа эрга никохланиб яна ажралмагунча ўз эри билан яшави мумкин эмас).

ТАЛОҚОНА (ар.) - Бухоро амирлигида XIX аср - XX аср бошида никохнинг бекор қилинганлиги учун олинадиган йигим.

ТАЛОҚНОМА (ар.+ф.-т.) - талоқ қилинганлик тўғрисида эр томонидан ёзилган мактуб.

ТАМАЛ (грек.) - негиз, асос, пойдевор.

ТАМБА (т.) - эшикни бекитиш учун оркасидан тиralган ёки тиralадиган тахта, ёғоч ва шу кабилар.

ТАМФА (м.) - 1. Мухр. Қадимги даврда турк ва мўгул қабила-ларининг ҳар бири ўз тамғасига эга бўлган. Кейинчалик эса Ўрта Осиё ҳудудида ҳар қандай расмий ҳужжатларга тамға, яъни мухр босиш одат тусига кирган. Тамға шу ҳужжатнинг асл нусха ёки ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун кўлланилган; 2. Ажратиш, кимга тегишли эканини кўрсатиш учун қўйиладиган белги.

ТАМФАДОР (т.) - 1. Қадимда четдан киритилган молга тамға босиш ва бож олиш билан шуғулланган лавозимли киши; 2. Тамға босилган, тамгали.

ТАНАЗЗУЛ (ар.) - орқага қараб кетиш; инқироз, тушкунлик.

ТАНБАЛ (ар.) - ўтакетган дангаса, ялқов.

ТАНБУР (ф.-т.) - уч ёки тўртта сим торли, нохун билан чертиб чалинадиган мусиқа асбоби.

ТАНВИН (ар.) - араб ёзувидаги ҳарфнинг устига ёки остига қўйилган кўш зер, кўш забар, кўш пеш.

ТАНВИР (ар.) - маърифат, маориф.

ТАНГА (т.) - Бухоро амирлигида пул муомаласидаги Бухоро кумуш тангаси. XIX асрнинг 40-йилларида 1 танга рус пулига ассигнация билан 68,33 тийинга тенг бўлган бўлса, XIX асрнинг 70-йилларида бир Бухоро кумуш тангаси рус пулига 20 тийинга тўғри келган.

ТАНГА (ф.-т.) - ўн тўрт ярим тийинга баробар. Икки танга бир аббос ҳисобланади.

ТАНГИ (ф.-т.) - икки тоғнинг остки туташган ери; тор дара.

ТАНГРИ (мўғ.) - Аллоҳ, парвардигор.

ТАНДА (т.) - мато тўқиши учун узунасига тортилган ип, ўриш;

ТАНДАЧИ (т.) - танда кўювчи уста.

ТАНДИР (ар.) - нон ёпиш учун ишлатилган махсус лой ўчок.

ТАНОБ (ф.-т.) - Ўрта Осиё хонликларида экин майдонини ўлчаш учун ишлатиладиган юза бирлиги. 1 таноб 3600 м²

ТАНОБЧИ (ф.-т.) - Ўрта Осиё хонликларида хосилдан оли-надиган соликлар ҳажмини белгиловчи амалдор.

ТАНОБ ПУЛИ (ф.-т.) – Ўрта Осиё хонликларида хар бир таноб беда майдони учун йилига 40 танга микдорида ундирилган солик. Шунингдек, у боғ солиги деб ҳам юритилган.

ТАНСУҚ (ТАНСИҚ) (т.) - хадя, инъом. Хон ва подшохларга килинадиган инъомлардан бири. Кўпликда тансуқот деб юритилади.

ТАНТИ (т.) - ҳеч нарсасини аямайдиган, хотам; мард.

ТАНТИҚ (т.) - ортиқ эркалатиб, талтайтириб юборилган, талтайган; эрка.

ТАНЧА (т.) - сандал.

ТАНХО (м.) - Ўрта Осиёда мавжуд бўлган суюргоннинг бир кўриниши бўлиб, у факат ҳарбийларга берилган. Танҳо ҳам суюргонга ўхшаб пул, мол-мулк, ер-сув тариқасида берилган.

ТАРАҚАЧИ (т.) - Кўкон хонлигига қозихона ва маҳкамалар қошидаги амаллардан. Одатда, у мерос колган мол-мулкларни меросчиларга бўлиб (тарақа қилиб) берган.

ТАРИХНАВИС (ар.+ф.-т.) - тарихни ёзib борувчи, солномачи.

ТАРИҚ (т.) - донини оклаб, сўк олинадиган бошокли ўсимлик.

ТАРИҚАТ (ар.) - сўфийликка хос атама бўлиб, уч маънода ишлатилган: 1) умуман, сўфийлик йўли; 2) сўфийликнинг муайян тармоги, йўналиши; 3) сўфийлик босқичларидан бири. Тариқатни сўфийлик йўналишлари, тармоклари маъносида қўллаш кенгроқ тарқалган. Тариқатга қадам қўйиш - тирикчиликнинг барча ташвишларидан воз кечиш ҳамда ихтиёрни пирга топ-

ширишдан бошланади. Ўрта Осиёда нақшбандийлик, қубравийлик, яссавийлик тариқатлари тарқалган.

ТАРКАШ (ф.-т.) - тери ёки ёғочдан ясалган пиёла ҳамда коса гилофи.

ТАРЛОН (т.) - ола-була, хол-хол, чавкар.

ТАРМИТ АНТИОХИЯСИ (тар.) - Антиох I Сатер томонидан ҳозирги Термиз ўрнида қайтадан қурилган шаҳар (ҳозирги эски Термиз харобаси ўрнида). В. Тарн маълумотларига қараганда, Эски Термиз шаҳри дастлаб Александр Македонский томонидан қурилган. Эр.ав. III-II асрларда у Окс Александрияси деб аталган.

ТАРНОВ (ф.-т.) - сув, суюклик оқиб ўтиши учун металл ёки ёғочдан ясалган нов ёки ариқча.

ТАРНОВЧҮП (ф.-т.) - тиззага қўйиб устида чок тикиладиган тарновчасимон косибчилик асбоби.

ТАРОВИХ (ар.) - диндорлар томонидан рамазон ойи давомида, яъни рўза тутиш кечалари ўқиладиган қўшимча намоз.

ТАРОЗИ (ф.-т.) - оғирлик ўлчаш асбоби.

ТАРОЗИБОН (ф.-т.) - тарозида тортувчи, тарозида тортиш ишини бажарувчи.

ТАРОЗУ ПУЛИ (ф.-т.) - Бухоро амирлигига XIX аср - XX аср бошида ушбу солик тури бозордаги тарози учун олинган.

ТАРОЗУ ЮЛДУЗИ (ф.-т.) - Тарозу юлдузлар туркуми. Туркларнинг тақвимида мезон (сентябрь) ойи ҳам тарозу деб аталган.

ТАРСО (ф.-т.) - ғайридин, кофир.

ТАРХОН (м.) - 1. Ўрта асрларда туркий халқлардаги феодал номи; 2. Ўрта Осиё ҳонликларида феодалларнинг давлат соликларидан озод қилинган ер-сув, мол-мулклари.

ТАРҲ (ар.) - кўриниш; лойиҳа, режа.

ТАРГИЛ (т.) - йўл-йўл сарғиши ва қорамтири ранг.

ТАРҒУ (м.) - қимматбаҳо кизил толадан тўқилган чин матоси.

ТАСБЕҲ (ар.) - Аллохнинг номи зикр этиб саналадиган мунҷоқ шодаси.

ТАСВИР ВА ТАЗХИБ ИЛМИ (ар.) - Тасвир - суратта олиш; тазхиб - зарлаш, олтин билан қоплаш илми.

ТАФСИР (ар.) - умумий маънода, бирон нарсани шархлаш, талқин қилиш. Ислом анъанасида Куръони Карим, ҳадиси шариф ва бошқа диний манбаларни талқин қилиш тафсир дейилади.

ТАХАЛЛУС (ар.) - ёзувчи, рассом ёки артистлар анъанага кўра ўзига ўзи қўйиб олган бошқа ном.

ТАХМОН, ТАХТМОН (ф.-т.) - уй ёки айвон деворида - сандик ўрнатиб, устига ўрин-кўрпа йиғиб қўйиладиган токчаси-мон маҳсус жой.

ТАХТ (кад.ирон) - саройда ташкил этилган расмий қабул маросими ва турли тантаналарда ҳукмдор ўтирадиган маҳсус жойга ўрнатилган серҳашам ўриндиқ.

ТАХТАКАШ (ф.-т.) - устма-уст қўйилган икки тахтачадан иборат, орасига бирор нарса, масалан, тайёрланган дўппи қўйиб сикиш, тах солиш учун ишлатиладиган асбоб; исканжа.

ТАХТИРАВОН (ф.-т.) - Шарқ мамлакатлари ва Жанубий Америкада: олий мартабали шахслар ўтқазилиб, елкада олиб юриладиган, усти берк хашамдор замбар.

ТАХУРАР (т.) - ўғил тўйига атаб тикилган кўрпа-тўшакларни тахмондаги сандик устига кўз-кўз қилиб йиғишига - тахт уришга бағишиланган, факат хотин-қизлар иштирокида ўтказиладиган кичик тўй маросими.

ТАЪЗИЯ (ар.) - йўқловнинг энг буюги. Марҳум ва марҳуманинг йўқлаб бориш, унинг кариндош-уруғлари, фарзандларидан кўнгил сўраш.

ТАШДИД (ар.) - араб ёзувида ундошнинг такрорийлигини билдириш учун ундош устига қўйиладиган диакритик белги.

ТАШРИХ (ар.) - шарҳ, комментарий.

ТАШТ (ф.-т.) - 1. Лаган, тогора; 2. Дастьшўй

ТАШТХОНА (ф.-т.) - подшоҳнинг кундалик турмуши ва қабул маросими учун зарур бўлган буюмлар омбори. Таштхона бошлиғи меҳтари таштдор деб аталган.

ТАШҒАЛИ (т.) - кўнғирот қабиласи таркибидаги уруғлардан бирининг номи.

ТАЪЛИФ (ар.) - ёзма асар, иншо, китоб.

ТАЪХИР (ар.) - кечикиш, ҳаяллаш; тўхтаб қолиш; ўз вақтида келмаслик ёки қилмаслик, бажармаслик.

ТАЪҚИБ (ар.) - зимдан, билдириласдан кўз-кулок бўлиб кузатиш, суриштириш.

ТАЯММУМ (ар.) - сув бўлмаган жойда тупрок, пахта, латта каби нарсалардан фойдаланиб олинадиган шартли таҳорат.

ТАҚА (т.) - от туёғи остига михланадиган ярим доира шаклидаги металл буюм.

ТАҚВИМ (ар.) - 1. Ўрта асрларда мамлакат ерининг кенглиги, узунилиги ва бу ерлардан келадиган фойдалар; 2. Сайёраларнинг ийллик ҳол ва харакатларини кўрсатувчи жадвал (календарь).

ТАҚВОДОРЛИК (ар.+ф.-т.) - барча динларда ўта диндорларга нисбатан ишлатиладиган атама. Ўрта Осиёда динга жуда берилган, художўй одамлар тақводор дейилган.

ТАҚИМ (т.) - 1. Оёқнинг тиззадан букиладиган жойи; 2. Ўрта Осиё худудларида қўлланилган узунлик ўлчов бирлиги.

ТАҚИНЧОҚ (ў.) - кулоқ, бўйин, бармоққа тақиладиган безак буюми.

ТАҚРИР (ар.) - 1. Хат, мактуб, нома; 2. Ёзма таҳлил; илмий текшириш.

ТАҚЯ (ар.) - сидирға матодан тайёрланган гулсиз дўппи.

ТАҲАММУЛ (ар.) - қийинчиликка бардош бериш; чидам, сабр, тоқат.

ТАҲОРАТ (ар.) - ибодат қилиш, намоз ўқиши, қуръон тиловат қилиш олдидан бет, қўл, оёқ ва бошқа аъзоларни ювиш, покланиш.

ТАҲРИР (ар.) - ёзма ишни, асарни тузатишлар киритиб яхшилаш, тузатиш.

ТАҲСИЛ (ар.) - ўқиши, билим олиши.

ТАҲСИН (ар.) - мамнуният билан берилган юқори баҳо; мақтov, тасанно.

ТАҲКИР (ар.) - хўрлаш, хақорат қилиш, камситиш; хақорат.

ТЕВАЧИ (т.+ф.-т.) - сорбон; туя карвонининг бошлиғи.

ТЕГАНА I (ф.-т.) - 1. Пойабзал қолипининг устки ва остики кисми орасига қоқиладиган пона; 2. Чарм ва шу каби қалин-қаттиқ нарсаларни тикишда ишлатиладиган катта йўтон игна.

ТЕГАНА II (ф.-т.) - 1. Тегирмон тошлари орасидан чикаётган ун тушиб йигиладиган гардишсимон жой; 2. Отларда бўладиган, тери остини шишириб, қабартирадиган касаллик.

ТЕГАРЧИК (ф.-т.) - арава ғилдирагининг гардиши, тўғини.

ТЕГДОР (ф.-т.) - тагдор, тагли, тубли.

ТЕГИРМОН (т.) - ғаллани, донни янчib ун қилиш; ун тортиш учун мосланган қурилма ва шундай қурилма ўрнатилган бино.

ТЕГИРМОН ҲАҚИ (т.+ф.-т.) - тегирмонда донни унга айлантириб берилгани учун олинадиган маълум миқдордаги меҳнат ва хизмат ҳаки.

ТЕГИРМОНЧИ (т.) - тегирмон эгаси, хўжайини ёки тегирмонда ишлайдиган киши.

ТЕМИР ДАРВОЗА (тар.) - форс манбаларида “Дара-и Аханн”, араб манбаларида “Баб-ал-Хадид”, туркий манбаларда “Темир-котуг”, мўғул манбаларда “Темир-Капалэк” деб берилган. Ҳозирги Сурхондарё ва Кашқадарё вилоятлари чегарасида жойлашган тарихий-географик ёдгорлик. Узунлиги 2 км, кенглиги 10-20 метрдан иборат тор дара. У жуда катта ҳарбий ва савдо ахамиятига эга бўлган. Айнан шу дара, Суғд орқали, Бактрияга, Ҳиндистонга ва, аксинча, Ҳиндистон ҳамда Бактриядан Суғдга ўтувчи энг киска йўл хисобланган. Илк маълумотлар Сюн Цзан (630 й.) давридан бошланган. Араб, форс, Хитой, Европа, Ўрта Осиё ёзма манбаларида жуда кўплаб маълумотлар берилган

ТЕМУРИЙЛАР (тар.) - 1370-1507 йилларда Темурийлар давлатида хукмронлик қилган сулола. Асосчиси – Амир Темур. Темурийлар Чигатой улусида кучайиб кетган феодал тарқоқлик

натижасида хокимият тепасига келди. Самарқанд ва Ҳирот Темурийлар давлатининг пойтахти бўлган. Темурийларнинг хукмронлик килган йиллари: Амир Темур ибн Тарагай Баходир (1370-1405 йй.); Халил султон ибн Мироншоҳ (1405-1409 йй.) Мовароуннахр ҳокими, 1409-1411 йй.) Рай шахри ҳокими); Шоҳруҳ ибн Темур (1396-1490 йй.) Ҳуресон ҳокими, 1409-1447 йй.) Темурийлар давлатининг олий хукмдори.); Улугбек ибн Шоҳруҳ (1409-1447 йй.) Мовароуннахр ҳокими, 1447-1449 йй.) Темурийлар давлатининг олий хукмдори); Абдуллатиф ибн Улугбек (1449-1450 йй.) Мовароуннахр ҳокими); Абулқосим Бобир (1449-1457 йй.) Ҳуресон ҳокими); Абдуллоҳ Мирзо ибн Иброҳим султон (1450-1451 йй.) Мовароуннахр ҳокими); Султон Маҳмуд ибн Абулқосим Бобир (1457-1459 йй.) Ҳуресон ҳокими); Абу Сайд ибн Султон Мұхаммад (1451-1458 йй.) Мовароуннахр ҳокими, 1458-1469 йй. Темурийлар давлатининг олий хукмдори); Султон Аҳмад ибн Абу Сайд (1469-1494 йй.) Мовароуннахр ҳокими); Султон Маҳмуд ибн Абу Сайд (1494-1498 йй.) Мовароуннахр ҳокими); Султон Али ибн Султон Маҳмуд (1498-1500 йй.) Мовароуннахр ҳокими). 1500 йили Мовароуннаҳр Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбеклар томонидан босиб олингач, фақат Ҳуресон Темурийлар кўлида қолган. Султон Ҳусайн Бойқаро (1470-1506 й.й. Ҳуресон ҳокими); Бадиуззамон (1506-1507 й.й. Ҳуресон ҳокими). 1507 йили 20 майда Шайбонийхон Ҳиротни эгаллади. Темурийлар сулоласига мансуб сўнгги хукмдор Захириддин Бобур Афғонистонга қочиб бориб, у ерда 1508 йили мустақил давлат тузди. У 1525 йили Шимолий Хиндистонни босиб олиб, у ерда янги Бобурийлар империясига асос солди.

ТИЖОРАТ (ар.) - савдо-сотик.

ТИЗГИН (т.) - иш ҳайвонини бошқариш учун хизмат қила-диган чизимча, жилов.

ТИЗГИЛЛАМОК (т.) - от, эшак ва бошқа ҳайвонлар бошига тизгин боғламок, тизгин солмоқ.

ТИЙУЛ (м.-т.) - Ўрта Осиёда феодализм даврида “танҳо” атамаси тийул маъносида ишлатилган. Абдураззок Самарқандий асарила ҳарбий амалдорларга озиқ-овқат учун бериладиган маош тийул деб номланган. XVI асрнинг иккинчи ярмида, шартли равишда муваққат инъом қилинган ер тийул ҳисобланган. Бек ёки ҳоким бирон кимсага муайян хизматни бажарib турган вактида

тасарруф қилиши учун, ёки каттароқ хизмати эвазига вақтинга ёки умрбод фойдаланиш учун тийүл берган. Тийул аста-секин, вақтинга тасарруф қилинадиган шартли мулкдан мерос тариқасида ўтадиган мулкка айланди.

ТИЛЛАКОР(И) (ф.-т.) - тилла билан безатилган.

ТИЛЛАҚОШ (ф.-т.) - хотин-қизларнинг тилладан ясалган ёки тилла суви югуртирилган, пешанага тақиладиган безак буюми.

ТИЛОВАТ (ар.) - Куръон ўкиш, Куръондан бир сурга ўкиш.

ТИЛСИМ (ар.) - сехрлаб қўйилган, сехрли нарса; ҳеч ким кира олмайдиган сехрли жой .

ТИЛСИМ ХАТ (?) - абжад орқали ёзиладиган сехрли, маҳсус хат тури. Дуо, тумор ёзишда фойдаланилган.

ТИЛХАТ (т.) - қарз ёки бошқа бирор нарса олганлик ёхуд ўз зиммасига олинган мажбурият, ваъда ва шу кабилар ҳакида жавобгар шахс томонидан имзо чекиб тасдиқлаб бериладиган расмий хужжат.

ТИМ (ф.-т.) - қадимда, асосан, йирик шаҳарлар марказида, очик бозор ва карвонсаройлар ёнида қурилган савдо расталари. Тимлар катта-кичик хар хил дўкон ва устахоналарни бирлаштирган. Давлат томонидан қурилган тимлардан унган солиқ давлатга, шахсий тимлардан унган солиқ тим эгасига теккан. Тим Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Яқин Шарқ мамлакатларида қўп бўлган. Абдуллахон тими Бухородаги энг катта савдо растаси бўлган.

ТИМБОН (ф.-т.) - тим соқчиси, бозор қоровули.

ТИР (ф.-т.) - ўқ; ёй ўқи.

ТИРА (ф.-т.) - бўлак, парча, кисм. Мол-мулкнинг бир қисми.

ТИРАНДОЗ (ф.-т.) - камондан ўқ отувчи; камонкаш.

ТИРБАНД (ф.-т.) - киши ёки нарсалар билан тўлган, бутунлай банд, бўш жой йўқ.

ТИРКАШ (ф.-т.) - арава шотисини эгар устида тутиб турувчи, икки учи бириктирилган қалин қайишдан иборат отарава абзали. Теридан ёки тут, олча дарахтлари навдаларидан тўқилади.

ТИҚИН (?) - идишларнинг оғзига тиқиб қўйиладиган қопқоқ.

ТИҚМАЧОҚ - ичига ниқтаб бирор нарса тиқилган қопча, халта.

ТИҒ (ф.-т.) - 1. Қилич, ханжар, пичоқ, найза каби совук қуролларнинг умумий номи; 2. Кесувчи асбоб, қурол-яроғ ва шу кабиларнинг кескир қирраси, дами.

ТИҒЛИ (?) - кесувчи ёки найзали асбоб билан қуролланган, тифи бор.

ТОАТ (ар.) - Оллоҳга сиғиниш, ибодат.

ТОАТ-ИБОДАТ (ар.) - узлуксиз тоат ва ибодат.

ТОБГИР (ф.-т.) - улоқчи, пойгачи отни тобга келтирувчи ва отнинг тобга келганлик даражасини аниқловчи мутахассис.

ТОБЕ (ар.ТОБЕЪ) - хоким қўйл остидаги, унга бўйсундирилган, қарам.

ТОБЕИНЛАР (ар.) - Мұхаммад асҳобларини кўрган кишилар.

ТОБИЙИН (ар.) - саҳобалардан сўнг ислом ақоиди, шариати ва анъаналарини давом эттирганлар; улар бевосита саҳобаларнинг издошлари хисобланган.

ТОБУТ (ар.) - киши оламдан кўз юмгач, жасад солиниб мозорга елкама-елка кўтариб бориладиган тўрт дастали мослама.

ТОБУТКАШ(ар.+ф.-т.) - бирга тобут кўтарувчиларнинг ҳар бири.

ТОБУТСОЗ (ар.+ф.-т.) - тобут ясовчи уста; тобутчи.

ТОБУТХОНА(ар.+ф.-т) - масжид, ва қабрийонлар хузуридаги тобут сақланадиган жой.

ТОВА (ф.-т.) - қовурма овқат пишириш учун хизмат қилалигани, гир атрофи қайрилган ясси металл идиш.

ТОВОНДОР (ф.-т.) - етказилган зарар учун товон тўловчи; тўлөвдор.

ТОВОЧИ (ф.-т.) - Ўрта Осиё хонликларида XV-XVI асрларда амалда бўлган ҳарбий амал. Лашкар тўплаш, уни ҳарбий юриши.

лар ва жанг олдидан маҳсус тартиб билан жойлаштириш ишларига бошчилик қилувчи ҳарбий мансабдор

ТОВОҚ, ТАБАҚ (ар.) - 1. Сопол коса. 2. Лаган.

ТОЖ (ф.-т.) - 1. Шоҳларнинг хукмронлик рамзи бўлган, қимматбаҳо тошлар қадалган зийнатли бош кийими; 2. Баъзи қушларнинг бошидаги этдор ўсимта; 3. Қуёш атрофида, кун тутилиш пайтларида яхши кўринадиган ёрик гардиш.

ТОЖИР (ар.) - тижоратчи, савдогар.

ТОЙ I (т.) - отнинг икки яшардан кичик боласи.

ТОЙ II (ф.-т.) - катта тўп килиб тахлаб ёки босиб боғланган мол ва шу тарздаги мол ўлчови.

ТОЙДИ (?) - болаларнинг ошиқ ўйинларидан бири (бунда рақибнинг чикка ёки пукка ошиғини ўз ошиғи билан уриб тойдирган ютади).

ТОЛКОН (т.) - ковурилган дон, қуритилган нон ва шу кабилардан туйиб тайёрланган емиш.

ТОЗИ (?) - Ўрта асрларда араб бўлмаган мусулмон муаллифлари арабларни шу ном билан атаганлар.

ТОШ (т.) - масофа ўлчов бирлиги. Ўтмишда Ўрта Осиёда кенг ишлатилиб келинган атама. Тахминан, 8,9–9,5 чақиримга тенг бўлган. Тош ўрнига баъзан *йиғоч* сўзи ҳам ишлатилган.

ТОШ АРРОДА (т.) - камал вактида ишлатиладиган ҳарбий курол.

ТОШЛОҚ (т.) - тош босган, тоши кўп деган маънони билдиради.

ТОШ РАЪДИ - қалъанинг девор ва эшикларини бузиш учун тош отадиган маҳсус қурилма. Ўрта асрнинг ўзига хос тўпи.

ТОҚИ (ар.) - 1. Васса; 2. Қоровулларнинг шақилдоғи; 3. Кўйлакнинг елка қисмига ичидан кўйилган астар.

ТОҚИЛИ (ар.+ф.-т.) - шипига токи терилган; вассали.

ТОҒБЕГИ (т.) - қишлоқ жамоасига тегишли бўлган яйлов,-адир, тоғ бойликларидан фойдаланиш устидан назорат қилувчи амалдор.

ТОФАР (т.) - Кўчманчи ўзбек давлатида аҳолининг ўтрок кисмидан олинадиган соликнинг бир тури. Тогар асосан, қўшинни озиқ-овқат билан таъминлаш учун олинадиган солик хисобланган.

ТОҒУТ (ар.) - бут, Оллоҳдан бошқа сиғинадиган нарса, иблис, шайтон.

ТОҲАРИСТОН (тар.) - Амударёнинг ўрта ва юкори окими даги икки соҳилини ишғол этган ерларнинг ўрта асрлардаги номланиши. Айнан мана шу сарҳадда вужудга келган давлат Тоҳаристон деб аталган бўлиб, у 27 та мустакил вилоятлардан иборат бўлган.

ТОҲИРИЙЛАР (тар.) - Тоҳирийлар давлатини бошқарган сулола. Асосчиси – Тоҳир ибн Ҳусайн. Тоҳирийлар сулоласи хукмдорлари: Тоҳир ибн Ҳусайн (821-822 йй.), Талҳа ибн Тоҳир (822-828 йй.), Абдуллоҳ ибн Тоҳир (828-844 йй.), Тоҳир II ибн Абдуллоҳ (844-862 йй.), Мұхаммад ибн Тоҳир (862-873 йй.).

ТУВОҚ (т.) - қозон қопқоғи.

ТУЖЖОР (ар.) - савдогар, тожир.

ТУЗОҚ (т.) - қуш тутиш учун, одатда, қилдан ясаладиган сиртмоқли мослама.

ТУЗОҚЧИ (т.) - тузоқ ясовчи ва тузоқ қўйиб ов қилувчи.

ТУЗУК (м.) - қонун-коидалар тўплами; низом.

ТҮЙНАК (т.) - янги туғилган, ҳали ётилмаган қовун.

ТҮЙНУК (т.) - қадимда уйларга ёруғ тушиши, тутун чиқиб кетиши учун хизмат киладиган тешик.

ТҮЙЮҚ, ТҮЮҚ (т.) - сўз ўйинига, шаклдош сўзлар кофиясига асосланадиган тўрт сатр шеър.

ТУЛ (?) - эри ёки хотини ўлиб ёлғиз қолган; бева.

ТУЛЛАК (?) - бултурги, қари (икки, уч йиллик) туллаган бедана.

ТУЛЛАХХОНА (?) - отларни бўрдоқига боқищ учун мосланган оғилхона.

ТУЛПОР (?) - наслдор, чопқир, учкур от; аргумок.

ТУЛУМ (?) - 1. Терисига похол тикилган бузоқ (боласи ўлган сигирни ийдириш учун қилинади); 2. Ичига похол ва шу кабилар тикиб қотирилган ҳайвон, қуш ва шу кабилар; 3. Меш, саноч, бурдук.

ТУМА (тар.) - кўчманчи ўзбек уруғларидан бирининг номи.

ТУМАН I (м.) - 1. Ўн минг деган маънени англатади. Ўн минг аҳолиси бўлган ёки ўн минг кишилик қўшин етказиб беришга қодир бўлган музофот, яъни округ. Шунингдек, ўн минг отлиқдан ташкил топган қўшин ҳам туман деб аталган; 2. Октябрь инқилобига қадар Ўрта Осиёда маъмурий-ҳудудий бўлиниш; уезд.

ТУМАН II (ф.-т.) - Эронда 1932 йилга қадар муомалада бўлган пул бирлиги.

ТУНҚАТОР (т.) - Ўрта Осиё хонликларида ҳукмдорни кечаси қўриқлаб чикувчи ҳарбий химатчи.

ТУРА (т.) - одам бўйига мос қилиб тайёрланган қалқон бўлиб, уни жангчилар уруш даврида олдиларига тутганлар.

ТУРНАЧИ (?) - ҳарбий каторни сафлаш билан шуғулланувчи зобит, қадим Туркистонда ва Усмонлилар давлатида човуш ҳам дейилган.

ТУРОН МАМЛАКАТИ (тар.) - араб ва форс тилларида ёзилган қадимги манбаларда Амударёning шимолида жойлашган ерлар ва у ерда истиқомат қилган туркий халқлар шу ном билан аталган.

ТУРКЛАР (тар.) - 1. Туркияning асосий аҳолисини ташкил этувчи халқ, турк халқи; 2. Туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқларнинг умумий номи.

ТУРКОЛОГ (р.) - туркология бўйича мутахассис, олим; туркшунос.

ТУРКОЛОГИЯ (р.) - туркий халқларнинг тили ва маданиятини ўрганувчи фанлар мажмуи; туркшунослик.

ТУСКАВУЛ (м.) - йўл соқчиси.

ТУРУНЖ (?) - апельсин.

ТУТАК (ф.-т.) - қўлда пахтадан ип йигиришда ишлатиладиган қовоқ найча.

ТУТУН ПУЛИ (т.) - XIX асрда Хива хонлигига мавжуд бўлган солик тури. У ҳовли пули деб ҳам аталган.

ТУХСИ (тар.) - туркий қабилалардан бирининг номи. Улар VIII-X асрларда Еттисувда, Иссиққўлнинг жанубида яшаганлар. Тухсилар VII-VIII асрларда туркеш кабила иттифоқи таркибида бўлиб, Туркеш хоқонлигининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келганлар. Тухсилар асосан, кўчманчи чорвадорлар бўлиб, доимо бир ердан иккинчи ерга кўчиди юрганлар. 766 йил қарлуклар Еттисувни эгаллагач, тухсилар қарлуклар таркибига кириб, ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида фаол қатнашганлар.

ТУШОВ (т.) - от-уловнинг олдинги оёқларини маташтириб боғлайдиган арқон (мослама).

ТУЯКАШ (?) - ўз туясида киракашлик қилувчи ёки бировнинг туясини ҳайдовчи киши.

ТУЯСАНДИҚ (?) - катта сандиқ.

ТУЯТИШ (?) - дони йирик ҳосил (анор, буғдой ҳақида).

ТУҚБЕГИ (ТУҒБЕГИ) (м.-т.) - Бухоро хонлигидаги ҳарбий мансаблардан бири. Туғ (туқ)-байроқ. Туқбеги хон кўшининг асосий байробини кўрикловчи ва юриш вақтида уни кўтариб юрувчиларга бошчилик қилган ҳарбий мансабдор.

ТУҒ, ТУҚ (м.-т.) - қадимги давр ва ўрта асрларда қўшинларни бир-биридан ажратиб турадиган белги (нишон). Туғ учи думалоқ таёқ ёки учига тилла шар боғланган наизага от ёки хўкиз думи илиб ясалган.

ТУҒЁН (?) - тошқин, сув тошкини.

ТУҒРО (т.) - насх хатининг бир тури.

ТУҒРО (т.) - подшоҳ ва хонларнинг фармонлари бошида уларнинг номи ва амалларини кўрсатувчи маҳсус ҳарфлардан иборат белги.

ТУҒРОЙ (?) - салжуқийлар саройида давлат девонининг бошлиги, котиб.

ТУҒЧИ (т.) - туғни кўтариб юрувчи аскар; у байрокдор ёки аламбардор деб ҳам аталган.

ТУҒЧИБОШИ (т.) - ҳарбий қисм байроғи (туғи)ни олиб

юрувчи ва кўриқловчи бўлинма бошлиги. Ўрта асрларда мўғул ва туркӣ халқларда хон қўшинини ташкил этган ҳар бир қабила алоҳида ҳарбий қисм ҳисобланиб, ўз байроғига эга бўлган. XVI-XVII асрларда туғчибоши “туғбеги” деб ҳам аталган. XVIII-XIX асрларда амалда бўлган “тўғсабо” ҳамда “тўқсовул” атамалари “туғчибоши”нинг варианatlари бўлиб, ҳарбий унвонни англатган.

ТУҲФА (ар.) - кишининг кўнглини олиш ёки хизматларини тақдирлаш учун тортиқ қилиб берилган нарса, тортиқ, совға.

ТҮЁНА (?) - тўй муносабати билан шу тўй эгаларига яқинлари томонидан қилинган ёки қилинадиган совға.

ТЎЗОН (т.) - майда хас-чўп аралаш осмонга кўтарилган чанг.

ТЎЙ (т.) - кўпинча базм-томушалар билан зиёфат бериб ўтказиладиган баъзи маросимларнинг умумий номи (никоҳ тўйи, хатна, суннат тўйи, бешик тўйи ва ҳоказолар).

ТЎЙБОШИ (т.) - тўйга бошчилик қилувчи шахс.

ТЎЙХОНА (т.+ф.) - тўй бўлаётган уй, жой.

ТЎЙЧИҚ (т.) - кичкина тўй, тўйча.

ТЎКМА (т.) - улфатлар ўртага тўккан маблаг ва масаллик ҳисобига қиш бўйи ҳар куни ёки маълум кунларда ўтказиладиган ўтириш.

ТЎКМАЧИ (т.) - тўкма қатнашчиси.

ТЎЛ (т.) - қўзилаш мавсуми.

ТЎЛҒАМА (м.-т.) - ўрта асрларда мўғул ва турклар, хусусан, кўчманчи ўзбеклар тарафидан қўлланилган маҳсус ҳарбий тактика. Бунда саф тортиб турган душман қўшинига кутилмагандан ён тарафдан айланниб ўтиб ҳужум қилинган.

ТЎМТОҚ (?) - 1. Учи ўткир бўлмаган, ўтмас; 2. Кесиб ташланган, кесилган (оёқ, қўл, бармоқ ҳақида).

ТЎН (т.) - олди очик, узун устки миллий кийим, чопон.

ТЎНГАҚ (?) - тўнка, кунда.

ТЎНМОҚ (?) - музлаб қотиб қолмоқ, музламок.

ТЎНҚАТАР (?) - Амир саройида улуғларни отдан туширувчи лавозимли киши.

ТҮНГИЧ (т.) - энг олдин туғилган (фарзанд).

ТҮПОТАР (?) - кундуз соат 12 пайти; туш (инқилобдан илгари Тошкентда шу пайтда тूп отилар эди).

ТҮПТОШ (?) - қиз болаларнинг майда тошларни отибилиб олиб ўйнайдиган ўйини ва шу тошларнинг ўзи.

ТҮПХОНА (ф.-т.) - XVIII-XX асрларда Ўрта Осиё хонликларида түплар ва бошқа қурол-аслаҳалар сақланадиган жой номи.

ТҮПЧОҚЛАР (?) - насллик отлар.

ТҮПЧИБОШИ (?) - харбий лавозим. Ўрта Осиё хонликларида харбий ишларни бошқарған шахс. Бухоро амирлигиде иккита түпчибоши унвони бўлган: бири “тўпчибошийи лашкар” номи билан аталиб, Бухоро гарнizonининг бошлиғи бўлган. Уни “вазири ҳарб” - харбий вазир ҳам дейишган. Иккинчи тўпчибоши пойтахт қалъасининг бошлиғи бўлган. Уни тўпчибошийи арқиолий, яъни қалъа артиллеријасининг бошлиғи дейишган.

ТЎРА (т.) - расму одат, қонун, айниқса, Чингиз қонунлари.

ТЎРА (т.) - 1. Ўрта Осиёда мўғуллар истилосидан кейин шаклланган зодагонларнинг бир гурухи; 2. Туркистон ўлкасида подшо маъмурлари номига ҳурмат юзасидан қўшиб айтилган атама.

ТЎРИК (т.) - қизгиш, тўқ жигарранг от.

ЎРСИҚ (т.) - меш, саноч.

ТЎРТ ФАЗИЛАТ (?) - инсонга хос бўлган тўрт фазилат: химмат, шижаот, иффат ва адолат.

ТЎФАНГ, ТУФАНГ (ф.-т.) - чақмоқтош ёрдамида отадиган пилта милтиқ. Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, бундай милтиқлар Ўрта Осиёда XVI асрдан бошлаб қўлланилган.

ТЎШАКЧИ (т.) - хон, подшоҳ, мирза ва сultonларнинг сарой хизматчиси. Унинг зиммасига ҳукмдорнинг кўрпа-тўшаги ва бошқа ётиш-туриш анжомларини тасарруф қилиш вазифаси юклатилган.

ТЎҚА (т.) - қамар, тортма ва шу кабиларнинг учини ўтказиб тақиладиган қисми.

ТҮҚИМ (т.) - жазлиқ ёки эгар остига қўйиладиган, одатда кигиздан қилинадиган от-улов абзали.

ТҮҚМОК (т.) - 1. Дастаси ва уриладиган қисми қўпинча ёғочдан қилинадиган, босқонга ўхшаш асбоб; 2. Турли механизм ва қурилмаларнинг уриладиган, зарб берадиган қисми; 3. Ғалла янчадиган босқонсимон ибтидоий асбоб.

ТҮҚОЛ (т.) - шохи йўқ, шохсиз.

ТҮҚСОБО (т.) - харбий унвон. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё хонликларида хон байроғини қўриқлаган маҳсус ҳарбий қисм бошлиғи. XIX асрда эса умуман бир полкдан иборат бўлган ҳарбий қисм бошлиғи.

ТЎҒОН (т.) - сувни тўсиш, бўғиш учун хизмат қиласидиган қурилма ёки иншоот.

ТЎҒОННОҚ (?) - аравага ортилган юкни маҳкамловчи арқоннинг учига боғланадиган катта ёғоч илгак.

ТЎҒУЗ (ТЎҚҚИЗ)-ЎҒУЗ (тар.) - илк ўрта асрларда уйгур қабила иттифоқи тўғуз-ўғуз деб аталган. Уйғурларнинг илк аждодлари теле қабила иттифоқи таркибида бўлган. Кейинчалик кучайиб, 663 йили биринчи мустақил Уйғур хоқонлиги барпо этилади.

Y

УВА (т.) - тоғ ёнбағрининг емирилиши, уқаланишидан ҳосил бўладиган текислик, майдон.

УВАДА (т.) - йиртилиб, титилиб кетган деган маънони билдиради.

УВАЛИ-ЖУВАЛИ (т.) - кўп майда фарзандли, невара-чевавали.

УВАТ (т.) - дала ёки экин майдони ичидан, кирғокларида қолдирилган бўш ер, тор йўл; марза.

УВОҚ (т.) - увалаш натижасида ҳосил бўлган майда бўлакча.

УГРА (т.) - юпка ёйилган хамирни 3-4 см узунликда, жуда энсиз кесиб тайёрланган суюқ овкат.

УД (ар.) - мусика асбобининг номи, барбад.

УДАЙЧИ (ар.+ф.-т.) - асли, “худайчи” бўлиб, Хива ва Қўкон хонликлари ҳамда Бухоро амирлигига саройда тантанали маросимларни ташкил этувчи ва уни ўтказишга жавобгар шахснинг лавозими бўлиб, у Бухоро амирлигига амир ҳузурида бий ёки додҳо даражасидаги мансабдор ҳисобланган. Удайчи доимо амир ҳузурида бўлиб, давлат ишлари ҳақида амирга доимий ахборот бериб турган. Шунингдек, унинг хизматига бошқа давлатлардан келган элчилар ва давлат вакилларини давлат раҳбарларининг олдига, яъни қабулхоналарига бирга ҳамроҳлик қилиб олиб кириш юклатилган.

УДУМ (ар.) - ҳар бир уруғ, қабила, элат, миллат ва ҳалқа тегишли бўлган, улар томонидан қабул қилинган тартиб; одат, расм; анъана.

УЕЗД (р.) - Чор Россияси хукмронлиги даврида Туркистон ўлкасида жорий этилган маъмурий-худудий бўлинма.

УЗАНГИ (т.) - миниш ва оёқларни тираб ўтириш учун хизмат қиласидаги от абзали.

УЗЛАР (тар.) - қадимги туркий қавм. Узлар VII-VIII асрларда Еттисув ва Сирдарёнинг ўрта оқимларида яшаб Турк хоқонлиги, кейинчалик Туркеш хоқонлиги ва Қарлук давлати таркибида бўлган. Узларнинг бир қисми гарбга силжиб, VIII аср охириларида Орол дengизининг жануби-шарқий ҳудудларига бориб ўрнашиб ўғузлар тасарруфида бўлиб келганлар. Кейинчалик узларнинг бу гурухи яна ҳам гарбга силжиб, Жанубий рус чўллари орқали Ғарбий Европа (Юнонистон, Венгрия)га ўтиб кетганлар. Узларнинг кейинги авлодлари гагауз номи билан ҳозир ҳам Молдавияда, Руминияда ва Венгрияда яшайдилар. Узларнинг салмоқли қисми ўзбек ҳалқининг таркибига кирган. Булар, асосан, Зарафшон воҳасининг ўрта оқимларида (кора уз), Навоий туманида, Каттақўрғон туманининг “Улус” жамоа хўжалигига ҳозир ҳам яшайдилар. Узларнинг каттагина гурухи Қарши чўлида: Ҳардури, Талоктепа, Шўрабозор, Утамали қишлоқларида яшайдилар.

УЗЗОЛ (?) - ўзбек ҳалқ куйларидан бири.

УЗЛАТ (ар.) - кишилардан узок, якка ҳолда яшаш; ёлғизлик.

УЗМА (т.) - юпқа ёйилган хамирни күлдә узиб, қиймали шүрвага солиб пишириладиган таом.

ҮЙ (т.) - яшашга, ишлашга хизмат қиласынан курилма, бино, хона.

ҮЙКҮРПАР (т.) - қызы томоннинг бүлажак күёв яшайдынан уй-жой билан танишув маросими.

ҮЙРУҚ (м.-т.) - 1. Дастрас амир ёки хоннинг хотини, болалари, хизматкорлари яшаган чодирлар уйруқ деб аталған; 2. Кейинчилик уйруқ деганда харбий харакатлар вактида күшин ортидан борувчи каррон түшүнүлгөн. Унда хукмдорнинг хизматкорлари, карам ахли, курол-яроғ, озиқ-овкат ва бошқалар олиб юрилған.

ҮЙФУРЛАР (тар.) - Ғарбий Хитойда, шунингдек, Ўрта Осиёнинг баъзи ҳудудларида яшовчи туркий тилда сўзлашувчи халқ, уйғур халқи.

УКПА (т.) - майин, юпқа чарм.

УКПАР (т.) - укки пати (одатда, болалар кийимлари, асосан, бош кийимини безатиш учун унга чатиб қўйилади).

УЛАМО (ар.) - Ислом илоҳиётчилари ва хукуқшунослари, шунингдек, диний муассасаларга, қозилик маҳкамаларига, ўқув юртларига мутасадди бўлган барча мусулмон диндорлари уламолар деб юритилған. Уламо сўзи факат дин соҳасидаги билимдон кишиларга нисбатан ишлатилған ва ишлатилмоқда. Дунёвий фанлар бўйича билимдонларга нисбатан эса олим ибораси кўлланилади.

УЛГУРЖИ (т.) - кўтара, катта ҳажмда.

УЛЖА, ЎЛЖА (т.) - ганимат, мағлуб душмандан қўлга тушган бойлик.

УЛОВ (т.) - миниб юриладиган ҳайвон, иш ҳайвони.

УЛОҚ (т.) - 1. Эчки; 2. Кўпкари - ҳар бир отлик ўртага сўйиб ташланган улокни (одатда эчки ёки кичикроқ бузоқни) бир-биридан куч билан тортиб олиб, тезроқ маррага элтиб ташлаш учун курашдан иборат спорт мусобақаси.

УЛОҚЧИ (т.) - улоқ мусобақасида қатнашувчи киши; чавандоз.

УЛТОН (т.) - корамол терисидан тайёрланган чарм; тагчарм.

УЛУС (м.) - тор маънода маълум бир уруғ, қабила яшаб турган сарҳадни ифодалаган; кенгроқ маънода эса хон ва унинг оила аъзоларига тегишли ерлар ва уларга бўйсунувчи ҳамда шу ерда истикомат қиласидаган аҳолини қамраб олган маълум бир сарҳад тушунилган. Тарихий манбаларда Жўчи улуси, Нўғой улуси, Шайбон улуси, Ўзбек улуси каби улуслар мавжуд бўлганлиги тўғрисида жуда бой маълумотлар мавжуд.

УЛУФА (ар.) - Ўрта Осиёда ҳарбий қўшин ва лашкар ихтиёридаги от-улов учун аҳолидан тўпланадиган натурал солик. Жангчиларга бериладиган маош ҳам улуфа деб аталган. Улуфа атамаси тарихий манбаларда XII асрдан маълум.

УЛУШ (т.) - тақсимланадиган нарсанинг бирор кимсага тегадиган ёки тегишли қисми, бўлаги; ҳисса.

УЛУҒ (т.) - 1. Эгаллаган ўрни, ҳажми ғоят йирик; жуда катта, улкан, буюк; 2. Ҳар томонлама ортиқ, устун; қудратли; 3. Бекиёс талантли, истеъдодли, қобилиятли.

УЛУFBOP (т.+) - 1. Савлат тўкиб турадиган, салобатли; 2. Кўп ва катта мақсадларни ўз ичига олган; буюк; 3. Ҳурматга, олқишига сазовор; юқори даражадаги, олижаноб.

УЛФАТ (ар.) - сухбат, зиёфат ва шу кабиларда бирга бўладиган кишилар орасидаги дўстлик, ўртоқлик муносабатлари; улфатчилик.

УМАРО (ар.) - юқори мансабли ҳарбий амалдор, ҳарбий бошлиқ.

УММАВИЙЛАР (тар.) - араб халифалари сулоласи (661-750 йй.). Асосчиси маккалик йирик савдогар ва қурайшийлар зодагони Абу Сүфённинг ўғли Муовиядир. Муовия халифа Али хокимиятини тан олишдан бош тортиб, Дамашкда ўзини халифа деб эълон қилган. 658 йили улар ўртасида уруш бошланган. Уч ой давом этган жанг натижасиз тугаган. Али вафотидан (661 й.) сўнг араб зодагонлари ва ҳарбий бошликлар ёрдамида Муовия ягона ҳукмрон бўлиб қолади. Шу билан уммавийлар халифалик таҳтини эгаллайди. Уммавийлар пойтахти Дамашк бўлган. Уммавийлар даврида араблар шарқда Табаристон, Журжон, Мовароуннахр ва Синдни, ғарбда Шимолий Африка ва Испаниянинг катта қисми-

ни босиб олганлар. 747-750 йилларда Абу Муслим раҳбарлигидаги қўзғолон натижасида Уммавийлар сулоласи вакили халифа Марвон II таҳтдан туширилади ва ҳокимият аббосийлар қўлига ўтади.

УММАТ (ар.) - бир миллат, бир дин, бир мазхабга мансуб кишилар, ҳалқ.

УММОН ДЕНГИЗИ (тар.) - хозирги Арабистон денгизи қадим замонда шундай аталган. Форс-тожик манбаларида у Дарёи Уммон деб берилган.

УММОН (ар.) - денгиз, баҳр.

УМОЧ (т.) - уваланган ҳамир солиб пиширилган суюқ ош.

УМР (ар.) - туғилгандан то бу оламдан ўтгунгача бўлган давр.

УМРА (ар.) - Ислом анъанасида кичик ҳаж. Каъба зиёратига бориладиган муайян кунлардан бошқа вақтда Маккага бориб ҳаж қилиш “кичик ҳаж” деб хисобланган ва у умра деб аталган.

УМУМБАШАРИЙ (ар.) - бутун инсониятга, одамзодга оид.

УНВОН (ар.) - сарлавҳа, мансаб ва амал белгиси, даражаси.

УНГУР (т.) - тоғликлардаги тик ўйик жой; гор.

УНУР (т.) - тоғ ёнбағридаги ўйик жой

УРВОҚ (т.) - ҳамир муштлаётганда, ёяётганда ҳамирнинг тахта ёки супрага ёпишиб қолмаслиги учун, остига сепиладиган ун.

УРОН (ф.-т.) - жанг пайтида аскарлар тарафидан бир-бирларини йўқотиб ёки адашиб ўлдириб қўймаслик учун қилинган маҳсус чакириқ, ҳайқириқ, нидо, шиор.

УРУШ (т.) - жанг, куролли кураш.

УРУҒ (т.) - бир аждоддан тарқалган қон-қариндошларнинг жамоа бўлиб ўюшуви.

УРУҒ-АЙМОҚ (т.) - қариндошлик муносабати билан ўзаро боғланган ва бир жойда яшайдиган кишилар; қариндош-уруг.

УРФ (ар.) - анъана сифатида умумхалқ томонидан қабул қилинган тартиб-қоида.

УРЧУҚ (т.) - қўлда ип йигириш учун ишлатиладиган,

икки томони учили, ўртаси йўғонрок таёқча, йигириш қуроли.

УСТУРЛАБ - астрономлар ишлатган асбоблардан бирининг номи.

УЧ (т.) - учига пахта ўраб, ёғлаб, марҳум арвохига атаб пайшанба, жума оқшомлари ёқиб қўйиладиган чўп.

УЧОВОРА (т.) - уч киши баҳам кўришига мўлжалланган.

УШОҚ (т.) - ноннинг майда увоклари.

УШР (ар.) - мусулмон мамлакатларида натура шаклида ундирилган солик. Ушр солиги ҳар йили дехқончилик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари ва бошқалардан олинган. Дастлабки даврларда сайидлар, йирик мусулмон диндорлари, шунингдек, айрим амирлар ҳамда “ислом лашкарига ўз ихтиёри билан таслим бўлган” худудлар халқидан ундирилган. Ушр олинган ер-сув “мулки ушрия” деб аталган.

УШУК (т.) - совук.

УШШОҚ (ар.) - “Шашмақом”нинг иккинчи мақомлар гурухига оид куй ва шу куйдаги қўшиқнинг номи.

ҮЮР (т.) - орасида бир айгири бўлган биялар тўдаси.

ҮЮРМА (т.) - ўралиб ҳаракат қилувчи кучли шамол; бўрон, гирдибод.

ҮФРУҚ (т.) - подшоҳ, хон ва сultonларнинг оила аъзолари ва уларнинг тирикчилик анжомлари ортилган карвон.

Φ

ФАЙЗИ (ар.) - Бухоро амирлигига XVI-XX асрларда мавжуд бўлган амал. Унга шаҳардан ташқарида ва қўшинлар қўноғидан ташқари жойларда белгиланган нарх-навонинг ва тошу тарозининг тўғрилигини ҳамда диний урф-одатларга амал қилинишини назорат қилиш юклатилган. Бу амалга сайидлардан ёки уламолардан тайинлашган.

ФАЙТОН (р.) - кўтарма соябонли енгил извош арава.

ФАЙТОНЧИ (р.) - файтон ҳайдовчи киши.

ФАЛАК (ар.) - 1. Ердан гумбаз, кубба шаклида бўлиб кўри-
надиган ҳаво бўшлиғи, осмон гумбази; 2. Олам, коинот, дунё.

ФАЛАК ШЕРИ (ар.) - Мирриҳ (Марс) сайдерасига ўрта аср
Шарқ шоирлари томонидан берилган нисбат.

ФАЛАКИЁТ (ар.) - астрономиянинг XX асрнинг 40-йилла-
ригача ўзбек тилида ишлатилиб келган эски номи. Ҳозир ҳам ай-
рим Шарқ халқлари тилларида қўлланилади.

ФАЛЛОҚ (ар.) - эски мактабларда ғуноҳкор болаларга жазо
берадиган одам.

ФАЛЛОХ (ар.) - Араб мамлакатларидаги ўтрок деҳқон.

ФАРАК (ПАРАК) СУВИ (тар.) - Сирдарёning ўнг ирмоги
хисобланган Чирчик дарёсининг ўрта асрлардаги номларидан
бири. Дарёning Чирчик деб аталиши Амир Темур замонидан бош-
ланган.

ФАРАНГ (ф.-т.<ар.) - француз, умуман, овруполик.

ФАРВАРДИН (ф.-т.) - Эрон қуёш йилининг биринчи ойи
бўлиб, у 21 мартдан 20 апрелгacha бўлган вақтга тўғри келади.

ФАРД (ар.) - 1. Якка, ёлғиз; 2. Классик лирикада бир байт-
дангина иборат кичик мустақил шеър.

ФАРЗ (ар.) - шариатда ҳамма мусулмонлар бажариши шарт
бўлган қатъий талаблар ва меъёрларни англатувчи диний ҳуқуқий
тушунча. Куръонда кўрсатилган диний эътиқод, маросим, урф-
одат талаблари, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар фарз тушунчасига
киритилган.

ФАРЗИН (ф.-т.) - шахмат ўйинида энг кучли дона, сипоҳ.

ФАРЗОНА (ар.+ф.-т.) - кўп нарсадан хабардор; оқил, до-
нишманд.

ФАРМОЙИШ I (?) - ҳар бир ташкилот, муассаса, идора
раҳбари томонидан чиқариладиган ички ҳужжат.

ФАРМОЙИШ II (ф.-т.) - бирор ишнинг бажарилиши ҳакида
бериладиган буйрук, топшириқ, кўрсатма.

ФАРМОН I (ф.-т.) - факат давлат бошлиғи томонидан чи-
қариладиган ҳужжат.

ФАРМОН II (ф.-т.) - 1. Бирор ишнинг бажарилиши ҳакида

БЕРИЛАДИГАН БҮЙРУК, топширик; амр; 2. Ҳокимият органи ёки давлат бошлигининг қонун кучига эга бўлган бўйруғи, фармойиши.

ФАРМОНБАРДОР (ф.-т.) - буюрилган ишни бекаму кўст бажарадиган, бирорга сўзсиз қулоқ соладиган; итоаткор.

ФАРМОННОМА (ф.-т.) - ёзма равишда берилган фармон, ёзма бўйрук.

ФАРСАХ (ФАРСАНГ, ПАРСАНГ) (ф.-т.>ар.) - Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда қадимдан ишлатилиб келинган масофа ўлчов бирлиги. Бир фарсах 9-12 минг қадамга ёки 6-8 км га тенг бўлган.

ФАРСАХ ПУЛИ (?) - Бухоро амирлигида XIX аср - XX аср бошида йўл учун олинган солик тури.

ФАРРОШ (ар.) - асл маъноси “гилам тўшовчи”. Подшоҳлар, хонлар, амирлар ва феодал-аслзодалар хузуридаги кичик сарой хизматчиси ҳисобланган. Унинг зиммасига меҳмон кутиш учун зарур бўлган барча анжомларни хозирлаш вазифаси юклатилган. Шунингдек, вақт ўтиши билан унинг маъноси ҳам кенгайиб борган. Жумладан, сўнгги ўрта асрларда Бухоро амирлигида амир ошхонасининг бошлиғи, бош пазанда маъносида қўлланилган бўлса, Хива хонлигида сарой ҳовлиларини супурувчи маъносида ҳамда Ўрта Осиёдаги мадраса ва мачитларда супуриб-сиририб турувчи, гиламлар ва тўшакларни тўшовчи хизматкор маъносида ҳам қўлланилган.

ФАРРОШБОШИ (ар.+ф.-т.) - Бухоро амирлигида амир ошхонасининг бошлиғи, яъни бош ошпаз фаррошбоши деб аталган.

ФАРҚАДОН (?) - Кутб юлдузи атрофига жойлашган икки юлдуз; Кичик Айик юлдузи.

ФАС (?) - баъзи Шарқ мамлакатларида кийиладиган бош кийим; ҳожи дўппи.

ФАСИХ УЛ-БАЁН (?) - чиройли баён этувчи, сўз устаси.

ФАСОҲАТ (ар.) - чиройли ва ёқимли сўзлаш қобилияти, нутқнинг аниқ ва равонлиги.

ФАТВО (ар.) - Исломда муфтий ёки уламолар кенгаши томонидан диний, ҳуқукий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда

бериладиган қарор, ҳукм ёки изох. Фатво диний жамоалар, муас-сасалар ва мусулмонлар томонидан бажарилиши мажбурийдир. Фатво Куръон, ҳадислар ва шариатга ёки илгари берилган фат-воларга асосланиши керак.

ФАТХ (ар.) - ўзига бўйсундириш, забт этиш, эгаллаш; босиб олиш.

ФАҚИР (ар.) - 1. Камбағал, қашшоқ, мухтож киши; 2. Тасаввуфдаги оқимлардан бири.

ФАҚИХ (ар.) - шариат илмини, шариат ҳукмларини яхши билувчи киши. Фикх, яъни ислом ҳуқуқшунослиги бўйича шуғулланувчи ҳуқуқшунослар фақихлар деб аталган. Ўрта асрларда фақихлар ўртасида З даража бўлган: юкори даража - мужтаҳиди мутлак, ўрта даража - мужтаҳиди муносиб, кўйи даража - мужтаҳиди амалиёт.

ФЕҲРИСТ (ар.) - китоб мундарижаси, дафтар, каталог.

ФИДӢА (ар.) - ўз жони эвазига бериладиган мол ёки маблаг.

ФИДОЙИ (ф.-т.<ар.) - бирор кимса, нарса ёки ғояга астойдил берилган, унинг учун жондан кечишга ҳам тайёр; содик.

ФИРЪАВН (ар.) - қадим Мисрда ҳукм сурган шоҳлар.

ФИРДАВС МОНАНД (тар.) - Ўрта асрларда Самарқанд шаҳри оби-ҳавосининг тозалиги, ажойиблиги ҳамда гўзаллиги учун уни гўёки жаннатдан олинган каби тақлид этилиб, берилган нисбат. Жаннатмакон.

ФИРОҚ (ар.) - энг яқин, севимли кишидан айрилиш; айрилик, жудолик, хижрон.

ФИРУЗ (ар.<ф.-т.) - ўзбек халқ куйларидан бирининг номи.

ФИРУЗА (ар.<ф.-т.) - безак буюмлари учун ишлатиладиган, ҳаво ранг, кўкиш рангли, унча тиник бўлмаган қимматбаҳо тош.

ФИРҚА (ар.) - 1. Гурух, тўда; 2. *Айнан*, партия.

ФИСҚ (ар.) - 1. Бирорнинг орқасидан ёмонлаб тарқатилган ўйдирма гап; ғийбат, иғво; 2. Ахлокий бузуқлик, фахш.

ФИТНА (ар.) - 1. Фаразли мақсадга эришиш йўлида бирорни қоралаш учун қилинадиган яширин хатти-харакат.

2. Маълум бир сиёсий мақсадга эришиш учун тил бириктириш йўли билан бирор шахс ёки тузумга қарши харакат.

ФИТР (ар.) - Исломда рўза муносабати билан бериладиган садака. Куръонда бирор сабаб билан рўза тутолмай қолган кишиларнинг фитр бериши ёки ифторлик қилиши талаби қўйилган. Ислом анъанасида рўза тутган ва тутмаган кишиларнинг барчаси фитр тўлаши одат тусига кирган.

ФИТРОК (?) - эгар кошида бойлаб қўйиладиган тасма.

ФИҚХ (ар.) - мусулмон ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-коидаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ислом илохийетининг бир соҳаси. Фикх диний ҳуқуқшунослик сифатида икки соҳада - шариат манбаларини ишлаб чиқиш (усул ал-фикх) ва шариатни аник соҳаларга татбиқ қилиш (фуруъ ал-фикх)дан иборат бўлган.

ФОЗИЛ (ар.) - фан асосларини яхши эгаллаб олган киши; олим.

ФОЗИЛА (ар.) - илм-фан асосларини яхши эгаллаган аёл; оима.

ФОТИМИЙЛАР (ар.) - араб халифалари сулоласи (909-1171 йй.). Улар ўзларини Мухаммад Пайғамбарнинг кизи Фотима авлодлари деб хисоблайдилар. Фотимиylар Шимолий Африкада, кейинчалик Мисрда хукмронлик килганлар.

ФОТИХ (ар.) - бирор шаҳар, давлат, мамлакатни урушиб кўлга киритган, забт этган, ғолиб; жаҳонгир.

ФОТИХА (ар.) - Куръони Карим биринчи сурасининг номи. Фотиха 7 оятдан иборат. Мусулмонлар ундан duo ўқишида кўп фойдаланадилар. Фотиха сураси мазмунида Оллоҳнинг таъриф ва тавсифи ҳамда Оллоҳ ва инсон ўртасидаги муносабатни белгиловчи асосий ислом ғояси ўз ифодасини топган. Мазкур сурада ислом динининг асосий талаблари ўз аксини топгани боис “Уммул-Куръон”, яъни “Куръоннинг онаси - асли” деб ҳам аталади.

ФУЗАЛО (ар.) - ўқимишли кишилар, фозиллар, зиёлилар.

ФУНТ (р.<англ.) - Англия, Миср, Ливан, Ливия, Сурия ва

Суданда пул бирлиги. Фунт стерлинг Англияда 20 шиллингга тенг пул бирлиги.

ФУРКАТ (ар.) - ўзига азиз, севимли бўлган кимса ёки нарсадан узоқда яшаш; айрилик, хижрон.

ФУРКОН (ар.) - Қуръоннинг яна бир номи, ҳақни ботилдан ажратувчи.

ФУСАҲО (ар.) - гапга чечан, чиройли гапирадиган кишилар, сўз усталари.

X

ХАБАР (ар.) - бирор кимса, нарса ёки ҳодиса ҳақида маълумот; ахборот, дарак.

ХАБАРНОМА (ар.ф.-т.) - бирор нарса, воқеа ҳақида хабар берувчи ҳужжат; чақирув қоғози.

ХАБАРЧИ (ар.+ф.-т.) - Ўрта Осиё хонликларида хон ва маҳаллий ҳукмдорларнинг хат ва хабарларини ташувчи ёки етказувчи кичик лавозимдаги хизматкор.

ХАДАНГ (ф.-т.) - қайин сингари пишиқ дарахт. Ана шу дарахт чўпларидан тайёрланган ўқ - “тири хаданг”, яъни хаданг ўқи деб аталган.

ХАЗАНАК (ф.-т.) - кузда йигиштириб олинган ҳосилнинг колдиги (полиз экинлари, олма, узум ва шу кабилар ҳақида).

ХАЗАР ДЕНГИЗИ (тар.) - IX-XV асрларда ҳозирги Орол денгизи шундай аталган.

ХАЗИНА (ар.) - 1. Давлат пули, кимматбаҳо нарсалари, умуман, бойлиги сакланадиган жой; 2. Бирор шахс, ташкилот ёки давлат ихтиёридаги қимматбаҳо буюмлар; маблағ, бойлик, давлат; 3. Ер ёки табиат бойликлари, табиий бойлик.

ХАЗИНАЧИ (ар.+ф.-т.) - Бухоро амирлигига хазиначининг асосий вазифаси амир хазинасининг муҳофизи хисобланган. Ҳукуматнинг мол-мулки, омбори унинг қарамоғида бўлган. Мамлакатнинг кирим ва чиқимини дафтарга қайд этиш, омбордан

керакли нарсаларни олиш ёки унга қўйиш каби ишларнинг барчаси хазиначи томонидан амалга оширилган.

ХАЗОН (ф.-т.) - кузда сарғайиб тўкила бошлаган барглар.

ХАЙЛБОШИ (ар.+т.) - отлик аскарлар бўлинмасининг бошлиғи. Сомонийлар ва салжуқийлар даврида сарой ғуломларидан тузилган отлик гвардия бошлиғи.

ХАЛАФ (ар.) - ворис.

ХАЛАЧ (тар.) - қарлук қабила иттифоқидаги қабилалардан бири. Буларнинг талай қисми VI асрда Тоҳаристон, Афғонистон ва Шимолий Хиндистон ҳудудларига бориб ўрнашиб, кейинчалик шу ерлардаги маҳаллий аҳолига аралашиб, уларга қоришиб кетган. Халачларнинг кичик бир гурӯҳи Коғирниҳон дарёсининг кўйи оқимларида яшаб, XX аср бошигача ўз этник номларини сақлаб қолганлар.

ХАЛФА (ар.) - аслида, халифа, лекин халфа талафзузи билан XX аср бошларига қадар яна қўйидаги маъноларни англашган: 1. Эски мактабларда ўқувчиларга етакчилик ва мактабдор домлага дастёрлик қилган бола. Халифани домла тайинлаган. Домла йўқ вақтларида у машғулотни давом эттирган. Ёшлигида халифалик қилган болалар кейинчалик мактабдор бўлганлар; 2. Устадан бир поғона паст даражали шахс. *Масалан*, бўзчилик, маҳсидўзлик, дурадгорлик каби касбларда шогирдларга халфа бошчилик қилган ва иш ўргатган.

ХАЛФАНА,ХАЛИФОНА (ар.) - базм ва мажлисларнинг бир тури. Халфана, асосан, зиёфат ва кўнгил очиш мақсадида меҳнаткаш ўсмиirlар томонидан уюштирилган. Халфана катталарнинг гап ва тўқмаларидан фарқ қилган. Халфана режавий асосда уюштирилмай, балки беш-үн киши йигилиб қолгандагина ташкил килинган. Халфана кўпинча пайшанба кунлари ташкил этилган. Халфанада пул харажати ўртада бўлиб, солмана деб аталган. Халфана дастурхонига куюқ ва суюқ овқатлар ҳамда ширинликлар қўйилган. Халфанада ҳар хил мавзуда суҳбатлар бўлган, хикоялар айтилган, қизиқарли ўйинлар ўйналган, мусиқа ва қўшиқлар тинглаб, хордик чиқарилган.

ХАЛИФА (ар.) - ўринбосар, ноиб, муовин. Мусулмон жамоаси ва мусулмон теократик давлати (араб халифалиги)нинг диний ва дунёвий бошлиғи. У Мухаммад Пайгамбарнинг ўринбосари,

уммавийлар давридан бошлаб эса, Оллоҳнинг ердаги ноиби ҳисобланган. Биринчи тўрт халифа (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али) “ал - Хулафо ар - рошидун” номи билан машхур бўлгандар. Уммавийлардан кейин аббосийлар, шунингдек, фотимиylар сулоласи вакиллари ҳам халифа унвони билан ҳокимиятни бошқарғандар.

ХАЛИФАЛИК (тар.) - халифа томонидан бошқариладиган давлат. Халифалик Мұхаммад Пайғамбар вафотидан сўнг (632 й.) вужудга келган. Биринчи тўрт халифа - чориёrlар (632-661 йй.) - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алилар давлат бошлиги вазифасини бажариш билан бирга барча мусулмонлар жамоаси раҳбарлари ҳам ҳисобланганлар. Халифалик 1258 иили, яъни Боғод мўғуллар томонидан эгаллангач, тугатилган.

ХАЛҚОБ (ф.-т.) - чукур жойларда туриб, йигилиб қолган сув.

ХАМАК, ХОМАК (ф.-т.) - пишиб етилмаган хом қовун; сапча.

ХАМИР (ар.) - унни сув ёки сутга аралаштириб қоришдан ҳосил бўладиган юмшоқ ва чўзилувчан қоришма.

ХАМИРГИР (ар.+ф.-т.) - хамир килувчи шахс.

ХАМИРТУРУШ (ар.+ф.-т.) - хамирни ошириш учун ишлатиладиган ачитки.

ХАМПА (т.) - 1. Дон, галла ва шу кабиларни саклаш учун қурилган маҳсус жой; кандин; 2. Тегирмон қурилмасининг тортиладиган дон солинадиган кисми.

ХАМСА (ар.) - беш достонни ўз ичига олган асар.

ХАМСАНАВИС (ар.+ ф.-т.) - “Хамса” ёзувчи шоир.

ХАНДАҚ (ар.) - ўра, тўсиқ. Ўрта Осиё ҳудудларида ўрта асрларда душман ўтолмасин деб, қалья атрофида маҳсус ҳандаклар қазиб, уни сув билан тўлдириб қўйишган. Бу ўша даврда мудофаа тўсиқларининг бир тури ҳисобланган.

ХАНЖАР (т.) - иккала томони ҳам тиғли пичоқ, дудама.

ХАНЖАРБОЗЛИК (?) - ханжар ишлатиб жанг қилиш.

ХАНЖУВАР (?) - қовун, тарвуз уругини гўнг солиб экиш учун қазилган чуқурча.

ХАНФА (?) - нонвойхоналардаги хамир қориладиган ва ошириладиган катта идиш; хамир тогора.

ХАПАМАТ (?) - аёлларнинг ранг-баранг майда мунчок, маржон, нозик, садаф ва шу кабилардан тизиб ясаган, кўкракка тақиладиган маҳсус безаги.

ХАРАК (ф.-т.) - дутур, танбур каби чолғу асбобларининг или ёки симларини кўтариб туриш учун ишлатиладиган тиргак.

ХАРВАР (ХАРВОР, ХАРБОР) (ф.-т.) - Ўрта асрларда Ўрта Осиё худудида, айниқса, Бухоро амирлиги худудида мавжуд бўлган оғирлик ўлчови. Бир эшак кўтара оладиган ўртacha юк оғирлиги. Турли худудда микдори турлича бўлган. Масалан, Тошкент оазисида у 5,5-6 пудга, Хурсонда эса у 3 баравар, яъни 16-18 пудга тенг бўлган.

ХАРОС (ф.-т.) - иш ҳайвонлари ёрдамида ҳаракатга келтириладиган тегирмон. Асосан, 2 та сўз хар (эшак) ва осиё (тегирмон) сўзлари кўшилишидан пайдо бўлган. Жуда қадим даврлардан кўлланиб келинган.

ХАРЗИЙЛАР (?) - мунчок, маржон ва шунга ўхшаш зийнат буюмларини сотиш билан шуғулланувчи хорижий савдогарлар.

ХАРРОТ (ар.) - 1. Ёғочни ўйиб гул, безак соловчи уста, ёғочсоз; 2. Тароқчи.

ХАРСАНГ (ф.-т.) - катта табиий тош.

ХАС (ф.-т.) - 1. Куруқ ўсимлик пояси; 2. Қуритилган ўт.

ХАСКАШ (ф.-т.) - хашак йиғиш учун ишлатиладиган узун дастали, кўп тишли иш куроли.

ХАТИБ (ар.) - одатда, масжидда жума ва диний байрам кунлари, яъни ҳайит намозлари пайтида хутба ўқийдиган диндор.

ХАТКАШ (ар.+ф.-т.) - 1. Хат ёзиб берувчи; мирза; 2. Чизик, йўл ҳосил қиласидиган қишлоқ хўжалик асбоби; маркёр.

ХАТ (ар.) - нома, мактуб.

ХАТМ (ар.) - тамом қилиш, тугатиш; охир, тамом.

ХАТМИ ҚУРЬОН (ар.) - мусулмонларда марҳумлар аввохига атаб, Куръони Каримни бошидан охиригача кироат билан

ўқиб тамомлаш ва шу муносабат билан ўтказиладиган диний ма-
росим.

ХАТНА (ар.) - мусулмонлар ва баъзи халкларда ўғил болалар
жинсий аъзосининг уч қисми терисини қисман кесиш ёки кес-
тириш.

ХАТНОМА (?) - Бухоро амирлигига XIX аср - XX аср
бошида ўғил боланинг суннат қилинганлиги учун олинадиган
йигим.

ХАТТОТ (ар.) - чиройли ва аниқ ёзадиган одам; каллиграф.

ХАТТОТЛИК (ар.) - ёзув, хат санъати, китоб кўчириш касби.
Хаттотлик Ўрта Осиёда қадимдан ривож топган. Ёзув пайдо
бўлгандан сўнг маҳсус кишилар хаттотлик билан шуғуллана бош-
лаганлар. Айниқса, араб ёзуви тарқалгандан кейин хаттотлик кенг
ривож топган. Ўрта Осиёда матбаачилик вужудга келгунга қадар
китоблар тайёрлаш, уларнинг нусхасини кўпайтириш иши билан
хаттотлар шуғулланганлар.

ХАТЧҮП (ар.+ф.-т.) - ўқилаётган бетни кейин осон топиш
учун китоб ичига солиб қўйиладиган ранг-баранг ипак ўралган
маҳсус узун чўп.

ХАЧИР (т.) - от билан эшакдан урчиган иш ҳайвони.

ХАШАР РУД (ф.-т.) - Бухоро амирлигига пойтахт шаҳар
каналлари ва арикларини тозалаш ишлари.

ҲАҚИ ОСИЁ (ф.-т.) - *Қаранг*: Тегирмон ҳақи.

ХЕШ (ф.-т.) - қариндош, қариндош-уруғ, қавм-қариндош;
яқин одам.

ХИВА БОТМОНИ (тар.) - 4416 мисқол, ботмоннинг чораги
10 сари ёки 1104 мисқол ҳисобланади, 10 сарининг ярмиси 40
агри ёки 558 мисқолга teng бўлади. Хива ботмони - рус оғирлик
ўлчовининг 43 қадоғига баравар бўлган. Шуни айтиб ўтиш керак-
ки, оғирлик ўлчови бўлган 40 агри (10 сари), Хивада 1/3 таноб
ер микдорини ҳам белгилайдиган ўлчов бўлган. Бироқ XIX асрда
Хивада давлат ўлчови тариқасида факат Хива ўлчовигина амалда
эди. Жойларда эса ҳар қайси ернинг ҳам ўз ўлчови бор эди.

ХИВИЧ (т.) - ҳўл, узун новда, хипчин.

ХИЗМАТНОМА (ф.-т.) - Бухоро амирлигига XIX аср -XX

аср бошида қози, бек ва бошқа амалдорлар томонидан ишни күриб чиққанлиги муносабати билан олинган.

ХИЛОНДОН (ар.+ф.-т.) - ичига соқол тароқ, қайирма пичоқ, тиш ковлагич каби буюмлар солиб, белбоққа осиб юриладиган чармдан ясалган кичик сумка.

ХИЛХОНА (ар.+ф.-т.) - қабристоннинг бирор уругавлодга ёки маҳаллага, ўзига қарашли мархумни дағн этиш учун ажратилган бир бўлаги, бир қисми.

ХИЛЪАТ (ар.) - одатда инъом, ҳадя қилинадиган қиммат баҳо тўн.

ХИНЗИР (ар.) - чўчқа, тўнғиз.

ХИРАДМАНД (ф.-т.) - акли, акл-заковат.

ХИРМОН (ф.-т.) - даладаги ҳосилни йиғиш ва тозалаш учун ажратилган махсус жой, майдонча.

ХИРМОН КЎТАРИШ (ф.-т.) - XIX -XX аср бошларида Ўрта Осиё худудларида дехконлар донни янчиб, тозалаб олгандан сўнг ҳосил йиғиб олиш ва уни тақсимлаш учун ўтказиладиган тантана. Далада, хирмон бошида дон йиғилган жой тўрт қисмга бўлинган. Унга Оллоҳдан барака сўраб, сўнг тиловат қилишган. Бадавлат хонадонлар жонлик сўйишган. Ҳамма нарса таҳт қилиб кўйилгандан сўнг солик йигувчи (амилан-и хирож) ва амлокдор келиб, хирож микдори ва шариат қонуни асосида белгиланган солик ушр микдорини аниқлашган. Ундан кейин ҳосил эгаси хирмоннинг шаркй тарафига ўтиб катта ғалвирни дон билан тўлдириб бошқа одамга берган. У олдиндан тенг 4га бўлинган чизик ичига донни тўккан. Ушбу тўрт қисмнинг бири келаси йил учун уруғликни англатган, иккинчиси йил давомида истеъмол қилиш учун, учинчиси соликларни тўлаш, хунармандларни рози қилиш, диндорларга бериш учун ва тўртингчиси қўшчилар ҳаки хисобланган. Хирмон кўтариш тантанасида катта бир ғалвир донни четга олиб кўйишган ва сўнгра уни камбағалроқ оиласардан бирига беришган. Бу ҳакки Оллоҳ ҳосил эгаси омборига олиб борилган.

ХИРОЖ (ар.) - Якин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда давлат томонидан ундирилган ер солифи. Хирож Ўрта Осиёда VII асрда араблар томонидан жорий килинган. Хива ва Кўқон хонилклари ҳамда Бухоро амирлигига хирож йи-

ғиш учун ҳар бир вилоятга саркор, қишлоққа девонбеги ва котиб тайинланган. Хива хони Мухаммад Раҳим I (1775-1825 йй.) хирожни пул билан ундиришни жорий қилган. Бунда хирож етиширилган ҳосил микдоридан эмас, балки ер эгасининг хўжалиги ва ер майдонига қараб олинган. Қўқон хонлиги Россия томонидан босиб олингандан кейин хирож бу ерда ҳам натура ўрнига пул билан йигиладиган бўлган.

ХИРОМ (ф.-т.) - чиройли юриш, ноз-таманно билан қадам босиш.

ХИРПА (т.) - бир томони тошга ишқаб силлиқланган; сийкаси чиқкан, силлик (ошик хақида).

ХИРҚА (ар.) - дағал матолардан кураб тикилган либос; дарвешлар кийими.

ХИРҚАПЎШ (ар.+ф.-т.) - жанда кийган; дарвешлик қилувчи.

ХИТОЙЛАР (тар.) - ўзбек халки таркибига кирган уруғлардан бири. Хитой уруғининг келиб чиқиши, асосан, II асрда Ўрта Осиё ва Қозогистоннинг бир қисмини босиб олган қорахитойларга боғлик.

ХИТОБ (ар.) - 1. Ҳаяжонни ифодаловчи нидо, кичкирик; 2. Бирорга мурожаат қилмок.

ХИТОБНОМА (ар.+ф.-т.) - бирор иш ёки харакат қилишга ундан ёзилган мактуб, ёзма чақириқ, мурожаатнома.

ХОБГОХ (ф.-т.) - ухлайдиган хона, ётоқхона.

ХОКАНДОЗ (ф.-т.) - олов, кул ва шу кабиларни олиш, ташиб учун ишлатиладиган дастали асбоб; оловқурак.

ХОКИСОР (ф.-т.) - нихоят даражада содда, камтар.

ХОКРЕЗ (ф.-т.) - мудофаа максадида қалъа девори остига тупроқдан уюлган маҳсус ўр - тепалик.

ХОЛА (ар.) - онанинг синглиси ёки опаси.

ХОМА (ф.-т.) - қалам.

ХОММАПИШ (ф.-т) - болаларнинг кўча тупрогини гумбаз килиб уйиб, устидан сув сепиб қотиргач, тепаси ва ёnlаридан тешик очиб, ичига олов ёкиб ўйнайдиган ўйини.

ХОМТАЛАШ (ф.-т.) - бирор жонлик сўйиб, гўшт-ёғини текинга улашиш.

ХОМТАРАШ (ф.-т.) - ёғоч ёки тахтани чопиб йўниш, дастлабки пардозсиз текислаш.

ХОМУТ (р.) - от бўйнига киритилиб, икки ёнидан арава шотиси учига сириб боғланадиган ёғоч буюм.

ХОН (т.) - туркий халқлар ва мўғул ҳукмдорларининг унвони. Дастреб, кабила бошлиги, кейинчалик олий ҳукмдорни англатган. Салжуқийлар ва Хоразмшохлар даврида вилоят ёки шаҳар ҳокими, мўғул феодал империясида улус бошлиғи хон деб аталган. Мўғул феодал империяси инқирозидан сўнг ташкил топган давлатларда олий ҳукмдор хон, подшохлик қилмаган Чингизийлар эса султон деб юритилган. Кўкон, Бухоро (1753 йилгача) ва Хива хонлигига ҳукмдорлар ҳам ўзларини хон деб атаганлар.

ХОНАҚОҲ (ф.-т.) - шайх ва дарвишлар зикру само қиласдан ҳона, масжид. Ислом дини тарқалиши билан юзага келган. Дарвишлар, зиёратчилар учун тунаш жойи сифатида масжид, мақбаралярнинг бир қисми тарзида курилган. Дарвишлар уюшмаларининг маркази сифатида курилган йирик хонақоҳларнинг катта заллари, уларнинг атрофларида эса зиёратчилар учун ҳужралар бўлган. Кейинчалик маҳалла, кишлок масжидларининг намоз ўқиладиган хонаси ҳам хонақоҳ деб аталган.

ХОНАҚОҲНИШИН (ф.-т.) - хонакоҳдан чиқмасдан тоатибодат билан шуғулланадиган, кўпинча, умрини хонақоҳда ўтказадиган; тарки дунё қилган.

ХОНЗОДА (т.+ф.-т.) - хоннинг фарзанди (ўгли ёки қизи), хон авлоди.

ХОНИЙ (т.+ф.-т.) - подшоҳ ва султонлар тарафидан элчи-ларга, мударрис ва илми толибларга уларнинг маоши сифатида вақти-вақти билан бериб туриладиган пул инъоми. Бу инъом олувчилярнинг мартабаларига қараб берилган.

ХОНЛИК (т.) - хон томонидан бошқариладиган давлат. Ўрта Осиёда XVI аср охирида иккита хонлик - Бухоро ва Хива хонлиги вужудга келган. XVIII асрда Кўкон хонлиги вужудга келган. XVIII аср охири XIX аср бошидан бошлаб Бухоро амирлик деб юритилган.

ХОНСОЛАР (т.ф.-т.) - дастурхончи маъносини англатган. Подшо ва хонлар хузурида овқат тортиш ишларини бошқарувчи шахс хисобланган.

ХОН ТАНГРИ (т.) - Тиёншон тоғининг қадимий номи.

ХОНУМОН (ф.-т.) - уйдаги мол-мулк, бор бисот, бойлик.

ХОПТУР (ф.-т.) - хирмонда дон янчиш учун ишлатиладиган ҳайвонларнинг чапдан охиргиси.

ХОРАЗМ ДЕНГИЗИ (тар.) - IX-XV асрларда ҳозирги Каспий денгизи шундай аталган.

ХОСУ ОМ (ар.) - юкори табақадаги кишилар ва омма.

ХОСХОНА (ар.+ф.-т.) - 1. Катта мансаб эгалари ёки хукумат бошлиғи турдиган жой, сарой; 2. Бирор шахснинг ўзига тегишли бўлган, ўзигина фойдаланадиган уй, хона.

ХОТАМ (ар.) - имзо ўрнини босиш учун мактуб охирига чекиладиган ва мактуб эгасининг номи ўйилган тамға, муҳр (бу кўпинча узук кўзига ўрнатилар ва кўлга такиб юриларди).

ХОҚОН (т.) - турк, хитой, мўғул ҳукмдорлари унвони. Ҳокон атамасиилк бор 312 йилга оид бўлган Хитой йилномаларида учрайди. Дастрраб, жужан қабилалари бошликлари ҳоқон деб аталган. VI аср ўрталаридан Турк ҳоқонлиги ҳукмдорлари ҳам ҳоқон номини олган, кейинчалик бошқа турк қабилалари ҳукмдорлари ҳам ўзларини ҳоқон деб атай бошлаган.

ХОХИШНОМА (ф.-т.) - Бухоро амирлигига мунший томонидан амирнинг хохиши ва иродаси асосида ёзилган хизмат варақаси.

ХУДОЙИ (ф.-т.) - мархумлар руҳига бағишилаб ёки бирор иллатдан эсон-омон қутулганлиги учун худо йўлига қилинадиган садака, курбонлик, зиёфат.

ХУМ (ф.-т.) - бирор суюклик, дон ва шу қабиларни сақлаш учун турли катталиқда ясаладиган оғзи торроқ сопол идиш.

ХУМДОН (ф.-т.) - кулолчиликда лойдан ясалган идишлар ёки ғишт пишириладиган ўчоқ.

ХУМДОНЧИ (ф.-т.) - хумдонда ғишт ёки кулолчилик маҳсулотларини пишириш билан шуғулланувчи ишчи.

ХУМЧА (ф.-т.) - унча катта бўлмаган, кичик хум.

ХУНДОР (ф.-т.) - хун талаб қиладиган; касоскор.

ХУНРЕЗ (ф.-т.) - қон тўкувчи, жаллод.

ХУНУК ОБ (ф.-т.) - Бухоро амирлигига гарми-обдан сўнг иккинчи маротаба экин экиш амалга оширилган. Иккинчи марта экин экиш олдидан ерни совуқ сув билан суғориш усули. Ушбу суғориш усули асад ва сумбула (июль-август) ойларида амалга оширилган.

ХУРЖУН (ф.-т.) - эгар устига ёки елкага ошириб ташланадиган, юқ солинадиган икки кўзли қоп, кўш халта.

ХУРМА (т.) - қатиқ ивitiш учун ишлатиладиган сопол идиш; кўшкулоқ.

ХУТБА (ар.) - жума ва улут айём кунлари масжидда имом хатиб томонидан айтиладиган ояту ҳадислар, панд-насиҳатлар. Шунингдек, ўрта асрларда халифа ва маҳаллий ҳукмдор номини тилга олиб имом томонидан ўқиладиган дуо ҳам хутба дейилган.

ХУФИЁНА (ар. ф.-т.) - бошқаларга билдиrmасдан; яширин равишида.

ХУФТОН (ф.-т.) - куёш ботгандан бир-икки соат ўтгач ўқиладиган сўнгги, кечки намоз; куёш ботганидан бир-икки соат кейинги вақт.

ХЎД (ф.-т.) - қадимги замонларда ва ўрта асрларда уруш вақтида кийиладиган узун учли, ўқ ўтмас жез қалпок.

ХЎЖА (ар.) - 1. Биринчи араб истилочиларининг Мовараун-нахрда яшаган авлодлари “хўжа” деб аталган; 2. Тор маънода, асосан Яқин ва Ўрта Шарқ ҳалқлари ўртасидаги феодал ижтимоий табака. Хўжалар Сайдиллардан кейинги ўринда турган. Кенг маънода, феодал жамиятдаги ҳукмрон табақалар вакили. Хўжаларнинг келиб чикиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи маълумотларда хўжалар дастлабки тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алидан тарқалган дейилса, бошқа манбаларда арабларнинг истилочилик юришларида бошчилик қилган саркардаларнинг насли деб хисобланади. Хўжалар ислом оқсуяқ табақаси сифатида маълум имтиёзларга эга бўлганлар, Улар кўп ҳолларда ўлим, тан жазоси, урушларда қатнашиш ҳамда солик тўлашдан озод этилганлар.

Хўжалар қизини фуқарога бериш ман этилган.

ХЎЖАБЕКА (ар.+т.) - хўжайин аёл, хўжайнинг хотини.

ХЎЖАЗОДА (ф.-т.) - 1. Хўжайнинг ўғли; 2. Хўжа авлодидан келиб чиқсан киши.

ХЎПТИР (ф.-т.) - ғалла янчиш учун от, хўқиз каби ишчи ҳайвонлар кўшиб юргизиладиган, шох-шаббадан ясалган, устига, одатда, оғир юқ бостириб қўйиладиган моласимон маҳал лий курол.

ХЎҚАЧА (т.) - кичик кўза; кўзача.

Ч

ЧАВАНДОЗ (ф.-т.) - от чоптириш, улоқ чопиш, отда ўйнаш санъатини эгаллаган одам.

ЧАВГОН (ф.-т.) - Ўрта Осиё ҳудудида кенг тарқалган миллий ўйин турларидан бири. Учи эгри узун таёқ, яъни чавгон ва тўп билан отда тўда бўлиб ўйналадиган миллий ўйин. Ўйин мазмуни ва максади ўйинчилар томонидан ракиб дарвозасига энг кўп тўп киритишдан иборат бўлган.

ЧАВДУР (тар.) - туркман уруғларидан бири.

ЧАЙЛА (т.) - шох-шабба, қамиш ва шу кабилардан полиз экинлари тепасига вақтинча курилган уйча; капа.

ЧАКАС (т.) - ов қуши кўндириладиган сим қўнок.

ЧАКИЧ (т.) - нонни чакичлаш учун дастали ёғоч каллакка бир текисда сим коқиб ёки парранда патларини дасталаб боғлаб ясалган уй-рўзгор асбоби.

ЧАКМОН (т.) - одатда, жун матодан тикиладиган эркакча узун тўн.

ЧАКСА I (ф.-т.) - Ўрта Осиё ҳудудида қадимдан XX аср бошларига қадар ишлатилиб келинган оғирлик ўлчов бирлиги. Турли жойда турлича вазнни билдирган. Хўжанд атрофларида қарийб 1кг, Наманганда - 5,3 кг, Кўқон атрофларида - 4,6 кг, ёки 5,1кг бир чакса хисобланган.

ЧАКСА II (ф.-т.) - Бухоро амирлигига XIX аср - XX аср бошида 1-1,5 соат давомида ўз ерини сугориш учун сувдан фойдаланиш хуқуки.

ЧАЛДИВОР (ф.-т.) - вайрона ҳолга келган ҳовли-жой.

ЧАЛПАК (т.) - хамирни юпқа ёйиб, ёғда пишириладиган овқат.

ЧАЛЧИҚ (т.) - түпланиб қолган ифлос лойка сув.

ЧАЛҒИ (т.) - узун дастали катта ўрок.

ЧАМБАРАК (ф.-т.) - 1. Коса, товоқ ва шу кабиларга нарса солиб кўйиш учун симдан, новдадан ва эгилувчан материалдан ясалган ҳалқа; 2. Ғилдирак, доира шаклидаги; доиравий.

ЧАНГ (ф.-т.) - 1. Тўрт бурчак ясси кути шаклидаги, сим торлар тортилган, кўш чўп билан уриб чалинадиган чолғу асбоби; 2. Лабга кўйиб, пўлат тилини бармоқ билан туртиб, нафас билан чалинадиган кичик чолғу асбоби; чанқовуз.

ЧАНГАК (ф.-т.) - 1. Гўшт илиш учун ёгоч, темир ва шу кабилардан ясалган панжали илмоқ, илгак; 2. Илгакли, панжали маҳсус асбоблар номи.

ЧАНДАВУЛ (т.) - қўшин ортини ҳимоя килувчи бўлинма бошлиғи.

ЧАНҒАРОҚ (т.) - ўтовнинг устки қисмидаги туйнук чамбараги.

ЧАПАР (т.) - айрим ҳолларда мудофаа жанглари вактида окоп олдига тўсиб кўйиладиган катта маҳсус четан. У кўпинча майда симдан тўқилган.

ЧАПОҲ (т.) - қанот: қўшиннинг ўнг ва сўл қисмлари ёнида турадиган қанотлари.

ЧАРЛАР (т.) - никоҳ тўйидан сўнг келин ёки куёв шарафига ҳар икки қудалар уйида ўтказиладиган биринчи чакирик.

ЧАРХ (ф.-т.) - қўйидаги маъноларни англатган: 1. Қўл билан ип йигиришда ишлатиладиган асбоб. Унда, асосан, пахта, жун ва бошқа толалар йигирилиб ип тайёрланади; 2. Турли кесувчи буюмларни ўткирловчи асбоб.

ЧАРХПАЛАК (ф.-т.) - кирғоқ сатхидан анча паст оқадиган

арик ва анҳорлардан юқорига сув чиқариш учун ишлтиладиган қурилма. *Ўхшат*. Дунё, Олам.

ЧАРХЧИ (ф.-т.) - чарх ясовчи уста; кесувчи асбобларни чархловчи одам.

ЧАРХИ ГАРДУН (ф.-т) - айланувчи осмон. Осмонда ҳаракатда бўлган хар қандай жисм (сайёра) чарх деб аталган.

ЧАЧВОН,ЧАШМБАНД(ф.-т.) - отнинг дум қилидан тўкилган, паранжи остидан бетга тутиладиган тўр парда; чиммат.

ЧАҚА (т.) - мис, жез каби маъдандан қилинган, қиймати энг кичик пул.

ЧАҚИМЧИ (т.) - кишининг гапини бирорга етказувчи, гап ташувчи, бирорлар устидан маҳфий маълумот, хабар етказиб турвчи.

ЧАҚИРИМ (т.) - метрик ўлчов системаси қабул қилингунга қадар қўлланган, 1,06 километрга teng узунлик ўлчови. (Одам бақирганда овози етиб борадиган масофа)

ЧАҚМОҚ (т.) - 1. Ўт олдириш, ёндириш учун хизмат қиласидиган асбоб; 2. Яшин (атмосферада юзага келадиган электр заряди).

ЧАҒИР (т.) - май, шароб.

ЧАҲ, ЧОҲ (ф.-т.) - чуқур, кудук деган маънони англатган.

ЧАҲОРЖЎЙ (тар.) - Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган йирик ўрта аср шаҳарларидан бири. Қадимги даврда у Омул деб аталган. Ҳозирги Чоржўй шаҳри.

ЧАҲОРБОФ (ЧОРБОФ) (ф.-т.) - Бинонинг тўрт томонидан соя берувчи манзарали ва мевали дарахтлар билан ўралган боғлар “чаҳорбог” деб аталган.

ЧЕВАР (т.) - кийим-бош ёки кашта тикишга уста аёл, мөхир тикувчи.

ЧЕВАРА (т.) - эваранинг фарзанди - ўғли ёки қизи (катта бобога, бувига нисбатан).

ЧЕГА (т.) - 1. Чинни асбобларнинг синигини улаш учун ишлатиладиган иккала учи қайрилган металл михча; 2. Идишларнинг шундай михчалар билан уланган, чегаланганди ери; 3. Ёғоч мих.

ЧЕГАРА (т.) - бир жойни бошқа бир жойдан ажратувчи ер, хад.

ЧЕМИШКЕЗЕК (тар.) - курд қабиласи номи.

ЧЕРИК (м.-т.) - қўшин ва аскар. Ўрта асрларда Мўғалистон, Дашиби Кипчоқ ва Ўрта Осиёда ҳарбий юриш вактида вилоят, ўлка ва улуслардан ёрдам учун тўпланадиган номунтазам қўшин. Чериқ отлик ва пиёда қисмлардан иборат бўлган. Черикин тўплаб келиш тавочилар зиммасида турган.

ЧИГИЛ (тар.) - қадимги туркий халқлардан бирининг номи. Улар, асосан, Олтойда қирғиз, тухен, жумул, уйғур, талғутлар билан ёнма-ён яшашган. Баъзан манбаларда Олтойга нисбатан ҳам - “чиғил” атамаси қўлланилган. Қадимги туркий қабилалардан бири. IX-X асрларда чигиллар кучайиб, ўз даврининг ижтимоий-сиёсий хаётида фаол қатнашганлар. Чигиллар Или дарёси водийсида ҳамда Иссиқкўл атрофларида, айрим гурухлари эса ҳозирги Талас дарёсининг ўрта оқимларида яшаган. X аср охирларида Қорахонийлар давлатининг ташкил топишида қарлук, ҳалаж, яғмо ва бошқа туркий қабилалар билан бир қаторда чигиллар ҳам фаол қатнашганлар. XI аср давомида чигилларнинг асосий қисми ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига келиб жойлашганлар. Чигилларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлган, кейинчалик аста-секин ўтроклашиб, дәжончилик билан шуғулланган ва ўзбек халқи таркибига сингиб кетган.

ЧИЗИМЧА (т.) - ингичка пишиқ чилвир.

ЧИК (т.) - ошиқнинг чукурчали томони.

ЧИККА (т.) - ошиқнинг чукурчали томони тепага қараган ҳолати.

ЧИЛВИР (т.) - ингичка пишиқ арқон, аргамчи; чизимча.

ЧИЛДИРМА (т.) - ёғоч гардишга терини таранг қоплаб ясалган ва чертиб чалинадиган мусиқа асбоби.

ЧИЛЛАГУЗАРОН (ф.-т.) - янги бола қўрган онанинг чилласи чиққандан сўнг, ўз ота-онасиникига ёки бошқа яқинлари-никига меҳмонга бориши ва шу муносабат билан ўтказиладиган маросим.

ЧИЛЛИК (ф.-т.) - ўйин картасининг қора рангли уч барг шаклдаги тури.

ЧИЛТОР (ф.-т.) - кўп торли қадимий чолғу асбоби.

ЧИЛЧИРОҚ (ф.-т.) - кўп шамли чироқ, қандил.

ЧИЛЧЎП (ф.-т.) - нишолда тайёрлашда ишлатиладиган бир даста чўп.

ЧИМДИМ (т.) - икки-уч бармоқ билан чимчиб оларли мидор.

ЧИМИЛДИҚ (т.) - гўшанг.

ЧИМТОМОҚ (т.) - оз овқат ейдиган, чимхўр.

ЧИН (т.) - қадими Шарқ манбаларида Шимолий Хитой - “Чин”, Жанубий Хитой - “Мочин” деб аталган.

ЧИН САДДИ (САДДИ ЧИН) - машхур Хитой девори. Қарийб 4000-5000 км узунликда бўлган бу девор Хитойнинг марказий районларини кўчманчи халқларнинг хужумларидан қўриклиш мақсадида милоддан аввалги IV-III асрларда бино қилинган.

ЧИНОЁҚ (т.) - хитойи чинни идиш, хитой чинниси.

ЧИНОҚ (т.) - қулоги кесилган ёки қулоги кертиқ.

ЧИНОҚЧИ (т.) - чорва молларнинг қулогини кесиб ёки кертиб белги, нишон соловчи киши.

ЧИР СУВИ (тар.) - Чирчик дарёси. У ўрта асрларда “Оби чир”, баъзан эса (XV аср) “Оби турк” деб ҳам аталган.

ЧИРПИНДИ (ф.-т.) - 1. Пойтеша, болта билан чопиш натижасида тўпланган майда-чуйда ўтин, тутантириқ; 2. Ёғочни йўнгандан хосил бўладиган чиқинди, пайраха.

ЧИРПИТ (р.) - метрик ўлчов системаси қабул қилингунга қадар ишлатилган уч литрга яқин хажм ўлчов бирлиги ва шу хажмдаги шиша идиш.

ЧИҒАТОЙЛАР (тар.) - Чигатой улусини идора этган сулола (1224-1370 йй.). Чингизхоннинг иккинчи ўгли Чигатой (1242 й. вафот этган) номидан келиб чиқкан. Чигатой улуси хонлари: Чигатой (1224-1242 йй.), Хара Халоку (1242-1247 йй.), Есу Мункэ (1247-1252 йй.), Хара Халоку (1252 й. иккинчи марта), Оркина хотун (1252-1261 йй.), Олғу (1261-1266 йй.), Муборак (1266 й.),

Барок (1266-1271 йй.), Никпай (1271-1272 йй.), Туга-Темур (1272-1291 йй.), Дува (1291-1306 йй.), Кунчек (1306-1308 йй.), Талику (1308-1309 йй.), Кепак (1309 йй.), Эсонбуқо I (1309-1318 йй.), Кепак (1318-1326 йй. иккинчи марта), Дува Темур (1326 йй.), Алоуддин Тармасирин (1326-1334 йй.), Чангши (1334 йй.), Бузан (1334-1338 йй.), Есун Темур (1338-1346 йй.), Донишманчча (1346-1348 йй.), Боёнкули (1348-1359 йй.), Шох Темур (1359 йй.), Туфлук Темур (1359-1370 йй.).

ЧИГАТОЙ УЛУСИ (тар.) - Чингизхон томонидан Чигатой ва унинг авлодларига мерос қилиб берилган вилоятларнинг умумий номи (1224 йилдан бошлаб). Худуди Мовароуннахр, Еттисув ва Қашқар (Кошғар)дан иборат бўлган. Кўчманчи тарзда ҳаёт кечириувчи мўгуллар ўтрок аҳолини бошқариш учун тажрибага эга эмас эдилар. Шунинг учун Чигатой ўз улусини бошқаришни хоразмлик Маҳмуд Ялавоч (1225-1238 йй.) ва унинг ўғли Маъсудбекка (1238-1289 йй.) топширган. Ўзи эса улусдан келадиган даромадларнинг асосий қисмини олиш билан қаноатланган. Чигатой вафот этгач (1242 йй.), Мункэ билан Ботухон Чигатой улусини мулк сифатида тугатишига қарор қилган. 1251 йили империяда қурултой чақирилиб, Мункэ тахтга ўтиргач, Чигатой авлодларининг кўпчилиги катл килинган. Чигатой улусини эса Мункэ ва Ботухон ўзаро бўлишиб олганлар. Мовароуннахр Ботухон кўлига ўтгач, XIII асрнинг 60-йилларида Чигатойнинг набираси Олғу чигатойлар ҳокимиятини тиклаган. Олғу ворислари Муборак ва Барок маҳаллий аҳоли билан яқинроқ алокада бўлиш учун ислом динига кирганлар. Хон қароргоҳи ҳамда баъзи мўгул уруглари Еттисувдан Мовароуннахрга кўчириб келтирилган. Темурийлар давлати ташкил топиши билан чигатойлар ҳокимияти тугаган.

ЧИФИЛ (тар.) - Қарлук қабилаларидан бирининг номи. Булар IX-X асрларда, асосан, Иссиқкўлнинг жануби-шарқида, Талас дарёси ҳавзасида, Тароз шаҳри яқинида Чили шаҳрида ва унинг атрофларида ҳамда Кошғар шаҳрида яшаганлар. Чигиллар кўп нуфусли бўлиб, ўтовларда яшаб, чорвачилик билан шуғулланганлар. Чигилларнинг ўтроклашган ва ярим ўтроклашган гурухлари дехқончилик ва ҳунармандчilik ҳам қилганлар. Чигиллар Қарлук давлатининг сиёсий ҳаётида ва ўзбек ҳалқининг этногенетик жараёнида муҳим роль ўйнаганлар. Чигилларнинг кўпчилиги XI аср бошларида Мовароуннахр худудларига кўчиб ўтиб, Ғарбий кора-

хонларнинг давлат ишларида фаол қатнашганлар. Зарафшон воҳасида яшаб, кейинчалик маҳаллий ахолига аралашиб, этник номларини унутиб юборганлар.

ЧИФИР (т.) - 1. Ўрта Осиё худудида кенг тарқалган ва суюриш учун жуда муҳим хисобланган. Каналлардан арикларга сув чиқарувчи мослама Хоразм худудида чиғир деб аталган. Бухоро, Тошкент ва Фарғона худудларида у чарх деб аталган; 2. Сув кучи билан айланиб, катта ариқдан юқорига сув чиқарадиган қурилма, чархпалақ.

ЧИФИР ПУЛИ (т.+ф.-т.) - Бухоро амирлигидага XIX аср - XX аср бошида ушбу солиқ тури сув чиқариш учун маҳаллий ҳокимият фойдаси учун олинган.

ЧИФИРИК (т.) - 1. Паҳтани чигитидан ажратиш учун ишлатиладиган қадимги қўл асбоби; 2. Дорнинг энг тепасида дорбозлар ўйин кўрсатадиган нарвонга ўхшаш погонали қурилма; 3. Чифир.

ЧОВОҚ (т.) - майда балик.

ЧОВХОДА (ф.-т.) - эшкак.

ЧОДИР (ф.-т.) - 1. Матодан қурилган капа; 2. Гўшанга, чимилдик; 3. Аёллар паранжи ўрнида ёпинадиган маҳсус ёпинчик.

ЧОЙДОН (ф.-т.+хит.) - чой идиш, чой кути.

ЧОЙПОЯ (ф.-т.+хит.) - дала-даштда сув-чой қайнатиш учун ясалган қурилма.

ЧОКАР (ф.-т.) - илк ва ўрта асрларда Ўрта Осиёда куролли хизматкорлар шундай деб аталган.

ЧОКЧИ (т.) - 1. Фақат бичилган нарсаларни тиқувчи ҳунарманд; 2. Тиқувчи, каштачи, чевар.

ЧОЛҒУ (т.) - мусика асбоби.

ЧОЛҒУЧИ (т.) - чолғу чалувчи созанда.

ЧОПАР (т.) - муҳим ва ошиғич хабарни етказиш учун юборилган отлик, сувори.

ЧОПКИ (т.) - шоҳ-шабба қиркиш, гўшт, пиёз киймалаш ва шу кабиларда ишлатиладиган катта ва оғир, пичокқа ўхшаш рўзгор асбоби; ошпичок.

ЧОПҚИН (т.) - тиғли курол-яроғ билан ёппасига чопиш, кесиш; қирғин.

ЧОНГИ (м.-т.) - ўрта асрларда Ўрта Осиё худудида ҳарбий маънони англатган атама. Ҳарбий юришлар вактида ўтказиладиган кенгаш чонги деб аталган.

ЧОПАР (т.) - отлик хабарчи. Чопарлар хонликлар даврида шошилинч хабарларни отини ҳар жойда алмаштириб бир жойдан иккинчи жойга етказган. Чопар ҳукумат, вилоят беклари ёки ходи-са содир бўлган жойнинг оқсоқоллари томонидан тайинланган.

ЧОПОВУЛ (м.-т.) - ўрта асрларда чопғун учун забардаст йигитлардан тузилган ҳарбий отряд. Чоповул оз сонли ва кўп сонли бўлиши, баъзан бир неча гурухдан ташкил этилиши ҳам мумкин бўлган.

ЧОПҒУН (м.-т.) - ўрта асрларда кўпинча ҳарбий юриш вактида кўшиннинг озиқ-овқати, ем-хашаги ва бошқа эҳтиёжлари учун, шунингдек, қамалда қолган аҳоли ва кўшиннинг тинкасини куритиш мақсадида теварак-атрофдаги қишлоқларга қилинган та-лончилик босқини. Чопғунда минглаб отлик аскарлар – чоповуллар иштирок этган ва тез фурсат ичида кўлга киритган ҳар бир нарсани ўлжа қилиб олиб келган. *Масалан*, 1502 йили Шайбонийхон Ҳисор ва Чагониён устига кўшин тортиб боргандা Ҳисор қишлоқларини шу тарзда талаган.

ЧОРА (?) - катта ёғоч тоғора.

ЧОРАК (ф.-т.) - 1. Тўртдан бир улуш; тенг тўрт бўлакнинг ҳар бири; 2. XX аср бошларига қадар Ўрта Осиё худудида кўлланилган оғирлик ўлчов бирлиги. Самарқанд ва Бухоро атрофларида бир пуднинг тўртдан бир қисми - 4,1 кг катта чорак дейилган. Кичик чорак 2 кг чамасида бўлган.

ЧОРАКОР (ф.-т.) - кимсанинг ерида, унинг от-улови ва ишкуролларидан фойдаланиб ҳосилнинг тўртдан бирини олиш шарти билан ёлланиб ишлаган дехқон.

ЧОРБОЗОР (ф.-т.) - хафтанинг ҳар хил кунларида, бош-қабошқа якин қишлоқларда бирин-кетин ўтказиладиган бозорлар.

ЧОРБОФ ПУЛИ (ф.-т.) - Бухоро амирлигига XIX аср - XX аср бошида ушбу солиқ боғлардан олинган.

ЧОРГОХ (ф.-т.) - ўзбек классик куйларидан бирининг номи.

ЧОРЁРЛАР (ф.-т.) - Мұхаммад Пайғамбар вафотидан сўнг Араб халифалигида ҳокимият тепасида турган дстлабки тўрт ҳалифа - Абу Бакр, Умар, Усмон, Алиларни Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда мусулмонлар орасида чорёрлар деб аташ расм бўлган. Улар “Хулафо ар-рошидин”, яъни тўғри йўлдан юрувчи халифалар дейилган.

ЧОРИ (ф.-т.) - дон маҳсулотларининг ғалвирлаб тозалашда, элашда хосил бўладиган қолдиғи.

ЧОРИК (ф.-т.) - каттиқ хом теридан тикилган, асосан, төгликлар орасида расм бўлган оёқ кийим.

ЧОРОЙИНА (ф.-т.) - тўртта темир парчадан иборат бўлган химоя воситаси, совут ёки жубба тагидан кийилади.

ЧОРСУ (ф.-т.) - ўрта аср Шарқ шаҳарларида икки йирик кўча кесишган жой. Бундай жойларда, одатда, савдо расталари, косибларнинг дўконлари жойлашган, токлар бўлган.

Ўтмишда Туркистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўкон, Шаҳрисабз, Тошкент ва бошқа шаҳарларидаги чорсулар йирик савдо марказлари ҳисобланган. *Масалан*, XVI асрнинг охиirlарида бунёд этилган Шаҳрисабз чорсусидаги квадрат тархли бинонинг тўрт томонида дарвозахонаси бўлиб, шу дарвозалардан йирик савдо залига кирилган. Бурчакларда дўконлар бўлган.

ЧОРТОР (ф.-т.) - тўрт торли мусика асбоби.

ЧОРТОҚ (ф.-т.) - 1. Ўрта асрларда шаҳар атрофига қурилган кузатиш пункти; соқчилар турадиган жой; 2. Лашкарбошилар томонидан жангнинг боришини кузатадиган маҳсус жой.

ЧОРЯККОР (ф.-т.) - тўртдан бирга ишловчи шахс. XX аср бошларига қадар феодаллар ва бойларнинг ерларини ижарага олиб, ундан олинадиган хосилнинг маълум қисмини ер эгасига бериш шарти билан экин экувчи ва ерда ишловчи кам ерли, ерсиз дехқон. Ҳеч қандай воситаси бўлмаган чоракор олинган хосилнинг тўртдан бир қисмини ўзлаштирган, отуловли чоракор эса хосилнинг иккidan бир қисмини олган.

ЧОРЯККОРЛИК (ф.-т.) - Ўрта Осиё худудида XX аср бошларига қадар мавжуд бўлган ер ижараси турларидан бири. Бундай ер эгаси ўз ерини ижарага бериб, олинадиган хосилдан тўртдан

бир қисми миқдорида улуш ундиради. Чоряккорлик, дехқонни тирикчилик учун меҳнат қилишга мажбур этади.

ЧОРҚАБ (ф.-т.) - шоҳлар ва амирлар киядиган маҳсус либос.

ЧОШНИГОР (ф.-т.) - Қадимда хон ёки подшоҳ саройидаги амалдор шахс; шоҳ оиласи ошхонасининг бошлиғи. Чошнигор ҳукмдорни заҳарланишдан сақлаш ва таом таъмини билиш мақсадида шоҳга тортиладиган таомларни дастлаб ўзи татиб кўрган. Чошнигорлар Шарқ давлатлари, жумладан, Ўрта Осиё хонликларида ҳам бўлган.

ЧОШ ҒАЛВИР (ф.-т.) - XIX-XX асрнинг 40-йилларига қадар баъзи вилоятларнинг тоғли ҳудудларида ҳозир ҳам донни турили хил курмак-чўп ва ҳаслардан тозалаш учун ишлатиладиган катта тўрли элак тури.

ЧОҲ (ф.-т.) - XIX асрда Бухорода дон ҳосили йиғиб олингандан кейин донни сақлаш учун даланинг ўзида куруқ ерда қазилган маҳсус ўра.

ЧУЮТ (тар.) - ўзбек ҳалқи таркибиға кирған уруғлардан бири. Чуюллар кенагас қабиласи таркибида Қашқадарё вилоятининг юқори окимида яшаганлар. Чуюлларнинг кенагас таркибидаги кичик гуруҳлари Зарафшон ва Фарғона водийларида ҳам яшаганлар. Чуюллар ўзбек ҳалқи таркибиға кирған уйшун қабиласи таркибида ҳам бўлганлар.

ЧУҲРА, ЧЕҲРА (ф.-т.) - хон ҳузурида хизмат килувчи маҳрам. Шарқда хонларнинг гвардияси (сарой сокчилари) хисобланган маҳсус ҳарбий қисм. Ушбу қисмга хизмат килиш учун зодагон, аслзода ва юкори табака вакиллари фарзандлари олинган. Улар хон ҳокимиятини сақлаш ва унга содик бўлиш руҳида тарбияланган. Чуҳра, асосан, хон қароргохини кўриқлаган.

ЧУҲРА (ЧЕҲРА) ОФАСИ (ф.-т.+т.) - хоннинг шахсий сарой сокчилари (чуҳра) бошлиғи. Баъзан “Чуҳра боши” деб ҳам юритилган. Чуҳра оғаси хон саройида хизмат қилган. Бу лавозим хон эътиборини қозонган шахсгагина берилган. Хонликлар тугатилгач, чуҳра оғаси лавозими ҳам барҳам топган.

ЧЎБДОР (ф.-т.) - салжуқийлар даврида калтак билан куролланган соқчи.

ЧҮКИЧ (т.) - қаттиқ тошлоқ ер, муз ва шу кабиларни қазиши, кавлаш учун ишлатиладиган учи ўткир пўлат асбоб; метин.

ЧҮЛПИ (?) - аёлларнинг сочга тақиладиган ёки қўкракка тушириб юриладиган кумуш ёки олтиндан ясалган зийнат буюми.

ЧҮЛПОН (?) - ёргуғ тонг юлдузи; Венера.

ЧҮМИЧ (ў.) - суюқ овқатни шопириш, сузиш учун ишлатиладиган узун дастали рўзгор буюми.

ЧҮМОҚХОНА (т.+ф.-т.) - гурзи, тўқмоқ, умуман, куроляроғ сакланадиган жой.

ЧҮНГ (хит.) - катта, улкан, зўр.

ЧҮП ПУЛИ (ф.-т.) - солик тури. 1866 йили Қўқон хони Худоёрхон томонидан жорий қилинган. Ушбу солик ахоли ёқилғи учун тайёрлаган ўтин, ғўзапоя, хашак ва бошқалар юзасидан олинган.

ЧҮПЧАК (ф.-т.) - 1. Топишмоқ, жумбоқ; 2. Ҳалқ оғзаки ижодида: хикоя, эртак.

ЧҮПЧАКЧИ (ф.-т.) - 1. Топишмоқ тўқувчи, топишмоққа уста одам; 2. Эртак айтувчи, ҳалқ эртакларини яхши биладиган ва таъсирли килиб айтувчи одам.

ЧҮҚМОР (т.) - қўл жангига ишлатиладиган оддий курол.

ЧҮҚҚАРА (т.) - соққа (ёнғок ўйинида).

ЧҮҚҚИ (т.) - баланд нарсанинг энг юқори нуқтаси.

ЧҮФОЛ (т.) - 1. Бақувват, тўла келган; 2. Бақувват, кучли хизматкор олдига тўсиб қўйиладиган катта маҳсус четан. У қўпинча майда симдан тўкилган.

III

ШАБ (ф.-т.) - сутканинг қоронғи қисми; кеч, тун, кеча.

ШАБГАРД (ф.-т.) - 1. Тунги коровул; миршаб; 2. XIX-XX аср бошларида амирлик пойтахти Бухорода ҳар бир даҳбоши қўлида бир неча тинчлик ва осойишталикни таъминлаш билан шугула-нувчи посбонлар бўлган, улар шабгард дейилган. Шунингдек кечки қоровул ҳам дейилган. Улар фақат кечаси фаолият кўрсатишган.

ШАБИСТОН (ф.-т.) - 1. Кечки ётоқхона; ички ҳарам доираси; 2. Қоронгулик, зулмат хукмрон бўлган жой; қора тун.

ШАБКЎР (ф.-т.) - кечаси, қоронғи тушганда қўролмайдиган одам.

ШАБНАМ (ф.-т.) - баҳорда, ёзда кечаси ҳароратнинг пасайиши туфайли майда томчилар тарзида ерга инадиган ҳаводаги буғ, намлик; ҳаводан инган мусаффо томчи.

ШАБОҲАНГ (ф.-т.) - Катта ит буржидаги энг йирик ёруғ юлдуз.

ШАБРАНГ (ф.-т.) - қора рангдаги, қора.

ШАБ-РЎЗ (ф.-т.) - кеча-кундуз, кеча ва кундуз, кун-тун.

ШАБЧИРОҚ (ф.-т.) - 1. Қоронгулика нур сочиб турадиган афсонавий тош. 2. Шамчирок.

ШАБЧОР (ф.-т.) - чорва молларини тунда ўтлатиш.

ШАВВОЛ (ар.) - хижрий йил хисобининг ўнинчи ойи.

ШАЖАРА (ар.) - кишиларнинг келиб чиқиши, аждодлари ва қон-қариндошлик алоқалари мажмуи. Уни тарих фанининг бир тармоги - генеалогия фани ўрганади.

ШАЙБОНИЙЛАР (тар.) - Шайбонийлар давлатини бошқарган сулола (1500-1601 йй.). Асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон. Шайбонийхондан сўнг Абулхайрхоннинг ўғли Кўчкинчихон ҳокимлик қиласи (1510-1530 йй.). Кўчкинчихон вафоти ва унинг ўғли Абусаиднинг қисқа муддатдаги хукмронлиги (1530-1533 йй.)дан сўнг тахтга Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахон

чиқади (1533-1539.й.). Шайбонийлар ўзларини темурийларнинг қонуний ворислари деб хисоблаб, сафавийлардан Хурсон ва Темурийлар давлатининг иккинчи пойтахти Ҳиротни тортиб олиш учун муттасил урушлар олиб борди. Абдуллахон II (1534-1598 йй.) Шайбонийлар давлатида энг буюк ҳукмдор бўлган. Абдуллахон II нинг ўғли Абдулмўмин қатл қилингандан сўнг Пирмуҳаммад (1599-1601 йй.) тахта чиқди. Шундан сўнг Шайбонийлар сулоласи тугади. Шайбонийлардан кейин ҳокимият аштархонийлар (1601-1756 йй.) кўлига ўтди.

ШАЙИН (ар.) - икки учига тарози паллалари осиб қўйила-диган ҳамда тортиладиган нарса оғирлигини аниклаш учун хизмат киладиган темир ёки ёғоч мослама.

ШАЙКА (р.) - босқинчилик, ёзвулик килиш ниятида тил бириктириб иш кўрадиган кишилар тўдаси.

ШАЙТАНАТ (ар.) - шайтонлар; шайтонлар макони.

ШАЙТОН I (ар.) - одамларни дин йўлидан оздирувчи, жиноятга, разолатга бошловчи маҳлук.

ШАЙТОН II (ар.) - дурадгорлик ва бинокорлик ишларида: сатҳнинг текислигини аниклаш учун ишлатиладиган асбоб.

ШАЙХ (ар.) - арабча сўз бўлиб, кекса ва оқсоқол деган маънони англатади. Шайх сўзи фақат кекса, оқсоқолларга нисбатан эмас, балки энг аввало, билимдон кишиларга, яъни олимлар, ёзувчилар, вазирлар, савдогарлар, ҳатто олий ҳукмдорга ҳам, кейинчалик эса диндорлар, фақиҳларга нисбатан ҳам кўлланилган. Жумладан, ўрта асрларда буюк аллома Абу Али ибн Сино “Шайх ур-раис”, яъни “бош олим” унвонига эга бўлган. Сўнгги даврларда эса сўфийлик тариқатидаги пирлар, эшонлар, муқаддас жойларнинг мутасаддилари, авлиёлар ва худо йўлига аталган назрниёзларни қабул килувчи диндорлар ҳам шайх деб юритилган.

ШАЙХ-УЛ-ИСЛОМ (ар.) - муайян мамлакатлардаги барча ислом ташкилотлари бошлиги – олий дин вакили унвони. Бухоро хонлиги, Туркия ва бошқа давлатларда Шайх ул-ислом энг олий диний лавозим хисобланган. Шиаликка мансуб Кавказорти мусулмонлари диний бошқармаси раҳбарлари Шайх ул-ислом унвони билан иш юритадилар. Суннийликка мансуб бошқармаларнинг раҳбарлари муфтий унвонига эга.

ШАК (ар.) - рамазон ойи киришидан олдинги кун; рўза арафаси.

ШАКАРПАЗ (ф.-т.) - пашмак, ҳолва, обаки, новвот каби миллий ширинликлар пиширувчи мутахассис; қандолатчи.

ШАЛАББО (ар.+ф.-т.) - сувдан ивиб кетган, жиқقا хўл, шилта.

ШАЛВАР (ф.-т.) - чолвор.

ШАМАР (?) - кичик ҳовуз, ариқ.

ШАМЪДОН (ар.+ф.-т.) - шам ўрнатиб қўйиладиган мослама.

ШАМИЁН (ар.+т.) - омоч бўйинтуругининг икки чеккасига иккитадан ўрнатилган, ҳўқизлар бўйнида туриши учун хизмат қиласидиган тўртта қозик.

ШАМС (ар.) - қуёш.

ШАМСА (ар.) - таркибида қуёш тасвири бўлган гул ёки нақш.

ШАМСИЯ I (ар.) - Қуёшнинг йиллик ҳаракат циклига қараб белгиланадиган 365 ёки 366 кундан иборат, 22 мартаңдан бошлина-диган йил, қуёш йили (шамсия йили қўйидагилардан иборат: хут, ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула, мезон, акраб, қавс, жадий, далв).

ШАМСИЯ II (ар.) - қуёш нуридан сақланиш учун тутилади-ган соябон.

ШАМХОЛ (т.) - раис, бошлиқ, сардор.

ШАМҲОЛЧИ (т.) - Хива хонлигига тўғангчи шундай атал-ган.

ШАМШИР (ф.-т.) - қилич.

ШАРАФА (ар.) - бинонинг девор, шип ва шу каби жойла-рига, одатда, ганчдан қўйиб ёки ўйиб ишланган нақш, безак.

ШАРБАТДОР (т.+ф.-т.) - Хива хонлигига хонга шарбат тутувчи.

ШАРИАТ (ар.) - Ислом диний ҳуқуқ тизими. Унда соғ

хуқуқий масалалардан ташқари, ахлоқий нормалар ва амалий диний талабларга ҳам қонун туси берилган.

ШАРИФ (ар.) - аждодлари пайғамбар Мұхаммадга бориб тақаладиган кишиларнинг сифати.

ШАРХ (ар.) - бирор нарсанинг мазмунни, моҳиятини очиб бериш, тушунтириб бериш; изоҳлаш, изоҳ.

ШАСТ (ф.-т.) - камондан ўқ отганда бош бармоққа кийила-диган қармоқ. Баъзан камон ўқи ҳам шундай аталган.

ШАТРАНЖ, ШАҲРАНЧИ (ф.-т.<ҳинд.) - 1. Шахматга ўхшаш қадимий ўйин; 2. Шахмат.

ШАФАҚ (ар.) - кун чиқиш ёки кун ботиш олдидан уфқда хосил бўладиган лоларанг қизиллик.

ШАФЕ (ШАФЕ'Ь) (ар.) - бировга ён босувчи, ҳомийлик қилувчи; ҳомий.

ШАФИК (ар.) - бировга меҳрибонлик қиладиган, шафқатли, мурувватли.

ШАШВАР (ф.-т.) - шашпар. Тигли қуролнинг номи.

ШАШМАҚОМ (ф.-т.+ар.) – ўзбек-тоҷик ҳалқларида: олтита йирик мақомни (Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Рост, Ирок мақомларини) ўз ичига олган классик мусиқий-вокал асар.

ШАШПАР (ф.-т.) - учига юмалоқ ва ғадир-буудур темир ўрнатилган таёқ, узун дастали енгил гурзи, чўқмор.

ШАШҚОЛ (ф.-т.) - текис ерга ташлаб ўйналадиган, куб шаклидаги, холли тош.

ШАЪБОН (ар.) - қамария йилида саккизинчи ойнинг номи.

ШАҒОВУЛ (т.) - ҳонликда иккинчи маъмурий шахс бўлган меҳтар молия, солик ва ҳашар ишларига мутассадийлик қилишдан ташқари у бош вазир сифатида давлатнинг ташқи муносабатларига ҳам раҳбарлик қилган. Бу соҳада шағовул бевосита унинг ёрдамчиси ҳисобланган. Шағовул ажнабий элчиларни қабул килиш ва уларнинг таъминоти билан шуғулланган.

ШАҲБОЗ (ф.-т.) - 1. Шунқор, лочин. 2. Мард, жасур йигит.

ШАҲЗОДА (ф.-т.) - шоҳнинг ўғли, шоҳ насли.

ШАХСУВОР (ф.-т.) - ҳашаматли ва дабдабали отлик, мохир чавандоз.

ШАҲИД (ар.) - Исломда дин йўлида ҳалок бўлган шахс.

ШАҲНА (?) - Салжукийлар даврида миршаблар ҳамда саройдаги соқчиларнинг бошлиги.

ШАҲОБ (ф.-т.) - “Учар юлдуз”, яъни метеорит.

ШАҲРИСТОН (ф.-т.) - ўрта асрларда Шарқдаги шаҳарларнинг маркази, яъни мудофаа девори билан мустаҳкамланган шаҳарнинг асосий қисми. Шаҳристонда сарой, жоме масжиди, ёпик ёки очик бозор, бош майдон – регистон, муҳим маъмурӣ бинолар, ҳукмдор ва унинг яқинларининг қўргонлари, шунингдек, оддий аҳоли хонадонлари ва бошқалар бўлган. Қадимги Бухоро Шаҳристони Аркдан алоҳида курилган.

ШЕВА (ф.-т.) - умумхалқ тилининг маълум худудга хос тармоғи, маҳаллий тил.

ШЕВРО (р.<фр.) - эчки терисидан хром билан ошлаб ишланган юмшоқ юпқа чарм; шаброн.

ШЕЗЛОНГ (р.<фр.) - ярим ётган ҳолда дам олиш учун мўлжалланган очиб ёпиладиган ёзлик енгил кресло.

ШЕРОЗА (ф.-т.) - 1. Китоб варакларини муқовалашда ишлатиладиган яхлит ипак тасма; 2. Муқова нақшлари.

ШЕРОЗИЙ (ф.-т.) - сурранг ёки кул ранг жингалак жунли кўзичоқ териси, қорақўл терининг аъло нави.

ШИАЛИК (тар.) - Исломдаги асосий йўналишлардан бири. Ўзининг тарқалиши ва ижтимоий-сиёсий жиҳатидан суннийликдан кейин иккинчи ўринда туради. Шиалик VII аср ўрталарида халифа Али ҳокимияти тарафдорларидан иборат сиёсий гурух сифатида вужудга келган. Шиалар суннийлар каби Куръони Каримни илохий деб эътироф этадилар, лекин халифалар даврида унинг айrim қисмлари тушириб қолдирилган деб хисоблайдилар. Шиалик йўналиши илоҳиётчилари Куръони Каримнинг мазмунини мажозий талқин килиш йўли билан ўз таълимотлари манфаатига мослаштирганлар. Суннада эса улар факат Али номи билан боғлиқ ҳадисларни тан олганлар ва шундай ҳадислардан иборат мустакил тўплам “Ахбор”ни тузганлар.

ШИБА (?) - отилган ўқ-ёйнинг овози. Тез учадиган маҳсус ўқ.

ШИБАҒУ (м.-т.) - XV-XVI асрлардаги кўчманчи уруғларнинг ўз хонлари, султонлари ва амалдорлари олдидаги мажбуриятларидан бири. У хон ва султон, шунингдек, ўғлонларга ёзги яйловдан-яйловга кўчиш пайтида берилган. Шибагу, асосан, озиқовқатдан иборат бўлиб, фавқулодда ҳолларда пиширилган гўштдан иборат бўлган.

ШИББА (т.) - тупроқни уриб зичлаш учун ишлатиладиган таги текис дастали оғир ғўла.

ШИВАҒА (т.) - улуш, насиба.

ШИИЗМ (р.<ар.) - Мухаммад пайгамбар давридаги Қуръонни тан олиб, унга кейинчалик қўшилган диний ақидаларни тан олмайдиган оқим, ислом мазхабларидан бири.

ШИЙЛАР (тар.) - шиизм тарафдори бўлган мусулмонлар;

ШИЙПОН (хит.) - 1. Атрофи, одатда, хар томонидан очик ёзлик бино; 2. Далада ишлаётган ишчиларнинг дам олиши ва овқатланиши учун маҳсус қурилган ёзлик бино.

ШИКОР (ф.-т.) - ов қилиш, ов.

ШИКОЯТ (ар.) - бирор нарсадан норозилик, нолиш, ҳасрат қилиш.

ШИЛИНГПОЧА (ф.-т.) - кийимсиз, яланғоч; оёқ яланг, сарпойчан.

ШИЛПИЛДОҚ (?) - шўрвага тўртбурчак қилиб кесилган, юпқа хамир ташлаб тайёрланадиган куюқ таом.

ШИНАК (ф.т.) - қўргон ва қалья каби истеҳком деворлари да душманини кузатиш ва ўқ узиш учун қилинган маҳсус туйнук.

ШИНГАРФ (ф.-т.) - қизил рангли минерал, олtingутуртли симоб.

ШИННИ,ШИРИНИ (ф.-т.) - тут, узум каби мевалар ширасини қайнатиб тайёрланадиган қиём.

ШИРАВА (ф.-т.) - 1. Сут юзида ҳосил бўлган янги қай-мок; 2. Қор, киров, муз кабилардан ҳосил бўлган юпқа қатлам.

ШИРАВОР (ф.-т.) - қанд-курс, мева-чева каби ширин нарсалар мажмуи; ширинликлар.

ШИРАВОРПАЗ (ф.-т.) - ширинликлар пиширувчи, масалан, қандолатчи, шакарпаз, ҳолвачи.

ШИРВОЗ (ф.-т.) - сут эмиб ўсаётган, семиз (қўй, эчки каби ҳайвон боласи ҳақида).

ШИРГУРУЧ (ф.-т.) - гуручни сутда пишириб тайёрланган шавласимон қуюқ таом.

ШИРИНКОМА (ф.-т.) - олди-сотти вактида ўртада турган воситачига, даллолга бериладиган ҳақ, пул.

ШИРМОЙ(И) (?) - олий навли унга нўхат унидан қўшиб, сут ва ёғ солиб тайёрланган нон.

ШИРОЛҒА (?) - овланган ов, ўлжа ёки ютуқнинг бировга бериладиган қисми; чўтал.

ШИРХЎРА (ф.-т.) - бир онани эмган, эмиқдош; қўкалдош.

ШИРЧОЙ (ф.-т.+хит.) - мароми билан чой, туз, сариёғ ва мурч солиб қайнатилган сут.

ШИХЛАР (тар.) - туркий қабила. Шихлар ўрта асрлардаги йирик қабилалардан бирининг номи бўлиб, кейинчалик бўлакларга бўлинниб кетган. Шихларнинг асосий қисми ўрта асрлардан бошлиб хозирги Туркманистоннинг гарбий қисмida, шунингдек, Ўзбекистоннинг Бухоро, Қоракўл, Навоий ҳудудларида яшаганлар. Ўзбекистонда яшаган шихлар ўзбеклар таркибига сингиб кетган. Шихлар уруғ сифатида ўзбек ҳалқи таркибиға кирган кутчи ва қарлук қабилалари таркибида ҳам учрайди.

ШИШАДАМ (ф.-т.) - шиша саноатида: пуфлаб шиша буюмлар ясовчи ишчи.

ШИШАК (ф.-т.) - бир ёки икки ёшли қўй.

ШИҚҚА (т.) - туғ (байроқ)нинг бошига боғланадиган парча.

ШИГОВУЛ (т.) - хон ёки подшо саройида тантана маросимларини бошқариб ва назорат қилиб турадиган катта амалдор.

ШОВВОЗ (ШАҲБОЗ) (ф.-т.) - ҳар қандай ишни эплай оладиган одам; азамат полвон.

ШОВУШ (?) - муз, ях.

ШОДИЁНА (?) - Бухоро амирлигига XIX аср - XX аср бошида фарзанд тутилиши муносабати билан олинадиган солик.

ШОХРУХИЯ (тар.) - Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қўйилиш жойида бўлган шаҳар. Унинг дастлабки номи Банокат (Фанокат) бўлиб, у Чингизхон истилоси даврида вайрон қилинган ва Амир Темур уни тиклаб ўғли Шоҳруҳ шарафига шу ном билан атаган.

ШОЙИБОФ (ф.-т.) - шойи тўқувчи косиб.

ШОКИЛА (ф.-т.) - дастурхон, сочиқ, дарпарда, рўмол каби буюмларнинг четига-ҳошиясига тикиладиган ёки шу газмолнинг ўзидан титиб чиқариб ясаладиган безак; гажим, попук.

ШОКОСА (ф.-т.) - катта коса.

ШОЛПАР (ф.-т.) - юнгдан тўқилган, жунли.

ШОЛЧА (ф.-т.) - жундан тўқилган гилам.

ШОМ (ф.-т.) - қўёш ботиб коронғилик туша бошлаган пайт; шу пайтда шом намози ўқилади.

ШОП (ф.-т.) - учи орқага қайрилган тиғли қилич.

ШОСУПА (ф.-т. ар.) - ҳовли ёки боғ ўртасида бўладиган катта супа.

ШОТИ (т.) - 1. Араванинг ўқи ва ғилдирагидан ташқари юкори қисми; 2. Араванинг от қўшиладиган икки ён ёғочи; 3. Нарвон.

ШОТИР (ар.) - аслида, чокар сўзининг арабчалашган варианти. Кўпчилик маъносида шуттор бўлиб, унинг луғавий маъноси таловчилар, қарокчилар демакдир. XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хурсонда кенг ёйилган сарбадорлар харакатига нисбатан муносабат турли жойда турлича бўлган. Жумладан, Ибн Арабшоҳ сарбадорларни таловчилар, яъни шутторлар деб атаган. XIV асрда ящаган араб сайёхи Ибн Батута ҳам шу хилда фикр билдириб, Ўрта Осиё хонликларида эса шотир жиловдор, жиловбардор маъноларини англатиб, отга миндириб қўювчи ва кузатиб қолувчи мулоzимни англатган. Хива хонлигига хон сафарга чикқанда унга тантанали ва дабдабали тус бериш учун қаландарлар ва удайчилар билан бирга тўртта маҳсус шотир қизил тўн кийиб, қўнғироқли камар

боғлаб, хон отининг жиловидан тутган, иккита шотир эса икки томонда узангини ушлаб борган. Хон саройида ўнта шотир бўлган.

ШОРИЙ (ар.) - диний қонун-қоидаларни тузувчи қонунишунос.

ШОФИЙ (ар.) - Исломдаги тўрт мазҳабнинг бирини тузган имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идриснинг тахаллуси. Шу мазҳабга мансуб бўлган кишилар шофиййлар деб аталган.

ШОҚУЛ (т.) - бинокорликда девор, устун ва шу кабиларнинг вертикал ҳолатини аниқлаш учун ишлатиладиган, бир учига тош боғланган ипдан иборат асбоб; шовун.

ШОҲ (ф.-т.) - 1. Подшоҳ; 2. Шахмат ўйинида: энг асосий фигура.

ШОҲАНШОҲ (ф.-т.) - Эрон шоҳининг унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс.

ШОҲИЖАҲОН (ф.-т.) - Марв шаҳрининг номига қўшиб айтиладиган сўз.

ШОҲНИШИН (ф.-т.) - подшо, хон каби олий ҳукмдор ўтирадиган, унинг таҳти қўйиладиган хона.

ШОҲНОМА (ф. - т.) - 1. Фирдавсийнинг қадимги шоҳлар тарихига бағишиланган поэмасининг номи; 2. Умуман, йирик бадиий, кўпинча шеърий асар.

ШОҲРОҲ (ф.-т.) - катта йўл, бош йўл.

ШОҲСУПА (ф.-т.+ар.) - шосупа.

ШОҲТУТ (ф.-т.+ар.) - шотут.

ШУАРО (ар.) - шоирлар.

ШУКУРЧИ (ф.-т.) - подшоҳ, хоннинг соябон тутувчи хизматкори.

ШУЛОН (?) - камбағал, бева-бечораларга тарқатиладиган иссиқ овқат.

ШУНҚОР (ар.) - лочинсимонлар оиласига мансуб кучли йиরтқич куш.

ШУРТА (ар.) - Темур ва темурийлар даврида, асосан, шаҳларда мавжуд бўлган лавозим бўлиб, ҳарбий миршаб вазифасига доир хизматни адо этувчи шахс бўлган. Кўплик шахсида шурат деб ишлатилган.

ШУУР (ар.) - онг, тушунча.

ШУФЪАТ (ар.) - мулкни сотиб олишга бўлган имтиёзли ҳукуқ. Шариат қонунларига кўра, мулк эгаси уни сотиши ҳақида, аввало, шу мулкнинг бошқа эгаларига ёки бу ҳақда қўшниларига билдириши шарт бўлган. Улар сотиб олишларидан бош тортганларида гина мулк сотиб олиш ҳукуки бошқаларга ўтган.

ШУЬБА (ар.) - 1. Бирор ташкилот ёки муассасанинг алоҳида бир қисми, бўлими; идора; 2. Шашмақом таркибиға кирувчи олти мақомдаги ҳар бир бўлимнинг номи.

ШЎРО (ар.) - совет.

ШЎРОТ (ар.) - Сомонийлар давлатида ўзини ҳимоя қилиш учун давлат бошлиғи амир томонидан ташкил этилган турк ғуломларидан иборат маҳсус сарой гвардияси.

Ә

ЭВАРА (т.) - неваранинг боласи (бобо ва бувига нисбатан).

ЭВАРА-ЧЕВАРА (т.) - эвара ва чеваралар, учинчитўртинчи бўғин, авлод.

ЭГАР (т.) - от-улов устига уриладиган ва миниб ўтириш учун мосланган абзал.

ЭГАР-ЖАБДУҚ (т.) - эгар ва унга тегишли бошқа абзаллар мажмуи.

ЭГАР-КЕЧА (т.) - от эгар учун маҳсус кичик кигиз...

ЭГАРЧИ (т.) - эгар ясовчи уста.

ЭГАЧИ (т.) - опа.

ЭГИЗАК (т.) - бирга туғилган икки ёки ундан ортиқ бола.

ЭЗИД (ар.) - Оллоҳнинг номи

ЭЛ (т.) - маълум юртда биргаликда яшовчи аҳоли, юрт.

ЭЛАК (т.) - ун элаш учун ишлатиладиган тўр қопланган ёғоч гардишдан иборат уй-рўзгор асбоби.

ЭЛАКЧИ (т.) - элак ясовчи уста.

ЭЛАТ (м.-т.) - кишиларнинг тил, худуд, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топган бирлиги. Элатнинг келиб чиқишига бир-бирига яқин бир неча қабилаларнинг уюшуви асос бўлган.

ЭЛБЕГИ (т.) - эл, элат бошлиги, сардор.

ЭЛДОШ (?) - бир жойли ёки бир элга, қабилага мансуб кишилар (бир-бирига нисбатан).

ЭЛ-ЖУРЖОНИЯ (тар.) - илк Ўрта асрларда араб муаллифлари асарларида Хоразмнинг пойтахти шу ном билан аталган. Махаллий аҳоли уни Гурганж деб аташган.

ЭЛЛИКБОШИ (т.) - ҳарбий-маъмурий унвон. Ўрта Осиё хонликларида юзбошидан кейинги мансаб. 50 нафар аскардан иборат ҳарбий қисм қўмондони ёки 50 нафар аскар ажратса олуви махалла, қишлоқ ёки овул раҳбари. Элликбоши мингбоши томонидан тайинланган.

ЭЛФУРУШ (т.+ф.-т.) - ўз элини, ватанини сотувчи; ватан-фуруш, сотқин.

ЭЛЧИ (т.) - бир давлатнинг бошқа бир давлатда фаолият кўрсатувчи юқори мартабали расмий вакили.

ЭЛЧИ (т.) - 1. Дипломатик вакилларнинг энг катта мартабаси, унвони ва шу унвонга эга бўлган киши; 2. Шоҳ томонидан бирор топшириқ билан юборилган киши.

ЭЛЧИХОНА (т.+ф.-т.) - бир суверен давлатнинг суверен давлат ҳукумати қошидаги дипломатик ваколати.

ЭМИҚДОШ (т.) - бир онани эмган фарзандлар бир-бирига нисбатан.

ЭНА (т.) - она.

ЭНАГА (т.) - бирорнинг боласини тарбиялаб катта қилган хотин.

ЭНЕОЛИТ (р.<гр.+л.) - неолитдан бронза даврига ўтиш даври (бу даврда биринчи мис асбоблар пайдо бўла бошлаган).

ЭНГИЛ (т.) - кийим.

ЭНЧИ (т.) - ота томонидан фарзандга ажратиб берилган жонивор, бош мол.

ЭРА (р.<лат.) - 1. Бирор йил ҳисоби бошланган пайт ва шундай йил ҳисобининг ўзи; 2. Давр, қандайдир тарихий ва ижтимоий хусусиятлари билан бошқаларидан фарқ қиласидиган давр; 3. Ер тарихида маълум тоғ жинсларининг пайдо бўлиши билан характерланадиган, бир неча юз миллион йилларни ўз ичига олган муддат. *Палеозой эраси ва ҳ.з.*

ЭРОВУЛ (т.+...) - отлик разведкачи, лашкарнинг олдинги қисмларида илгари борувчи отлик аскар.

ЭРРАЙИМ (т.+...) - текин даромаддан босар-тусарини билмай қолган ёки ўзгаларнинг мулки, бойлиги устидан каттаконлик килувчи одам, валламат.

ЭСКИДЎЗ (т.+ф.-т.) - эски оёқ кийимларни ямаб сотувчи; ямоқчи.

ЭСКИФУРУШ (т.+ф.-т.) - эски-туски нарсаларни олиб сотувчи.

ЭТИК (ў.) - узун қўнжли пошнали пойабзal.

ЭТНИК (р. <гр.) - келиб чиқиши жиҳатидан бирор ҳалқقا оид ёки хос бўлган.

ЭТНОГРАФИЯ (ЭЛШУНОСЛИК) (тар.) - ҳалқлар, этник бирликнинг турли типлари, уларнинг келиб чиқиши (этногенези), турмуши, тарихий ва маданий муносабатларини ўрганадиган ижтимоий фан. Этнография фани асосий эътиборни ҳозирги ҳалқларга қаратган ҳолда ўтмишда мавжуд бўлган барча этник бирликларни илмий ўрганишни ҳам қамраб олади.

ЭТНОГЕОГРАФИЯ (тар.) - этнографиянинг бир бўлими. Ер шари, алоҳида мамлакатлар ва уларнинг туманлари аҳолисининг таркиби ва жойлашишини ўрганади. Шунингдек, этногеография қадимги ва ҳозирги этник бирликларнинг жойлашишини текширади ва шу асосда этник чегараларни аниқлайди. Этногеог-

рафияга этник картография ва этник демография киради. Этногеография антропология билан ҳам яқиндан алоқада.

ЭФТАЛИТЛАР (тар.) - Ўрта Осиё ва унга яқин мамлакатлар халқларининг этногенези ва тарихида мухим роль ўйнаган йирик қабилалар уюшмаси. Уларнинг келиб чиқиши тўғрисида турли фикрлар баён этилган. А.Н. Бернштамнинг фикрича, эфталитлар таркиб топган ерлар ўрта ва қўйи Сирдарё ҳамда Амударёнинг юқори ҳавзасидир. С.П. Толстов эса уларни Орол бўйларидан келиб чиқкан деб хисоблади. Гарчи эфталитларнинг таркиб топган жойи қаттий аниқланмаган бўлса-да, улар туркий этник элементлар аралашган Ўрта Осиёлик қабилалар негизида шаклланганини маълум. Эфталитлар оташпаст бўлганлар, лекин кейинчалик улар орасида аста-секин буддизм ва христианликка эътиқод кила бошлаганлар ҳам бўлган.

ЭШОН РАИС (ф.-т.) (Райосат паноҳ) - Бухоро амирлиги-даги амал. Унга хўжа ва сайдиллардан амир томонидан шахсан тайинланган. Одатда, унинг зиммасига оғирлик ва узунлик ўлчовларини қўпол равишда бузганлик учун, диний урф-одатларга тўғри риоя қиласлик каби масалалар бўйича жазолаш вазифаси юклатилган.

ЭШИКОҚОСИ (т.) - Хива хонлигига сарой мулозими. Унинг вазифаси сарой дарвазаларини кўриклиб туриш хисобланган. Эшикогасида, албатта, битта ойболта бўлиши шарт бўлган.

ЭШИК ОҒАБОШИ (м.-т.) - Ўрта Осиё хонликларида хон саройидаги бош хизматкор. Олий хукмдорнинг турли қабул маросимларини ўтказиш ишларига мутасадди бўлган шахс.

ЭШОН (ф.-т.) - лугавий маъноси “улар”, “у киши” дегани. Улуг авлодларнинг ва сўфийлик оқимида диний раҳнамоларнинг фахрий унвони. Эшонлар мусулмонлар жамоасининг бошлиғи, мураббийси, шунингдек, дарвишларнинг ҳам диний мураббийси хисобланган. Исмоилийлар мазхабига эътиқод қилувчи жамоа бошлиғи эшон деб аталган. Ўрта асрларда сўфийлик оқими раҳнамоларига мурожаат қилишда уларнинг исмлари ўрнида “эшон”, баъзан “пир” сўzlари ишлатилган.

ЭШОНЗОДА (ф.-т.) - отаси эшон бўлиб ўтган, эшонлардан тарқалган шахс, эшон боласи, авлоди.

ЭШОНПАРАСТ(ф.-т.) - эшонларга қўл берган, уларга сиғинувчи, динга муккасидан кетган киши.

ЭҲРОМ (ар.) - 1. Пирамида; 2. Пирамида шаклидаги бино, иншоот; 3. Ҳажга бориш олдидан маълум давр давомида атир сепиш, соқол-мўйлов олиш каби дунёвий ишлардан воз кечиш ва Миср, Ироқ каби мусулмон давлатлари чегараларига етгандан сўнг оқ кийимга, одатда, тикилмаган оқ матога ўралиш ва шундай матонинг ўзи.

Ю

ЮГАН (т.) - от, эшак каби уй ҳайвонларини бошқариш учун улар бошига солинадиган, сувлиғи ва тизгини бўлган, қайиш тасмалардан ясалган абзал.

ЮГУРДАК (т.) - бирорвга хизмат килиб турадиган киши; хизматкор, малай.

ЮЗ (т.) (тар.) - ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабила-лардан бири. Асосан, Сурхон водийсида яшаган. Улар иккита катта гурух – ваҳтамғали ва жилантамғалидан иборат бўлган. Буларниң ҳар бири, ўз навбатида, яна бир қанча гурухларга бўлинади. Этногенез маълумотлари юзларнинг келиб чиқиши Дашиб Қипчоқ кўчманчи ўзбеклари билан боғлиқ эканлигидан далолат беради. XIX аср давомида юзларнинг кўпчилиги ўтроклашиб, дехқончилик билан шуғулланганлар.

ЮЗБОШИ (т.) - 1. Харбий бошлиқ; 2. Сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиё худудида юз нафар аскар бошлиғи юзбоши деб аталган; 3. Қишлоқ ва маҳалла оқсоқоли.

ЮККАШ (т.+ф.-т.) - 1. Юк ташувчи, ҳаммол; 2. Юк ташишга мўлжалланган ёки мосланган.

ЮМУРТҚА (т.) - тухум.

ЮПҚА (т.) - хамирни юпқа ёйиб, қиздирилган қозонда ҳар икки томонини ағдариб пишириб, сўнг ичига қиймали пиёздоғ солиб, тўрт бурчак шаклида тахлаб тайёрланадиган таом.

ЮРТ (т.) - маълум халқ, аҳоли яшаб турган жой, ўлка, мамлакат; ватан.

ЮРТДОШ (т.) - бир юртда яшовчи ёки яшаган кишилар-нинг ҳар бири; ватандош.

ЮРТОВУЛ (т.) - ўрта асрларда кўчманчи ўзбек аскарлари ҳарбий юришга чиқишиларида бир ойлик озиқ-овқат ғамлаб олишлари шарт бўлган. Аскарлар ҳарбий юриш пайтида озиқовқатни, асосан, атрофдаги шаҳар ва қишлоқ аҳолисидан тортиб олиб ғамлаган. Озиқ-овқатни бундай усулда йигиш юртовул деб аталган. Юртовулга бевосита хоннинг буйруғи билан яқин атрофдаги қишлоқларга сultonлар раҳбарлигига аскарлар тўпи юборилар ва аскарлар аҳолидан овқат, чорва, кийим-кечак ва шу каби нарсаларни олишар эди; Шунингдек, қўшиннинг олдида ҳаракат қилиб, жой ва аҳоли яшайдиган жойларни кўздан кечириб борувчи маҳсус ҳарбий бўлинма ҳам юртовул деб аталган.

ЮРТФУРУШ (т.+ф.-т.) - ўз юрти ёки ватанига хиёнат килувчи.

ЮРТЧИ (т.) - мўғул амалдорлари. Булар амалда ёзувчизув ишларини олиб борар, жаҳонгирнинг ёрликларини тарқатар, ҳар хил маълумотлар йигар, баъзан эса маҳсус айгоқчилар орқали айгоқчилик билан ҳам шуғулланганлар.

ЮРТЧИ ЯСОВУЛ (т.) - юртни кўчиш вақтида жойлаштириш билан шуғулланган мансабдор юртчи аталган. Ўрта аср манбаларida қайд этилишича, ҳар бир юртнинг маҳсус юртчisi бўлган.

ЮРЧИ (т.) - Бухоро амирлигига амир ўтадиган кўчаларни тозалашни уюштирадиган мансабдор.

ЮТ (?) - 1. Дон-ғалла унмаган йил; очарчилик, қаҳатчилик;
2. Чорва очарчилиги; ўлат.

Я

ЯДАК (ф.-т.) - эҳтиётан эгарлаб безатилган от бўлиб, шоҳ ёки ҳоким олдидан олиб юраддилар.

ЯЗАК (ф.-т.) - лашкарнинг олд қисмини билдирган. Темурйилар даврида эса авангард, муҳим ҳарбий маълумот йиғиш (разведка) билан шутулланадиган гурухни англатган.

ЯЗАКДОР (ф.-т.) - язак, олди қўшиннинг бошлиғи

ЯЗДОН (ф.-т.) - тангри дегани

ЯЙДОҚ (т.) - 1. Эгар-жабдуқсиз, яланғоч (от хақида); 2. кўчма, ўсимлик ўсмайдиган, ўт-ўлансиз.

ЯЙЛОВ (т.) - чорва ўтлайдиган кенг майдон; ўтлок.

ЯКАН (т.) - пул.

ЯКАНДОЗ (ф.-т.) - узун кўрпача.

ЯКАНЧИ (ф.-т.) - эски-туски нарсалар билан савдо қилувчи; ёймачи.

ЯКТАК (ф.-т.) - узун, олди очиқ эркаклар кўйлаги.

ЯЛАВОЧ (т.) - чопар, хабар элтувчи, пайғамбар.

ЯЛАМСИҚ (т.) - очқўз, еб тўймас, очофат.

ЯЛАНГТЎШ (т.) - кўкраги кенг, яғриндор; мард, жасур.

ЯЛЛА (т.) - енгил ва шўх қўшиқ.

ЯЛЛАЧИ (т.) - тўй-томушаларда қўшиқ айтиб, ўйинга тушиб юришни касб қилиб олган шахс (асосан, аёллар).

ЯЛОВ (т.) - байроқ, туғ.

ЯЛОВБАРДОР (?) - байроқ кўтариб борувчи байроқдор. Мовароуннаҳр ва Ўрта Осиё хонликлари қўшинларида байроқ кўтариб юрувчи маҳсус кишилар бўлиб, улар яловбардор деб юритилган.

ЯЛОҚ (т.) - ит, мушук каби уй ҳайвонларини овқатлантириш учун мўлжалланган идиш.

ЯЛОКИ (т.) - кишиларнинг сарқити билан кун кечирадиган, ювиндихўр.

ЯЛПИ (т.) - умумий.

ЯМАН (ар.) - ўнг томон.

ЯМОК (т.) - 1. Бирор нарсанинг йиртилган, узилган, тешилган жойларини ямашга мўлжалланган бир парча мато, чори; 2. Ямалган, ямаб тикилган.

ЯМОҚЧИ (т.) - оёқ кийимларини тузатиш, ямаш иши билан шуғулланувчи косиб.

ЯРОВУЛ (т.) - маҳсус ҳарбий разведка кисми.

ЯРОФ (т.) - хужум ва ҳимояда ишлатиладиган курол.

ЯРҒУ (ЁРҒУ) (т.-м.) ҳукм чиқариш, жазолаш.

ЯСО (ЁСОҚ) (т.-м.) - Чингизхон замонида жорий этилган қонун-қоида. Фуқаролар ясога, яъни қонун-қоидаларга қандай амал қиласётганини назорат қилиб турувчи кичик мансабдор ясовул деб айтилган.

ЯСОЛ (м.-т.) - қўшинни кўриш учун сафга тизилиши, лашкар қаноти, флангаси.

ЯСОВ (т.) - саф, ясов тортмоқ, сафга тизилмоқ, саф тортмоқ.

ЯСОВУЛ (м.-т.) - ўрта асрларда Мўғалистон, Ўрта Осиёда подшоҳ ёки хон саройи узангисидаги кичик мансабдор. Олий хукмдорнинг амру-фармойишларини бажарувчи шахсий хизматкори.

ЯКСАРА (ф.-т.) - ер хайдовчи бир жуфт иш ҳайвонларидан олинадиган солик тури. У қўш пули ҳам деб аталган.

ЯМАН ТОШИ (тар.) - Ямандан чиқадиган қимматбаҳо тош. Уни айрим манбаларда “акиқи ямани” деб ҳам аташган.

ЯССИ (тар.) - ҳозирги Туркистон шаҳрининг олдинги номи.

ЯСОВУЛБОШИ (м.-т.) - ясовуллар бошлиғи.

ЯСОВУЛХОНА (м.-т.+ф.-т.) - ясовуллар, соқчилар ва қуролярог турадиган бино ёки маҳсус хона.

ЯССАВИЙЛИК (тар.) - Исломдаги сўғизмга хос оқим. XII асрда Ўрта Осиёда пайдо бўлган ва кўчманчи ахоли ўртасида ҳам

кўнг ёйилган. Асосчиси - Ахмад Яссавий. Унинг “Девони ҳикмат” асарида яссавийлик гоялари илгари сурилган. Яссавийлик сўфизм тамойилларини қадимги ўзбек тилида тарғиб килган. Унинг ташвиқотчиларидан бири Сулаймон Бокирғонийдир.

ЯССИ (т.) - сатҳи ёйик, текис.

ЯСО+ I (м.-т.) - қоида, қонун, тартиб.

ЯСОҚ II (м.-т.) - Мўғул империяси, хусусан, Олтин Ўрда

Ү

ҮГАЙ (т.) - бегона ота ёки она билан фарзанд ёинки шундай фарзандлар бир-бирига нисбатан.

ҮЗАН (т.) - йирик оқин, сув йўли.

ҮЙДИҚ (т.) - кичик чукурлик.

ҮЙМОҚ (т.) - кичик чукур, чукурча.

ҮКИЛ (т.) - никоҳ пайтида йигит ёки қиз томонидан кафилликка ўтuvчи, вакиллик қилувчи киши, вакил.

ҮКСИЗ (т.) - 1. Ота-онасиз, етим; 2. Бирор ёрдам берадиган кишиси йўқ; химоясиз, бечора; 3. Ғам ва ҳасратни ифодалайдиган; ғамгин.

ҮКЧА (т.) - оёқ кийимининг товони остига қоқилган қалин чарм; пошна.

ҮЛАН (т.) - 1. Халқ оғзаки ижодида, одатда, тўй, гапгаштак ва шу кабиларда ижро этиладиган қўшиқ; 2. Ўсиб турган ўт, кўкат.

ҮЛАНЧИ (т.) - ўлан айтuvчи, қўшиқчи.

ҮЛЖА (т.) - 1. Душман устидан ғалаба қилиб қўлга киритилган нарса; 2. Овда қўлга тушириладиган, тутиб ёки отиб олинадиган нарса, ов.

ҮЛКА (т.) - 1. Мамлакат; 2. Мамлакатнинг маъмурий-худудий бирликка эга бўлган бирор қисми; вилоят.

ҮЛКАШУНОС (?) - ўлкани ўрганувчи.

ҮЛКАШУНОСЛИК (?) - 1. Ўлкашунос; 2. Мамлакатдаги бирор жой ёки бирор вилоятнинг тарихи, географияси ва шу кабилар ҳақидаги билимлар мажмуи; ўлкани ўрганиш.

ҮЛПОН (т.) - Ўрта Осиё хонликлари худуди чор Россияси томонидан босиб олинганидан сўнг жорий этилган бўлиб, экин майдони ва олинадиган хосилнинг миқдорига қараб, йилига бир марта ундириладиган ер солиғи.

ҮЛПОНЧИ (т.) - ер солиғини йигувчи мансабдор.

ҮЛТАНГ (?) - сув тақсимловчи тўғон, сув тақсимлагич.

ҮНБОШИ (т.) - Амир Темур армияси ва Ўрта Осиё хонликлари қўшилларидағи энг кичик ўн нафарлик гурух - ҳарбий бўлинма бошлиғи.

ҮНГИР (т.) - ўйилган, чукур жой; ўйик.

ҮНГУТ (тар.) - қадимги қабилалардан бири. Рашидуддин Фазлуллоҳнинг ёзишича, ўнгутлар мўгулларга ўхшаса-да, улардан алоҳида ажралиб турган. Ўнгутлар Чингизхонга тобе бўлиб, унинг босқинчилик юришларида иштирок этган. Чингизхоннинг ворислари даврида ўнгутларнинг кичик гурухлари Ўрта Осиёга, жумладан Хоразмга келиб ўрнашган ва кейинчалик маҳаллий халқлар билан аралашиб, этник номларини унутиб юборганлар.

ЎРА (т.) - сабзавот, дон ва шу кабиларни кўмиш учун маҳсус қазилган, одатда, ости кенгроқ бўладиган чукурлик.

ЎРДА (м.-т.) - 1. Туркий ва мўгул халқларида ҳарбий-маъмурӣ ташкилот, манзилгоҳ. Ўрта асрларда олий ҳукмдорлар қароргоҳи, пойтахти; 2. Подшоҳ, хон ёки бирор олий мартабали шахснинг ҳарами.

ЎРДУ (т.) - қўшин, лашкар.

ЎРДУГОҲ (т.+ф.-т.) - қўшин қўнадиган ёки турадиган жой, лагерь.

ЎРИНДОР ОҚСОҚОЛЛАР (тар.) - XIX-XX аср бошларида Хива хонлигига қабул маросими вактида хоннинг рўпарасида турувчи, ва ўтирадиган тайинлик ўрни бўлмаган мансаб ва унвон соҳиблари.

ҮРИНИШЛИ (т.) - XIX-XX аср бошларидаги Хива хонлигидаги хон қабулидаги тантанали маросимлар вактида амалига қараб тартиб билан ўтириш хукуқига эга бўлганларга нисбатан ишлатилган. Бошқалар бирор фармойиш кутиб, хон рўпарасида узокроқда таъзим билан оёққа босиб туришган.

ЎРКАЧ (т.) - туюнинг тепа сиртидаги ёғ қатламидан иборат дўнг ўсимта.

ЎРОК (т.) - Бухоро амирлигидаги XIX-XX асрларда диний олам ва илоҳиёт илмида эришган ютуқлари учун бериладиган учта унвоннинг энг юкориси ҳисобланган бўлиб, шу унвонга эришган шахснинг исмига қўшиб айтиш одат бўлган.

ЎТАР (т.) - ўз ишига уста. Хива хонлигидаги хоннинг сочини олиш учун маҳсус белгиланган кишини шу унвон билан аташган.

ЎТАРЧИ (т.) - ўзбек халки таркибига кирган қабилалардан бири. Улар Дашти Қипчоқ кўчманчи ўзбекларидан иборат бўлиб, XV-XVI асрларда Мовароуннаҳрга келиб жойлашган. Фаргона водийсида, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида тарқоқ ҳолда яшаб XVIII-XIX асрлар давомида маҳаллий халқлар таркибига сингиб ўз номларини унутиб юборгандар.

ЎТАҒА (т.) - 1. Бошга такиладиган жига; 2. Дубулғага қистирилган пат.

ЎТИК (т.) - дазмол.

ЎТМИШ (т.) - ўтган давр, кечмиш.

ЎТОВ (м.-т.) - кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларнинг асосий турар жойи; чорвачилик билан шуғулланадиган аҳолининг кўчма бошпанаси.

ЎТРОК (т.) - бир жойда муқим яшайдиган.

ЎТСОЧАР (т.) - душманга ёниб турган суюқлик сочадиган курол.

ЎҚЛОФИ (т.) - ош хамир ёйиш учун ишлатиладиган узун силлиқ таёқча.

ЎФИР (т.) - донни уриб туйиш, эзиз майдалаш учун ишлатиладиган ичи ўйик гўладан иборат рўзгор буюми; кели.

ҮФЛОН (м.-т.) - мүғулча сўз бўлиб, тахт вориси, шаҳзода деган маънони англатган.

ҮFYЗ (FYЗ) (тар.) - илк ўрта асрларда 24 қабиладан ташкил топган йирик халқ. Булар VIII-X асрларда Сирдарё соҳилларида, унга тулаш чўлларда, Орол денгизининг жанубий, жануби-шарқий минтақаларида, ислом динини қабул қилганлари эса Нурота тоғ олди районларида яшаганлар, асосан, чорвачилик билан шугулланганлар. Ўгузлар VII-IX асрларда йирик қабила иттифоқини, IX аср охири X аср бошларида Ўгуз давлатини барпо этганлар.

ЎFYЗЛАР (тар.) - туркий қабила. Марказий ва Ўрта Осиёда яшаган. VII аср бошида Турк хоқонлиги таркибида тўққиз ўгуз қабиласи иттифоки пайдо бўлиб, бу иттифокда кўпчиликни, асосан, уйғурлар ташкил этган.

ЎFYЗХОН (т.) - барча туркий-мўгул қабилаларининг афсонавий асосчиси.

K

ҚАБЗА (ар.) - 1. Тутқич, даста; 2. Кафт кенглигига тенг узунлик ўлчови.

ҚАБИЛА (ар.) - этник бирлик. Қабила аъзолари ўртасидаги кон-қариндошлиқ алоқаларининг мавжудлиги, уруғ ва бўғинларга бўлиниш қабиланинг асосий белгисидир. Шунингдек, қабиланинг бошқа белгилари ҳам мавжуд. Бу белгилар унинг маълум бир худудга эта эканлигидан, қабиладошларнинг иқтисодий бирлиги, ягона қабилавий тили ва номи, қабила кенгаши ва ҳарбий бошликларнинг ўз-ўзини бошқаришидан иборатdir.

ҚАБО (ар.) - жубба (совут) остидан кийиладиган узун уст кийими. Шохлик қабоси-подшохларнинг ана шундай кийими.

ҚАВМ (ар.) - 1. Бир авлоддан тарқалган, ўзаро қариндошлиқ муносабатлари билан боғланган кишилар бирлашмаси; уруғ, аймок, қабила; 2. Ҳамиша бир масжидда ибодат килувчи кишилар ва уларнинг ҳар бири.

ҚАВС (ар.) - 1. Ўн икки буржнинг бири, Ақраб ва Жадий буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида тўққизинчи ойнинг арабча номи (22 ноябрь—21 декабрь орасидаги даврга тўғри келади).

ҚАВСОБ (ар. ф.-т.) - қавс ойида, яъни ноябрь охири декабрь бошларида ерни сугориш учун бериладиган сув; қавс сув.

ҚАВЧИН (тар.) - ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Қавчинлар XIII аср ўрталарида арлот, барлос, жалойирлар билан бирга Мўгулистан худудидан Амударёнинг ўрта ва юкори оқимиға ҳамда Фарғона водийсига кўчиб келишган. Қавчинлар, асосан, ярим ўтрок ҳолда яшаб, чорвачилик ва дехкончилик билан шугулланганлар. Улар бир қанча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари бегузув, балхи, кўрпачувиш, бўзчи, кашмири, сулаймон, имом, бўйин, тугал, пўла, шерали, туябўйин қабилардир.

ҚАДАМЖО(Й) (ар.+ф.-т.) - зиёрат килиш, сигиниш учун бориладиган мўъжизали, мукадлас деб саналган жой; зиёратгоҳ.

ҚАДАҚ (?) - оловкурак; ҳокандоз.

ҚАДАҲ (ар.) - май ичиладиган идиш; жом.

ҚАДИМ (ар.) - узок ўтмишдаги; қадимий, кўхна.

ҚАДОҚ (т.) - қадимги ва ўрта асрларда мавжуд бўлган оғирлик бирлиги. XX аср бошларигача Ўрта Осиё худудида кенг кўлланилган. Бир қадоқ 409,512 граммга teng бўлган.

ҚАЗБИОН (тар.) - Ўзбекистон жанубида жойлашган илк ўрта аср вилояти номи. Ҳозирги Сурхандарё вилоятининг Қашқадарё вилояти билан чегараси худудларини ўз ичига олган.

ҚАЗИ (т.) - отнинг тўш ва пешноп гўшти; шундай гўштдан отнинг йўғон ичагига тиқиб тайёрланган маҳсулот.

ҚАЗНА (т.) - дагал ипак, пилла чиқитидан олинган паст ипак.

ҚАЗНОК(ЧА) (т.) - омбор вазифасини ўтовчи кичикроқ хона, хужра.

ҚАЙЛА (т.) - майда тўғралган гўшт ва сабзавотни қовуриб тайёрланадиган, қуюқ овқатга солиб истеъмол қилинадиган масаллик.

ҚАЙРОҚ (т.) - кесувчи асбобларнинг тигини ўткирлашда ишлатиладиган силлик тош.

ҚАЛАБОН (т.+ф.-т.) - Қўқон хонлигига хонликнинг чегара худудларида жойлашган қалъя ва истехкомларнинг ҳокими. Ушбу вазифага, одатда, ҳарбий мақсадлардан келиб чиккан ҳолда дод-хоҳдан қўшбегигача бўлган шахслар тайинланган. Қалабон одатда чегара туманларидаги ҳарбий-маъмурӣ, хирож ва бож олиш ишларига, чегарани муҳофаза қилиш ишларига жавоб берган. У кутвол деб ҳам аталган.

ҚАЛАНДАР (ф.-т.) - сўғизм йўлига кириб, меҳнат қилмасдан дарбадарлик, гадолик ва хайр-эҳсон йўли билан кун кечи-рувчи кишилар фаолияти. Қаландарлар муайян жамоа (сулук)га бирлашиб, унинг ғояларини тарғиб этадилар. Нақшбандия, Ясавия, Кубравия, Қадария қаландарликнинг машҳур сулуклари-дандир.

ҚАЛАНДАРХОНА (ф.-т.) - қаландарлар йиғиладиган ва турайдиган жой.

ҚАЛАЧИ (тар.) - ўзбек ҳалқи таркибига кирган туркий уруғлардан бирининг номи.

ҚАЛАЧИ (т.) - Хива хонлигига рус шаҳарларидан мол келтирувчи савдогарларни шундай деб аташган.

ҚАЛБ (а.) - подшоҳ, хон ҳузуридаги қисм; марказ.

ҚАЛИН (т.) - Ўрта Осиё ҳудудида келин олиш билан боғлиқ бўлган тўлов одати.

ҚАЛИНЧИ (т.) - бирор кимса эшигига хўжайн томонидан тўланган қалинни қоплаш учун ишлаб турган хизматкор, қарол.

ҚАЛЛИК (т.) - бирор йигитга унаштирилган қиз (шу йигитга нисбатан).

ҚАЛЛОБ (ар.) - ўз манфаатини кўзлаб, бошқаларни алдаш мақсадида турли найранглар ишлатувчи, алдам-қалдам, қинғир ишлар килувчи.

ҚАЛЪА (ар.) - мудофаа мақсадида қурилган, стратегик жиҳатдан қуляй ва мустаҳкам таянч пункти. Қалъанинг дастлабки қўри-нишлари ибтидоий жамоа тузуми даврида пайдо бўлган. Бундай қалъя атрофи пахса, тош ва бошқа материаллардан тикланган

девор билан ўралган турар жойдан иборат бўлган. Кейинчалик қалъа деворининг атрофида хандаклар қазилган. Ҳар бир қалъани унинг ўз аҳолиси мудофаа қилган.

ҚАЛЪАЧИ (ар.) - шаҳарларга, хусусан, Россия шаҳарларига бориб савдо-сотик қилувчи йирик маҳаллий савдогар.

ҚАЛКОН (т.) - жангчининг танасини тиғли қуроллар зарбидан ҳимоя қилувчи ташқи томони бўртиқ килиб ишланган мослама. Энг қадимги қалқонлар ёғоч, тўкилган чивик, қўға, тери, кейинчалик эса бронза ва темирдан ясалган. Қалқон шакли ва катта-кичиклиги жиҳатидан турли ҳалқларда турлича бўлган. XVI-XVII асрларга келиб, ўточар қуролларнинг такомиллашуви билан қалқон ўз аҳамиятини йўқотди.

ҚАМАЛ (т.) - ташқи олам билан алоқани узиш даражасидаги қуршов.

ҚАМАЛ (1) (т.) - қалъа типидаги истеҳком пунктларини ишғол килиш учун ўтказилган ҳарбий харакатлар усули; қадим замонлардаёқ шаҳар ёки қалъани қўққисдан ҳужум қилиб олиб бўлмаган тақдирда қамалдан фойдаланилган. Одатда, қамал қилувчи қўшинларнинг бир қисми қамал истеҳкомларини камалдагиларнинг ҳамлаларидан мудофаа қилган, қўшинларининг асосий қисми эса фаол ҳарбий харакатлар билан банд бўлган, яъни қалъага кетма-кет ҳужумлар уюштиришган. Баъзан эса қамалчилар камалдагиларнинг озиқ-овқат, ўқ-дорилари тугагач, таслим бўлишларини кутишган. Ўрта асрларда мўгултатар ва Амир Темур армияларида қалъа ва шаҳарларни қамал килишда ўтсочар қуроллардан кенг фойдаланганлар. XVII асрдан бошлаб қамал килишда артиллерия кенг қўлланила бошланган. XVIII-XX аср бошларида қалъани қамал қилиш учун маҳсус қамалчи қисмлар тузилган.

ҚАМАР (ар.) - ойнинг арабча номи.

ҚАМАРИЯ (ар.) - Ойнинг иккита бир хил фазаси, масалан, Ой туғилган кундан келгуси Ой туғилган кунгacha бўлган вақт асос қилиб олинган йил хисоби (Қамария хисобида йил шамсия хисобидан деярли 11 сутка қиска. Қамария ойлари: муҳаррам, сафар, раббиулаввал, раббиуссоний, жумодилаввал, жуодиссоний, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввол, зулқаъда, зулхижжа).

ҚАНҒЛИ (тар.) - қадимий туркий қабилалар уюшмаси. Ўрхун-Енисей ёзувларида “конхарас” деб аталган. Қанғликларнинг ilk

аждодлари Сирдарё соҳиларида яшаган саклар бўлиб, булар милоддан аввалги III асрда Йирик Қанғ давлатини барпо қиласидилар. Бу давлат кучайиб, милоддан аввалги II-I ва милодий I-II асрларда жуда катта ҳудудда (Тошкент воҳаси, Қозогистоннинг жануби-шаркий ҳудудлари, Мовароуннаҳр, Хоразм, Орол дengизининг жанубий, жануби-шаркий ва шимоли-ғарбий миңтакаларидағи ҳудудлар) ҳукмронлик қиласидилар. Сакларнинг хун, Усун ва бошқа туркий ҳалқлар билан аралашиши натижасида милоддан аввалги II-I - милодий I-II асрлар давомида Сирдарёning ўрта оқимларида янги ҳалқ (элат) - қанғар ҳалқи вужудга келади. Қанғарлар Марказий Осиёда ташкил топган энг қадимги туб ерли туркий қатламни ташкил қилганлар. Кўчманчи ва яirim кўчманчи этнослар билан маҳаллий ахоли (сак) маданиятининг кўшилиб бориши натижасида қанғар маданияти вужудга келади. Археологлар бу маданиятни Кангюй маданияти деб номлайдилар. Бу маданият Сирдарёning ўрта оқимларида ташкил топган бўлиб, милоддан аввалги I - милодий I-II асрларда Марказий Осиёда (жумладан, Мовароуннаҳда) кенг тарқалган. X аср охирида уларнинг катта бир қисми шимоли-ғарбга силжиб, Эмба ва Урал (Ёйик) дарёлари оралиғига жойлашган. XI асрда уларнинг кўпчилиги Кичик Осиё, Болгария ва Венгрия ерларига ўтиб маҳаллий ахолига, айрим гурухлари эса Волга бўйларига келиб бошкird, татар ҳалқларига кўшилиб кетган. XI асрнинг охири - XII асрнинг бошларида қанғилиарнинг катта гурухи Сирдарё бўйларига қайтиб келган. Ўрта асрларда қанғилиар Ўрта Осиё давлатларининг ички сиёсатида фаол иштирок этишган. Қанғилиар яirim ўтроқ ҳолда яшаб дехкончилик ва чорвачилик билан шугулланишган. Улар бир неча уруғларга бўлинишган. Жумладан, сари-қанғли, кора-қанғли, қизил-қанғли, бобо-қанғли, олтмиш-қанғли, бўка-қанғли ва бошқалар. Қанғилиарнинг кейинги авлодлари ўзбек, қозок, кирғиз, туркман, корақалпок, бошкirdлар ва Сибирда яшовчи туркий ҳалқларнинг (олтойликлар, тува ва бошк.) таркибиға кириб, уларга сингиб кетганлар.

ҚАРАМ (т.) - бошқа кишига тобе, эрксиз, бокиманда.

ҚАРИ (т.) - XVIII-XIX асрда Хива хонлигига мавжуд бўлган узунлик ўлчов бирлиги (1 қари - тахминан 2,5 метрга баравар).

ҚАРИНДОШ (т.) - тувишган киши, бир аждодга мансуб кишилар бир-бирларига нисбатан.

ҚАРИЧ (т.) - ёзилган панжанинг бош бармоқ учидан жимжилоқ учигача бўлган узунлик ўлчови.

ҚАРОР (ар.) - Вазирлар Махкамаси чиқарадиган хужжат.

ҚАРМАТ (ар.) - Абўзар деганинг лақаби. Қарматилар унинг издошлари бўлиб, 891 йили араб халифалигига қарши чиққанлар.

ҚАРОВУЛ (т.) - қарп. Коровул

ҚАРОВУЛБЕГИ (т.) - 1. Посбонлар бошлиги; 2. Хива хонлигига чегара районларда чегара қўшини ташкил этилган. Чегара хизматининг бошлиғи коравул беги дейилган.

ҚАРОЛ (т.) - 1. *Айнан*, кул; 2. Хизматкор, батрак; 3. Батрак сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликлари худудида, жумладан, Бухоро амирлигига бадавлат хонадон, катта ер эгалари томонидан ўз хўжаликларида, асосан, ёшлар ва ўсмирлардан маълум миқдордаги дон, буғдой ёки чорва моллари хисобидаги тўлов шарти билан бутун йил давомида ёки эрта баҳордан кеч кишига қадар ёллаб ишлатилган кишилар.

ҚАРОЧЎРИЙ (т.) - Салжуқийлар давридаги қиличларниң бир нави.

ҚАРОРГОХ (ар.+ф.-т.) - 1. Тош ва бронза даврларида яшаган одамларниң турар жойи. Мавзе ва макон манзилгоҳлардан фарқ қиласди; 2. Ҳарбий бошлиқ (саркарда)нинг жанг пайтидаги сафар чодирининг номи.

ҚАРОҚЧИ (т.) - йўлтўсар, босқинчи.

ҚАРЛУҚЛАР (тар.) - қадимий туркий қабилалардан бири. IV-V асларгача Олтойнинг гарбида яшаганлар. VI-VII асрларда қарлуклар Турк ҳоқонлиги таркибига кирган. VII аср ўрталарида қарлукларниң бир қисми Еттисув худудига келиб жойлашганлар. VIII аср охирларида бу ерда Қарлуклар давлати вужудга келган. X асрда Қораҳонийлар давлатида қарлукларниң вакиллари хукмрон мавқега эга бўлганлар. X аср охирларида қораҳонийлар Мовароуннахрни эгаллагач, қарлуклар Тошкент воҳасига, Фарғона ва Зарафшон водийларига кўчиб келишган. Кейинчалик қарлуклар маҳаллий халқлар таркибига киришган. Ўзбеклар таркибидаги қарлуклар XIX аср охири - XX аср бошларида Зарафшон дарёсининг ўрта ва кўйи оқимларида, хозирги Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Шўрчи туманларида яшаганлар.

ҚАРТАНГ (т.) - кексая бошлаган киши.

ҚАРКАРА (т.) - түяқуш патлари билан безатилган бosh кийим.

ҚАСҚОН (т.) - гардиш, лаппаклар қўйиб манти пиширадиган маҳсус қозон.

ҚАТИМ (т.) - узунлиги тикилаётган нарса билан ёзилган кўл учи оралиғига тенг.

ҚАТИРМА (т.) - оширилмаган хамирдан қозонда ёғсиз пишириладиган юпқа емиш.

ҚАТЛАМА (т.) - юпқа ёйилган хамирни ёғда пишириб тайёрланган емиш.

ҚАТТОЛ (ар.) - 1. Одам ўлдирувчи, хунхўр, қотил; 2. *Қўчма*, ашаддий, ёвуз.

ҚАЪДА (ар.) - вафот этган кишининг “еттиси” ёки “йигирмаси”дан кейин марҳумнинг яқин қариндошлари уйида ўтказиладиган маросим. Ўрта Осиё ҳалқлари, асосан, ўзбеклар ва тожиклар орасида кенг тарқалган.

ҚАҲРАБО (к.) - янтарь.

ҚИБЛА (ар.) - мусулмонлар намоз вактида сажда қиласидиган томон. Ҳижрий йилнинг иккинчи йили (624) Маккадаги Каъба барча мусулмонлар учун қибла қилиб белгиланган. Қибла ниҳоятда муқаддас ҳисобланади. Ҳар бир мусулмон қаерда бўлмасин, албатта, ўша томонга қараб намоз ўқииди. Масжидларда меҳроб қибла томонга қараб ишланади. Исломдаги кўп маросимлар ҳам, одатда, қиблага қараб бажарилади. Ҳатто, марҳум кўмилганда ҳам, юзи қиблага қаратиб қўйилади.

ҚИЁМАТ (ар.) - дунёнинг тугаши ҳақидаги диний таълимот. Сўрок ва жавоб, гуноҳларнинг ўлчаниши, жаннат ва дўзах каби тасаввурлар билан бирга кўшилиб, исломнинг охират ақидасини ташкил этади.

ҚИЁС (ар.) - шариатда қўлланадиган усуллардан бири. Қиёсда дастлабки икки манба - Куръон ва Суннада берилмаган бирор хукукий масала, улардаги шунга ўхшаш масалага таққослаш йўли билан шарҳ этилган. Қиёс фикҳлар хукуқини кенгайтириб, шариатни турмушнинг турли томонларига татбиқ этишга имконият берган.

ҚИЁТ (тар.) - қадимги туркий қабилалардан бири. Ўғузлар таркибида бўлган. VIII-X асрларда Дашиби Қипчоқда яшаб, кўчманчи чорвадорлик билан шуғулланганлар. Ўғузлар давлати емирилгач, XI асрда қиёт қабилалари ҳам бўлиниб кетган. Уларнинг катта қисми Туркманистон ҳудудига силжиб маҳаллий аҳолига, бошқа бир қисми эса Болқон ярим оролидаги ҳалқлар таркибига сингиб кетган. Дашиби Қипчоқ чўлларида қолган қисми кейинчалик ўзбек, қозоқ, қорақалпок ҳалқларининг таркибий қисмларидан бирини ташкил этган. Қорақалпоклар таркибидаги қиётлар учта бўлинган (учтамғали, тарокли, болғали). Қашқадарёнинг юқори оқими, Хоразм ва Бухоро воҳалари, шунингдек Зарафшоннинг ўрга оқимида яшовчи қиётлар XIX аср охиirlарида қорақалпоклар таркибига кирган. Қиётлар XX аср бошларида асосан ўтроклашиб, дехкончилик ва чорвачилик билан шуғулланган.

ҚИЙИК (т.) - асли, тўртбурчак бўлиб, учбуручак шаклида буқлаб, белга боғланадиган махсус тикилган мато.

ҚИРОТ (юн.-фр.) мисқолнинг 1/24 (йигирма тўртдан бир) қисми бўлиб, у 0,195 граммга тенг бўлган.

ҚИЗИЛБОШЛАР (т.) - Кичик Осиё, Сурия ва Озарбайжондаги кўчманчи турк қабилаларининг бирлашмаси. Улар 12 шиа имоми шарафига ўн икки йўллик қизил матодан салла ўраб юришган. Қизилбошлилар сафавия тариқатининг асосий ҳарбий таянчи бўлиб, сафавия шайхлари бошчилигига қўшни мусулмон бўлмаган мамлакатларга хужум қилиб туришган.

ҚИН (т.) - пичоқ, қилич каби асбобларнинг ғилофи.

ҚИПЧОҚЛАР (тар.) - туркий ҳалқларнинг энг йирик қабилаларидан бири. Қипчоклар Рус солномаларида “половецлар”, Европанинг бъязи ҳалқларида ва Византия солномаларида “кумонлар” деб аталган. Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарида қипчоклар ҳакида батафсил мәълумотлар берилган. Қипчоклар милоддан аввали III-II асрларда ва милодий I-II асрларда Олтой тоғларининг шимоли-ғарбий минтақаларида, Иртиш дарёси бўйларида, Тарбағатайнинг ғарбий минтақаларида яшаганлар. VI асрнинг 2-яримларида қипчоқларнинг талай қисми Турк хоқонликлари тасарруфида бўладилар. Қипчокларнинг илк аждодларининг бир қисми VI асрда Ғарбий Олтойдан чиқиб, Мўғулистан ва Тува ерларига келиб ўрнашган. Иккинчи қисми эса Иртиш

дарёсининг яқинидаги дашларга кўчиб ўтиб, кимакларга тобе бўлган. X аср охири – XI аср бошида кимаклар давлати емирилгач, қипчоқлар Иртишнинг гарбидаги чўлларда, Урал ва унга яқин ерларда яшовчи туркий қабилаларнинг бирлашиши натижасида кучайиб, қадимги “Мафазат ал-Гуз” (Ўгузлар ери) ни ишғол қиласилилар. XI аср бошларида қипчоқларнинг катта бир қисми Волга бўйи дашларига, иккинчи қисми эса Сирдарё бўйларига келиб ўрнашадилар. Фарбга йўналган қипчоқлар XI асрнинг 60-йиларида Қора денгиз ва Азов денгизи яқинидаги чўлларда ҳамда Шимолий Кавказ, Шимолий Дон, Днепр, Дунай дарёлари бўйларидаги дашларда жойлашадилар. Оқибатда, Тяньшаннинг гарбий тармокларидан Дунай соҳилларигача бўлган улкан ҳудуд қипчоқлар кўлига ўтди ва у ерлар “Дашти Қипчок” деб атала бошлади. Қипчоқларнинг асосий машғулоти кўчманчи чорвачилик бўлиб, ўтовларда яшаганлар. Кейинчалик қипчоқларнинг катта бир қисми Шарққа силжиб, Ўрта Осиё ва Қозогистон ҳудудида жойлашадилар. Қипчоқларнинг кўпчилиги, аста-секин ўтроклашиб, дехқончилик билан шуғулланганлар. Қипчоқларнинг кейинги авлодлари Самарқанд вилоятida, Фарғона водийисида, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида яшаб, бизгача ўз этник номларини саклаб келганлар.

ҚИРМОЧ (т.) - овқат пиширилаётганда қозон тагига ёпишиб қолган қолдиги.

ҚИРОАТ (ар.) - баланд овоз билан таъсирили ва ифодали ўкиш, мутолаа қилиш.

ҚИРОВ (т.) - совук таъсирида пайдо бўладиган корсимон заралар.

ҚИРОЛ (гарбий славянлар тилида) - Фарб мамлакатларида олий ҳокимииятни мерос тариқасида ўз қўлида тутувчи шахс; подшоҳ.

ҚИРОЛИЧА (?) - аёл қирол. Қиролнинг хотини. Малика.

ҚИРОН (ф.-т.) - 1. Кўплаб ўлдириш, қирғин; 2. Давлат, мамлакат.

ҚИРҚ (тар.) ўзбек халқи тарқибига кирган йирик қабилалардан бири. Тарқоқ холда Самарқанд атрофида, Панжикентнинг жанубида, хозирги Ғаллаорол, Жиззах, Зомин ва Ўратепа ҳудуд-

ларидан яшаганлар. Кўпинча ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири – юзлар билан аралашган ҳолда яшаганлар. Шунинг учун ҳам қўпчилик манбаларда “кирқ-юз” номи билан ҳам маълум. Кирқ, юз ва минг қабилалари марқа деган умумий ном билан аталган. Қирқларнинг этногенези Дашиб Қипчоқ кўчманчи ўзбеклари билан бөглиқ. Қирқлар ўтмишда бир қанча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари - ок-кўйли, кора-кўйли, кора-сирак, корача, олмасаун, чапарашли ва бошқалар. Улар XX аср бошларига қадар ярим ўтрок ҳолда яшаб, чорвачилик билан шуғулланганлар. Бир қисми тоғ ён бағрида, адирларда яшаб лалмикор ва қисман сугорма дехкончилик билан шуғулланганлар.

ҚИРГИ (?) - ранда.

ҚИРГИЗ-ҚАЙСОҚ (тар.) - XVIII-XIX асрларда рус тадқиқотчилари ўз асарларида ва расмий ҳужжатларда хозирги Қозогистон ва Қирғизистон худудлари қирғиз-қайсоқ худуди деб, уларнинг аҳолиси эса қирғиз-қайсоқлар деб берилган. Маҳаллий олимлар асарларида ушбу худудлар ва унга туташ худудлар Дашиб Қипчоқ дейилган.

ҚИРГОҚ (т.) - чет, ёқа, сохил.

ҚОВУЗ (т.) - 1. Доннинг пўсти; 2. Ичига кўпинча тарик пўсти солинган бешик тўшаги.

ҚОВУРДОҚ (т.) - гўштни, кейин унга пиёз, картошка каби сабзавотларни кўшиб яхшилаб қовуриб, озрок сув солиб димлаб пишириладиган қуюқ таом.

ҚОВФА (т.) - ёғоч пакир.

ҚОЗИ (ар.) - шариатда судья, хукукий ишларни ҳал этувчи вазифасини бажарувчи мансабдор. Қози, шунингдек, васийликка, васиятнинг бажарилишига, мерос тақсимотига тегишли ишларни амалга оширган. Вакф ҳам қози назоратида бўлган. Қозилар хукми катыйи бўлиб, улар устидан факат хон ёки амирга шикоят килишган. Ўрта Осиё худудидаги қозилар турли даражаларга бўлинганлар. *Масалан*, қозикалон энг юкори даражадаги қози бўлиб, у хонлик ёки амирликдаги ҳамма қозилар устидан назорат қилган. Бухоро хонлигига юкори табакадаги шахслар учун хожи калон даражаси бўлган. Қози-ул қуззот - қозикалон ўринбосари хисобланган.

ҚОЗИ АСКАР (ар.) - лашкар ва қўшиндаги қози.

ҚОЗИ РИКОБ (ар.) - Бухоро амирларининг рикобида хизматда бўлган Қози.

ҚОЗИКАЛОН (ар.+ф.-т.) - Бухоро амирлигида диндорлар ва муллаларнинг бошлиғи, яъни раиси бўлган. Шу билан бирга, бу даврда барча мусулмон давлатларида бўлгани каби, Бухорода ҳам ҳуқук масалалари динга қарашли бўлиб, диндорлар қўлида эканлиги сабабли қозикалон барча ҳуқук масалалари ва лашкар маъмуриятининг ҳам раиси хисобланган. Бош қози ҳам диний, ҳам адлия ишларини бошқарган.

ҚОЗИ УРДУ (ар.+т.) - Хива хонлигига қози аскар шундай аталган. Амалда у ҳарбий хизматдагиларнинг қозиси-судъяси.

ҚОЗИ-УЛ-ҚУЗЗОБ (ар.) - Қозикалон ўринбосари.

ҚОЗИХОНА (ар.+ф.-т.) - қози томонидан судлов ишларини амалга оширадиган маҳкама. Шариатга кўра қозихоналар масжид кошида бўлиши керак бўлса-да, кўпгина судлов ишлари қозиларнинг уйларида, бозор кунлари эса бозорларда кўрилган. Ўрта Осиё худудидаги хонликларда ҳар бир даҳада қозихона бўлган.

ҚОЗОҚ (?) - ўз ҳалқи ва қавмидан ажralиб кетган одамлар; тахт учун курашда енгилса-да, аммо ўз ҳуқуқидан воз кечмаган ва ўз тарафдорларига бошчилик килиб, мухолифлари билан кулай фурсат пойлаб курашадиган сулола вакили. XIV-XVI асрларда бундай одамлар “қозок” деб аталган. Ўз даврида Султон Ҳусайн Бойқаро ва айрим бошқа темурийлар “қозок” бўлганлар.

ҚОЛҒА (т.) - ўрта асрларда (манғитларда) нўғойларда ва крим хонларида тахт вориси бўлган валиаҳдларни шундай аташ расм бўлган.

ҚОМУС (ар.) - 1. Муқаммал, тўлиқ лугат; 2. Энциклопедия.

ҚОМУСЧИ (ар.) - комус, энциклопедия, лугат тузган ёки тузувчи киши.

ҚОНУН (ар.) - Олий Мажлис қабул қиласидаган ҳужжатлар.

ҚОНУН ЧОЛҒУШ (ар.+т.) - Ал Форобий томонидан яратилган чолғу асбоби.

ҚОНҚА (тар.) - хозирги Тошкент шаҳридан 70 км жанубишиндаги тарафда жойлашган қадимий ва илк ўрта аср шаҳри номи.

ҚОПҚА (т.) - дарвоза.

ҚОПҚОҚ (т.) - идиш, сандық, яшик ва шу каби нарсалар оғзининг очилиб-ёпилиб туралыган томонини бекитувчи қисми.

ҚОРАБУРА (т.) - түғонларга, сув урган ерларга босиш учун ичига тош солиб, сим билан боглаб тайёрланган шохшабба боғлари.

ҚОРА ЧЕРИК (т.) - ушбу солик тури Бухорода қўшинни ушлаб туриш учун олинган.

ҚОРАУНОС (т.+ф.-т.) - XV асрнинг иккинчи ярмида, Абулхайрхон ташкил этган кўчманчи ўзбеклар давлатида кўчманчи ўзбеклар мўғулларни қораунос, яъни, метислар деб аташган. Бир вакътлар мўғуллар ҳам Мовароуннахрнинг XIII-XIV асрлардаги ахолисини шундай ном билан атаганлар. Кўчманчи ўзбекларнинг мўғулларни бундай ном билан аташининг сабаби шуки, XV асрда Мўғалистонда мўгул қабилаларидан ташқари қалмоклар ва кирғизлар, XV асрнинг 40-50-йилларидан бошлаб эса кўчманчи ўзбеклар ҳам яшаганлигиdir. Мана шунинг учун ҳам кўчманчи ўзбеклар мўғулларни қораунос деб аташган.

ҚОРАХОНИЙЛАР (тар.) - Ўрта Осиёда Корахонийлар давлатини (927-1212 й.й.) идора этган суолола. Асосчиси - Абдулкарим Сотук Бугрохон (Корахон). 1212 йили қорахонийларнинг сўнгги вакили Қилич Арслон ибн Қилич Мухаммад Хоразмшоҳ томонидан ўлдирилган.

ҚОРИ (ар.) - Куръоннинг барча сураларини ёд олган ва уни кироат билан айтадиган киши. Қорилар корихонада тайёрланган.

ҚОРИХОНА (ар.ф.-т.) - мусулмонларнинг диний ўқув юрти. Унда қорилар тайёрланган. Дастреб араб мамлакатларида, кейинчалик Ўрта Осиёда пайдо бўлган. Қорихоналар, одатда, эски мактаблар қошида ва катта мозорлар ёнида очилган. Қорихонага эски мактабни тутатган, 10 ёшдан катта бўлган ўғил болалар қабул қилинган. Қорихоналарда, асосан, Куръон суралари ёдлатилган. Куръондаги барча сураларни ёд айта оладиган бола қорихонани тутатган хисобланган. Ўрта Осиёда, айниқса, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқонда қорихоналар кўп бўлган.

ҚОРИК (?) - табибчиликла қон олиш учун ишлатиладиган асбоб; қортик.

ҚОРОВУЛ (т.) - Темур ва темурийлар даврида ҳамда кўчман-

чи ўзбек хонлари даврида қўшиннинг олдида борган отряд. Қоровулнинг асосий вазифаси қўриқчилик хизматини ўташ ҳамда ҳаракатдаги қўшиннинг олд томонида нималар бўлаётганини кузатиб, ундан доимо хонни хабардор қилиб туришдан иборат бўлган. Қоровул биринчи бўлиб жангга кирган. Шунингдек, хон ва сultonнинг қароргоҳини қўриқловчилар ҳам қоровул деб аталган. Аммо улар билан қўшин таркибидаги қоровул орасида жуда катта фарқ бор. Хон ва сultonлар қароргоҳини қўриқловчи қоровуллар хон ва сultonларнинг майда хизматкорлари бўлиб, улар доимо хон ва сultonнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда уларни қўриқлаш билан шуғулланган.

ҚОРОВУЛБЕГИ (т.) - Ўрта Осиё хонликларида: коровуллик хизматини бажарувчи ҳарбий қисмларнинг бошлиги.

ҚОРХАТ (т.) - биринчи қор ёқсан куни зиёфат беришни таклиф қилиб таниш кишиларга олиб бориб бериладиган мактуб (корхат олган киши хат олиб келган кишини ушлаб олса, зиёфат корхат ёзган киши томонидан берилади).

ҚОФ (КЎҲИ ҚОФ) (ф.-т.) - афсонавий тог; нақл қилишларича, гўё у ер чеккасини ўраб турар эмиш. Баъзан шарқ муаллифлари асарларида Кавказ тоғлари ҳам шу ном билан аталган.

ҚОШИГНА (т.) - Хива хонлигига хотинларнинг бошига тақиладиган тузук.

ҚОҚИМ (т.) - жубба, яъни ҳашаматли, кенг, узун енгли чопон.

ҚОҚИМЧИ (т.) - қоқим қилиб даволовчи табиб.

ҚОҚИНДИҚ (т.) - қоқим қилиб даволашда беморнинг баданига уриб, бошидан айлантириб садака қилинадиган ёки қоқимчи олиб кетадиган нарса, садака.

ҚОҚИРИМ (т.) - қатик ва қалампир солинган курук шўрва (одатда тумовни даволаш учун истеъмол қилинади).

ҚУББА (ар.) - 1. Ярим шар шаклидаги гумбаз.

2. Тури нарса ва буюмларнинг шарсимон ёки ярим шарсимон безаги. 3. Тўртта ёнгокни пирамида шаклида тикиб, узокдан соққа билан уриб йикитиш ўйини.

ҚУББАТ АЛ-ИСЛОМ (ар.) - Ислом гумбази деган маънони англатади. Балх шаҳрига берилган нисбат.

ҚУВВАТУЛ ИСЛОМ (ар.) (Куввати дини ислом) - ислом динининг гумбази. Бухоро шаҳрига нисбатан берилган таъриф.

ҚУБУР (м.-т.) - ўқдоннинг қадимги турларидан бири.

ҚУВБОШ (?) - айёр, кув.

ҚУДА (т.) - куёв ва келиннинг ота-оналари (бир-бирларига нисбатан).

ҚУДА-АНДА (т.) - қудалардан бирининг барча узок-якин қариндошлари (иккинчи қудаларга нисбатан).

ҚУДАҒАЙ (т.) - хотин қуда.

ҚУДУҚ (т.) - маҳсус кавлаб, сув чиқариладиган чукурлик.

ҚУЛЛОБ (?) - қармоқ, чангак.

ҚУЛОН (т.) - ёввойи хачир.

ҚУМФОН (т.) - чой қайнатиш учун кўзача шаклида ясалган идиш.

ҚУПЧУР (м.) - кўчманчи ҳалқлардан ва қабилалардан ундириладиган солиқ. Қупчур солигининг миқдори юз бош ҳайвондан бирини, баъзан кирқдан бирини ташкил этган.

ҚУР (м.) - қабила, ҳарбий бўлинма; қабилалар йигилиши; гурух-гурух бўлиб ўтириш.

ҚУРАМА (тар.) - ўзбек ҳалқи таркибидаги этник гурухлардан бири. Курамаларнинг айрим гурухлари қозоқ, киргиз ва туркман ҳалқларининг таркибига ҳам кирган. Ўтмишда курамаларнинг кўпчилиги ўзбек ҳалқи билан аралашиб кетган бўлишига қарамасдан, уларнинг салмоқли кисми XX аср бошларига қадар моддий маданияти, турар жой ва кийимидағи айрим хусусиятлари ҳамда баъзи урф-одатлари билан ўзбеклардан фарқ қилиб, ўзларини азалий этник номлари – “Қурама” номи билан атаб келганлар. Курамаларнинг аждодлари XV аср – XVI асрнинг биринчи ярмига қадар Даشتி Қипчоқда яшаб келганлар. Уларнинг катта бир кисми XVII-XVIII асрлар давомида Ўрта Осиёга кўчиб ўтган. Даشتни Қипчоқда қолган қурама гурухлари қозоқ ҳалқи таркибиға кириб, уларга аралашиб кетганлар. Курамаларнинг кичик бир кисми Чу дарёси-

нинг юқори оқимларига кўчиб бориб ўрнашиб, аста-секин қирғиз халқи билан аралашиб кетгандар. Қизилқум орқали силжиб ўтган қурамаларнинг катта бир гурухи Амударё қирғокларигача бориб, кўпчилиги туркманлар таркибига кирган. Ўзбек халқи таркибига кирган қурамаларнинг асосий қисми ҳозирги Тошкент вилоятидаги Оққўргон, Бўка, Ғалаба, Оҳангарон ва бошқа туманларда яшаб, дехқончилик ва чорвачилик билан шугулланган.

ҚУРБОНЛИК (ар.т.) - Ислом ва бошқа баъзи динларда кенг тарқалган маросим. Илохий кучга яқинлашиш ва унинг раҳм-шафкатига сазовор бўлиш учун худо йўлида жонлик сўйиш. Ҳаж ва қурбон ҳайити муносабати билан мусулмон мамлакатларида ҳар йили миллионлаб жонзод сўйилиб қурбонлик қилинади.

ҚУРМА (?) - дехқонлардан олинган ҳар хил ғайриқонуний олиқ-солиқ, ўлпон.

ҚУРОВ (?) - яйловдаги йилқилар учун қурилган ёзлик отхона.

ҚУРТАВА (т.) - курт ёки сузмани қайнаган сувда эзид тайёрланган айрондан иборат қуюқ овқат.

ҚУРУЛТОЙ (м.) - туркий ва мўгул халқларида айрим вақтларда ўтказиладиган умумий йигин ёки умумий кенгаш. Қурултойларда сиёсий масалалар кўрилган.

ҚУРУН АҚРОН (ар.) - асрлар, юз йилликлар, даврлар деган маънени англаттган.

ҚУРУТ (ў.) - сузмадан юмалок шаклда қуритиб тайёрланадиган маҳсулот.

ҚУРЬОН (ар.) - мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. Мұхаммад Пайғамбарнинг Макка ва Мадинада олиб борган оғзаки диний тарғиботлари тўпламидан иборат. Қуръонда ислом ақидалари, эътиқод талаблари, хуқукий ва ахлоқий нормалар ўз ифодасини топган. Ислом анъанасида Қуръон Оллоҳ томонидан Мұхаммад Пайғамбарга рамазон ойининг 27-куни кечаси вахий қилинган. Шунинг учун ҳам бу ой муқаддас ҳисобланниб рўза тутилган. Унинг 27-куни кечаси “лайлут ул-қадр”, яъни құдрат кечаси, илохиёт құдрати намоён бўлган кеча деб улуғланади. Қуръон китобини “Қуръони Карим”, “Қуръони Мажид” деб сифатлашади.

ҚҰТБ (ар.) - сўфийлик тариқатида ҳақиқат мақомидаги орифнинг даражаси.

ҚУТИДОР (?) - 1. Сармоядор; 2. Қўқон хонлигига: олиқсоликлардан тўплланган пулларни қабул қилиб олувчи, сақловчи ва хон хазинасига топширувчи сарой амалдори.

ҚУТЧИ (тар.) - қадимги туркий қабилалардан бири. Кутчиларнинг илк аждодлари Жанубий Сибирда, X-XIII асрлар давомида эса Қашғарда ва Еттисувда яшаб келганлар. XIII-XIV асрларда кутчиларнинг катта бир кисми ҳозирги Ўзбекистон худудига келиб жойлашганлар ва ўзбеклар таркибига қирғанлар. Бир қисми қирғизлар таркибида ҳам мавжуд бўлган. Ўзбеклар таркибидаги кутчилар аллақачон ўтроклашиб, ўзбек ҳалқи билан аралашиб кетган. Озроқ қисми эса ўз этник номларини XX аср бошларигача сақлаб келганлар. Булар, асосан, Зарафшон тизма тог этакларида, Ургут атрофларида, Шахрисабз воҳасида, Қашқадарёning юкори оқимларида жойлашган. Кутчилар бир неча уруғларга бўлинган. Энг йириклари: ших-саёт, моли, мовар, қашқари. Кутчилар, асосан, дехқончилик билан шуғулланганлар.

ҚУШЧИ, ҚУШБЕГИ (т.) - XV-XVI асрларда подшоҳ ва хонлар күшхонасининг мутасарруфи бўлган. Унинг зиммасига овни ташкил қилиш ва ўtkазиш вазифалари юқлатилган.

ҚЎШБЕГИ (т.) - қўш, ҳарбий лагерь, қароргохнинг бошлиғи. XIX асрдан бошлаб Хива хонлиги, Қўқон хонлигига хоннинг биринчи вазири ҳисобланган. Бухоро амирлигига эса қўшбеги мансаби олий мансаб ҳисобланган. Мангитлар сулоласи даврида қўшбегига барча вилоятларнинг хокимлари, беклари бўйсунган ҳамда амирнинг пойтахтда бўлмаган вақтида хонликнинг барча ишларини бошқарган. Қўшбеги мансабидан кейин Оталиқ мансаби турган.

ҚЎБИЗ (т.) - қисқа дастали, пардасиз, ғижжакка ўхшаш чолғу асбоби.

ҚЎБИЗЧИ (т.) - қўбиз чалувчи созандা.

ҚЎЗҒАЛОН (т.) - ижтимоий тузумга, хукмрон синфга қарши кўтарилиган оммавий ҳаракат.

ҚЎЛБОФ (?) - болани бешикка белашда икки қўлини ёнига

қилиб, билаклари ва корни устидан тортиб боғланадиган энли бοғиҷ.

ҚЎНОК (т.) - бирор кишининг уйида тўхтаган йўловчи, меҳмон.

ҚЎНГИРОТ (тар.) - ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири. XX аср бошларида ўзбеклар таркибида бўлган қўнгиротлар Ўзбекистоннинг жанубий худудларида, шунингдек, Зарафшон водийсида, Мирзачўл, Хоразм ва Қорақалпогистонда яшаганлар. Қўнгиротлар қозоқ, қорақалпок, қирғиз, бошқирд, нўғой ва бошқа туркий халклар таркибига ҳам кирганлар. XIV асрда қўнгиротларнинг катта бир қисми Хоразм худудига кўчиб ўтган ва Хоразмнинг сўфийлар сулоласи фаолиятида фаол иштирок этган. XIV-XV асрлар давомида қўнгиротларнинг айрим гурухлари Хуросонга, Шимолий Афғонистонга ва Ҳисор - Шеробод водийсига келиб ўрнашганлар. Қўнгиротлар кейинчалик Хоразмнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этганлар. XVIII асрнинг иккинчи ярми - XIX аср бошларида Хива хонлигини ўзбек қўнгиротлари сулоласи бошқарган. Уларнинг кўпчилиги XIX аср охири - XX аср бошларига қадар ярим ўтрок ҳолда яшаб, хўжалигига чорвачилик мухим роль ўйнаган. Авлодлари, асосан, тоглик худудларда жойлашган.

ҚЎРА I (т.) - ташқи таъсирдан саклаш учун атрофи шоҳшабба, панжара кабилар билан ўралган жой.

ҚЎРА II (т.-м.) - Ўрта асрларда қамиш ва шунга ўхшаш нарсалардан маҳсус ясалган тўсик, девор. Унинг ички қисмида қиш фаслларида қишлиш учун ўтовлар (ва чайлалар) ясалган.

ҚЎРИК I (т.) - 1. Химоя остига олинган, ихоталанган жой; 2. Ман этилган жой. Ҳозирги даврда у қўрикхона дейилади. Ўрта асрларда асосан бегона кишиларнинг кириши мумкин бўлмаган яйловлар, дам олиш масканлари, ов килиш жойлари, хонлар ва подшоларнинг моллари бокиласиган яйловларга нисбатан “қўрик” атамаси ишлатилган.

ҚЎРИК II (т.) - Бухоро амирилигига хонларнинг баҳордан то кузгача турадиган яйлови; подшоҳ, хонларнинг ёзда турадиган жойи.. Бу ерга уларнинг оила аъзолари ва уларни қўриқлаб турадиган ҳарбий қисмлардан ташкари бошқа кишиларнинг кириши ман этилган.

ҚҮРБОШИ (т.) - ўрта асрларда Ўрта Осиё ва айрим Шарқ давлатларида дастлаб шаҳарни тунда қўрикловчи шахс; кейинчалик зиндан бошлиғи; курол-яроғ омбори мутасаддиси. XX аср бошларида Ўрта Осиё худудларида шўролар ҳукумати ўрнатилгандан сўнг уларга қарши маҳаллий аҳоли томонидан миллий давлатчиликни тиклаш йўлида кураш олиб борганлар; большевиклар томонидан босмачилар деб аталган. Мана шу миллий озодлик ҳаракати раҳбарларининг кўпчилиги ўзларини қўрбоши деб аташган.

ҚЎРХОНА (т.+ф.-т.) - 1. Курол-аслаҳа сақланадиган омбор, куролхона; 2. Қимматбаҳо нарсалар, бойликлар сақланадиган омбор; хазина.

ҚЎРЧИ (т.) - 1. Ўрта асрларда Ўрта Осиё ва айрим Шарқ давлатларида туркий қабилаларнинг эътиборли ҳамда ишончли кишиларидан тузилган алоҳида сарой гвардияси; ҳукмдор ёки амалдорнинг шахсий қўриқчиси; 2. Темурийлар давлатида экинзорларни қўрикловчи шахслар. Уларнинг бошлиғи “қўрчибоши” деб аталган. Қўрчиларнинг курол-яроглари сақланадиган жой “қўрхона” дейилган.

ҚЎРФОН (т.) - 1. Душман ҳужумидан сакланиш учун узок муддатли истехкомлар, деворлар билан мустаҳкамланган жой, шаҳар, қалъя ва шу қабилар; 2. Дала жойда, ва умуман, шаҳардан ташкарида атрофи девор билан ўралган ҳовли-жой ва унинг ичидаги бинолар.

ҚЎРФОНБЕГИ (т.) - қалъани, қўргонни ҳимоя қилувчи сокчиларнинг бошлиғи.

ҚЎСҚИ (т.) - эскирган, жулдур кийим.

ҚЎШ (т.) - бир-бирига бириккан икки нарса, жуфт.

ҚЎШИН (т.) - куролли кучлар бирлашмаси.

ҚЎШНАЙ (т.) - бириктирилган икки найли, сурнай каби оғизга олиб пуфлаб чалинадиган мусика асбоби.

ҚЎШНАЙЧИ(т.) - қўшнай чалувчи созандা.

ҚЎШНИ (т.) - яшаш жойи ёнма-ён кишилар бир-бирларига нисбатан.

ҚҮШОВОЗ (т.) - икки овоз билан ижро этиш учун ёзилган мусика асари хамда шундай асарни ижро этиш; дуэт.

ҚҮШОМИЛ (?) - милтиқ.

ҚҮШ ОШИ (т.) - XIX асрда Бухорда эрта баҳорда ҳар бир ер эгаси томонидан, иш бошлиш олдидан далага чиқиш муноса-бати билан ўз даласида уюштириладиган меҳмондорчилик, зиёфат маросими. Одатда, қўш ошига қовок шўрва ёки палов қилинган.

ҚҮШ ПУЛИ (т.) - Бухоро амирлигида XX аср бошларида ҳар бир жуфт иш ҳайвони хисобидан олинадиган солиқ тури.

ҚҮШХОНА (т.) - 1. Вактинчалик турар жой. Бойлар хизмата бўлган қароллар, мардикорлар ва бошқалар учун қилинган жой. Чўпонларнинг ёзги ва қишки қўшхоналари бўлган; 2. Сафарда юрган савдогарлар ва бошқа йўловчилар истикомат қиласидаги жой, ёткoxона; 3. Хозир тўйларда узоқдан келган меҳмонлар учун тунагани бериладиган жой ҳам қўшхона дейилади.

ҚҮШЧИ (т.) - бир жуфт мол эгаси бўлиб, эрта баҳордан кеч кузга қадар хосилнинг тўртдан бир қисми хисобига бадавлат ер эгаси хўжалигида ишловчи одам.

ҚҮШЧИ (тар.) - ўзбек ҳалқи таркибиға кирган қабилалардан бири. Қўшчи қабилалари XIV-XV асрлар давомида Даشتி Қипчоқда яшаб, кўчманчи чорвачилик билан шуғулланганлар. XVI аср-да қўшчилар бошқа кўчманчи ўзбек қабилалари ва уруғлари билан бир каторда Мовароуннаҳрга келиб жойлашганлар. XVI-XVII асрлар давомида қўшчилар ўтроклашиб, кейинчалик ўзбек ҳалқи таркибиға сингиб кетган.

ҚҮШ ҲЎКИЗ (т.) - Ўрта Осиё ҳудудларида бир мавсум давомида бир жуфт ҳўқиз билан ишлаш, яъни ер ҳайдаш мумкин бўлган ўлчов хисоб. Бухорода ушбу ўлчов бирлиги 50 танобга teng бўлган.

ҚЎҚОН АРАВА (т.) - иккита катта ғилдиракли арава.

ҚЎҒИРМОЧ (т.) - қозонда ковурилган бугдой.

F

ҒАДДОР (ар.) - 1. Сотқин, хоин, золим; 2. Хиёнаткор, маккор, фирибгар.

ҒАЖАРЧИ (т.) - йўл бошловчи, йўлчи, етакчи.

ҒАЖИР (т.) - ўлимтиклар билан овқатланадиган бургутга ўхшаш каби катта йирткич куш.

ҒАЗАБА (тар.) - қадимий тарихий-маданий вилоят. Ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Дорбанд кишлоги ва Темир дарвоза худудлари ҳамда Кашқадарё вилоятининг Ёртепа ва Ғузор худудларини ўз ичига олган. Илк бор Александр Македонский Наутакада кишлагандан сўнг (эр.ав. 328й.) ҳарбий юриши муносабати билан тилга олинган.

ҒАЗАВОТ (ар.) - дин учун кураш. Исломда ғайридинларга карши мусулмонларнинг муқаддаслаштирилган уруши.

ҒАЗАЛ (ар.) - биринчи байтининг ҳар икки мисраси, қолган байтларнинг охирги мисраси қофиядош бўлиб келадиган ҳажми чекланган лирик шеър.

ҒАЗАЛНАВИС (ар.+ф.-т.) - газал ёзувчи.

ҒАЗНА (т.) - ҳазина.

ҒАЗНАЧИ (т.) - ҳазиначи.

ҒАЗНАВИЙЛАР (тар.) - X-XII асрларда Ўрта Шарқда мавжуд бўлган феодал давлатнинг ва уни бошкарган сулоланинг номи. Ғазнавийлар давлатида туркий сулола хукмронлик килган. Асосчиси - сомонийлар лашкарбошиси Алптакин. У 962 йили қўл остидаги гуломларга таяниб, Ғазна вилоятида ўз хокимиятини ўрнатди. Сулола хукмдорлари: Алптакин (962 й.), Сабуктакин (977-997 й.), Исмоил (997-998 й.), Махмуд Ғазнавий (998-1030 й.), Мухаммад (1030 й.), Маъсуд I (1030 –1041 й.), Мавдид (1041-1048 й.), Маъсуд II (1049 й.), Али Абулхасан (1049-1051 й.), Абдурашид (1051-1099 й.), Маъсуд III (1099 -1115 й.), Шерзод (1115-1116 й.), Арслон (1116-1117 й.), Баҳромшоҳ (1117-1153й.). Ҳусравшоҳ (1153-116 й.), Ҳусрав Малик (1160-1186/87 й.).

ҒАЗОЛ (ар.) - кийиклар оиласига мансуб чиройли, жуда чопкир хайвон, ғизол; оху.

ҒАЛАДОН (ар.+ф.-т.) - 1. Омборда ғалла сақлаш учун атрофи ўралган жой; 2. Стол, жавон ва шу кабиларнинг нарса солиб кўйиладиган тортмаси.

ҒАЛАЁН (ф.-т.) - норозилик билдирилиб кўтарилиган исён.

ҒАЛВИР (т.) - дон эланадиган сийрак тўрли катта элак.

ҒАЛВИРАК (т.) - 1. Кўп жойидан тешилган, тешик-тешик, илма-тешик; 2. Пўчоги юпқа, чақиши осон, бўш (бодом, ёнгок ҳақида).

ҒАЛВИРХОНА (т.+ф.-т.) - факир, заиф ва етимлар овқа-ти учун хайру эҳсон йўли билан тўпланган озиқ-овқат омбори.

ҒАЛВИРЧИ (т.) - ғалвир киладиган киши, ғалвир ясайдиган уста.

ҒАЛТАКАРАВА (ф.-т.+ар.) - 1. Бир ғилдиракли қўл аравача; 2. Уч ёки тўрт ғилдиракли, кўпинча шифохоналарда беморларни кўчириш учун ишлатиладиган аравача.

ҒАЛТАКМОЛА (ф.-т.) - судралгандага юмалаб шудгорни текислайдиган, мола ўрнида ишлатиладиган ёғоч, ғўла.

ҒАЛЧА (сўғд) - этник атама. Мовароуннаҳр аҳолиси Самарқанд ва Бухородан шарқий, шимоли-шарқий ва жануби-шарқий томондаги тоғли худуд (вилоят)ларда яшовчи аҳолини ғалча, гарча-тоғлик деб аташган.

ҒАММОЗ (ар.) - кимсадан айб топишга уринувчи, ғаламис, жосус.

ҒАРАМ (т.) - бирор жойга тўплаб, уйиб кўйилган пичан, беда, пахта ва шу кабилар.

ҒАРИБУДДИЁР (ар.+ф.-т.) - бошқа ёқдан келган; мусофир; факир.

ҒАРЧИСТОН (сўғд) - Ўрта аср мусулмон муаллифлари Ўрта Осиёning тоғли ўлкаларини шундай аташган.

ҒАФС (ар.) - 1. Ёрдам, мадад; 2. Ориф ва тариқат муршидининг мақом ва мартабаси.

ФАССОЛ (ар.) - мархумни юувучи.

ФИРВОШ (ф.-т.) - кийим охорлаш асбоби.

ФИШАВА (ар.) - қайсаrlик ёки инжиклик билан қилинадиган жанжал, хархаша.

ФИШАВАЧИ (ар.) - фишава қилувчи, қайсаrlик билан арзир-арзимас нарсага жанжал қилувчи.

ФОЗИЙ (ар.) - Ислом дини учун ғайридинларга қарши мұқаддас уруш - ғазавот иштирокчиси. Шариатта күра, бундай урушда оти ва қурол-яроғи бор ҳар бир мусулмон әркак қатнашиши шарт бўлган. Камбағаллар, қуллар, ногирон ва кекса кишилар бундан озод этилган.

ФОЛИЯ (ар.) - қош ва сочга суртиш учун мушк, анбардан тайёрланган хушбўй қора модда.

ФОРАТ (ар.) - талон-торож, вайронлик, бузгунлик.

ФОРАТЧИ (ар.) - талон-торож қилувчи, таловчи.

ФОФИЛ (ар.) - ғафлатда колган, хеч нарсадан бехабар.

ФОШИЯ (ар.) - эгар устига ташланадиган ёпқич.

ФУЛ I (м.-т.) - ўрта асрларда турк-мўғул қўшинининг марказида ва томонлари олдида турувчи маҳсус ҳарбий қисм. Марказда турувчи фул - катта фул, томонлардагиси эса – кичик фул деб аталган. Ҳарбий юриш вақтида хировул олдига ҳам фул кўйилган. Катта фулга хоннинг ўзи ёки ишбилармон амирлардан бири кўмондонлик қилган.

ФУЛ II (ар.) - айбдорнинг бўйин, оёқларига кийгизиб кўйиладиган жазолаш асбоби; кишан.

ФУЛОМЛАР (ар.+ф-т.) - 1. Ўрта асрларда мусулмон мамлакатларидағи қуллар; 2. Аббосийлар халифалитида халифа Маъмун хукмронлиги даврида (813-833 йй.) чет эллардан сотиб олинган ёш қуллардан тузилган отлик аскарлар гвардияси; 3. Ўрта асрларда бошқа мусулмон давлатларида ҳам сарой гвардияси аскарлари гуломлар деб аталган.

ФУНЧАЧИ (?) - подшо ёки хонга гўзал қизларни танлаб, харамга келтириб берувчи аёл.

ҒҮРРА (ар.) - пешана ёки бошда ҳосил бўладиган қаттиқ шиши.

ҒҮРУБ (ар.) - қўёшнинг ботиш пайти, кун ботиши.

ҒЎЛАК (ф.-т.) - 1. Найчадан пуфлаб отиш учун лойдан ясалган кичкина сокка; 2. Учига темир соққа бойланган таёк, чўкмор.

ҒЎНОН (?) - икки яшар айгир ёки қўчкор.

X

ҲАБЛ (ар.) - арқон, васиқаларда узунлик ўлчови маъносида келиб танобнинг 1/60 (олтмишдан бир)ни англаради.

ҲАВОЗА (ф.-т.) - 1. Курилиш ишлари учун девор ёнига ёғоч ёки металлдан қават-қават қилиб ишланган мувакқат қурилма; 2. Устига чиқиб атрофни кузатиб туриш мақсадида тепаликка сепоя ёки чорпоя шаклида, аксар ёғочдан ўрнатилган қурилма; 3. Токни ердан юқорига кўтариб қўйиш учун ишланган қурилма.

ҲАВОН (ар.) - синч девор устунларини тик тутиб туриш учун устунларнинг тепа қисмидан қиярок тираб, михлаб қўйиладиган ёғоч, тирагич.

ҲАДАФ (ар.) - бирор нарса отиш ёки зарб бериш учун мўлжалга олинган нарса, нишон.

ҲАДАНГ (?) - ок қайнинг ўхшаган қаттиқ дараҳт. Ундан ўрга асрларда аравалар ва ўқлар ясалган.

ҲАДИС (ар.) - Ислом дини таълимоти бўйича Қуръондан кейин турадиган иккинчи муқаддас манба бўлиб, Мухаммад Пайгамбарнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек, унинг диний ва ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олади. Мухаммад Пайгамбар бирор гап айтган ёки бирор ишни килиб кўрсатган бўлса, ёхуд бошқаларнинг ўзларига қилаётган бирор ишини кўриб, уни ман этмаган бўлса, шу ҳолатнинг ҳар бири суннат ҳисобланади. Ана шу хатти-харакатлар ёки кўрсатмалар ҳакидаги ривоят ҳадис деб юритилади. Ҳадисларда ислом дини ахкомлари, яъни фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, ҳалол, ҳаром, макрух, ахлоқ одобга доир кўрсатмалар

хам талқин этилади. **IX-X** асрларда диндорлар орасида обрўли деб танилган Ҳадиснинг олтита тўплами вужудга келган. Булардан, айникеа, иккитаси – “Саҳихи Бухорий” ва “Саҳихи Муслим” кўпроқ эъзозланади. Ҳадисларни йигувчи, шархловчи, таргивчи шахслар мухаддис деб аталган. Ислом оламида таникли мухаддислардан Исмоил ал-Бухорий, имом ат-Термизийлар ва тандошимиз бўлишган.

ҲАДИСИ САҲИХ (ар.) - тўғри хадис.

ҲАДЯ (ар.) - тақдим этилган нарса; совга, тортиқ, тухфа.

ҲАЁН (?) - савдодан келган фойда, наф.

ҲАЖ (ар.) - Исломнинг беш асосий руқнларидан бири. Ҳаж-қурбон ойида исломда муқаддас шаҳар хисобланган Маккага бориши, у срдаги муқаддас жойларни зиёрат қилиш, турли диний урф-одат ва маросимларни бажариш хамда қурбонлик қилишдан иборат. Амалда Мадинага бориб Мұхаммад Пайғамбарнинг қабрини зиёрат қилиш хам ҳаж қилишга қўшиб бажарилган. Ҳаж барча мусулмонлар учун эмас, балки ҳаж қилиш имкониятига эга бўлганлар учун мажбурий хисобланган. Ҳаж килмокчи бўлган шахснинг ўзи сафарга чиқиш имкониятидан маҳрум бўлса, барча харажатларни тўлагани холда, ўрнига бошқа кишини юбориши мумкин бўлган. Ҳажга бориб келгандарнинг исмига “ҳожи” сўзи қўшиб айтилган ва улар мусулмонлар орасида алоҳида обрў-эътиборга эга бўлган.

ҲАЖИҚИЗ (?) - эркакларча иш тутмайдиган, қўрқоқ.

ҲАЖР (ар.) - яқин ёки севимли кишидан айрилик, жудолик, фирок.

ҲАЗОРА (ар.) - Бухоро хонлигига сугориладиган ердан олган даромади хисобига минг кишидан иборат лашкарни ўз қарамогида ушлаб туриб, уни таъминлаб турадиган туман.

ҲАЗРAT (ар.) - 1. Оллоҳ, пайғамбар каби муқаддас зотларни улуглаш учун уларнинг исми олдидан қўлланилади. 2. Подшоҳ, хон, беск каби олий даражали мансабдорларни улуглаш учун “жаноб олийлари” маъносига ишлатилади. 3. Фан, санъатда шуҳрат қозонган буюк кишиларни улуглаш учун, ва умуман, хурматни ифодалаш учун таҳаллус ёки номларга қўшиб ишлатилади.

ҲАЙДАР (ар.) - икки чаккадан қўйилган кокил.

ҲАЙИТ (ар.) - мусулмонларнинг диний байрами. Исломда иккита ҳайит расман эътироф этилган. Катта – Курбон ҳайити ва кичик – Рўза ҳайити. Курбон ҳайити ҳаж маросими ва курбонлик қилиш билан, рўза ҳайити эса рамазон ойи ниҳоясида оғиз очишлиқ билан боғлиқ диний мазмунга эга.

ҲАЙИТЛИК (ар.) - кимсага ҳайит муносабати билан қилинадиган совға.

ҲАКИМ (ар.) - 1. Ўткир табиб; 2. Донишманд, файласуф.

ҲАККОК (ар.) - қимматли тошларни ўйиб, тарошлаб, пардоз берувчи уста.

ҲАЛ (ар.) - тилла, кумуш ёки бронза кукунидан ясалган бўёқ.

ҲАЛИМ (ар.) - 1. Сувга бутдой ёрмаси ва гўшт солиб, узок (хил-хил бўлиб кетгунча) қайнатиб пишириладиган қуюқ овқат; 2. Кишига қаттиқ ботмайдиган, мулоим, ювош.

ҲАЛОЛА (ар.) - 1. Эрига хиёнат қилмайдиган, ҳалол хотин; 2. Никоҳлаб олинган, қонуний хотин.

ҲАЛХОЛ (?) - зийнат, оёққа тақиладиган олтин ёки кумуш ҳалқа; узук

ҲАМАЛ (ар.) - 1. қамарий йил бўйича март-апрель ойларининг номи; 2. Фалакдаги 12 буржлардан бири.

ҲАМД (ар.) - Худо шаънига айтиладиган мақтов.

ҲАМДУНА (ф.-т.) - маймун.

ҲАММОЛ (ар.) - 1. Ўзгаларнинг юкини ташиб беришни ўзига қасб қилиб олган киши; 2. Бухоро амирлигида ўз елкасида одамлар юкини кўтариб, хизмат қилиб тирикчилик қилувчи шахс.

ҲАМРОЗ (ф.-т.) - юракдаги гапларни, сирларни айтиб, ҳасратлашса, маслаҳатлашса бўладиган киши, энг яқин улфат, меҳрибон дўст.

ҲАНАФИЯ (ар.) - сўфийликдаги диний хуқуқ мазҳабларидан бири. Абу Ҳанифа ан-Нуъмон асос солган. Ирокда вужудга келиб, ислом тарқалган барча мамлакатларда, шу жумладан, Ҳурросон ва Мовароуннахрда ҳам кенг тарқалган.

ҲАНБАЛИЙЛАР(ар.) - Исломнинг суннийлик йўналиши-

да нисбатан энг кам ёйилган диний ҳуқук мазҳаби тарафдорлари. Үнга ибн Ҳанбал асос соглан. Ҳанбалийлар шариат мазҳаблари орасида энг мутаассиб мазҳаб хисобланади. Үнинг қонунлари нисбатан қаттиклиги ва консервативлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам ҳанбалийлар мазҳаби кенг тарқалмаган. XVIII асрда пайдо бўлган ваҳҳобийлар ҳанбалийлар мазҳаби тарафдорлари бўлиб чиққанлар.

ҲАНДАСА (ар.) - геометрия.

ҲАННОТ (ар.) - дон олиб сотувчи савдогар, жаллоб.

ҲАРАМ (ар.) - 1. Муқаддас деб ажратиб қўйилган, кириш таъқиқланган жой. *Масалан*, Маккадаги Мухаммад Пайғамбарнинг мақбараси; 2. Мусулмон аҳлида, жумладан, Туркистон ўлкасида XX аср бошларига қадар ҳовлининг аёллар учун ажратилган қисми, ичкари ҳовли.

ҲАРБ (ар.) - уруш, жанг.

ҲАРБА (ар.) - найза, килич каби жанг қуроллари.

ҲАРГИЗ (ф.-т.) - асло, сира, ҳеч.

ҲАРИС (ар.) - бир нарсага ҳирс қўйган; ишқивоз, жуда орзуманд.

ҲАРИФ (ар.) - 1. Шерик, улфат; 2. Бирор кимсага зид ҳаракат қилувчи, қарши қурашувчи, олишувчи, рақиб.

ҲАРИФОНА (ар.+ф.-т.) - *қар*. ҳалфана.

ҲАРОЗЧИ ТЕВА (т.) - тегирмонга қўшиладиган тева.

ҲАРУМОН (?) - Мисрда тошдан курилган қадимий икки гумбазли баланд бино.

ҲАСАБ (ар.) - меҳнат билан ортирилган шуҳрат, обрў, шараб. Шунингдек, шуҳрату обрў ва шарафга наслу насаб йўли билан ҳам эришиш мумкин бўлган.

ҲАСИП (т.) - қўйнинг тозаланган ичагига қийма гўшти ва гуруч тикиб, сувда қайнатиб пиширилган таом.

ҲАССА (ар.) - қўлда тутиб ерга тираб, таяниб юриш учун силлиқ қилиб ишланган узун таёқ; асо.

ҲАССАКАШ (ар.ф.-т.) - 1. Аза ёки тўйда эшик олдида туриб келувчиларни кутиб олувчи ва қузатиб қолувчи кини; 2. Тобутни қабрга элтишда олдинда ҳасса тутиб борувчи киши.

ҲАССОС (ар.) - нарса-вокса моҳиятини тез ва тўгри хис этувчи, зехни ўтқир, сезгир.

ҲАФТА (ф.-т.) - етти кундан иборат вакт ўлчов бирлиги. Ҳафта деярли ҳамма календарь ва барча ҳалқларда қадимги даврлардан бери мавжуд. Етти кунлик ҳафта дастлаб қадимги Шарқда кўлланган.

ҲАФТИЯК (ф.-т.) - эски мактабда дарслик вазифасини ўтаган биринчи қўлланма. Болалар араб алифбосини ўзлаштирганларидан сўнг ўргатилган. Унда Куръондан олинган айрим кичик суралар жамланган. 13-14 сурани ўз ичига олган. Ҳафтияк 1-2 йил давомида ўқитилган. Ҳафтиякдан сўнг Куръонни ўқитишга ўтилган.

ҲАФТОН (ф.-т.) - совутнинг ичидан киядиган маҳсус камзул.

ҲАФТЖЎШ(ф.-т.) - етти хил маъдан: тилла, кумуш, темир, кўргошин, мис, рух ва қалайи эритмасидан ҳосил бўлган маҳсус пишик маъдан - биринж (бронза).

ҲАШАР (ар.) - ихтиёрий ёрдам тури. Ўтмишда ҳашар кўпинча ариқ қазиш, йирикрок бино, йўл ва кўприклар қуриш каби ишларда кенг қўлланилган. Аёллар гилам тўкиш, бичиш-тикиш каби ишларда ҳашар килишган. Ҳашар кўпинча бир кун, айрим вактларда эса икки кун, ариқ қазиш, иморат қуриш ва шу каби ишларда бир неча кун давом этган.

ҲАШАРБОШИ (ф.-т.+т.) - ҳашарда қатнашганларга бошлиқ килувчи.

ҲАШТАК-ПАШТАК (ф.-т.) - ўрикнинг данагини олиб ташлаб, орасига магиз солиб қуритилган қоқиси.

ҲАШТИЯК (ф.-т.) - вафот этган кишидан қолган мероснинг саккиздан бири (буни шариат қонунига мувоғик, мархумнинг хотини олар эди).

ҲАҚИ ОЛЛОҲ (ф.-т.) - XIX асрда Бухорода хирмон кўтариш тантанаси охирида катта бир галвир дон олиб қўйилган ва у

оллох ҳақи дейилган. У кишилекнинг энг камбагал оиласига берилиган.

ХАҚИК (АҚИК) (ар.) - қизил, кирмизи рангли қиммат-баҳо тош.

ХАҚОБА (ар.ф.-т.) - сув ҳақи.

ХАҚРАХА (ф.-т.) - қўшнининг ери, ховли-жойидан ажратиб олинган йўл.

ХАБС (ар.) - озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ.

ХАБСХОНА (ар.ф.-т.) - қамаб қўйиладиган жой, қамоқхона.

ХИДОЯ (ар.) - суннийликнинг ҳанафийлар мазҳабида кенг тарқалган шариат кўлланмаси. “Хидоя” номи билан маълум бўлган биринчи кўлланмани Абулҳасан ал-Қудурий ёзган. Лекин Бурхониддин Маргиноний ёзган “Хидоя” машҳур бўлиб, ҳанафийлар мазҳаби тарқалган мамлакатларда, жумладан, XX аср бошларига қадар Ўрта Осиё, Шимолий Кавказ ва Волгабўйи мусулмонлари орасида асосий кўлланма сифатида танилган. Хидоя тўрт жилдан иборат. Унда шариат масалаларида муаллифнинг фикр ва хуносалари билан бирга, ҳанафийлар мазҳабининг барча имомлари, шунингдек бошқа мазҳаб вакилларининг мулоҳазалари ҳам баён этилган. Исломнинг асосий маросим талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари, хусусан, тахорат, намоз, закот, рўза, хаж, қурбонлик ва ўз кабилар, шунингдек оила масалалари билан бөлглилар бўлган нормалар батағсил ёритилган. Уларни бажариш билан бөлглилар бўлган ҳуқуқий нормалар ва жазо чоралари белгилантган.

ХИЖОБ (ар.) - юзга тутиладиган парда, тўсик.

ХИЖРАТ (ар.) - Мухаммад Пайгамбар ва унинг тарафдорларининг Маккадан Мадинага кўчиши. Ўз диний таргиботини Маккада бошлаган Мухаммад Пайгамбар уммавийларнинг унга нисбатан душманлигининг кучайиши ва вазиятнинг оғирлашиши сабабли 622 йил 16 июлда Мадинага кўчишга мажбур бўлди. 638 йили халифа Умар буйруги билан мусулмонлар ўртасида Хижрат йили, яъни 622 йил мұхаррам ойидан мусулмон йил ҳисобининг боши деб эълон қилинди.

ХИЖРИЙ ЙИЛ ХИСОБИ (ар.) - мусулмонлар йил ҳисоби. Мухаммад Пайгамбарнинг Маккадан Мадинага кўчиши билан

боглиқ. Ҳижрий йил қамария (хижрий-қамарий йил) ва шамсия (хижрий-шамсий йил)га бўлинади. Қамария бўйича йил хисоби 622 йилнинг 16 июлидан бошланган бўлиб, 12 ойдан иборат, бир қамарий йил 354 кунга тент. Қамарий йилда 1, 3, 5, 7, 9 ва 11-ойлар 30 кундан, колтаглари 29 кундан бутун қилиб олинган. Ойлар тартиби билан мухаррам, сафар, рабиул, аввал, рабиул охири, жумодил аввал, жумодил охири, раЖаб, шаърон, рамазон, шавваз, зулқада ва зулхижжа деб аталади. Қамарий йил тропик йилдан, яъни ҳозирги григорий кален-даридан 10-12 кун қисқа. Шамсия бўйича йил хисоби 622 йилнинг баҳорги тенгкунлик куни, яъни 21 марта бошлаб хисобланади. Кейинги йил бошлари эса 20-21 ёки 22 марта тўғри келади. Давомийлиги жиҳатдан григорий календаридаги каби 365 ёки 366 кундан иборат. Шамсия бўйича ойларнинг номлари хут, ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сумбула, мезон, ақраб, қавс, жадди ва далв бўлиб, бу ойлар доимо йилнинг бир вақтларида келади. Ўрта Осиёда олдин қамарий хисоби ҳам, шамсия хисоби ҳам ишлатилиб келинган.

ХИЖРОН (ар.) - айрилиқ, жудолик.

ХИЛВА (?) - 1. Жуссаси ингичкадан келган, келишган; 2. Ялпиз.

ХИЛОЛ (ар.) - янги чиқкан ой, уч кунлик ой.

ХИРОВУЛ (м.-т.) - қўшиннинг олд томони.

ХИСОР (ар.) - қўргон, қальба.

ХОВЛИ ПУЛИ (?) - XIX асрда Хива ҳонлигига мавжуд бўлган солик тури. У тутун пули деб ҳам аталган.

ХОВОНЧА (т.) - уриб янчиш, туйиш учун ишлатиладиган ёғоч ёки металдан ясалган маҳсус идиш; кслича.

ҲОЖИ (ар.) - Ҳажга борган, исломда энг муқаддас хисобланган Каъбани зиёрат қилган шахснинг фахрий унвони. Ислом анъанасида ҳажга бориб келган одамларнинг номига ҳожи сўзини қўшиб айтиш одат бўлган. Ўзи бормасдан бошқа бирорвга ҳақ тўлаб, сиртдан ҳаж қилган одам ҳам ҳожи хисобланган.

ҲОЖИБ (ар.) - Хива ва Қўқон ҳонликларида дарвозабон ҳожиб деб аталган. Бухоро амирлигига эса дарвозабон дарбон деб юритилган.

ХОЖИБ УЛБОБ (ар.+ф.-т.) - Салжуқийлар саройи эшик-огаси.

ХОЖИБИ БУЗУРГ (ар.+ф.-т.) (улуг хожиб) - XI-XIV асрларда Мовароуннахрда мавжуд бўлган амаллардан. Хожиби бузург Салжуқийлар даврида ноҳияларга ҳоким этиб тайинланиши мумкин бўлган.

ХОЖИДЎППИ (ар.+ф.-т.) - хаждан қайтганлар совга тариқасида олиб келган, асосан, Туркияда одат бўлган, қизил рангли, ичи чуқур, попукли бош кийими.

ХОЖИХОНА(ар.+ф.-т.) - хаж йўлидаги шаҳарларда хожи-лар кўниб дам оладиган маҳсус жой, меҳмонхона.

ХОКИМ (ар.) - ўзбек хонликларида вилоят бошлиги. Ҳоким хоннинг вилоятдаги ноиби ҳисобланган.

ХОЛВА (ар.) - ун, шакар ва ёғдан, баъзан кунжут, магиз кўшиб тайёрланган ширинлик, қандолат.

ХОЛВАЙТАР(ар.+ф.-т.) - дод қилинган ёққа ун солиб сал қизаргунча ковуриб, устидан шакар эритилган сув қўиб тайёрланадиган ширин таом.

ХОЛВАФУРУШ (ар.+ф.-т.) - холва сотувчи; ҳолвачи.

ХОЛВАЧИ (ар.) - 1. Ҳолва тайёрловчи уста, ҳолвагар, ҳолва-паз; 2. Ҳолва сотувчи.

ХОТАМТОЙ (ар.) - сахий, саховатли, олижаноб (Той шахрида яшаб ўтган Хотам номли афсонавий арабнинг исмидан).

ХОФИЗ (ар.) - 1. Ўткир зехнли, Қуръонни ёддан, кироат билан ўқийдиган киши; 2. Истебодли қўшиқчи ҳам ҳофиз деб аталган.

ХОФИЗА (ар.) - инсоннинг бирор фикр, тушунча ёки хоти-рани мияда сақлаш қобилияти.

ХОШИЯ (ар.) - 1. Китоб ёки дафтарнинг четидаги хат ёзил-май очик қолдирилган қисми; 2. Араб тили грамматикасидан мадраса талабалари учун тузилган кўлланма (лексик ва грамматик хусусиятларга доир изоҳлар мажмуи).

ХУВАЙДО (ф.-т.) - аник кўриниб турадиган; аник, рав-шан.

ХУДАЙЧИ (ф.-т.) - қарудайчи. Ўрта Осиёда хон ёки амир саройида мавжуд бўлган мансаб. Икки даражага бўлинган: “Худойчий дasti рост” (ўнг қўл худойчи) ва “Худойчий даст чап” (чап қўл худойчи). Ўнг қўл худайчининг ҳақ-хукуки чап қўл худайчинидан бир оз кенгроқ бўлган. Улар олий хукмдорнинг ўнг ва чап ёнида туриб, саройда ўtkазиладиган турли маросим ва тантаналарни бошқарган. Ҳар икки худайчи бошқа амалдорлардан фарқ килиш учун кизил ҳасса (асо) тутган.

ХУДУД (ар.) - чегара, ҳад.

ХУЖРА (ар.) - 1. Киши яшайдиган кичкина хона; 2. Мадраса, қориҳона ва масжидда шогирдлар, домуллалар яшаши учун ажратилган кичик хоналар.

ХУКАМО (ар.) - 1. Ҳакимлар, табиблар; 2. Донишмандлар, файласуфлар.

ХУКМ (ар.) - суд ташкилотлари чиқарадиган хужжат.

ХУКМДОР (ар.ф.-т.) - бирор ҳудуд ёки мамлакатнинг хукуки чекланмаган ҳокими; хон, подшо.

ХУКМОМА (ар.+ф.-т.) - талабгорнинг фойдасига хукм чиқарилганлиги учун олинадиган йигим.

ХУЛЛА (ар.) - нозик ва нафис матодан тикилган кийим.

ХУМО (ф.-т.) - кимнинг бошига қўнса ёки сояси тушса, у киши энг баҳти бўлади, деб эътиқод қилинган афсонавий күш.

ХУМОЮН (ф.-т.) - “Буюк подшоларга хос”, “олий даражадаги”, “энг муқаддас” каби маъноларни билдиради.

ХУРРИЯТ (ар.) - сиёсий ва иқтисодий зулмдан халос бўлганлик; эркинлик, озодлик.

ХУРРИЯТЧИ (ар.) - инсонни ҳар қандай зулмдан халос килиш учун, озодлик учун курашувчи.

ХУТ (ар.) - 1. Ўн икки буржнинг бири, Даъва ва Ҳамал буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида ўн иккинчи ойнинг арабча номи (22 февраль-21 март даврига тўғри келади).

ХУҚҚА (ар.) - қимматли тошларни сақлайдиган дум-думалоқ қутича. Шунингдек, ўрта асрларда мева солинадиган ғасталик идиш ҳам шундай аталган.

СҮНГГИ СҮЗ

Биз ниҳоятда қадимий тарихга, бой маънавиятга, оламшумул аҳамиятга эга бўлган халқмиз. Шу билан бирга, биз, улкан тарих ва улкан цивилизация яратган буюк аждодларимизнинг ҳақиқий ворисларимиз.

Аждодларимизнинг умумжаҳон таракқиётига қўшган ҳиссаси жаҳондаги барча маданиятли ва маърифатли халқлар томонидан тан олинниб, ҳозирги кунга қадар эътироф этиб келинмоқда.

Бугунги кунда, яъни Ўзбекистон мустақиллик байроғини ба-ланд кўтариб шиддат билан янги жамият қураётган бир шароитда халқимиз тарихига, маданиятига, уларнинг бой меросига мурожаат этишимиз, бизга келажаги буюк бўлган давлатни барпо қилиш, Ватанимизни кўз корачигимиздай асраб-авайлашимиз учун доимо янгидан - янги куч қувват багишлайди...

Зеро, маънавияти баркамол халқнинг келажаги буюқдир.

Муаллиф.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
А.....	5
Б.....	26
В.....	49
Г.....	55
Д.....	60
Е.....	77
Ё.....	79
Ж.....	83
З.....	94
И.....	100
Й.....	111
К.....	113
Л.....	126
М.....	131
Н.....	164
О.....	172
П.....	181
Р.....	187
С.....	192
Т.....	214
Ү.....	232
Ф.....	237
Х.....	242
Ч.....	252
Ш.....	263
Э.....	272
Ю.....	276
Я.....	278
Ӧ.....	280
Қ.....	283
Ғ.....	302
Ҳ.....	305
Сүнгги сўз.....	314

3. ЧОРИЕВ
ТАРИХ АТАМАЛАРИНИНГ
ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ
Тўлдирилган иккинчи нашри

“Академия” пансиёти
Тошкент, 2002 й

*Муҳаррир Г. Абдуллаева
Мусаҳҳих Т. Соатова
Рассом Р. Султонов
Техник муҳаррир. компьютерчи Л. Фахрутдинова.
Нашр учун масъул Д. Кобулова*

Теришига берилди 03.04.2002 й. Босишга рухсат этилди
19.12.2002 й. Бичими 84x108 1/32. Офсет босма. Шартли босма
табоги 15.0. Нашриёт хисоб табоги 14.0 Алади 2000. Баҳоси
шартнома асосида. Буюртма № 148

«Akadem-Xizmat» босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кӯчаси, 45.